

Қ. ЙЎЛДОШЕВ, В. ҚОДИРОВ, С. ХОЛТЎРАЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ



7

**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ**



**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ТУУСУ**



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Текстин авторлору:
Ж. Садыков менен Ш. Кулуев.

Музыкасынын авторлору:
Н. Давлесов, К. Молдобасанов.

Ак мөңгүлүү аска-тоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бийик сактап урпактарга берели.

Кайырма.



Қ. Йўлдошев, В. Қодиров, С. Холтўраев

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг
7-синфи учун дарслик-мажмуа

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек – 2012

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз. я721
Й 99

Масъул муҳаррир: ЎшДУ доценти С. Махсумхонов

Йўлдошев Қ. ва бош.

Й 99 Ўзбек адабиёти: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-мажмуа / Қ. Йўлдошев, В. Қодиров, С. Холтўраев. - Б.: 2012 - 308 б., ил.

ISBN 978-9967-439-93-1

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун "Дарсликлар яратиш маркази" томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни "Марказ" маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,
Г. Айтиев кўчаси, 27-уй.

Й 4306020400-12

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз. я 721

ISBN 978-9967-439-93-1

© Қ. Йўлдошев, В. Қодиров, С. Холтўраев, 2012.
© Дарсликлар яратиш маркази, 2012.
© Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги, 2012.

Илоҳий китобларда айтилишича, СЎЗ дунёдаги барча нарсаларнинг асосидир. Ривоят қиладиларки, Тангри ўзининг қудрати ва гўзаллигига кўзгу бўладиган яратиқ барпо этишни истади-ю, кунларнинг бирида: «Ярал!» (арабчаси «Кун!»)-деган сўзни айтади. Яратган амрининг ифодаси бўлмиш ана шу биргина СЎЗнинг кучи билан ўн саккиз минг олам ва ундаги жамики нарсалар дунёга келди. Демак, сўз олам ва ундаги нарсалардан олдин пайдо бўлган экан. Сўзнинг чексиз қудратини шундан ҳам билса бўлади. Ҳар қандай инсон ҳаётида жуда катта аҳамият касб этадиган бадий адабиёт ана шундай қудратга эга сўз билан иш кўрадиган санъат туридир. Шунинг учун ҳам бадий адабиёт – сўз санъати деб юритилади.

Бадий адабиёт санъатнинг мураккаб ва серқирра туридир. Инсондаги исмсиз туйғулар, нозик кечинмалар, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл билан ушлаб, тил билан тотиниб, бурун билан ҳидлаб бўлмайдиган руҳий ҳолат жилваларини фақат сўз ёрдамида ифода этиш мумкин. Бадий адабиёт санъатнинг бошқа турларидан асосий иш қуроли ҳам, асосий материали ҳам СЎЗ эканлиги билан ажралиб туради.

Санъатнинг адабиётдан бошқа ҳар қандай тури инсон ҳаёти ёки ҳиссиётининг фақат биргина ҳолатини ифода эта олади. Бадий адабиёт эса тасвирланаётган нарса ёки кимсанинг ҳозирги ҳолатини қанчалик ишонарли акс эттирса, унинг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам шунчалик таъсирчан ва жонли тасвирлай олади. Сиз театр, кино, телевидениеда ҳам шундай имкониятлар бор-ку, дейишингиз мумкин. Унутмангки, ҳар қандай спектакль, кино ёки телефильмларнинг асосида ҳам бадий сўз туради.

Бадий адабиётда акс эттирилган ҳаёт серқирралигидан ташқари, ўқиган кишига қаттиқ таъсир ҳам кўрсата олади. Ўзингизга жуда ёққан бадий асарни ўқиган ҳолатингизни бир эслаб кўринг. Асарда тасвирланган образларнинг ҳам, бу қаҳрамонлар кечирган туйғуларнинг ҳам сизга тўғридан-тўғри даҳли йўқлигини яхши биласиз. Асардаги воқеалар ҳозир рўй бермаётганлиги, бунинг устига, уларнинг сизга сира алоқаси йўқлигини ҳам кўриб турибсиз. Лекин сиз асардан бош кўтара олмайсиз. Асар қаҳрамонлари сизга ҳеч қачан бўлмайдиган да-

улар билан гўё тақдирдошдай бўлиб қоласиз. Уларнинг туйғулари, кечинмалари ўзингизникига айланиб кетади. Китоб қаҳрамонларига қўшилиб қувонасиз ёки куюнасиз. Баъзан ҳатто йиғлайсиз. Нега шундай? Санъатнинг бошқа турлари ҳам одамга шу хилда таъсир қилганлигини кўриш мумкин. Санъат асарлари таъсирчанлигига сабаб нима экан?

Мана, сиз еттинчи йилдирки бир қанча ўқув предметлари билан танишмоқдасиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам сизга чексиз оламнинг бирор тармоғидаги ҳодисалар ҳақида илмий маълумотлар беришга интилади. Бу ўқув фанлари сизнинг ақлингизни ўстиришга, тафаккурингизни янги-янги ахборотлар билан бойитишга, шу тариқа сизни замоннинг талабларига жавоб бера оладиган, ҳаётнинг синовларига чидайдиган қилиб тайёрлашга хизмат этади. Сиз ўрганган ўқув предметлари ёрдамида дунёнинг сирлари ҳақида билимга эга бўласиз. Бадий асарлар ҳам сизнинг ақлингизни ўстиришга хизмат қилади. Лекин улар ақлингиздан ҳам кўра кўпроқ ҳиссиётингизга, туйғуларингизга таъсир қилади. Бадий асар юрагингизни безовта қилади. Сизни лоқайдликдан халос этади. Ўзгаларнинг туйғуларига шерик бўлишга одатлантиради. Китоб варақлари ичида яшаётган қаҳрамонларнинг ҳолатига бефарқ бўлмайдиган одам атрофидаги тирик кишиларнинг қувончу-ғамларига лоқайд қараб тура олмайди. Нима учун бадий асарлардаги қаҳрамонларнинг туйғулари, кечинмалари бизга ўтади, «юқади»? Бирор қизиқарли бадий асарни ўқиган китобхон: «Ҳа, ҳаётда шунақаси ҳам бўлар экан-да»,— деб қўя қолмайди. У қайсидир қаҳрамонни яхши кўриб қолади ва унга ўхшагиси келади. Бошқа бир қаҳрамонни эса ёмон кўриб қолади ҳамда унга ўхшамасликка интилади. Асар таъсирида бир муддат ўйга чўмади.

Сиз бултур ўрганган „Материк ва океанлар табий географияси“, бу йил ўқийдиган „Қирғизистон табий географияси“ сингари дарсликларда кеча ва кундуз, унинг энг гўзал ҳамда сўлим фурсати бўлмиш тонг тўғрисида, она Ерни нурлари билан турли томондан ёритувчи Қуёш ҳақида анча маълумот берилади. Қуёш бўлмаса, ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмаслиги ҳам айтилади. Бу маълумотлар сизнинг билимларингизни кўпайтиришга таъсир қилади. Улар туфайли кеча, кундуз, тонг ва ҳоказолар борасида олдин билмаган нарсалардан хабардор бўласиз. Айни вақтда, Сизда тонг пайти жуда гўзал бўлиши ҳақи-

да тушунча ҳам пайдо қилинади. Лекин бу тушунча ва ахборотлар тафаккурингизни ўстирса ҳам ҳиссиёт ва туйғуларингизга деярли таъсир қилмайди. Энди шоир Рауф Парфининг „Тонг отмоқда...“ деб номланган шеърдан бир парчани ўқиб кўрайлик:

Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш – замбарак.
Бошларида яшил чамбарак.
Яраланган Ер шари ётар,

Шоир тонг отиши қандай содир бўлишини батафсил тасвирлаб, нима учун шундай бўлганлигини тушутириб бераётгани йўқ, балки мавжуд ҳаётнинг ҳолатининг бадий манзарасини яратмоқда. Бу манзарада табиатшунослик ёхуд география илмидаги ахборотларда бўлмаган бир нарса бор: у ҳам бўлса, шоирнинг туйғулари, кечинмалари! Шоир тонг отиш жараёнини жуда гўзал тасвир этади. Ўқувчини ҳам тонгнинг чиндан-да чиройли отишига ишонтиради. Қуёшнинг замбарак бўлиб, „ўқлар (нурлар)“ отиши, ўша нурлардан Ернинг яраланиши ва бу яраланиш туфайли ўлим эмас, балки бошида „яшил чамбарак“, яъни ҳаёт пайдо бўлиши жуда ҳам ўзига хос, таъсирчан ифодаланган. Айни дамда, шеърда маълум даражада илмий ахборот ҳам йўқ эмас. У ўқувчига табиат ҳодисалари тўғрисида қандайдир маълумотлар ҳам беради.

Чор Россияси томонидан босиб олинган ота юртимиз Туркистоннинг озодлиги йўлида курашган кишиларни большевиклар қандай шафқатсизлик билан қирганлиги, ўлка нечоғлик оёқости этилганлиги тўғрисида тарихчи олим шундай ёзади: „Бутун Туркистон ўлкасида 1918 йилдан 1930 йилларгача давом этган миллий озодлик кураши жараёнида ҳалок бўлганларнинг сонини ҳеч ким билмайди. Тахминий ҳисоб-китоб қилишларича, фақат Туркистон ўлкасида ҳалок бўлганлар сони 800000 дан ортиқ. ...Кўплаб оилалар ўз уй-жойларини ташлаб, ...бошқа ўлкаларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Ўнлаб қишлоқлар бўшаб, қузғунлар ўлкасига айланган, далаларни ўт-ўлан босиб, экин экилмай қолган“¹.

¹ Юракдаги Бухоро (тўплам) – Т. «Шарқ», 1998. 55-бет.

Худди шу ҳодиса кўплаб туркистонлик ватанпарвар адиблар томонидан турли жанрлардаги асарларда зўр қайғу-алам билан акс эттирилган. Чўлпоннинг „Бузилган ўлкага“ шеърдан олинган қуйидаги парчага қулоқ тутаёлик:

Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилғон,
Устларида на пода бор, на йилқи
Подачилар қайси дорга осилғон?
От кишнаши, қўй маъраши ўрнига
Оҳ, йиғи. Бу нега?

Чўлпоннинг шеъри ҳам большевиклар қирғини, шўро мустамлакачилари томонидан ўлкамизнинг вайронага, ўлик-хонага айлантирилгани ҳақида. Лекин бунда биронта рақам, биронта исм, насаб, ном келтирилмайди. Вайрон қилинган шаҳарлар, эгасиз қишлоқлар саналмайди. Шундай бўлса ҳам ўқувчининг қалбида босқинчига нафрат уйғонади, у миллатимиз бошига кўп балолар келтирган ёвузлардан ғазабланади, ўтмишга бепарво қарамайдиган бўлади. Аслида тарихчи олим ҳам рақамларни лоқайдлик билан келтирган эмас. Унинг ҳам қалбида нафрат туғён урганлиги аён. Лекин илмда олим ҳолис бўлиши шарт. Ҳолис тасвир ўқувчининг онгига таъсир кўрсатса ҳам, туйғуларини жунбушга келтирадиган даражада безовта қилмайди. Чўлпоннинг шеъри эса айна туйғуларга таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. У шеърхоннинг ҳиссий дунёсини безовта қилади. Чунки шоирнинг ўзи туйғулар гирдобиди. У ҳолис эмас. Негаки, ёмон кўрмай туриб, ёмон кўрсатиб бўлмайди. Яхши кўрмасдан эса, муҳаббат уйғотишнинг имкони йўқ. Демак, олим илмий тадқиқотда ҳолис бўлишга, туйғуларини мумкин қадар жиловлашга, кечинмаларини билдирмасликка уриниши шарт бўлса, шоир ўз ҳиссиётини яширмайди, уни имкон қадар ўқувчига „юқтиради“. Шунинг учун ҳам бадий асар таъсирчан бўлади. Унинг мусиқий оҳанги, сўзларнинг ажиб бир маҳорат билан ишлатилиши натижасида пайдо бўлган сеҳрли ҳолат ўқувчини ўзига жалб этади. Айтилганлардан хулоса қилиш мумкин-ки, инсон илмий адабиёт орқали дунёни ақл билан таниса, бадий адабиёт орқали оламни ақл ва кўнгил билан танийди. Шу маънода адабиётни ҳаётнинг инъикоси дейиш мумкин. Аммо унинг суратга туширилган айна нусхаси эмас.

Бадий адабиётнинг илдан туб фарқи шундаки, у маънавий ҳақиқатларни акс эттиради, фан эса илмий ҳақиқатларни ифода этади. Илмий ҳақиқатнинг ҳақиқатлигини исботлаш орқали, маънавий ҳақиқатни эса ҳис қилиш, туюш йўли билан англаш мумкин. Маънавий ҳақиқатлар инсон мавжудлигининг мақсадини белгилаб беради, илмий ҳақиқатлар ана шу мақсадга эришишга хизмат қиладиган воситаларни топиб беради. Бу ҳолат кўрсатадики, инсон фаолиятида маънавият бирламчи аҳамиятга эга, аммо илмсиз уни шакллантириш мумкин эмас. Чунки маънавиятсиз фан бўлмаганидек, илмсиз маънавият ҳам йўқдир.

Бадий асарларнинг бизларда туйғу, ҳиссиёт уйғотиши сабаби шундаки, ҳар қандай бадий асар, аввало, кечинманинг, ҳиссиётнинг, муносабатнинг маҳсули. Адабиётдан бўлак ўқув фанларида ҳиссиёт бўртиб, кўзга ташланиб турмайди. Адабиётда эса, тўлиғича туйғулар билан иш кўрилади. Ҳамиша таъсирлар оғушида, муносабатлар ва кечинмалар қуршовида бўлинади. Чунки ёзувчилар ўз кечинма ва ҳиссиётларини китобхонлардан бекитмайди, аксинча, юқтиришга интилади. Мана шунинг учун ҳам бадий асарларнинг қаҳрамонлари худди тирик одамлардай, гўё яқин кишиларимиздай бизларни безовта қилади, ўйлантиради.

Шоир ёки ёзувчи асар ёзар экан ҳеч қачон холис турмайди. Чунки ижод жараёнининг ўзи холислик, бетарафлик ҳолатининг бузилиши, мувозанатнинг йўқолиши оқибатидир. Шунинг учун ҳам ижодкор ҳамиша туйғулар оғушида бўлади. Чинакам ижод намуналари ижодкорларнинг ҳиссиётлари ифодасидир. Адиблар доимо ниманидир ёқлашади ёки инкор қилишади. Ёзувчининг туйғулари нечоғлиқ кучли, нигоҳи ўткир, дардлари салмоқли, тили бийрон бўлса, ўқувчи унинг асарларига шунчалик қаттиқ берилади. Бунинг устига, бадий асарларнинг ўзига хос мусиқийлиги, оҳангдорлиги, сўзларнинг ажиб бир маҳорат ила ишлатилиши туфайли пайдо бўлган ҳолат, ижодкорнинг дунёни тасвирлашдаги ўзига хослиги китобхонни ром этади.

Баъзилар бадий асарларнинг таъсирчанлигига сабаб сифатида уларда қизиқарли воқеаларнинг тасвирланганлигини кўрсатади. Ҳолбуки, воқеаларнинг қизиқарли бўлишининг ўзи ҳали асарнинг бадийлигини тўла таъминлай олмайди. Ахир ҳар бир одамнинг бошидан қанчадан-қанча қизиқ воқеалар, саргузаштлар ўтган. Лекин улар қоғозга туширилса, бадий асар бўлиб қолавермайди-ку? Кўринадики, бадий адабиётни илмий

адабиётдан фарқлаб турадиган нарса унинг қизиқ воқеалар тасвирига бағишланганида эмас экан. Эътибор қилган бўлсангиз сиз шу вақтга қадар ўқиган, ёдлаган кўпгина шеърларда умуман ҳеч қандай воқеа тасвирланмайди ҳам. Лекин улар сизга таъсир кўрсата олган.

Билиш керакки, бадий адабиётнинг асосий белгиси ва унинг одамга чуқур таъсир этиши бонси образли эканидир. Агар шундай бўлса, бадий образ ўзи нима деган савол туғилиши мумкин. Юқорида айтилган мулоҳазаларга асосланадиган бўлсак, қисқагина қилиб *ижодкорнинг фикр, туйғу, ҳиссиёт ва кечинмалари сингдирилган манзара тасвири бадий образ*дир. Демак, адабиётга яратувчининг ҳис, туйғу ва сезимлари ҳам аралашгани учун бошқаларга таъсир қилади. Бирор жойда бирор киши билан бўлган бирор воқеа шунчаки айтиб берилса, у жўнгина ахборот бўлиши мумкин, лекин адабиёт бўлолмайди.

Бадий образга берилган таърифдан ҳам кўриниб турибдики, иждокор яратган асари орқали фикр айтиш билангина кифояланмай, ўз туйғу ва ҳиссиётини ҳам акс эттиради. Бунга тўлароқ эришиш учун тасвири эътиборни тортадиган оҳангга бўйсундиришга, кишига таъсир қиладиган қизиқарли шаклга солишга уринади. Оддий ахборот бериш ёки айтиб қўя қолиш билан образлиликка эришиш мумкин эмас.

Сўзнинг тимсолий (образли)лигини таъминлаш учун тилнинг оддий одамлар назаридан яширин имкониятларидан фойдалана билиш лозим. Чунончи, инсон ҳаёти ҳам дарахт умрига ўхшайди: аввал нозик кўчат бўлади, кейин барқ уриб кўкаради, сўнг қийғос гулга киради, бир пайт барглари тўкилади ва вақти келиб қуриб қолади йўсинидаги фикр шоир томонидан:

Умр деганлари ўтмакда шошқин,
Тилла баргларини элаб йўлимга

тарзида ифодаланади. Умрнинг ўткинчилиги ҳақида биз аввал билдирган фикрлар тўғри бўлса-да, фавқулодда ўзига хослик йўқ. Шу бонс улар эса қолмайди, эшитувчига кучли таъсир кўрсатмайди. Шеърини парчада эса, ёрқин, ўзига хос образли ифодалар борки, булар асарнинг таъсирчанлигини таъминлаган.

Бадий адабиёт санъатнинг ниҳоятда қадимий туридир. Инсоният пайдо бўлгандан буён бадий асарлар яратилиб

келинмоқда деб, бемалол айтиш мумкин. Ривоят қилишларича, дунёдаги биринчи шеърни ҳазрати Одамота ўғли Ҳобилнинг ўлдирилиши муносабати билан тўқиган экан.

Инсоннинг ҳаётига ёзув кириб келгунга ва кенг ёйилгунга қадар бадий асарлар **оғзаки** тарзда яратилган ва истеъдодли кишилар туфайли оғиздан-оғизга ўтиб келган. Ёзув пайдо бўлгач ва саводли кишилар бирмунча кўпайгач эса, бадий асарлар турли нарсаларга **ёзила** бошлаган ва бу билан инсониятнинг йўқолмас мулкига айланган. Қай тарзда яратилганлиги ва кишилик хотирасида қайси шаклда сақланиб қолганлигига кўра бадий адабиётни икки турга ажратишади: **оғзаки** ва **ёзма** адабиёт. Оғзаки адабиётнинг қадимийлиги, ёзма адабиётнинг эса ундан кейинроқ пайдо бўлганлиги аниқ. Негаки, сиз ёзувнинг оғзаки нутққа қараганда ниҳоятда кейин пайдо бўлганини биласиз. Оғзаки адабиёт ёки халқ оғзаки ижоди намуналарининг дастлаб ким томонидан яратилганлиги маълум бўлмайди. Бу хилдаги асарлар аждодлардан-авлодларга оғиздан-оғизга ўтиб етиб келади. Бадий адабиёт ифода хусусиятига кўра **лирик**, **эпик** ва **драматик** сингари турларга бўлинади. Ҳар бир адабий тур эса, ўз навбатида муайян **жанр**лардан ташкил топади. Бу ҳақда сиз, азиз ўқувчи, ўқув йили давомида билиб бораверасиз.

Одамда кўнгил бўлганлиги учун ҳам у ҳаминша гўзалликка интилиб яшайди. Мутафаккирларнинг: «Дунёни гўзаллик қутқаради»,– деган гапи, аслида, оламни покиза кўнгил сақлаб қолиши мумкин деганидир. Шунинг учун ҳам санъат одамлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Чунки унинг ёрдамида инсон кўнгли эзгулик ва гўзалликка ошно бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Сўзнинг моҳиятини англаш ва тушунтиришга уриниб кўринг.
2. Бадий адабиётнинг сўз санъати дейилиши сабабини тушутиринг.
3. Бадий адабиёт санъатининг бошқа турларига қараганда серқирра ва ифода имконияти кенглиги сабабини изоҳланг.
4. Бадий ва илмий адабиётлар ўртасидаги асосий фарқни кўрсатинг.
5. Бадий образ тушунчасига таъриф беринг.
6. Адабий асарнинг китобхон гуйуларига таъсир этиш сабаби нимада?
7. Оғзаки ва ёзма адабиётга хос белгиларни кўрсатинг.
8. Борлиқ бадий адабиётда санъатнинг бошқа турларига қараганда тўлақонлироқ аке эттирилиши сабабини изоҳланг.
9. Тест топшириқларини бажаринг.

1. **Бадний асарларнинг таъсирчанлиги сабаби тўғри изоҳланган жавобни белгиланг.**

- А. Бадний асарларда ҳаёт илмий жиҳатдан тўғри ёритилади.
- Б. Бадний асар ҳаёт ҳодисалари натижасида юзага келган кечинма, ҳиссиёт ва муносабатлар маҳсули.
- С. Уларда ижодкорнинг шахсий мулоҳазалари акс этади.
- Д. Бадний адабиётда қизиқарли воқеалар тасвирланади.
- Э. Бадний адабиёт бошқа фанлар билан алоқадорликда ривожланади.

2. **Бадний адабиётнинг асосий қуроли нима?**

- А. Китоб Б. Сўз С. Оҳанг Д. Муаллиф Э. Маъно

3. **Санъатнинг асосий турлари кўрсатилган қаторни белгиланг.**

- А. Мусиқа, тасвирий санъат, кино, бадний адабиёт, театр
- Б. Бадний адабиёт, драма, комедия, фожиа, лирика
- С. Ҳайкалтарошлик, илм-фан, кино, мусиқа, сатира
- Д. Мусиқа, лоф, кино, рақс, қўшиқчилик, аския
- Э. Театр, фожиа, аския, кино, тасвирий санъат

4. **Тушунтириш" ва "тасвирлаш" сўзларига берилган тўғри изоҳни белгиланг.**

- А. Тушунтириш фанга ҳам, адабиётга ҳам хос
- Б. Тасвирлаш фанга ҳам, адабиётга ҳам хос
- С. Фан тасвирлайди, адабиёт тушунтиради
- Д. Фан "нима бўлганини" тушунтиради, адабиёт "қандай бўлганини" тасвирлайди
- Э. Фан "қандай бўлганини", адабиёт "нима бўлганини" тушунтиради

5. **Адабиёт – ҳаётнинг инъикоси. Ушбу фикрни мантиқан тўғри давом эттирган жумлани белгиланг.**

- А. Шунинг учун ҳам унда ҳамма нарса борича акс этади.
- Б. Унда ҳаётдаги воқеалар айнан кўрсатиб берилади.
- С. Аммо унинг суратга туширилган айна нусхаси эмас.
- Д. Фақат унда ҳаётдаги ижобий ҳодисалар тасвирланади.
- Э. Бироқ у ҳаётдагидан кўра мураккаброқдир.

ШАВКАТ РАҲМОН

(1950 – 1996)

XX аср ўзбек шеърятининг ўзига хос вакили, улкан миллатсевар шоир Шавкат Раҳмон 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш шаҳрида туғилган. Шоирнинг отаси Раҳмонберди асли Шаҳрихон туманидаги Сарой қишлоғидан бўлиб, тақдирнинг тақозоси билан Ўш шаҳрига келиб, муқим туриб қолганди. Онаси Офтобхон ҳам шаҳрихонлик эди. Шавкат Раҳмоннинг отаси ҳам, онаси ҳам савдо ишлари билан шуғулланишарди. Улар эрта кўкламдан то кеч кузга қадар Помир тоғи этакларидаги Саримўғул яйловларида мол-қўй боқадиган чорвадорларни керакли товарлар билан таъминлаганлар. Ота-она узоқ тоғ яйловларида ҳафталаб қолиб кетишар, уйдаги барча юмушлар тирншқоқ ва ҳаёлчан Шавкатнинг эзмасида бўларди.



Болаликдан тиниб-тинчимас, бақувват ва ғайратли Шавкат ҳар жиҳатдан мустақил бўлишга интиларди. Ўн уч ёшида таътил чоғи гишт завоидига ишга киради. Гишт қуйишни ўрганиб олгач, келаси йили ҳовлидаги пастқам эски деворларни бузиб, ўрнига олдида очиқ айвони бўлган икки хонали уй қуради. Орадан ўн йиллар ўтиб, айни шу уйга аёли – Манзура келин бўлиб тушади. Шунингдек, Шавкат ҳовлидаги томорқага турли-туман кўчатлар экишни ёқтирарди.

1966 йилда Шавкат ўрта мактабни битиради. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига кетма-кет икки йил ҳужжат топширади. Лекин танловдан ўтолмайди. Ўзбекистон пойтахтида ўқиш орзусига эриша олмаган Шавкат Ўш вилояти газетасида ҳарф терувчи, сўнг мусахҳиҳ бўлиб ишлайди. Бу газетادا ўша пайтлари анча танилиб қолган шоир, дилкаш ва самимий инсон Турсунбой Адавбоев ишларди. Шавкат Раҳмон у билан танишиб қолади ва битганларини кўрсатади. Тортинчоқ, қайсар, индамас бу истеъдодли йигитчанинг шеърлари шу тариқа вилоят газетаси саҳифаларида бирин-кетин босила бошлайди.

Шундай кунларнинг бирида матбуотда Москвадаги Адабиёт институтига ижодий ташлов эълон қилинади. Тошкентдаги университетга киролмай, ўз ёнига ўзи қоврилиб юрган, шеърятга доир барча китобларни ўқишга интиладиган Шавкат дўстлари ёрдамида шеърларини рус тилига ўзи қоралама таржима қилиб, танловга жўнатиб юборади. Орадан маълум вақт ўтгач: «Сиз ижодий ташловдан ўтдингиз, тезда Москвага етиб келинг»,- деган мазмунда телеграмма олади. Бегона шаҳарга бориб, кириш имтиҳонларини ҳам яхши топширган Шавкат Адабиёт институти талабаси бўлади. У ерда тенгдошлари Ҳалима Худойбердиева, Мурод Муҳаммад Дўст, Собит Мадалиев каби ўзбек адабиётининг бўлажак машҳур адиблари билан ёнма-ён сабоқ олади.

1975 йилда Москвадаги таҳсилни тамомлаган Шавкат Раҳмон Тошкентга келади. У бир қатор нашриётларда муҳаррирлик қилади. Деярли ҳаминша қизғин

ижод билан машғул бўлган талабчан шоир шу йилларда «Раинги даҳзалар» (1978), «Юрак қирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1984), «Гулдаётган тош» (1985), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Хулво» (1987) сингари шеърини китобларни чоп эттирди.

Дунё шеъриятидаги энг янги ва ижобий жиҳатларини миллий шеъриятимизга киритиш йулида изланган Ш. Раҳмон 1979 йилда атоқли испан шоири Федерико Гарсиа Лорка шеърларидан иборат китобни рус тилидан ўзбекчага ағдариб, „Сайланма“ номи билан чоп эттирди. Оташпафас шоир шеъриятига ошиқ бўлиб қолган Шавкат Раҳмон атай испан тилини ўргангани, 1986 йилда Испанияда ижодий сафарда бўлиб, Лорка шеърларини бевосита испанчадан ўзбекчага ўгиради. 1989 йилда Лорканинг „Энг қайғули шодлик“ шеърини китоби шу тариқа ўзбек тилида нашр этилади. 1996 йилда шоирга „Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими“ унвони берилди.

Шоир Шавкат Раҳмон нафақат ўз шеърига, балки таржималарига ҳам ғоят улкан масъулият билан ёндашар, ҳар қандай бадий асарнинг қуруқ гап ёки чиройли замзама эмас, балки чинакам ЖАСОРАТ эканига ишонарди. Унинг эътиқоди буйича асл қаламкаш «жасорат сўзининг таржимони» бўлиши керак!

Наҳот, шеърлар айтдим
бўшлиққа қараб,
наҳотки, соврилди олов сўзларим,
наҳотки, ҳақ бўлса, элу юрт асли
қуруқ сўзлар деган гумроҳ дўстларим?

Шавкат Раҳмон ўз кайфиятларининггина тасвир этиш билан кифояланганидан шоирлар сирасидан эмасли. У ҳаминша миллат дардини, халқининг армонларини ифодалашга интиларди. Чунки у ўз тақдирини, ҳаётини миллатининг ҳаёти ва тақдиридан айри тасаввур этмасди. У ҳар бир миллатдошининг кўнгил мулкига кириб боришни орзу қилиб, шу йўлда тинимсиз дард чекиб яшаган шоир эди. «Бир кўшиқ бўламан дарёдай юракнинг энг чуқур ерида»,- дея орзу қилган шоир ҳаминша чин, асл ва самимий туйғуларини беқиёс бадий кенгликда ўта куюнчаклик билан куйлади:

Зулфиқор руҳ керак,
керак чин ёғду,
чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин,
жисминини тобласин фақат чин оғрик,
чечаклар қоп-қора бўлса-да, бўлсин.

Шавкат Раҳмон қисқа умр кечирди. У 1996 йилининг 2 октябрида узоқ давом этган оғир касалликдан вафот этди. У Тошкент шаҳридаги Яланғоч қабристонига дафи этилган. Вафотидан сўнг шоирнинг „Сайланма“си (1997) нашр қилинди.

Уш шаҳрида шоир туғилган маҳалла кўчасига Шавкат Раҳмон номи берилган. Сиз оташини миллатпарвар шоирнинг ғоят ўзига ҳос ва ўтли шеърларидан айримлари билан танишасиз.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоирнинг ўсмирлик давридаги ҳаётига доир маълумотларга эътибор беринг. Унда чинакам шахсга доир қандай хусусиятлар бўй кўрсатганигини сездингиз?

2. Шавкат Раҳмон шеъриятидаги етакчи сифат нима эканлигини аниқлашга уриниб кўринг.

ТУРКИЙЛАР

Қиличин ташлади беклар ниҳоят,
босилди тулпорлар,
тиғлар сурони,
урҳога ўрганган тилларда оят,
туркийлар таниди комил Худони.
Қиличлар занглади...
фалокат ҳушёр,
Туркийлар қувватин берди ерларга.
Ҳийлагар дўстлардай яқинлашди ёв
комиллик қидирган жасур эрларга.
Илвасин¹ йигитлар,
бобур² йигитлар,
саждага бош қўйди ёвга терс қараб,
ғулларни кемириб йиғлади итлар,
буюк бошни кесди қилич ярақлаб.
Туркда бош қолмади...
қолмади довлар,
хотин-халаж қолди мотам кўтариб.
«бизга тик қарама», – буюрди ёвлар,
ёвларга терс қараб яшади бари.
Таланди самовий тулпор уюри,
таланди зарлари,
зебу забари,
«терс қараб ўлинг», – деб ёвлар буюрди.
ёвларга терс қараб жон берди бари.
Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб,
қолмади арабий,
туркий хатлари,
«Туғингиз, – деди ёв, – тесқари қараб»,
ёвларга терс қараб туғилди бари.
Туғилди,
туғилди,
туғилди қуллар,

¹ Илвасин – қарчингайсимон йиртқич қуш;

² Бобур – йўлбарс.

қирқида қирқилган – имдодга муҳтож,
ёвларга терс қараб итлардай ҳурар,
бир-бирига душман,
бир-биридан кож¹.

Жўмардлар қирилган Туронзаминда
дўзахий тажриба палласин кўрдим:
эшшак суврати бор қай бир қавмда,
қай бирида тўнғиз калласин кўрдим.
Бу ҳолда буваклар бўғилиб ўлар,
қул Билол эзилиб йиғлар фалакда...
Ўзларин ёндирар борлиқдан тўйган
Бадахшон лаълидай асл малаклар.
Мўминлар беш бора Аллоҳни эслар
саждага бош қўйиб жаллод тошига.
Ўгрилиб сал ортга қарайин деса,
бошига урарлар,
фақат бошига.
Борми эр йигитлар,
борми эр қизлар,
борми гул бағрингда жўмард нолалар,
борми бул туфроқда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар.
Бор бўлса,
аларга етқариб қўйинг,
бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
шаҳидлар ўлмайди,
бир қараб туйинг:
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!

¹ Ушбу ёқ тўнғизликлар.

1. Шеърнинг биринчи беш қаторида илтари сурилаётган фикр ва инфодаланган руҳий ҳолатни илғаб олишга урининг.

¹ Кож – тескари, ўжар, қайсар.

2. Аслида бир мисрага жо бўладиган:

„Қиличлар занглади...“

фалокат ҳушёр, туркийлар қувватин берди ерларга“ сўзларининг шеърда уч қаторга бўлиб берилиши сабабини тушунтиринг. Ҳар бир қаторда ифодаланган фикрнинг иккинчисига қандай алоқаси борлигини аниқланг.

4. Бутун тарихи мобайнида жанговарлиги, ёвқурлиги билан ном қозонган туркийларнинг асл фазилатларидан маҳрум бўлганлиги ифодаланган *„Илвасин йигитлар, бобур йигитлар, саждага бош қўйди ёвга терс қараб“* сатрларининг маъносини чақишга урининг. Сажда билан эрека интилиш ўртасида зиддият бор, деб ўйлайсизми? Шеърнинг бадий маъносини илғашга ҳаракат қилинг.

5. Шеърда: *„Туркда бош қолмади...“* тарзидаги ҳукм ифодаланган ўринларга муносабатингизни билдиринг. Шоир нега шундай хулоса чиқаряпти деб ўйлайсиз? Шундай тўхтамга келган лирик қаҳрамон ҳолатини ифодалашга урининг.

6. Лирик қаҳрамон юрагини ўртаган армон: *„...бизга тик қарама“, – буюрди ёвлар, ёвларга терс қараб яшадим бари*“ ёки *„терс қараб ўлинг“, – деб ёвлар буюрди, ёвларга терс қараб жон берди бари* ёхуд *„туғингиз, – деди ёв, – тескари қараб“, ёвларга терс қараб туғилди бари*“ сатрларида қай тарзда акс эттирилгани ҳақида тўхталинг. Итоаткорлик фазилатдан иллатга айланганлиги сабабини халқимиз тақдирини мисолида изоҳлашга урининг.

7. Шеърдан ёвга тик қарай олмайдиган қавмдан тарқалган авлодга хос иллатлар аячли жиҳатлари билан кўрсатилган сатрларни тошинг ва уларнинг замиридаги дардини ифодалашга урининг.

8. „Туркийлар“ шеърдаги: *Туғилди, туғилди, туғилди қулар*“ сатрларида оқибат бутун даҳшати билан ифодаланган. Шу оқибатнинг сабаби ҳақида мулоҳаза юритинг.

9. Шеърдаги: *„...ёвларга терс қараб итлардай ҳурар, бир-бирига душман, бир-бирдан кож“* сатрлари қатидаги алаҳисиз алам сабабини аниқлашга тиришинг ва шоирнинг шу ўриндаги ҳолати ҳақида ўйланг.

10. Неча замонлар бутун оламга эгалик қилган туркийлар устидан тажриба ўтказилаётганлиги ҳақидаги: *„Жўмардлар қирилган Туронзаминда дўзахий тажриба палласин кўрдим: эшшак сувратя бор қай бир қавмда, қай бирида тўғиз калласин кўрдим“* сатрларида ифодаланаётган руҳий ҳолат ва миллий қисмат ҳақида сўзланг.

11. *„Бу ҳолдан бувақлар бўғилиб ўлар“* мисрасини қандай изоҳлайсиз?

12. Қул Билоннинг кимлигини биласизми? Барча мўминларни Аллоҳ номи билан нажотга чорлайдиган шахснинг фалакда „эзилиб йиғлаши“ сабабини аниқлатинг.

13. Шеърдаги: *«...бошига урарлар, фақат бошига»* тарзидаги таъкид ифодаланган мисраларнинг маъносини чақинг.

14. Лирик қаҳрамоннинг: *„Борми эр йигитлар, борми эр қизлар“* шаклидаги мурожаати Сизга мантисизликдай туюлмаётми? „Эр қиз“ тарзидаги бирикман қўллашнинг айни ҳолатдаги ва тил қондалари нуқтаи назаридан ўринли ёки ўринсиз эканлиги ҳақида муносабат билдиринг.

15. Шеърдаги: *„...борми бул туфроқда ўзлинг излаб, осмону фалакка етган болалар“* сатрларидаги қаршидантиришга эътибор қилинг. Туфроқда

ўзлигини излаган болаларнинг осмону фалакка етиши борасидаги фикрда мантиқ бузилгани йўқми?

16. „Бор бўлса, аларга етқариб қўйинг“ тарзидаги ифодага эътибор қилинг. «Уларга» эмас „аларга“, «етказиб» эмас „етқариб“ тарзида ёзилганлиги сабаби ҳақида мулоҳаза юритинг.

17. Шеърнинг: „*бир бошга бир ўлим демаган эрмас*“ мисраси замиридаги мазмун ва туйғу қўламига эътибор қилинг. Мазкур қаноатни шарҳланг.

18. „Туркийлар“да „...шаҳидлар ўлмайди“ деган таъкид бор. Буни шеър матнига таяниб асослашга интилинг.

19. „*Ёвга терс қараган мусулмон эмас*“ ҳукмининг асл маъноси ҳақида ўқитувчингиз билан фикрлашинг. Шоирнинг шу шаклдаги қатъий фикри қандай тарихий-исломий асосларга эга эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлинг.

20. Шеърнинг шаклига эътибор қилинг. Унинг тузилиш жиҳатидан сиз шу вақтга қадар ўқиган шеърларга ўхшайдиган ва ўхшамайдиган томонларини топинг.

21. Шеърни ёд олинг.

ТУНГИ МАНЗАРА

Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир.
Ингроқларга тўлиб кетган тун –
ғамгин қўшиқ айтади кимдир.

Отим ўлган, қиличим синган,
мажақланган совут, қалқоним,
ким ташлади мени бу чоҳга,
қайда қолди ёруғ осмоним!

Қаердаман, қайга борарман,
қора зиндон нақадар чуқур,
фақат тоқнинг буржидаги ой –
туйнукчадан тушар хира нур.

Барча азоб камлик қилгандай
сой сайрамас, бақалар жимдир,
гўё мазах қилгандай гоҳ-гоҳ
ёпиб турар туйнукни кимдир...

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи бандидаги ҳар бир сўзнинг ўз ва кўчма маъносини топишга уришиб кўринг.

2. Шеърдаги: „...*ингроқларга тўлиб кетган тун*“ сатрининг ҳаётий асоси ва ботиний маъносини англашга урининг.

3. Шеърнинг иккинчи ва учинчи бандларини қайта ўқинг. Шударга асосланиб лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

4. Асардаги: *.....ким ташлади мени бу чоҳга*,- деган саволга жавоб беришга урининг. Лирик қаҳрамон қандай чоҳга ташланган деб ўйлайсиз?

5. Шеърдаги: *.....қора эиндон нақадар чуқур*" ифодасидаги *„қора эиндон“* нимани англатади деб ўйлайсиз?

6. Ойнинг туйнукчага ўхшатилиши сабаби ҳақида ўйлаб кўринг.

7. Шеърдаги: *.....сой сайрамас*" ифодасини тушунтиришга урининг. Бу ташбих сизга қандай таъсир қилди?

8. Сўнгги: *„гўё мазах қилгандай гоҳ-гоҳ, ёпиб турар туйнукин кимдир“* байти замиридаги бадий ва ҳаётий маънони топишга ҳаракат қилинг.

9. Шеърда ифодаланган кайфиятнинг илдизи ҳақида ўйлаб кўринг.

10. Шеърни ёд олинг.

ТОНГ ОЧАР КЎЗЛАРИН...

Тонг очар кўзларин эриниб,
севинчдан йиғлайди қиёқлар,
чечаклар жилмаяр севиниб,
шамолда чўмилар гиёҳлар.

Ўйноқи шуълалар – болалар
жимгина тарқалар сайхонга,
ўргимчак тўқийди толалар,
хонқизи боради меҳмонга.

Қурбақа варақлар баёзини,
гулдан бол сўради арилар,
чигиртка қайрайди овозин,
парвозда ниначи – парилар.

Чумоли, меҳнаткаш чумоли,
куйинма, атрофга бир қара –
майсалар, оҳ, қандай ҳимоли¹,
дунёни қилма кўп масхара.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи мисрасини ҳаётий ва бадий маънолик нуқтаи назаридан изоҳланг. Шеърни ёд олинг.

2. *.....севинчдан йиғлайди қиёқлар*" шаклидаги ифодани шарҳланг.

3. *.....чечаклар жилмаяр севиниб*" сатри орқали ифодаланган табиий жараён ва руҳий ҳолат ҳақида сўзланг.

4. *„Ўйноқи шуълалар – болалар“* тарзидаги ифодани тушунтиринг.

5. *.....ўргимчак тўқийди толалар, хонқизи боради меҳмонга*" мисралари замиридаги ҳаётий мазмун ва поэтик ифода ҳақида мулоҳаза юритинг.

6. *„чигиртка қайрайди овозин“* сатрида тасвирланган ҳолатни тушунтиринг. Ифоданинг ҳаётийлиги ҳақида фикр юритинг.

7. Лирик қаҳрамоннинг чумолига қарата: *.....дунёни қилма кўп масхара*,- дея қилган илтижоси маъносини тушунтиришга урининг.

8. Фақат меҳнат қилишинигина билиб, дунё ва унинг гўзаллигига бефарқ кишиларни тўлақонли шахслар дейиш мумкинми? Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

¹ Ҳимоли – жалб этувчи, чиройли.



ОЙ СИНИФИ

Ой синифи тўла сувлоққа шаршарадай қуйилар ёллар. Бу ёлларни силар меҳрибон шабадалар – маъюс аёллар.

Кўк ёлларин сувга ботириб не замонки сув ичар отлар. Атрофдаги кўм-кўк адирлар – ўтовларда ботирлар ётар...

Бироқ тунда ўт-майсаларга тўкиладир кимнинг ёшлари? Нега сувдан бечора отлар кўтаролмас оғир бошларин?

Нима бўлган уларга ахир ё сеҳрлаб қўйганми сувлоқ? Нега жимлик босган воҳада беғам ухлар ботирлар узоқ?

Савол ва ташвириқлар:

1. Сувлоқнинг „ой синифи“га тўлалиги сабабини тушунтиринг.
2. Шеърда тасвир этилган: „...**шаршарадай қуйилар ёллар**“ ифодаси нимага тегишли эканлиги хусусида ўйлаб кўринг. Шеърда от ҳақида гап бораётирми ёки от ёлига ўхшаб кетадиган бирор бошқа нарса ҳақидами?
3. Шабаданинг „маъюс аёллар“га ўхшатилиши сабабини тушунтиринг. Шабалага инсбатан „маъюс“ ташбихини қўллаб бўладими?
4. Иккинчи банданинг биринчи байтига алоҳида эътибор беринг. Ундаги отларнинг не замонлардан буён бош кўтармай сув ичаётганлиги ҳақидаги тасвирдан нима англаганингизни тушунтиринг.
5. Кўм-кўк адирларнинг ўтовларга менгзалишига муносабат билдиринг.
6. „**Бироқ тунда ўт-майсаларга тўкиладир кимнинг ёшлари?**“ саволига ҳам табиат, ҳам бадият қонунлари асосида жавоб беришга уриниб кўринг.
7. Шеърнинг сўнгги бандига алоҳида эътибор қилинг. Шунда қатор саволларга жавоб топасиз. Лирик қаҳрамондаги қоникмаслик, хавотир туйғулари сабабини тушунтиринг.
8. Шоирнинг воҳадаги жимликдан, ботирларнинг беғам ва узоқ уйқуга чўмганлигидан безовталиги сабабини изоҳлашга урининг.
9. Шеърни ёд олинг.

ҲАМАЛ

Эриб битди поёнсиз қорлар,
яна кўҳна замин туллади.
Водийдаги улкан ўриклар
бир кечада оппоқ гуллади.

Оқ булутлар ерга қўндими,
мўъжизалар бўлдимидир?
Оҳ, нақадар ажойиб туида
оқ машъала экилган водий.

Энди сафсар кечаларда оқ
машъалалар тутиб улуғвор
кенгликларда кезар чиройли
кундузларни ахтариб баҳор.

Савол ва тошлариклар:

1. Эсланг, сиз «Ҳамал» шеъри билан қайси синфда танишган эдингиз?
2. **„Оқ будутлар ерга қўндими, мўъжизалар бўлдими содир?“** саволига жавоб беринг.
3. Қорнинг оқлиги кетиб, ўрнига келган иккинчи бир оқликнинг манбаи ҳақида мулоҳаза қилинг.
4. Шеърдаги: **„...оқ машъала экилган водий“** ташбиҳи маъносини тушунтиринг.
5. Кечалар ранги **„сафсар“** лиги сабаби ҳақида сўзланг. Ахир тун қора бўлиши керак-ку?
6. Шеърнинг сўнгги бандидаги: **„...кенгликларда кезар чиройли кундузларни ахтариб баҳор“** тимсолини изоҳлашга уриниб кўринг.

7. Тестларни ечинг.

1. **«Туркийлар» шеърдаги «Туркда бош қолмади... қолмади довлар» сатрларининг маъноси қайси жавобда тўғри изоҳланган?**
 - А. Барча туркийлар бошидан жудо қилинди, ўлдирилдилар.
 - Б. Ўз она тилида сўзлайдиган, ўйлайдиган турклар қолмади.
 - С. Юрт бошчиларининг барчаси қатл қилинди.
 - Д. Халққа бош буладиган ва юртни ўйлайдиганлар қолмади.
 - Э. Туркийлар ўз ерларини ташлаб кетдилар.
2. **«Борми эр йигитлар, борми эр қизлар» ифодасидаги «эр қизлар» бирикмаси ҳақидаги қайси фикр тўғри?**
 - А. Ёвга тик қарай оладиган, миллат учун курашадиган Б. Турмушга чиққан, оилали С. Ёш, балоғатга етган Д. Ёши ўтиб қолган аёллар Э. Бу бирикма услубий жиҳатдан ноўрин қўлланган.
3. **«Тунги манзара» шеърда «...қора зиндон нақадар чуқур» ифодасидаги «қора зиндон» нимани англатади?**
 - А. Лирик қаҳрамон ташланган чоҳ Б. Асир аскар қамалган жой С. Лирик қаҳрамоннинг тушқун, гамгин ҳолати Д. Тунда алашган йўловчи иттироблари Э. Соғ бўйидаги туннинг образли ифодаси
4. **«Тонг очар кўзларин...» шеърда қайси образга салбий муносабат кузатилади?**
 - А. Ўргимчак Б. Хонқизи С. Қурбақа Д. Чигиртка Э. Чумоли

ТАБИАТ ЛИРИКАСИ

Сиз кўлингиздаги дареликнинг «Кириш» мақоласи орқали лирик турдаги асарларга хос хусусиятлардан қисман хабардор бўлгансиз. Лирик турга мансуб асарларда шахннинг ички туйғулари, ҳиссиёти, руҳий кечинмалари, сезимлари асосий ўрнида бўлади. Бу турдаги асарлар учун ҳаётда рўй берган воқеаларни кўрсатиш эмас, балки ана шу воқеалар туфайли инсонда пайдо буладиган туйғулар тасвирини бериш муҳим ҳисобланади. Лекин лирик турдаги асарларнинг яратилишида ҳам ҳаёт ҳодисалари муҳим ўрин тутати. Негаки, одамнинг туйғулари ўз-ўзидан жунбушга келавермайди. Уни мувоzanатдан чиқарадиган ижтимоий, сиёсий, маънавий ёки табиий сабаб бўлгандагина кишининг ҳиссиётлар дунёси ҳаракатга келади. Яъниким, одам бекордан-бекорга хурсанд бўлмагани каби, беҳудадан-беҳудага изтироб ҳам чекмайди.

Шу жиҳатдан табиат улкан имкониятларга эгадир. Чунки ҳар қандай инсон ҳамиша табиат кўйида ва у туфайли мавжуд ҳамда унинг шахслик сифатлари табиат билан мулоқот жараёнида ёрқинроқ намоён бўлади. Табиатдаги илоҳий интизом, унинг буюк тартиб ичида, бузилмас мунтазамликда мавжудлиги, табиатнинг беадад қудрати, адоқсиз гўзаллиги ҳар қандай одамда, айниқса, таъсирчан қалбга эга шоирларда ҳиссиёт уйғотиши аниқ. Шунинг учун ҳам лирик асарлар орасида табиат мавзусидаги битиклар катта ўрин тутати.

Айтиш керакки, лирик асарларда табиат нечоғлик кенг тасвирланмасни, у ҳамиша **восита** даражасида қолади. Инсон ва унинг руҳиятини кўрсатиш эса **мақсад** мартабасида бўлади. Чунки табиат тасвири натижасида ифодаланган руҳий ҳолат инсон маънавиятининг янги бир жиҳатини намоён этгандагина бадний қимматга эга ҳисобланади. Шу жиҳатдан Шавкат Раҳмон шеърлари диққатга сазовордир.

Унинг шеърларидаги табиат тасвири лирик қаҳрамон кайфиятига боғлиқ равишда турли мақсадларга хизмат қилади. Чунинчи, „Тунги манзара“ шеърисида табиатнинг киши руҳиятида маҳзунлик уйғотган ҳолати „Тоғ очар кўзларин“ шеърисида енгил ҳиссиётлар, некбин руҳий манзаралар ифодасига сабаб бўлади. Шоирнинг „Ой синиғи“ ва „Ҳамал“ шеърлари ҳам табиат кўринишлари тасвирига бағишланган. Лекин буларнинг бирортасида ҳам шоир табиат манзарасини, унинг бетакрор ҳолатини акс эттириш билангина қифояланмаган. Чунки асл шоир табиат орқали инсон шахсини тадқиқ этишни кўзда тутати. Шунинг учун ҳам сувлукда чанқоғини қондираётган „отлар“, севинчдан йиғлаётган қиёқлар, овозини қайраётган чигиртка ва бош кўтармай меҳнат қилиши билан дунёни масхаралаётган ҷумоли тимсоллари, аслида, лирик қаҳрамоннинг мураккаб, ўзига хоё, тушунтириб бериш мушкул бўлган маънавий оламнинг чигал манзараларидир. Шундан келиб чиқиб, табиатнинг турли-туман ҳолатларини тасвирлаш ижодкор учун ҳеч қачон ҳам пировард мақсад ҳисобланмайди, балки эстетик мақсадга эришишнинг бадний воситасигина бўлади, дейиш мумкин.

Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, табиатнинг гўзаллигини, қудратини, буюклигини, ноқизалигини тасвирлашга бағишланган шеърлар миқдори жуда кўп ва шундай бўлиши табиий ҳам. Чунки ҳар қандай одамнинг кўнглида, хатти-ҳаракатида ижтимоий манфаат, шахсий фойда бўлиши мумкин. Табиат эса одамдан ҳеч нарса қарздор эмас. Ундан бирор нарса умид қилмайди ҳам, Аксинча, одам унга ҳар жиҳатдан бурчли. Шунинг учун ҳам шоирлар асл туйғуларини табиат лирикисига тўлароқ намоён этиш имкониятига эгадирлар. Табиат ҳеч кимни алдамайди ва уни алдашларига ҳам йўл қўймайди. Шу жиҳатдан табиат лирикиси миллий шеърятимизнинг самимият қарор топган, шоирларимиз маҳорати ёрқинроқ намоён бўлган жабҳасидир дейиш мумкин.

МУҲАММАД АЛИ

(1942 йилни туғилган)

*Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво –
Ҳақиқатнинг йўли билурман.*
Муҳаммад Али



Тарихдан маълумки, Қўқон хони Амир Умархон 1816 йилда Бухоро амирлигига қарашли Ғратепа беклигига бошқин ясаб, Зомин ва Ғратепа атрофидан ишга яроқли минг-минглаб кишиларни оиласи билан хонликнинг ичкарасига олиб кетади. Кучирилганларни мамлакатни обод қилиш ишларига сафарбар этади. Уларнинг бир қисми ҳозирги Шаҳрихон атрофига ўрнашади ва шу жойларни ўзлаштириб, бир неча шаҳар ва қишлоқлар барпо этишади. Зомин томонлардан олиб кетилган кишилар орасида бақувват, девкор ва чапдаст Нормуҳаммад чурога¹ ҳам бор эди. У Ғратепа бегининг яқинларидан бўлиб, элда катта эътиборга эга эди. Нормуҳаммад чурога болаларига яхши тарбия беришдан ташқари уларнинг билим олишларига ҳам эътибор қилди. Шижоатли ва қаттиққўл отанинг тарбиясини олган ўғли Бекназар полвон мулоҳазали, босиқ ва мўмин-қобил киши бўлиб етишди. У шунчалар бақувват эдики, зиғир ва чигитдан мой чиқарадиган жувознинг ҳўкизи чарчаб қолганида ўрнига кун бўйи жувозни айлантиради. Бекназардан Аҳмад отли бобосига ўхшаб кетадиган дангалчи, чапани табиат ўғил дунёга келди. У ёшига етиб мактабга бора бошлаган кезларда дунёнинг тартиблари остин-устун бўлиб кетди. Шу сабаб тузукроқ ўқий олмади. Октябрь тўнтарини содир бўлди. Ўз сўзли, ғайратли Аҳмад полвон шўро давридаги илғор кетмончилардан бўлди. Ана шу дангалчи, ориятли ва меҳнаткаш йигит ўттиз икки ёшида ўғил кўриб, унга Муҳаммадали деб от қўйди.

Муҳаммад Али (Муҳаммадали Аҳмедов) замонавий ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутган истеъдодли ижодкордир. У 1942 йилнинг 1 мартда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманига қарашли Бешкал (ҳозир Бўз туманига қарайди) қишлоғида туғилди. Оғир шароит ва ночор турмуш туфайли бўлажак шоир ўрта мактабни тугатгучи, оиласи Тошкент вилоятининг Бекобод тумани билан Шаҳрихондаги Бешкал қишлоғига уч бор кўчиб бориб, қайтиб келишган.

Муҳаммад Али ёшлигида жуда кўп китоб ўқийдиган ҳаёшлараст болакай эди. У оламга ҳайрат билан боқарди, ундан бошқа тенгдошларига сезилмайдиган диққатта дойиқ жиҳатлар топар ва шулар таъсирида яшарди. Шу боис бўлса керак, кейинчалик ёлган бир шеърда болалигини эслаб: **„Мен излаб топганим яхши кўрардим“**, - дейди. Муҳаммад Али биринчи шеърини учинчи синфда ўқиётганида ёзди. Албатта, бу битик ўн яшар болакай ҳайратининг нўноқ ва жўн ифодаси эди. Айни вақтда, у бошқаларга ўхшамаган, тиришқоқ ва

¹Чурога – танқуриқчилар бошлиғи маъносидаги «чурога оғаси» атамасининг бузилган шакли.

изланувчан бола шахсиятидан нишона эди. Навбатдаги оилавий кўчишлар оралигида Бекободда ўрта мактабни битирган Муҳаммад Али шағал тайёрлаб берадиган корхонага ишчи бўлиб ёлланди. Оғир жисмоний меҳнат ҳам ёш йигитни ижоддан, ўқиб-ўрганишдан чалғита олмади. Ундаги истеъдод учқуиларини пайқаган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Муҳаммад Алини Москвага – Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтига ўқишга бўллайди. У ўн саккиз ёшида Москвага ўқишга жўнайди.

Ўқишни битириб, Тошкентга қайтгач, Фафур Фулом номидаги нашриётда олдий муҳаррирликдан Бош муҳаррирликкача бўлган бошқичларни босиб ўтди. Республика телевидениесида муҳаррир лавозимида ишлади. Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да дарс берди, кафедрага мудирилик қилди. „Олтин мерос“ халқаро жамғармаси бошқаруви раиси лавозимида ишлади. 2003 йилдан буён халқаро Амир Темура жамғармаси раиси.

Муҳаммад Али истеъдодини Ватан равнақига хизмат қилдира олган ижодкордир. Шу бонс адибнинг битганларида Ватан туйғуси залворли бир бадий юк бўлиб туради. Шеърларидан бирида: „**Битта тушунчадир уй ила Ватан!**“ тарзида бадий кашфиёт қилса, бошқа бир асарида Спитамен тилидан: „**Ватанни севишга топингиз бардош, „Севаман!“ деб сотиб юрманг гап**“, – дея хитоб қилади. „**Шеърият бир олтин сарой, Ватан – сарой бекаси**“, – мисралари эса, шoir ниятини янада очиқроқ баён этади. Кўринадикки, Муҳаммад Алининг ижоди ватансеварликдан тугилган, бошдан-оёқ Ватан руҳига йўғрилган ва шу туйғуларни куйлашга бағишланган.

Муҳаммад Али дунёни ўзига хос кўради, ўзигагина хос йўсинда тасвирлашга уринади. Шу бонс унинг битганларида: „**Тугилган мушт каби Кўкка ўқталиб, Барг ёзмоқ пайида Каллакланган тут**“, „**Канал ёқасида шовуллар мағрур, Осмонга санчилган мирзатераклар**“, „**Томларда „лов“ этди Лолақизгалдоқ**“, „**Ғазабдан ғижирлар йўлларнинг тоши**“, „**Аламинни жарликларга солгандим тўкиб, Жарлик баттар чўкиб кетди, яна ҳам чўкиб**“, „**Шеър яралди дунёда илк бор, Илк бор оҳанг шаклга кирди**“ тарзидаги кутилмаган ташбеҳлар, ёрқин тимсоллар кўплаб учрайди. Айни шу ташбеҳлар унинг шеъриятига тароват бағишлайдиган, уларни ўқишли қиладиган омиллардир.

Муҳаммад Али – ватанпарвар ижодкор. Лекин шоирнинг ватанпарварлиги чақиригу ундовлардан иборат ялтироқ ва қуруқ эмас. Унинг ватансеварлиги, миллатпарварлиги Ватан ва миллат тарихини билишдан, миллий хотираси кучли эканидан келиб чиқади. Севмоқ учун билмоқ, билмоқ учун изланмоқ керак. Муҳаммад Али изланишдан чарчамайдиган ижодкордир. Шу бонс у тарихга кўп мурожаат қилади. Тарихнинг қоронғи саҳифаларига нур бағишлагиси келади. Шоир миллий хотиранинг йўқолишдан чўчийди. Шу сабабдан ҳам: „**Вайрон бўлган хотира – ўлим!**“ – деб ёзади. Адиб Ватанга бўлган муҳаббатнинг илдизи кечаги кунга бориб боғланади деб билади. Шу бонс шонли ўтмишни улкан ва ҳароратли муҳаббат билан тасвирлайди.

Муҳаммад Али бугунни ҳам кеча орқали кўра оладиган ижодкордир. Кечаги кунни эса бугундай эълозлайди. Чунки у юртини ардоқловчи фарзанд сифатида билади: миллатнинг бугун кечасидан, эртаси бугундан айри бўлолмайди. Шу бонс „Спитамен“ туркуми яралди. Шу туйғулар сабаб „Машраб“ достони,

„Боқий дунё“ шеърӣй романи дунёга келди. Муҳаммад Алининг тарихий мавзуларни қаламга олиши ва тадқиқ этишида диққатга молик бир жиҳат бор. У ўтмишдаги **воқеаларни эмас**, балки биринчи навбатда, аждодларимизнинг ёвқур, мардона ва танги **руҳий олами**ни, **маънавий дунё**сини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам адиб қаламидан чиққан кечаги киши ҳиссиёти бугунги ва эртанги ўзбекка ҳам англашиларли бўлаверади. Аждодлардан мерос гўзал инсоний туйғуларни тасвирлаш, улар ёрдамида бугуннинг одамини шакллантиришга уриниш адибнинг насродаги биринчи йирик асари – „Сарбадорлар“ романига ҳам ҳосдир. Гарчи романда тасвирланган воқеалар бундан етти юз йилча олдин рўй берган эса-да, мардлик ўшанда ҳам эзгулик экани, хиёнат ўшанда ҳам жирканчлиги, севги ўшанда ҳам ҳаётбахшлиги жуда гўзал ифодаланган. Роман қаҳрамонлари китобхон томонидан фақат билиб қўя қолинмайди, балки ҳис этиладики, бу адибнинг ижодий ютуғидир. Ёзувчи Амир Темур мавзусини меҳр билан бадий тадқиқ этмоқда. Шу меҳрнинг самараси ўлароқ 2003 йилда «Улуғ салтанат» романи чоп этилди. 2004 йилда адиб аждодлари тарихидан баҳс юритадиган, ватанга бўлган адоқсиз меҳр тасвирланган «Абадий соғинчлар» роман-хроникасини яратди.

Табий истисноднинг ички нитизом билан омукта қила билган адиб шу вақтга қадар йиғирмадан ортиқ китоб чоп эттирди. Унинг шўровий мустамлака исканжаси ҳали жуда мустаҳкам бўлган 1988 йилда яратилган **„Ўз-ўзингни англаб ет“** асари миллий тарихшунослигимиз тараққиётини, миллатимиз аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга тезлатди деб бемалол айтиш мумкин. Адибнинг **„Ошиқ бўлмаё Хаж дийдорин кўрса бўлмас“** китоби (1992) халқимизга ўзликини англашда муҳим бир илмий-маърифий восита бўлди.

Тарихнинг сабоқ бўларли ҳодисаларини қаламга олиш ва уни ўқувчи ҳиссиёти ҳамда тафаккурига таъсир этадиган тарзда тасвирлаш жиҳатидан Муҳаммад Алининг **„Гумбаздаги нур“** достони алоҳида ажралиб туради.

Достон 1967 йилда яратилган. Шу йили дунё тарихини боши-кечи йўқ ғавғолар сари бошлаган 1917 йилги Октябрь тўнтаришига роса элик йил тўлганди. Бу ҳақда ўнлаб китоблар, жумладан, бадий асарлар ҳам яратилганди. Айни шундай бир дамда миллий тарихга мурожаат этиш, буни устига, Темур шахси тўғрисида ҳайрат ва эҳтиром билан қалам суриш ҳукмон сибсатга эид эди. Муаллиф миллатчи, тарихни бузиб кўрсатувчи, чиркин ўтмишни кўмсайдиган киши сифатида маломатга қолиши мумкин эди. Адибнинг юртга муҳаббати, миллий хотирага эҳтиром ўзга туйғулардан устуи келди. Жасоратли шоир тарих ҳақиқатига хиёнат қилмасликка ўзига куч топа олди. Миллатимиз, Ватанимиз тарихининг шонли манзараларини таъсирчан акс эттира билди.

Муҳаммад Али моҳир таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара асарлари билан ўзбек ўқувчиларини ошно қилишга астойдил ҳаракат қилиб келаётган ижодкордир. Унинг таржимасидаги **„Рамаяна“** эпоси эндиликда фақат ҳиндларнинг эмас, ўзбекларнинг ҳам бадий мулкига айланди. Қорақалпоқ шоири Бердақнинг асарлари адиб қалами гуфайли ўзбек хонадонларига кириб борди. Инглиз шоири Р. Бёрнснинг Муҳаммад Али таржимасида эълон қилинган шеърлари худди асли ўзбекчада ёнидгандай таассурот қолдиради.

Муҳаммад Али бадий ижодни илмий тадқиқот ва педагогик фаолият билан қўшиб олиб борган ёзувчилар сирасига киради. У – филология фаилари номзоди, Вашингтон университетининг профессори. Ўзбекистон Миллий универ-

ситетида қатор йиллар маъруза ўқиган домла. Асарлари дунёдаги йигирма бешдан ортиқроқ тилга таржима қилинган адиб.

Муҳаммад Алининг миллий адабиётимиз ривожланишига ҳамда миллатимиз маънавияти юксалишига қўшган ҳиссалари ҳисобга олиниб, унга 1992 йилда „Ўзбекистон халқ ёзувчиси“ унвони берилган.

ГУМБАЗДАГИ НУР

I

Турибди бир бола
Мақбара қошида.
Савол-ла банд эди
Боланинг ёди:
„Гўри Амир нима!..“
„Не ич, у ташида?..“
Ўзи соддагина.
Темурдир оти.
Ҳилпирар галстук:
Пирпирар киприklar,
Гумбазга термилиб,
Оғрийди бўйни.
Чиқади, киради
Қабрга тириклар,
Болакай туради
Унутиб уйни.
„Во-о-оҳ! Қандоқ қурганлар!
Жуда ҳам катта-ку?
Бўлганми кранлар
Аввали ҳам, а?“
Домламит дер эди:
„...Ўтмишда, ҳаттоки,
Арпа нон ер эди.
Қари-ёш... Ҳамма!“
...Тушади эсига
Яна кўп гаплар,
Илашар кўзига
Гумбаздаги нур.
Миттигина боласан, асли,
Бошингда-чи, қизиқ хаёллар.
Бундай ўйга боришар балки

Дунёни бир қайирган чоллар.
Уларга-ку ярашар, укам,
Уларга-ку, бу нарса одат.
Лекин сенинг ўйларинг бу дам
Мени ҳайрон қолдирар фақат.
Сенга нима дунё тақдири?

II

Самарқанд – мана!..
Эртақдан ҳам қадимлиги рост.
Салобату шуқуҳ, тантана –
Фақат буюк пойтахтларга хос.
Теграсида парвона бўлган
Зарафшон ҳам бетин югурар,
Миноралар кўк баланд деган
Лофчиларнинг оғзига урар.
Мадрасалар мўйсафидсимон
Рўпарангда ўқишар дуо.
Қаландарлар кезар ҳар томон,
Тилларида: „Ҳақ, дўст, ё олло!..“
Нарироқда бозор. Тим¹ аро
Бесаноқдир ғимирлаган жон,
Буён игна ташланса аммо,
Тушмоғига топилмас имкон.
Буюк пойтахт яшарди гўё
Фароғатнинг тўшагида маст.
Лекин жангу жадаллар аро
Етмас эди нафасга нафас...
Темурбекнинг шаҳти кўп баланд!
Ер-у кўкни у тақ тиңдирар.
Шу лаҳзада қайтса Самарқанд.
Яна отга уради эгар.
Шунчалар тез дунё суръати,
Шунчалар тез олинди Ҳалаб²!
Жаҳон титрар, Боязид³ каби
Қолмасин деб ҳеч кимса қақшаб!
Қайга борса ул чақмоқ қадам,

¹ Тим – бозорнинг усти ёшиқ қисми

² Ҳалаб – Суриядаги шаҳар.

³ Боязид – XIV асрдаги Туркия султони Елларим Боязид.

Ғолиблигин айлардилар шарҳ.
Шундай яшар эди Самарқанд
Зафарларнинг оғушида ғарқ...
Қанчалар тез дунё суръати!
Мунчалар зуд у берган фармон!
Бу кун пойтахт маъюс туради,
Фано¹ топмиш Муҳаммад Султон!
Ўлим асли қисмати азал,
Ҳамманинг ҳам бошида бор гап.
билар ва лекин бу гал
Тан олгиси келмайди, ажаб.
Энг суюкли набира қани?
Қирқилдими лочин парвози?
Нечун энди унинг ватани
Валиаҳдсиз² қолмоғи лозим?
Шак келтириб бўлмас бир орзу
Бўлган эса наҳотки рўё?
Манглайига тарс уради у
Ва инграйди: „Бевафо дунё!“³
Кипригида хуноб-хуноб ёш
Жилва қилар ғамдан беҳабар.
Наҳот унда йўқ эди бардош?
О, чораси бўлсайди агар,
Агар келса тирилиб ўғлон,
Ростланса гар тақдири хато,
Амир Темур, фотиҳ, ўшал он
Тахтидан ҳам кечарди ҳатто!
Йиғи олар кўнгил дардини,
Гарчи битмас, нимаки синди.
Оламгирнинг кўзёшларини
Артиб қўяр ўзгалар энди.
Фармон қилар ниҳоят амир:
„Чорлагайсиз меъморларни бот!
Хазинани кўрсатинг бир-бир,
Ва қилсулар саъи ижтиҳод³!

¹ Фано – йўқлик, ўлим.

² Валиаҳд – тахт вориси.

³ Саъи ижтиҳод – астойдил ҳаракат, тайрат.

Набирамнинг исмига атаб
Қурсинларки шундай соғона,
Истаганин олсинлар тилаб,
Фақат дахма¹ бўлсин шоҳона!...”

III

Чопар зоти – худди замона!
Чақмоқдай тез у минган тулпор!
Жам бўлишди пойтахтда, мана,
Ўн икки жон, ўн икки меъмор,
Бухородан келмиш сангтарош²,
Фарғоналик гилкор³ ҳам бунда,
Наққошини юборибди Шош,
Хоразмлик ганчкор⁴ ҳам бунда...
Донишмандлар бежиз демаслар:
„Меъмор боши – палахмон тоши!“
Не тонг, турли элдан келса гар
Муҳандису⁵ кошинтароши⁶?
Кеча-кундуз фарқсиз ўтадир,
Қўл тегмайди бош қашувга ҳам,
Субҳу шомин шунда кутадир
Кўз илғамас тумонат одам.
Ўн икки жон, ўн икки меъмор...
Бир нуқтада ғимирлар хаёл.
Лой пишитар чапани гилкор,
Ғишт теради тетиккина чол,
Ганчкорнинг ҳам юмуши душвор.
Ганч қотгуси шошилмаса гар,
Сўнгра ҳамма заҳмати бекор,
Унда яна бошидан бошлар.
Наққош иши ундан-да мушкул!
Лекин очса ганчнинг бағрини,
Ёқа ушлаб дейсан: „Наҳот гул
Тош ичида ётмиш яшириниб?“

¹ Дахма – мақбара.

² Сангтарош – тош йўнувчи.

³ Гилкор – сувоқчи.

⁴ Ганчкор – ганч билан сувоқ қилувчи уста.

⁵ Муҳандис – инженер.

⁶ Кошинтарош – кошин қилувчи, безакчи.

Кошинпазнинг қўлида сопол
Кунгуралар¹ айлар ихтиро.
Найкамалак парчаси мисол
Нигоҳларни эркалар жило...
Енг шимарди катта-кичик эл,
Танғилди-ку тағин пешана!
Ҳароратдан чатнаган кўнгил
„Сув! Сув!“ – дея зорланар яна.
Йигитларнинг қараши кескир,
Қайтаради қилич дамин ҳам.
Фақатгина собит ва эски:
Лабда – кулгу, кўзда – қотган нам...

IV

Гумбаз... Рангми ёки зарҳал из,
Ё қуёшнинг нури, жилвагар?
Бўларди у якка-ю ёлғиз,
Кўк – такрори бўлмасайди гар!
Қаранг, гумбаз қобирғалари,
Бир-бирига вазмин нур ташир.
Қодир қисмат йўлидай бари
Бир нуқтага бориб бирлашур.
Жанг-жадалдан йўқ бунда асар,
Йўқ, дунёнинг шўриш – ғавғоси.
Фақат бунда жимгина ётар
Улуғбекнинг буюк бобоси.
Зиёратга одамлар келгай,
Теваракка боқурлар бир-бир
Кўнгиллар ҳам ҳайратга тўлгай:
„Қарангиз, о! Фотиҳ, жаҳонгир!
Бир маҳаллар дунё эди тор,
Кичик қабр унга кенг энди...“
Ҳа, Темурнинг оқсоқлиги бор,
Тан олмаслик жуда қийиндир...
Даштга чиққан олмасди пичоқ
Бўлмасайди яшашдан илинж.
„Ҳоким“, дея сўз айтилган чоғ

¹ Кунгура – девор устидаги тишсимон безак.

Акс садодай янграйди „қилич“.
На бу ҳайрат, на бу таажжуб!
Гарчи ҳайрат дерлар ҳар сафар.
Йўқ! Бу мангу фармони вожиб¹
Эскирмаган қари фалсафа!
Темур, сенга эдими раво
„Фотиҳ“ деган номни олмоқлик?
Кўҳна тарих майдони аро
Аросатда туриб қолмоқлик?
Қайгадир от сурмоқлик, нега?
Наҳот сени тўйдиролмаган
Тупроғи зар бўлган шу ўлка?
Не-не эли боққан шу Ватан?
Истабмидинг ёки шон-шараф,
Истабмидинг ё мол-дунёни?
Ҳар нарсада бор икки тараф,
Таёқнинг ҳам икки томони...
Европага панжа ургали
Ул Боязид – усмоний арслон
Ер титратиб улгурмай ҳали
Бўлганида ер билан яксон,
Россияни ютмак қасдида
Оғиз очган саҳрои аждар –
Олтин Ўрда, қишчоқ даштида
Ер юзидан кетганда бадар.
Темур, Европанинг чеҳраси
Сенга кулиб боқди ўшанда!
Кўп ғаройиб тарихнинг иши,
Илтифоти қизиқ экан-да...
Регистонга ёниб қарайман,
Тасаввурдан қуваман жангни.
Кошинларни аста силайман,
Кафтим олар ғубору чангни.
Чаппар нақш йўриқларида
Фарҳод орзу қилган тилсимот,
Шоҳизинда гириҳларида²

¹ Фармони вожиб – бажарилгани шарт фармон

² Гириҳ – чинал, буришиқ. Бу ерда безакларнинг мураккаб ва назиклиги кўзда тутилган.

Ўз қисматин кўради ҳаёт.
«Бибихоним» гумбази турар
Бекасидай кўнгли яримта...
Кўз ўнгимда шаҳар югурар,
Оқиб борар нигоҳларимда.
О, кўрмаган роҳат тўшагин,
Жанг-жадал деб туғилган инсон!
Меъморликка меҳринг тушмаги
Менинг учун таажжуб ҳамон!
Наҳот, қаҳру гумонлар аро
Гулдан нозик кўнгил яшайдир,
Ки юрт аро, майдонлар аро
Нафосатни кўрмакка шайдир?

V

Кечиргайсиз, азиз ўқувчим,
„Ўн иккилар“ хусусида гап.
Асли улар мавзу мен учун,
Асли улар – дилдаги матлаб¹
Оталар дер келтириб имон:
„Савоб бўлар ҳеч бўлмаганда –
Ўтганларни эслаб ҳар қачон
Гул дасталаш ушбу чаманда“.
Ошкоралар ичида пинҳон
Ўн икки жон, ўн икки меъмор, –
Будутларга кўмилган осмон...
Ёмғирларга зориққан баҳор...
Насибангиз – фаройиб қисмат,
Қисматингиз – аччиқ насиба,
Тик боқар-у тарихдай хилқат,
„Ожизман...“ – деб турар беибо.
Сиздан на бир қолибди хабар,
Сиздан на бир қолибди исм.
Ўн икки жон – йўқолган гавҳар
Ўн икки жон – очилмас тилсим...

VI

Кўрмагандек мақбара бари
Кўзларини тикар ҳавасманд.

¹ Матлаб – ниҳт, мақсад, талаб этилган

Ўтмиш кезар эди кўзгуда,
Мақбара ҳам қошона монанд,
Қабринг борми, деса, дегудай...
Лол турарлар сеҳр қошида
Калимага келмайди тиллар
Деворларнинг гажжак қошида
Қотиб қолган қайси бир йиллар...
Нима бордир? Тоқи муқарнас!¹
Нималарни демоқчи шу тоб?
Ақлга ҳам ҳатто бўй бермас,
Ўқилмаган бу кўҳна китоб...

VII

Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво –
Ҳақиқатнинг йўли билурман.
Ўн икки жон, ўн икки меъмор,
Ўн икки ғам, ўн икки севинч...
Тингловдингми лоақал бир бор
Сен уларнинг эртагини ҳеч?
...Мақбара. Уй. Йўқ! Кўҳна мазор,
Сукунатнинг сўнгги марраси.
Жунжиктириб баданни эсар
Асрларнинг совуқ нафаси.
Кошин, гириҳ кўринар аранг,
Биров лабин қимтияптими?..
Ҳув, пештоқда жимирлайди ранг,
„Қараётган ким?“ деяптими?
Ажаб ҳолат: эй Тарих бобо,
Сукунатнинг портлашини кўр!
Ҳазин-ҳазин келмоқда садо
Туида хира тортган каби нур:
„Биз ўн икки жон эдик,
Биз ўн икки жон эдик,
Толан паст ер қадар,
Ҳиммати осмон эдик,
Ҳиммати осмон эдик.

¹ Тоқи муқарнас - қабриқ ёки ўйма нақшлар билан иниланган гўмба.

Қурдик не-не иморат,
Аммо билмадик ғорат,
Умр деган бу савдо
Меъморликдан иборат,
Меъморликдан иборат!“
Боқ, эй Тарих, оҳиста елар
Не йилларнинг дудли сабоси.
Тинглайсанми, қулоққа келар
Кетмонларнинг гурс-гурс садоси?
Хаёлларинг кўрянтими, айт,
Осмонларга кўчганин тўзон?
Манглайини артар ўша пайт
Ўн икки... йўқ, ўн икки минг жон!
Фарғонанинг катта канали
Ростламақда қаддини шитоб.
Сипо эрлар бугун жангари,
Қўлда — кетмон, бош узра — офтоб...
Водий аро кезарди байрам...
Шу водийда қишлоқ бор – Бешкал.
„Мен – шу ёқдан!“- деб чиқди отам –
Бекназарнинг ўғли Аҳмадқул.
Ўзбекнинг шўх, чапдаст ўғлони.
Ўтгиздаги тинмас бир йигит.
Билагида кучи тўлғанур,
Иштиёқи синмас бир йигит...
Бир дуррани асрайди доим,
Гарчи шунча йиллар ўтибди.
„Яша, мард!“- деб Тамарахоним
Дуррасини бериб кетибди!
Бу дуррани танғиб олган-да,
„Ҳай-ё, ҳуйт! — деб ишлай берган у.
Қирқ беш кеча-кундуз деганда
Канал ичра чаппар урди сув!
О, кўзларга қўнди табассум,
Кўз ёш ювди юздаги чангни.
Тингла, Тарих, тингла ушбу зум
Қаҳ-қаҳ уриб келган оҳангни:
„Бизлар минг-минг бор эдик,
Оға-ини, ёр эдик.

Кўнгиллар-ку, азал кенг,
Аммо сувга зор эдик,
Аммо сувга зор эдик“.
Садо келар, тинглагил яна,
Садо эмас, шерлар наъраси.
Айланади Сирда пўртана,
Гумбурлайди Фарҳод дараси!
Чўкичлардан қочар ушоқ тош,
Харсангларда чақнайди учқун...
Яна белин боғлар кекса-ёш,
Яна отам йўл олар бугун!
Ўзлигини англамак учун,
Инсонлигин билиш-чун чиндан
Не ёруғ тун, не-не қора кун
Кураш кетди майдон ичинда!
Эркин юрган дарё бўйнига
Сиртмоқ тушди, бўлди жуда соз!
Тингла тарих, шовқин қўйнидан
Сизиб келар қудратли овоз:
„Нур ҳам келди, келди сув,
Дилдан ювилди қайғу.
Илгимизда қолгани
Озод, эркин ҳаёт бу!
Озод, эркин ҳаёт бу!“
Тингла, яна садо келадир
Садолардан чиқариб қанот,
Кошонадай Катта театр
Бўлаётир Тошкентда бунёд.
Бухородап келган сангтарош,
Фарғоналик гилкор ҳам бунда,
Хоразм-чи, йўллабди наққош,
Самарқандлик ганчкор ҳам бунда...
Андаккина кексайган отам
Қўшолмади бу ишга улуш.
Йиғилганди ва лекин олам,
Шовқин-сурон, ҳаракат, жунбуш...
Кечалари мизғимас меъмор,
Муҳандисга ором бермас ўй.
Ганчкор ажиб яратса гулзор,

Наққош гули таратади бўй...
Ҳаёт кузги япроқдек қалқиб,
Ўлим унга сурганида от,
Менинг халқим, фидойи халқим,
Кифтинг узра яшади ҳаёт!
Жангу жадал майдони аро
Ётганида не-не вайрона,
Меҳнат ўнган қўлларингдан, о,
Қад кўтарди шундай қошона!
Халқим! Нокас эрур ул фарзанд,
Гар сени деб бўлмаса фидо!
Тингла, Тарих, тингла, донишманд,
Шиддат билан келмоқда нидо:
„Юксак эрур азмимиз!
Ҳам удуму расмимиз:
Хоҳ қиш бўлсин, хоҳи ёз
Меъморликдир касбимиз!
Меъморликдир касбимиз!“
Қулоқларинг бўлдимиз батанг,
Бардошинг ҳам бўлдимиз адо?
Наҳот шундай ер қаттиқ, заранг,
Келмоқда-ку, даҳшатли садо?
Дағдағага азал парвосиз –
Ер, кафтига қўйиб расмана,
Тошкентдайин шаҳарни, эсиз,
Қўғирчоқдай ўйнатар мана.
Жароҳатга бормикин малҳам?
Ер тинчишин кўрарми кўзлар?
Шунда, бизлар чақирмасак ҳам,
Қўл чўзишиб келишди дўстлар.
Дўст дегани ортиқ бўлурми?
Дўстлик оғир кунда билинур.
Тинчитиб-ку бўлмади ерни,
Лекин қалбда бор эди ғурур:
„Норинг бўлса қаторда,
Қолмайсан ҳеч хатарда.
Омон бўлсак, хатар ҳам
Бир кун ўтар-кетар-да!
Бир кун ўтар-кетар-да!“

Жам бўлишиб уста-ю меъмор,
 Уй ҳақида юритишса сўз,
 Ерни қучган метин пойдевор
 „Макон бўлдим!“– деб қувнатса кўз,
 Солланганда шоқулнинг¹ ипи.
 Уюм-уюм гиштлар ётганда,
 Девор ичра шажара каби
 Темир синчлар томир отганда,
 Осмонўпар кўркамгина уй
 Кўрсатганда бўю бастини,
 Мен кўраман барчасида, ҳув –
 „Ўн иккилар“ аҳду шахтини!
 Лой пишитар чапани гилкор...
 Кошинпазнинг илгида сопол...
 Наққош. Бўёқ. Девор. Нақшинкор...
 Меъмор. Орзу. Хаёл ва хаёл...
 „Йил ўтса ҳам йил оша,
 Қўлдан тушмас пойтеша.
 Ишчи халқининг қўли
 Олтин бўлган ҳамиша!
 Олтин бўлган ҳамиша!“

VIII

Недан менинг шодлигим дуркун?
 Недан ғамгин кулишим маним?
 Тарих тилга киради бир кун.
 Бугунча мен айтай билганим:
 Гўри Амир қўр тўкиб мағрур,
 Паҳлавондай менга тикилар.
 Кўзларимга чалинмас қусур,
 Бунда бордир фақат зар, зар, зар...
 Бунда бордир бир дунё илм,
 Гиштлар аро яширинган роз.
 Ҳамма бордир, ҳамма ва лекин
 Ўн икки жон бунда йўқ, холос!..
 Недан менинг шодлигим дуркун?
 Недан ғамгин кулишим маним?
 Тарих тилга киради бир кун.

¹ Шоқул – гишт урилаётганда девор тўғрилигини аниқлаётган исбоб, шовуқ

Бугунча мен айтай билганим:
Кўхна Тарих, сура берма ўй,
Ҳайратланиш сенга ҳам даркор!
Рўпарангда чарх урмоқда-ку
Ўн икки жон, ўн икки меъмор!
Ҳа, ҳа, улар! Йўқ, ўзга эмас!
Самарқанддан биттаси, ана!
Бири ҳануз умридан сармаст
Андижонда топмиш бошпана.
Пойтахтда бири кун кўрар,
Ўзгасига маскан – Бухоро.
Бир қўл каби, мушт каби юрар
Бу ҳамсаф эл, ҳамсаф фуқаро.
Недан менинг шодлигим дуркун?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Ўн икки жон – ажиб қисматдир,
Худди йилнинг ўн икки ойн.
Ёзин-қишин сайр айла, бир-бир –
Далаларда кўргайсан доим.
Далалар, ҳе, бир чети мағриб,
Бир четида ухлайди машриқ,
Далаларнинг ям-яшил бағри
Дехқон учун энг кўхна тарих!
Юлдузсифат очилган чаноқ –
Ҳайратга мос буюк жангнома.
Ғўзаларда яшнаган япроқ,
Тарих, сенга битилган нома!
Недан менинг шодлигим дуркун?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Бастакор ҳам ўзича ёнур,
Куй тарашлар тонглари кутиб,
Шеърятдан излаб қолар нур,
Алишернинг руҳин шод этиб,
Қоғоз узра нақшлар чизгай –
Роҳат топиб салгина жони.

Юрагининг чигилин ёзгай
Сўнги нуқта қўйгани они.
Куй... қанчалар сафоли куй бу!
Садоланган қайси гулшанда?
...Ўйин бўлса, „Пахтакор“га у
Тушмоқни ҳам қилмайди канда.
Недан менинг шодлигим дуркуи?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Рост гап, дўппи айланар бир бор
Юз йил, минг йил деганларида
Собит турган ўн икки меъмор
Ўшанда ҳам кезгайлар мағрур,
Бу дунёни кўргайлар обод,
Ўшанда ҳам юракда сурур,
Қўлларида улғаяр ҳаёт.
Ўшанда ҳам Тарих энтикиб,
Эслолмаса ёшлигин, инон,
Менинг каби бир шоир чиқиб
Ўшанда ҳам ёзгуси дoston!

IX

Турибди бир бола
Мақбара қошида,
Кўзида хаёллар
Патирлар унинг.
Эй дўстлар, у кимдир?..
Дилимда нашида! –
У бола укамдир,
Укамдир менинг!
Бунчалар хаёлкаш
Бўлмоқни қўйсанг-чи,
Ўқи-ўрган, укам,
Фанни гангитиб!
Дўстларингни топиб
Ўйноқлаб юрсанг-чи.
Югуриб, тўп тепиб,
Майдон чангитиб!
Вақт кеч, юр, укам,

Оёқларинг толган.
Уйингда онанг ҳам
Бўлгандир интиқ.
Сабабин айтарсан.
Бугунги хаёлга
Истасанг қайтарсан
Эртами, индин.
Гумбазда ўйнайди
Ўша нур, ўша нур,
Уфқ аста ямлайди
Офтобни, қара!
Заволлар...
Саволлар...
Юр, укам, қани, юр!
Олдинда хаёллар...
Ортда мақбара...

Савол ва топшириқлар

1. Мақбара қошида турган бола ўйлари тасвирини қайта ўқинг. Унга ўтмишни қоралаган ўқитувчиси ва қораланган ўтмишнинг ёдгорлиги – Гўри Амир обидаси қандай таъсир этганини изоҳланг.

2. Достоннинг иккинчи қисмида Темур ҳукмронлиги давридаги Самарқанднинг гўзал манзараси нима учун келтирилган деб ўйлайсиз?

3. Гўри Амир мақбараси қурилишига сабаб бўлган воқеани эсланг. Шу муносабат билан жаҳонгир Темур шахсиятига баҳо беришга урининг.

4. Самарқанддаги тенгсиз гўзал обидаларни қурган меъморлар санъати борасида дoston матнига таянган ҳолда фикр билдиришг.

5. Темур ҳарбий юришларининг асл баҳоси берилган ўринларни дostonдан топиб ўқинг.

6. Шоир нима учун Тарих бобога мурожаат қилади деб ўйлайсиз?

7. Тарих қаъридан келаётган садо тасвирини топинг ва ундаги ўзгаришларни изоҳлашга уриниб кўринг.

8. Катта Фарғона каналини қурган минглаб кишиларнинг „ўн иккилар“га қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?

9. Фарҳод ГЭСи қуриладиганида Тарих қўйнидан чиққан овоз мазмунини изоҳлаб бering. ГЭС қурувчиларининг «ўн иккилар»га алоқаси борми?

10. Алишер Навоий номдаги театр қурилиши жараёнида ҳаётнинг абдийлиги аке эътирилган тасвирни топиб, изоҳланг.

11. Театр қурганларининг, зилзила харобаларини тузатгандарининг «ўн икки» меъморга тегишли жойи бор деб ўйлайсизми?

12. *„Бунда бордир бир дунё илм. Фиштлар аро яширинган роз.
Ҳамма бордир, ҳамма ва лекин ўн икки жон бунда йўқ холос“*

мисраларининг мазмунини тушунтиринг ва бадний ифодаси ҳақида фикр билдиригинг.

13. „Олдинда хаёллар... Ортада мақбара...“ мисралари орқали шоир қандай бадний мақсадни ифода этмоқда? „Хаёл“ ва „мақбара“ образларини изоҳланг.

14. Тестларни ечинг.

1. **“Гумбаздаги нур” дostonидаги бош фикр нимадан иборат?**

- А. Халқ тарихидаги шонли босқичларини тасвирлаш
- Б. Мақбара олдинидаги бола хаёлидан ўтган воқеалар баёни
- С. Амир Темурнинг яратувчилик фаолиятини акс эттириш
- Д. Ўн икки меъмор фидовилигини кўрсатиш
- Э. С ва Д жавоблар

2. Дostonидаги: “Асли улар мавзу мен учун, Асли улар – дилдаги матлаб” мисраларида кимлар назарда тутиляпти?

А. Амир Темур ва Муҳаммад Султoни Б. Гумбаздаги нурга меҳр билан қарайдиган авлодни С. Ўз ўқувчиларини Д. Тошкентдаги Катта театр курувчиларини Э. Ўн икки меъморни

3. **Муҳаммад Али ижодида қайси мавзу етакчилик қилади?**

А. Тарих мавзуси Б. Ватан мавзуси С. Муҳаббат мавзуси Д. А ва С жавоблар
Э. Ёшлар мавзуси

4. **Дoston сўнггидаги “Олдинда хаёллар... ортада мақбара” мисраларини қандай изоҳлаш мумкин?**

- А. Инсон хаёл билан юрганда қабрларни кўрмайди.
- Б. Фақат олдинга қараб интилиш керак, ўтмиш унутилади.
- С. Хаёл – келажак авлод, мақбара – унутилган ўтмиш.
- Д. Хаёл келажак рамзи, мақбара эса ўтмиш.
- Э. Келажак ва ўтмиш орасида турган ёш авлод ҳолати.

Ёзувчи ўзи ҳақида



“Бизнинг овулимизда етти отасини билиш одатига қатъий риоя қилинарди. Шу сабабдан ўзимиздан олдин ўтган етти аجدодимизни билиш муқаддас бурч эканлиги болаликданоқ онгимизга сингдириларди. Одатда овул қариялари бу борада ўғил болаларни: “Қани айтчи, ботиб, кимларнинг авлодидансан? Отаиң ким? Отаиңнинг ота-боболари кимлар? Нима иш билан шуғулла-нишган? Одамлар улар ҳақида нима дейди?” каби саволлар билан синашарди. Агар бола бу саволларга жавоб беролмаса, унинг ота-онаси қаттиқ изза қилинарди.

Айтмат бобомни кўрмаганман. У 1918-20-йилларда вафот этган. Мен эса 1928 йил 12

декабрда туғилганман. Бизнинг Шакар овулимиз чеккасидаги Қурқуров дарёси қирғоғида эски, ерга ботиб бораётган тегирмон тоши бор. Йиллар ўтган сайин у кўпроқ емирилиб, ерга чуқурроқ сингиб бормоқда. Ана шу ерда бобомнинг тегирмони бўлган. Бу тегирмон бир йилча ишлаган холос, кейин ёниб кетган. Шундан кейин инқирозга учраган бобом 12 ёшли ўғли Тўрақул – менинг отам билан у ердан кетиб, темир йўл тоннеллари қурилишида ишлаган. Шу ердан менинг отам рус божхона маъмурияти ёрдамида Авлиёота шаҳридаги рус-тузем мактабига ўқишга кирди. Кейин у икки маротаба Москвада ўқиди. Қирғизистонда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Онам – Нағима Ҳамзаевна Айтматова ўқимишли, ўз даврининг илғор аёлларидан бўлган. Бу нарса ота-онамга мени рус маданияти, тили ва адабиётига ошно қилиш имконини берган.

Бувим эса ҳар ёзда мени тоққа олиб кетарди. У овулдаги энг ақлли ва ҳурматга сазовор аёллардан эди. У мен учун эртақ, дoston, қадимий қўшиқларнинг битмас-туганмас хазинаси эди. Эҳтимол, ўшанда бувим ўзи сезмаган ҳолда ўз тилимни севишга, ҳурмат қилишга ўргатгандир. Бунга ҳеч қандай шубҳам йўқ. Она тили! У ҳақда ниҳоятда кўп гапирилган. Лекин унинг сирли мўъжизасини тасвирлаб бўлмайди. Болаликда шуурга сингдирилган она тилигина қалбни шеърят билан суғориши, инсонда миллий ғурурнинг илк куртакларини уйғотиши ва аждодлар тилининг нақадар серқирра ва сермазмун эканлигини англатиши мумкин. Болалик нафақат қувноқ давр, болалик – инсон шахси шаклланишининг илк даври ҳамдир.

Бувим менинг болалигимни турли эртақ, қўшиқ, дostonлар билан безаган. У мени турли давраларга, тўй-ҳашамларга ўзи билан бирга олиб борарди. Менга тез-тез ўзининг тушлари ҳақида гапириб берарди. Бу тушлар шунчалик қизиқ эдики, у мудраб ухлаб қолган вақтида ҳам мен уни уйғотиб, тушнинг давомини айтиб беришини сўрардим. Қисқа тушлар мени қониқтирмасди. Шунда бувим

кўшнилариликка чиқиб, «қарзга» туш сўрар ва менга сўзлаб берарди. Кейинчалик тушундимки, бувим бу тушларни мен учун тўқиб бераркан.

Бувим кўп ўтмай вафот этди. Энди мен шаҳарда, ўз уйимизда яшай бошладим. Кейин мактабга бордим. Икки йил ўтгач, сеvimли овулимга қайтиб бордим. Бу сафарги келишим узоқ ва қийинчилик билан кечди. 1937 йил менинг отам – партия ходими, Москвадаги қизил профессура институтининг тингловчиси – қатафон қилди. Бизнинг оила овулга кўчиб келди. Айнан шу вақтдан мен учун қийинчиликларга тўла асл ҳаёт мактаби бошланди.

Онамнинг сингиси – Қорақиз хола оғир кунларда бизни ўз бағрига олди. У мен учун бувимнинг ўрнини босди. Онам овулга оғир аҳволда кўчиб келди ва узоқ йиллар касаллик билан курашди. Онамизда тўрт фарзанд, мен энг каттаси эдим. Шароит оғир эди, лекин... бутун Шакар аҳли: кўшнилари ҳам, илғари бизга таниш бўлмаган одамлар ҳам бизни ташлаб қўйишмади. Улар имконлари етганча биз билан нон, ёқилга, картошка ва ҳатто песиқ кийимларни ҳам бўлишарди. Мен жуда эрта ишлай бошладим: 10 ёшимда деҳқон меҳнатининг барча заҳматини татидим. Бир йилдан сўнг биз район марказига – Киров номидаги рус қишлоғига кўчиб ўтдик. Онам ҳисобчи бўлиб ишга кирди. Мен рус мактабига қатнай бошладим. Турмушимиз энди изга тушаётган кезде уруш бошланиб қолди.

1942 йилда ўқишни ташлашга тўғри келди. Чунки уруш вақти, онамнинг эса ҳаммамизни ўқитишга имкони йўқ эди. Мен яна Шакарга қайтиб келдим. Овул уруш машаққатлари исканжасида эди. Бошқа одам топилмагач, ўз тенгқурларим ичида саводли бўлганим учун мени қишлоқ кенгашига котиб этиб тайинлашди. Ўшанда 14 ёшда эдим. Айтишларича, қийинчилик кўрмагунча яхши кунларнинг қадрига етмайсан. Болаликда мен ҳаётни ёрқин, гузал тасаввур этган бўлсам, энди у кўз ўнгимда ўта аччиқ, оғир, бешафқат тарзда намоён бўлди. Уруш йиллари солиқ агенти, кейин бугдой йиғимида тракторчилар бригадаси ҳисобчиси бўлиб ишладим. Уруш давом этар, ҳаёт эса кўз олдимда халқ турмушининг янгидан янги саҳифаларини очиб берарди.

1946 йил 8-синфни битиргач, Жамбул зооветтехникумига¹ ўқишга кирдим. У ерни битиргач, аълочи ўқувчи сифатида Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга қабул қилиндим ва бу ерни ҳам аъло баҳолар билан битирдим. Ёшлигимда бадий адабиётга ошно бўлган эдим, шу боисми мактабда эркин мавзулардаги ишоларни бажонидил ёзардим. Институтда ўқиш давомида бадий адабиёт мени ўзига тамоман банд этганини аниқ сездим. Шу сабаб 1956 йили Москвадаги Олий адабиёт курсига ўқишга кирдим. Фақат икки йилгина давом этган мазкур курс менга фавқуллодда кўп bilimлар берди.

...Ҳеч ким ўз-ўзидан ёзувчи бўлиб қолмайди: йиллар сабоғи, қилинган меҳнат, бадий адабиётга бўлган қизиқиш ва эътиқод орқали бунга эришиш мумкин»².

Ҳурматли ўқувчи! Мана, Сиз дунёга машҳур ёзувчининг дил изҳори билан танишдингиз. Унинг қандай қилиб яхши ўқувчи, яхши мутахассис ва ёзувчи бўлиб етишганлиги ҳақидаги иқроридан хабардор бўлдингиз. Қуйида Сиз ўқийдиган асарда эса, энг даҳшатли ҳолатларда ҳам эркак бўлиб, ҳалол одам бўлиб қолишнинг удласидан чиққан кишилар ҳаёти нфода этилган.

¹ Зооветтехникум – зооветеринария (хайвонлар табиби) коллежи

² Ч. Айтматов, М. Шоҳонов. Чўққидан қолган овчининг охи-эври. Т., «Шарқ», 1998.

ОЛТОВЛОН ВА ЕТТИНЧИ

(“Қиёмат” романидан)

Революция¹ аланга олган, қонли граждандар уруши² кетяпти, инқилоб душман тўдалари билан охирги жангларга кирган. Грузиянинг тарихий йўли муқаррар – совет ҳокимияти галаба қозониб, энг овлоқ тоғ қишлоқларидан ҳам қуролланган аксилинқилобчиларнинг³ қолган-қутган тўдалари сиқиб чиқарилаётган пайтлар. Бундай шароитда асосий қонун битта – агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар. Аммо шафқатсизликка жавобан шафқатсизлик юзага чиқади – бу ҳам қадимдан қолган қонун. Айниқса, жўмард Гурам Жўхадзе деганнинг тўдаси тиш-тирноғигача қаршилик кўрсатади. Гурам Жўхадзе ўзи асли йилқибоқар, теварак-атрофдаги тоғларни беш қўлдай билади. Уни ушлаш қийин, кутилмаган ерлардан келиб босқин ясайди, қирон солади. Синфий кураш ичида оёғи чалкашиб қолган. Лекин унинг ҳам куни битган. Кейинги вақтларда уст-устига тепки еяпти. Гурамнинг тўдасига бир чекист⁴ кириб олган. У жонини минг хатарга қўйиб Гурам Жўхадзенинг ишончини қозониб, тўдадаги энг абжир йигитлардан бирига айланган. Омонсиз жанглардан бирида Жўхадзе тўдаси кўп талафот кўради, чекинишга мажбур бўлади. Шунда Жўхадзе чекистнинг усталик билан қўйган тузоғига тушади. Гурам дарёдан кечиб ўтаётган маҳалда пистирмага дуч келади. Йигитлар шитоб билан қочиб дарё қирғоғига етиб келганлар, Улар бир дам ҳам пайсалланмай отларни дарёга соладилар. Чекист минган отнинг эса айили бўшаб кетади. У буталар панасида отдан тушади. Жўхадзенинг йигитлари кўпирган отларда пишқириб оқаётган тоғ дарёсининг белига етадилар. Дарё ўртаси тўрт томондан кафтдай очиқ. Шунда ҳар иккала қирғоққа яширинча ўрнатилган икки катта пулемёт йигитларни баробар ўққа тутди. Омонлик – йўқ. Йигитлар тоғ дарёсининг ўртасида тутдай тўкиладилар. Лекин Гурам Жўхад-

¹ Революция – тўнгарш, инқилоб. Бу ерда 1917 йилда коммунистлар амалга оширган тўнгарш кузда тўтилган.

² Граждандар уруши – бир миллат аҳлининг ўзаро уруши.

³ Аксилинқилобчилар – инқилобга қарши бўлган кишилар.

⁴ Чекист – «ЧК». (черезвычайная комиссия) фақуллада комиссия аъзоси, ҳозирги хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келади.

зенинг куни битмаган экан! У дўлдай ёғилган ўқ остидан омон-эсон қутулиб чиқади. Отини шитоб билан орқага қайиради. Ўзини дарё ёқалаб ўсган қалин бутазорларга уради ва зум ўтмай кўздан ғойиб бўлади. Бир нечта тирик қолган содиқ йигитлари унга эргашадилар. Мўлжалдаги иш тўла амалга ошмай кўр¹ бошлиғи қочиб бораётганлигини кўрган чекист дарҳол яна уларга қўшилади. Дарёдаги қирғинда Жўҳадзе қўрининг асосий қисми тор-мор келтирилган, қириб ташланган эди. Гурам Жўҳадзе ниҳоят таъқибдан қутулиб, ҳолдан тойган отини тўхтатганда, қўрдан ўзини ҳам қўшиб ҳисоблаганда етти йигитгина омон қолганлигини кўради. Еттинчиси ўша Сандро эди. Сандро қандай бўлмасин, қўрнинг бошлиғи Гурам Жўҳадзени йўқотиш ҳақида топшириқ олган. Жўҳадзе – хавфли душман. Лекин эндиликда унинг яна қайта жангларга кириши даргумон. Демак, уни отиб ташлаш ҳам анча мушкул. Бунинг устига энди ёлғиз қолгач, тузоққа тушган йиртқичдай жуда ўзини эҳтиёткор тутати. Кўпроқ ўз кучига ишонади. У охиригача, охирги нафасигача олишади...

Мана, ўша воқеанинг охири.

Қўрига қирон келгач, тоғ дараларини беш қўлдай билган Гурам Жўҳадзе қош қорая бошлаган паллада Туркия чегарасидаги одам ўтиб боролмайдиган хилват ўрмонга қўнади. Ҳаммалари: олтовлон ҳам, еттинчи ҳам отларни апил-тапил эгар-жабдуқдан чиқариб, чарчоқнинг зўридан ўзларини таппа-таппа ерга ташлайдилар. Беш киши шу заҳоти ўликдай донг қотиб ухлаб қолади. Икки кишининг эса кўзларига уйқу келмайди. Чекист Сандронинг ташвиши ўзига етиб ортади. Энди нима қилсамикин, буларнинг ишини қандай ўринлатсамикин, топшириқни қандай бажарсамикин, деб боши қотгандан қотади. Аскарларидан айрилган Гурамнинг ҳам кўзидан уйқу қочган – мана, боридан бирйўла мосуво² бўлиб ўтирибди. Эртага куни не кечади, худо биледи. Инқилоб қоқ икки томонга ажратиб ташлаган бу икки азамат – икки қаттол³, мурасасиз душман яна нималарни ўйлардилар, ёлғиз яратганга аён. Тўлин ой уларнинг ўнг томонида нур ёғдиради. Тунги ўрмон оғир, босинқи хўрсинади. Пастда тошлардан-тошларга урилиб дарё

¹ Кўр – тўла, тўруқ.

² Мосуво – айрилган.

³ Қаттол – айвон, келиншолмайдиган, ўлдирувчи.

шағиллайди. Атроф-тоғлар тош сукутга кетган. Шу пайт худди бир нарсадан безовта бўлгандай Гурам Жўхадзе даст сакраб ўрнидан туради.

– Сен ухламаяпсанми, Сандро?– ҳайрон бўлиб сўради у еттинчидан.

– Йўқ. Нега туриб кетдинг?– ўз навбатида сўрайди Сандро.

– Ўзим шундай. Уйқум қочди. Бу ерда ҳеч ётолмаяпман. Кўзимга ой тушяпти. Форга бориб ётаман.— Жўхадзе буркаси, қурол-яроғи, бошига қўйиб ётиш учун эгар-жабдуқни олди. Кета туриб деди: –Қолганини эртага гаплашамиз. Бошқа гаплашадиган вақт ҳам қолмади.

Кетди. Мағоранинг¹ нақ оғзига бориб жойлашди. От боқиб юрган кезлари бу ерда ёмғир-қордан қочиб кўп беркинган. Мана, энди ҳам бошини шу панага олди. Балки адоқсиз кулфати, дарди-аламини ёлғиз ўзи чекмоқчидир ёхуд нимадандир хавфсирагандир, ёнимга ҳеч кимса йўлай олмасин, кимда-ким бу томонга яқинлашса, дарров кўзимга ташлансин, дегандир. Сандро этаги куйгандай типирчилаб қолди. Қўр бошлиғи бу қилиғи билан нима демоқчи? Аслида, унинг қилаётган иши тўғрику-я... Ишқилиб сезиб қолмадимикми?

Ўша кеча шундай ўтди. Эрталаб Гурам Жўхадзе отларни эгарлашни буюрди. Ҳеч ким унинг нима ўйда эканлиги, нима қилмоқчилигини билмасди. Отлар эгарланиб, ҳамма жиловни тутганча индамай қараб тураркан, у хўрсиниб деди:

– Йўқ, туғилган еримиздан бундай қилиб кетиш ярамайди. Бугун бизни ўстириб катта қилган она Еримиз билан хайрлашамиз. Кейин ҳар қайсимиз ўз йўлимизга равона бўламиз. Лекин ҳозирча ўз уйимизда тургандай кўнгил очайлик.

У икки отлиқ йигитни яқин атрофдаги қишлоққа вино ва егулик олиб келиш учун жўнатди. Қишлоқда унинг содиқ одамлари бор эди. Сандро билан яна бир йигитни қуруқ ўтин йиғиш ва отларни қўриқлаш учун қолдирди. Ўзи икки йигитни олиб ов қилгани кетди. Кечки хайрлашув зиёфатига бирон кийикми, тоғ эчкисими отиб келмоқчи эди.

Сандронинг бўйсунушидан, топшириқни бажариш учун бошқа қулай пайт пойлашдан ўзга иложи қолмади. Лекин қачон келади ўша қулай вазият, номаълум.

¹ Мағора - гор.

Шом тушганда олтовлон ва еттинчи бир жойга тўпландилар. Ўрмоннинг чекка ёқасида ўт ёқдилар, ерга қалин дастурхон тўшаб, унга қишлоқдан Гурам Жўҳадзенинг содиқ одамлари бериб юборган нон, туз, вино ва бошқа таомларни қўйдилар. Гулхан алангаси осмонга ўралди. Еттовлон ўтга яқинроқ келдилар.

– Ҳамма отлар эгарландими? Ҳамма дўстлар узангига оёқ қўйишга шайми?– сўради Гурам Жўҳадзе.

Ҳамма тасдиқлаб бош силкиди.

– Ҳей, Сандро,- деди Гурам Жўҳадзе,- яхши ўтин йиғиб келибсан, нега ўтинларингни гулхандан узоққа қўйдинг?

– Ташвиш қилма, Гурам, бу менинг ишим, гулханга мен қараб тураман. Сен айтишингни айт.

Шунда Гурам Жўҳадзе айтди:

– Биродарларим. Биз ишимизни бой бериб қўйдик. Икки тараф урушганда кимдир енгиб чиқади. Бошқаси мағлуб бўлади. Уруш дегани шу. Биз қон тўқдик. Бизнинг қонимизни тўкишди, у тарафдан ҳам, бу тарафдан ҳам кўп асл ўелонларнинг бошлари кетди. Бўлганича бўлди. Ҳалок бўлган дўстларимдан ва ғанимларимдан узр сўрайман. Жангда ўлган ғаним – ғаним эмас. Оёғим узангида турганда ҳам, барибир мен ҳалок бўлганлардан кечирим сўрар эдим. Лекин қисмат биздан юзини ўгирди. Шунинг учун ҳам халқнинг кўпчилиги бизга ишонмай қўйди. Ҳатто, йўрғаклаб вояга етказган жонажон еримиз ҳам бизни сиғдирмаяпти. Бизга жой йўқ бу ерда. Бизга авф¹ ҳам йўқ. Худо шоҳид, агар мен ғалаба қилсам, душманларни омон қўймасдим. Бизга бирдан-бир йўл қолди. Бошимизни олиб бегона юртларга кетамиз. Хўв анави катта тоғнинг орқаси – Туркия, қўл узатсанг, етади. Ундан сал чеккароқда ой кўтарилиб келаётган тоғ ўрқачининг нарёғи – Эрон. Ким қаерга бораман деса, ўзи билади. Мен Туркияга кетаман. Истанбулда кемаларда юкчилик қиламан. Ҳар биримизга бошпана керак. Биз етти киши қолибмиз. Кўп ўтмай ҳаммамиз ҳар ёққа, бегона юртларга тарқалиб кетамиз. Пешонада борини кўрамиз. Бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз. Бир-биримизни охириги марта кўриб турибмиз. Охириги марта бир-биримизнинг сўзларимизни эшитяпмиз. Келинлар, бир-биримиз билан хайрлашайлик, она Еримиз билан

¹Авф – кечирим.

хайрлашайлик, грузиннинг нон-тузи билан хайрлашайлик, виноси билан хайрлашайлик. Бундай вино бошқа ҳеч ерда йўқ. Видолашгач, ҳар ким ўз йўлига кетади. Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватани олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар ватани хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди. Келинлар, йўлимиз олдидан ичайлик, йўл олдидан қўшиқларимизни айтайлик.

Вино деҳқонча мешларга солинган эди, унга ер ва осмоннинг таоми қўшилиб кетганди. Вино юракларга сархуш дов солди. Ғам-қайғуни тўкиш истагини уйғотди. Кўнгиллар яна шодумонлик ва ҳасрат билан тўлди. Қўшиқ ўз-ўзидан қуйилиб келаверди. У худди тоғу тошлар бағрини ёриб чиққан ва йўлида нима дуч келса, шуни гуллаб-яшнатадиган булоққа ўхшарди. Улар оҳиста ота-боболарининг қўшиқларини бошладилар. Сўнг тоғ ёнбағридан тушаётган чашма сувидай қўшиқ саси аста кўтарилиб, борган сари куч олди. Еттовлари ҳам қўшиқни бошлаб айтишарди. Негаки, қўшиқ айтмайдиган грузиннинг ўзи йўқ. Ҳар ким ўз овози билан, ўзига яраша қуйлар, лекин овозлари бир-бирларига ғоятда қовушар, шунинг учун куй ўртада ёнаётган гулхан каби тобора авжга чиқарди.

Еттовлоннинг, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчининг хайрлашув қўшиғи ана шундай бошланди. Бироқ еттинчи ўз зиммасидаги топшириқни бир зум бўлсин унутмасди. Уларнинг ҳеч қайсилари ва айниқса, Гурам Жўхадзе ўз жазосини олмасдан чет элларга чиқиб кетмаслиги керак эди. Чекист бунга асло йўл қўёлмасди. Буйруқ шундай эди. У буйруқни бажариши керак эди.

Қўшиққа янги қўшиқ уланар, вино ичилар ва ичилган сайин яна кўпроқ ичилгиси келар, юрак ҳам шунга монанд аланга олиб ёнар, ёнган сайин яна майга ташна бўлар, яна қўшиқ тошарди.

Улар давра ясаб туришар, баъзан қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашар, баъзан қамчидай ерга солиштиришар, баъзан эса, билиб бўлмас ва кўриб бўлмас, лекин ҳар нарсани билувчи ва ҳар нимани кўрувчи илоҳий қудрат эшитсин дебми, қўлларини осмонга кўтарар эдилар. Агар Яратган ҳаммасини кўриб турган ва билиб турган бўлса, нега унда уларни ўз она Ерларидан қувғин қилмоқда, бу қандай бўлди ахир? Нега ахир бундай, нега ахир одамлар бир-бирлари билан урушадилар, қон тўкадилар, кўз ёшларини дарё қилиб оқизадилар,

ҳаммалари ўзларини ҳақ, бошқаларни ноҳақ деб ҳисоблайдилар. Қани ахир ҳақиқат, ким ҳақиқатни айтади, ким? Қани уларни адолат билан ажрим қилувчи набий? Халқ хотирасида сақланиб қолган ўша қадим кўшиқларда олис-олис замонларда рўй бериб ўтган азоб-уқубатлар, яхшилик ва ёмонликларнинг азалий тажрибалари, уларга ота-боболарнинг бағишлаган маънолари, улар орқали ҳис қилинган гўзаллик ва абадият аке этмасмиди, шулар ҳақида эмасмиди ўша кўшиқлар? Шунинг учун еттовлон бир кўшиқ тугар-туғамас бошқасини улаб юборар ва кўшиқларнинг ҳалқаси сира узилмасди. Фақат Сандроғина вақт-вақти билан даврандан чиқиб, ўтин келтириб, яна гулханга қаларди. Бекорга у шунча қуруқ ўтин йиғмаган экан, мана энди, оловга ўзи зўр бериб ўтирибди. Кўшиқларни ҳам у барча қатори чин юракдан айтар – ахир кўшиқ ҳаммага баб-баравар тегишли эмасми? Бошқалар айтиши ман этилган, фақат подшоҳларнинг ўзларигина айтадиган кўшиқлар йўқ. Кўшиқ айт, қувна, яйра, дард чек ва йиғла, ўйнаб қол бу тириклик айвонида.

— Кимни жондан севган эдинг, кимни титраб-қалтираб кутган эдинг, ким сени ташлаб кетди? Қанчалар ўртандинг, куйдинг, сени тушунмадилар. Бундан кўра ўлганим яхшийди дединг. Ўлим олдида айтган сўнги кўшиғингни у эшитишини орзу қилдинг. Онанг қанчалар эркаларди сени гўдаклигингда... Дов ва танти отангинг боши қайларда қолди? Қандай жанг қилишарди жасур дўстларинг? Қайси худоларга очардинг беғараз ва пок дилингни? Ўйлаганмидинг ҳеч одам нега туғилади-ю, нега ўлади ва нега ўлим доим сен билан бирга, сендан нари жилмайди ва ўлгандан сўнг ўлим йўқ, лекин ҳаёт ўлимдан юқори, дунёда ҳаётдан кўра юқори ўлчов йўқ. Шунинг учун тирик жонни маҳв этма, лекин элинга ёв бостириб келса, дарҳол ҳимояга отлан, севганингниг номусини асра худди она Ерни ётлардан асрагандай. Айрилиқни ҳеч тотиб кўрганмисан, биласанми айрилиқнинг душворлигини, худди елканга чўнг тоғларнинг юклари ортилгандай? Суйганинг бўлмаса, ҳеч нарса кўзларингни қувонтирмайди: на гуллар, на нурлар ва на келажак кунлар... Ана, нималар куйланмайди кўшиқда, айтиб адо қилиб бўлармиди барини.

Ўша кеча ҳижрон чоғи алам ва илҳом билан кўшиқ айтаётган шу етти грузиндан кўра бир-бирига жондош ва қадрдон одамлар дунёда йўқ эди. Кўшиқ оҳанглари уларни янада яқинлаштириб

қўйганди. Ота-боболар насларга шу дилбар руҳафзо¹ сўзларни қолдириш учун қанча-қанчалаб хуноба² ютганлар, аччиқ воқеаларни бошларидан кечирганлар. Қушни учишидан билгандай грузин ҳам грузинни қўшиқ айтишига қараб ўн чақирим наридан билади ва унинг қаерлик эканлиги, бошига нима савдо тушганлиги, юрагида нима борлиги, қайси тўйда шўх ўйнаб-кулганлиги ёки қандай ғам-қайғу жонини қийнаётганлигини бехато айтиб беради.

Ой тоғлар узра анча ҳаволаб кетганди. Бутун ер унинг ёғдуларига чўмиб ётарди – ўрмондаги дарахтларнинг қора учлари тунги шамолда чайқалади, дарё шалдирайди, нам босган харсангтошлар кумушдай жилоланади, тун қушлари гулхан атрофида куйлаётган одамлар устидан шарпадай учиб ўтади ва ҳатто эгарланган отлар эгаларини сабр-тоқат билан кутиб, қулоқларини тиккайтириб, қимирлатиб-қимирлатиб қўядилар, уларнинг кўзларида олов шуълалари ўйнайди. Отлар бегона ўлкалар сари йўлга чиқишлари керак, вақт яқинлашиб келарди. Лекин қўшиқнинг охири кўринмасди. Гурам Жўхалзе ҳаммаси учун юрагини биратўла бўшатиб олмоқчига ўхшарди: «Оғайнилар, қўшиқ айтнинг, май ичинг, даврага йиғилиш бошқа насиб этмайди, яна қачон айтамыз грузин қўшиқларини». Дам якка-якка, дам ҳаммалари жам бўлишиб қўшиқ айтишар, дам худди ўлим олдидан ўйинга тушаётгандай гурсиллаб, шахдам рақс бошлаб юборишар, сўнг яна давра ясаб қаторга туришарди еттовлон грузин, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчи. Сандро эса дам-бадам даврадан чиқиб, гулханга ўтин ташлар, олов қарсиллаб, тобора қиздириб, куйдириб баланд ўрларди.

Охирги қўшиқни айтамыз дейишди, кейин яна ва ундан кейин яна хайрлашув олдидан айтайлик, дейишди, ҳеч тинчийдиган эмас, яна даврага туришди, бошларини қуйн эгиб, қўшиқ бошлашди – оҳанг гўё ер остидан гувиллаб келаётгандай ўйчан ва қудратли янграб борарди. Гарчи гулхан аланга олиб ёнаётган бўлса ҳам, Сандро яна ўтин келтиргани орқага ўтди. Буни у аниқ ҳисобга олган эди – четдан у олов атрофида кўр ташлаган, кўзлари ўтдан ёшланиб қўшиқ айтаётган олтовлоннинг ҳар бирини аниқ-таниқ кўриб турар, уни эса ҳеч ким кўрмасди. Оғир

¹ Руҳафзо – руҳлантирувчи, жонлантирувчи, тетиклантирувчи.

² Хуноба – қонли еш.

маузер аллақачон шай эди. Қасос палласи етганди. Кўп ўқли тезотар маузерни иккинчи қўли устига қўйди. Биринчи ўқ билан кўрбоши Гурам Жўҳадзени қулатди. Тўппонча овози тун қўйнида момақалдироқдек гумбурлаб кетди ва шу заҳоти йигитлар бўғзидан ҳали қўшиқ сўзлари узилмаёқ бошқа бешовини ҳам кетма-кет отиб йиқитди. Улар нима рўй берганлигини ҳатто англолмай қолдилар. Шундай қилиб, ўлим чархи яна бир шармандали айланди. Тўкилган қонлар учун яна қонлар тўкилди.

Ўқлар мўлжалга аниқ урилди. Фақат бир одам титраганча қўлига тиралиб турмоқчи бўлди. Сандро сакраб бориб, унинг чаккасидан ўқ қўйди. Отлар кўрқиб орқага тисарилдилар ва сўнг жидовланган ерларида қотиб қолдилар.

Гулхан ёниб битмаганди. Дарё вағилларди, ўрмон ва тоғлар бари ўз жойида эди, ой юксакларда сокин кезарди ҳеч нарса юз бермагандай, ёлғиз узоқ давом этган таронагина узилди, узилди...

Сандронинг башараси тун шуъласида бўздай оқариб кўринарди. У ҳарс-ҳарс нафас олар, ўпкасига ҳаво етмасди. У мешни шарт кўтарди-да, тагида қолган винони тўкиб-сочиб ютоқиб ича бошлади, у ичида ёнаётган оловни босмоқчи бўларди. Кейин сал ўзига келди, гулхан атрофида ётган ўликларни хотиржам айланиб чиқди. Сўнг ўлганларнинг қуролларини олди, уларни эгарларнинг бошларига осиб қўйди. Отларни жидов, иўхталаридан батамом бўшатди, уларни эркинликка қўйиб юборди. Ҳамма отларни, жумладан, ўз тўригини ҳам бўшатди. Отлар эркинликни сезган, тоғдан пастга, одамлар қўналғаси томон турнақатор тизилишиб тушиб кета бошладилар. Ахир отлар доим одамлар яшайдиган томонга қараб юрадилар. Уларнинг ортларидан бирпас қараб турди. Лекин мана, тақаларнинг овозлари ҳам эшитилмай қолди, пастда ойнинг тугаб ётган беқарор шуълалари қўйнида қатор тизилиб бораётган отларнинг шарпалари ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Ҳаммаси тугади. Сандро яна бир марта ерда ағанаб ётган олтовлон атрофидан айланиб чиқди-да, сал чеккароққа ўтди. Маузернинг оғзини чаккасига тиради. Тоғларда яна бир ўқ овози янгради. Бу еттинчи эди. У ҳам ўз қўшигини айтиб битирганди.

Савол ва топшириқлар:

1. Келинг, ўйлашайлик:

1. Асардаги бир-бирлари билан ёвлашган одамлар акс эттирилган қуйидаги тасвирини изоҳланг: **«Бундай шароитда асосий қонун битта –агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар. Аммо шафқатсизликка жавобан шафқатсизлик юзага чиқади...»**. Шу фикрлар ҳақида ўйлаб кўринг.

2. Асардаги: **«Чекист минган отининг эса айрили бўшаб кетади. У буталар панасида отдан тушади»** тасвирини ҳаётий ва бадвий жиҳатдан изоҳланг. Сандро минган отининг эгари чиндан бўшаб кетганими?

3. Жўҳадзе табиатига ҳос хусусиятлар ҳақида матига таяниб фикр юритинг. У қандай одам, жангу жадал қилиб юриши сабаби нимада?

4. Сандронинг сотқинлигидан кейин ҳам аёвсиз қирғиндан омон қолган еттовлон тўғрисида: **«Беш киши шу заҳоти ўликдай донг қотиб ухлаб қолади. Икки кишининг эса кўзларига уйқу келмайди»** тарзидаги баёнга эътибор қилинг. Бу ҳолат сабабини изоҳланг.

5. Шу ҳолатда қайси бирининг ташвиши кўпроқ, ғами улканроқ, мақсади покизароқ эканлигини аниқланг.

6. Асардаги: **«Тўлин ой уларнинг ўнг томонида нур ёғдиради. Тунги ўрмон оғир, босинқи хўрсинади. Пастда тошлардан-тошларга урилиб дарё шағиллайди. Атроф-тоғлар тош сукутга кетган»** тасвирига диққат қилинг. Табиатдаги соқинлигининг бу қадар батафсил тасвирланиши сабабини тушунтиринг. Ўрмон ҳам, тоғ-тош ҳам даҳшатли воқеани кутаётгани бўқми?

7. Жўҳадзеннинг борга бориб ётмоқчилиги Сандрони **«этаги куйгандай типирчлатиб»** қўйгани тасвирига эътибор қилинг. Бу ҳолатни изоҳланг.

II. Биргалликда таҳлил қиламиз:

1. Гурамнинг ҳамма жойда нишончи одамлари борлигидан келиб чиқиб унинг шахсига баҳо беринг.

2. **«Шом тушганда олтовлон ва еттинчи бир жойга тўпландилар»** инфоасининг айнан шундайлиги сабабини аниқланг. Адиб нима учун **«ҳамма»** еки **«еттовлон»** тарзида ёза қолмаган?

3. Жўҳадзе дўстларига айтган: **«Уруш дегани шу. Биз қон тўқдик. Бизнинг қонимизни тўкишди. У тарафдан ҳам, бу тарафдан ҳам кўп асл ўғлонларнинг бошлари кетди»** гапларида ҳеч кимни айбламаганлиги сабабини тушунтиринг.

4. Қўрбони табиатидаги юксак инсоний сифатлар намоян бўлган қуйидаги иқрорга диққат қилинг: **«Ҳалок бўлган дўстларимдан ва ғанимларимдан уэр сўрайман. Жангда ўлган ғаним – ғаним эмас. Оёғим узангида турганда ҳам, барибир мен ҳалок бўлганлардан кечирим сўрар эдим»**. Душманидан уэр сўрашга тайёр оламнинг адолатсиз бўлиши, номардлик қилиши мумкинми?

5. Гурамнинг ота юртдан чиқиб кетиш олдидан айтган: **«Келинлар, бир-биримиз билан хайрлашайлик, она Еримиз билан хайрлашайлик, грузиннинг нон-тузи билан хайрлашайлик, виносн билан хайрлашайлик»** тарзидаги гапларида ватанга бўлган муҳаббат қандай акс этганини аниқланг.

6. Жўҳадзенинг: *«Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватани олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар ватани хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сарик чақага ҳам арзимасди»*. – деган гапларидан унинг армони нақадар буюк ва сўнгсиз эканлиги англашидими? Шу сўзлар эгаси қандай одам?

7. *«Улар давра ясаб туришар, баъзан қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашар, баъзан қамчидай ерга солиштиришар, баъзан эса, билиб бўлмас ва кўриб бўлмас, лекин ҳар нарсани билувчи ва ҳар нимани кўрувчи илоҳий қудрат эшитсин дебми, қўлларини осмонга кўтарар эдилар»* тасвиридаги ифода самимияти ва инсон қисмати чингаллигига диққат қилинг.

8. *«Агар Яратган ҳаммасини кўриб турган ва билиб турган бўлса, нега унда уларни ўз она Ерларидан кувғин қилмоқда, бу қандай бўлди ахир? Нега ахир бундай, нега ахир одамлар бир-бирлари билан урушадилар, қон тўқадилар, кўз ёшларини дарё қилиб оқизадилар, ҳаммалари ўзларини ҳақ, бошқаларни ноҳақ деб ҳисоблайдилар, қани ахир ҳақиқат, ким ҳақиқатни айтади, ким?»* тасвиридаги тақрорлар қиҳрамонлар руҳиятини очишда қандай аҳамиятга эга бўлганини тушунишга уриниш.

9. Асарда сўнги дамларни кечираётган йиғитларнинг ҳаракатлари акс этган манзара тасвирини изоҳланг: *«Дам якка-якка, дам ҳаммалари жам бўлишиб қўшиқ айтишар, дам худди ўлим олдидан ўйинга тушаётгандай гурсиллаб, шахдам рақс бошлаб юборишар, сўнг яна давра ясаб қаторга туришарди еттовлон грузин, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчи»*.

III. Энди хулоса чиқарамиз:

1. Айни шу ҳолатда чеккет ҳақиқати: *«Сандро эса дам-бадам даврадан чиқиб, гулханга ўтин ташлар, олов қарсиллаб, тобора қиздириб, куйдириб баланд ўрларди»* тасвирида тинмай ўрдаётган олов оловми, пафратми, хиёнатми, афеусми?

2. Бошларини куйи эгиб, қўшиқ бошланди – оҳани тўе ер остидан тувиллаб келаётгандай уйчан ва қудратли йиғраб борарди» тасвирига таяниб йиғитларнинг руҳий ҳоли ҳақида ўйлаб кўринг. У қандай одам? Бунда асардаги: *«Қўшиқларни ҳам у барча қатори чин юракдан айтар – ахир қўшиқ ҳаммага баб-баравар тегишли эмасми?»* тасвирига таянинг. Ҳам чин юракдан қўшиқ айта олинч, ҳам қуролдошларини ўлдирга олиш учун қандай одам бўлиш керак?

4. Олтовлон ҳалок этилгандан кейинги манзара тасвирига диққат қилинг: *«Гулхан ёниб битмаганди. Дарё вағилларди, ўрмон ва тоғлар бари ўз жойида эди, ой юксакларда сокин кезарди ҳеч нарса юз бермагандай, ёлғиз узоқ давом этган таронагина узилди, узилди...»*. Нега ҳеч нарса узармади? Сизнинг кўнглингизда-чи?

5. Сандронинг сафдошларини ҳалок этгандан кейинги ҳолати асарда: *«У мешини шарт кўтарди-да, тагида қолган винони тўкиб-сочиб ютоқиб*

ича бошлади, у ичида ёнаётган оловни босмоқчи бўларди» тарзида тасвирланган. Унинг ичидаги ўтин ўчириб бўладими?

6. Асардаги: *«Маузернинг оғзини чеккасига тиради. Тоғларда яна бир ўқ овози янгради. Бу еттинчи эди. У ҳам ўз қўшиғини айтиб битирганди»* тасвирини изоҳланг.

7. Тестларни ечинг.

1. *Гурам Жўҳадзе ҳақидаги қайси фикр тўғри?*

А. Ўз манфаати учун ҳукуматга қарши борган худбин Б. Халқни талаш билан кун кечирган қароқчи С. Аксилинқилобчиларга ўзи билмаган ҳолда қўшилиб қолган йилқибоқар Д. Миллат эрки учун курашган ватанпарвар Э. Ҳукуматни ёмон кўриб қолган тўда бошлиғи

2. *Гурам нима мақсадда зиёфат уюштирди?*

А. Ватан билан видолашиш Б. Жанг олдида куч тўплаш С. Мағлубият аламини унуттиш Д. Сандрони синаш Э. Дўстларини тўйдириш

3. *Миллати манфаатларига зид бўлса-да, ўз бурчига садоқатли, айни пайтда виждонини йўқотмаган образ?*

А. Жўҳадзе Б. Чекистлар бошлиғи С. Жўҳадзе йигитлари Д. Сандро Э. Грузин халқи

ЎЙЛАРИМНИНГ ЧЕКСИЗ ОСМОНИ

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

(1940 – 2005)

Шукур Холмирзаев замонавий ўзбек наصريнинг забардаст вакилларида биридир. У адабиёт майдонига 1950 йилларнинг охирида кириб келди. Дастлабки асарларидан бошлаб ҳаётнинг ўзига яқин ва таниш жиҳатларини қаламга олди, тасвирда самимийликка интилди, қаҳрамонлар руҳий олами таҳлилига алоҳида эътибор берди.

Ш. Холмирзаев 1940 йилнинг 24 мартда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Шаҳидлар гузарида дунёга келди. Отаси Файзулла Холмирза ўгли асли Бундуғурдан бўлиб, шўролар тузумининг дастлабки даврида юқори лавозимларда ишлаган.

Миллатининг асл фарзандлари қатағон қилинган 1937-1938-йилларда шўролар хуружидан қочиб Бойсунга кетишга мажбур бўлган. Бу юртда бўлажак алибнинг онасига уйланади. Ўша ерда туман газетасига муҳаррирлик қилади. Лекин у қонсирраган шўро ҳукумати чапгалидан кутула олмайди. 1940 йилнинг ўрталарида шўро ҳукумати томонидан қамоққа олинган Файзулла Холмирза ўгли соғуни қаҳрли Магадан ўрмонларида оғир меҳнатдан силласи қуриб, 1944 йилда вафот этади. Бўлажак ёзувчининг онаси ҳам ишчан ва ўзига яраша маълумотли аёл эди. Шу боис у узоқ йиллар туман миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди.

Шукур Холмирзаев Бойсундаги ўрта мактабни тугатгач, 1957 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1962 йилда битирди. Шундан сўнг Тошкентдаги бир қатор нашриёт ва газета-журналлар таҳририятларида меҳнат қилди.

Шукур Холмирзаев жуда эрта ижод қила бошлади. Унинг дастлабки китоблари талабалик вақтида чоп этилди. Адиб „Оқ отли“ деб аталувчи биринчи қиссаси биланоқ, ўқувчилар эътиборини қозонди. „Тўлқинлар“ қиссаси эса машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таҳсинига сазовор бўлди. Ш. Холмирзаев илк қадамлариданоқ адабиётга ўзига хос овоз, ўзгача тасвир усули ва алоҳида бадний идрокка эга ёзувчи кириб келганлигини кўрсатди.

Ш. Холмирзаевнинг „Оқ отли“ (1962), „Тўлқинлар“ (1963), „Ўн саккизга кирмаган ким бор“ (1964), „Тақдир башорати“ (1968), „Йўллар, йўлдошлар“ (1973), „Юр, тоғларга кетамиз“ (1976), „Чўлоқ турна“ (1978), „Туироқ кўчалар“ (1978), „Қуш тили“ (1982), „Қаҳрамоннинг сўнги кунлари“ (1984), „Тоғларга қор тушди“ (1986), „Абдулла Наби ўғлининг сўнги кунлари“ (1983), „Эсиз, Эшниси!“ (1988), „Булут тўсган ой“ (1997) каби *диқоя* ва *қиссалари* ўқувчилар эътиборини қозонган. Адибнинг „Сўнги бекат“ (1976), „Қилкўприк“ (1984),



„Йўловчи“ (1987), „Олабўжи“ (1991), „Динозавр“ (1996) асарлари ўзбек романчилиги тараққиётида ўзига хос ўрни тутди. Ёзувчи 1987 йилда “Қора камар” драмасини ёзди. Инсон тақдири бутун фожиявий кўлами билан акс эттирилган бу драма адабиётимизда муҳим ўрни тутди. Асарда ёлгон эътиқод инсонларни қай қушларга солиши ва эътиқодсизлик миллатни қанчалар тубанлаштириши мумкинлиги ёрқин образлар орқали ҳаққоний акс эттирилади.

Драманинг бош қаҳрамони Хуррамбек – миллат озодлиги учун бошқини тиккан шахс. Лекин эътиқодсиз одамлар томошабин бўлиб турадилар, Абдулла Набиевга ўхшаб ёлгон эътиқодга алданганлар эса унга қарши курашадилар. Хуррамбек Ватан мустақиллиги учун жангга кирган, лекин ватандошлари уни босмачи деб ҳисоблашади. Хуррамбек– фикр кишиси, йирик ва ёрқин шахсият эгаси. У эзгу ниятлар қилган, ўз олдига покиза мақсадлар қўйган. Аммо миллатдошларнинг маънавиятсизлиги уни қонхўрга айлантиради. Қўрбошининг Абдулла Набига: **“...сенинг сафдошларинг бир кун келиб йиғлайди! Уша ўрис йиғлатади... Босқинчи ҳеч қачон босиб олган фуқароси бошини силамайди! Силаса, алдаш учун силайди!... Лекин ёмон алдангансан, жигар”**,- дея қилган аламли нидоси кишининг вужудига титроқ солади. Нафақат атрофидагилар, яқинлари, сафдошлари, ҳатто ўз фарзанди ҳам тушулмаган ориятли Хуррамбекнинг инсоний изтироблари асарда тоғат юксак бадний куч билан тасвирланган. Драма Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1991 йилда адабга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди.

Ш. Холмирзиёев биринчи навбадга ҳикоянавиё сифатида тан олинган ёзувчидир. Адиб насрнинг бу мўъжаз жанрида инсон табиатиغا хос руҳий изтироблару туйғулар товланишини бутун мураккаблиги билан кўрсата олади. Унинг „Ёлвойи гул“, „Баҳор ўти“ „Битиктош“, „Яшил“ „Нива“, „Озодлик“, „Ўзбеклар“, „Ҳаёт абадий“, „Оғир тош кўча“, „Устоз“, „Кўк денгиз“, „Табасум“, „Шудринг тушган бедазор“, „Хумор“ сингари ўнлаб баркамол ҳикоялари бу кичик адабий жанрнинг ёрқин намуналаридандир.

Адиб 2005 йилда вафот этди.

ЎЗБЕКЛАР

...Мен бир воқеани айтиб берай.

Иккинчи курсда пахтага бордик. Ўша Бўка райониға. Четдаги бир колхозига. Мана шу ўзимизнинг Сурхон воҳасига ўхшаб кетадиган жойлар экан: ҳар қадамда қиёқлар ўсган. Боғ-боғ ёш қамишни таги билан ўтқазиб қўйгандай. Ери жиққа ажриқзор. Мол ўтлайдиган, болалар чилдак ўйнайдиган ер-да!

Қадрдон, мен унинг ўзимга, мана шу кўнгил қурғурга ёққан жойини айтдим: бунақа жойлар ёқади-да!

Хуллас, ана шу ажриқзордан сал ўтгандан кейини қишлоқча бошланади. Йигирма-ўттиз хонадон турса керак. Томлари бари лойсувоқ, деворлари гувала. Биз борганда жами томларга пичан уюлган, ёмғир ёғиб ўтган пайт эди, пичанлар сап-сариқ. Баъзисининг устида ёш болакайлар ўтирарди.

Бизни кўриб қийқириб юборишди. Бечоралар... Тошлоқ кўчада машинамиз тўхтади. Ўқитувчилар ўзаро келишдилар. Бизни шу ердан буриб, пастликка эндириб кетишди.

Битта бригадирнинг битмай қолган пешайвонли иморатига жойлашадиган бўлдик. Буям шунчаки сомон сувоқ қилинган. Дераза ромлари йўқ. Ер зах. Одатдаги... бараклардан¹ фарқсиз эди. ...Болалар орасида мендан ёши улуглари кўп эди: бирлари армияни битириб келган, бирлари техникумни... Биз энди, ўзингиз қатори ўрни битирибоқ, университетга кира қолган эдик. Шунга айтиш керакки, савод масаласида ҳам улардан кам эмас, баъзан баландлик ҳам қилиб қолардик: ҳар қалай ўрни битириб тўғри институтга кирган боламиз. Билимлар ҳали свежий²... Бундан ташқари, ўзингизга маълум, каминга кутубхонанинг, айниқса, фундаментал³ кутубхонанинг фаол ўқувчиларидан.

Лекин уятчанлигимиз ҳам бор. Барибир... қишлоқимиз-да, тўғриси. Балки «уддалик» бобида ҳам анча жўн эдик.

Йўқ? Э! Сизни ўша уйга жойлаб қўйса, нима қилардингиз? Колхоз идорасидаги буғалтирнинг хонасидан печни кўпориб келармидингиз? Келолармидингиз? Йўқ. Дераза ўрнига нима тутар эдингиз? Тўл⁴... Уни қаердан топардингиз? Ана шундай...

Ўрмон деган бир курскомимиз⁵ бор эди. Новча, ориқ йигит. Уч йил университетга киролмаган. Сибирга помидор, пиёз обориб сотган. Поезддаги саргузаштларини эшитсангиз ҳее... Пишиқ болаларда! Комсоргимиз⁶ ҳам Азимжон деган йигит эди. Нуқул Ремарк билан Хемингуейни ўқиб: «Бизнинг ёзувчиларимиз ёлғончи», – деб юрарди. Мен? Албатта унга қарши турардим!..

Шундай қилиб, жойлашиб олдик. Ерга похол тўшадик, устига чодир ёйдик. Кейин кўрпа-тўшакни ёздик.

Чойнак, челақ ҳам топиб келишди.

Кеч бўлиб қолган эди. Биласиз, дастлабки кеча ухлаш қийин. Латифа айтишарди болалар: „Сиз кўрган ўша афанди, сиз билган ўша афанди...“

¹ Бараклар - ҳашарчилар учун пахтизорнинг ўртасига қуриладиган ҳарбийча омонат бино.

² Свежий (русча) - янги, унутилмаган маъносда.

³ Фундаментал - асосий маъносда.

⁴ Тўл - ям ўтказилмайдиган сақичли қалин қора қоғош.

⁵ Курском - курс бошлиғи маъносда.

⁶ Комсорг - шўролар давридаги ёшлар таъкилотининг кичик етакчиси кўла тутилган.

Болалар дарҳол тўрини, ён томонларни эгаллаб олишгани учун менга эшик оғзидаги жой теккан эди, билмадим, кечаси эшик очилиб кетганими, саҳар турсам, бурним битиб қолган.

Ҳавода зилдек оғир, қорамтир булутлар айланар, лекин этакдаги пахтазор яққол кўзга ташланар эди. Иккинчи теримдан чиққан. Кўп гўзалар барг тўкиб, сарғайиб қолган.

Айвон устунига суяниб, томоша қила бошладим: пахтазор четида тутлар. Ўша тутлар... У ер-бу ерда чуғурчуқлар галаси учади. Тутзорнинг нариги томонида бўзранг бир узун иморат кўринарди. Унинг олдида бакни¹ қайнатишяпти шекилли, карнайидан қизил алаанга чиқиб қоларди.

Кейин, шуindoқ пастликдаги пахтазорни биздан ажратиб турган ариқ бўйидаги ёлғиз кулбага кўзим тушди. Унинг ҳам томига пичан босилган. Пичан устида чумчуқлар гужғон: чириқ-чириқ... Ариқ бўйида эса бир қорақалпоқ курсдошим, ҳа, ўша – Сапарбой майкачан бўлиб чопиб юрибди.

Бет-қўлни ювгани пастга эндим.

– Ечин. Югур. Физкультура қил! – деди Сапар.

– Э, пискултурам чиқиб турибди, – дедим.

Шунда қарасам, ҳалиги кулба... одам яшайдиган уйча экан. Мен, билмадим, уни бостирма деб ўйлабмидим, ҳайрон қолдим. Кичкина деразаси бор.

Уйчанинг олдида эса, биласизми нима, ўрмак²... ўрмак тикилган.

Бир аёл катта таёқ билан гурсиллатиб уриб, калавани қатимлар орасилан у ёқ-бу ёққа отиб, шолча тўқияпти. Секин унга яқин бордим: бу манзара ҳам бизнинг кўнгилга яқин-да, қадрдон!

Аёл шарпамни сезиб, бошидаги гарди рўмолини пешонасига туширди.

– Салом алайкум, ҳорманг, опа! – дедим.

– Келинг ука, – деди у. Хуш кепсизлар... Яхши жойлашиб олдингларми?

– Ҳа, раҳмат. Жуда-а яхши жойлашдик... Шу уйда яшайсизларми?

– Ҳа. – деди у. – Хўжайин молга кетган.

¹ Бак – купчицикка мўлажалланган лойдини

² Ўрмак - гилам; шолча тўқиш учун ерга қоқилган қоқиқлар ва уларга тортилган ип-катимлар, турмак.

– „Молга кетган!“

– Мол ҳам боқасизларми? – дедим.

– Ҳа, колхоз бир отар¹ бериб қўйган.

„Бир отар!“ О, Тошкентда бу сўзларни эшитмайсиз-да, меҳрибоним. Ана шундай қилиб, буларга бирдан кўнглим илиди.

– Эчкими, қўйми? – дедим.

– Аралаш.

Қарасам, уйчанинг нариги томонида узун қўра бор. Тевараги шох-шабба билан ўралган. Секин ўтдим. Қий² ҳиди... Ҳа-ҳа-ҳа! Қўранинг эрганагидан³ қардим: етмиш-саксон майда мол сиғаркан... Мен нимагадир бу ерларда ҳам одамлар фақат пахта билди, деб ўйлардим. Энди денг, мол туфайли пахтаям кўзимга юз чандон яхши кўриниб кетди. Бунинг устига ҳаво юмшоқ, ғўзалар ювилган, намхуш. Барглари, поялари сариқ, Ариқчада тиниқ, зилол сув оқяпти... О! Ўша пайтлар Бўкадаям сувлар тоза бўлгич эди. Химикатлар ҳам кам сепиларди, назаримда. Лекин мен бу томонларига эътибор қилмаганман... Чунки ўзимиз тарафдаям химикат, сув нотоза, ул-бул деган гаплар кам бўларди.

Хуллас, мен Сурхоннинг бир бурчагига келиб қолган эдим.

Шу пайт уйдан – ётоғимиздан болалар ҳам бирин-кетин кўзларини уқалаб, ҳар ёққа қараб тушиб кела бошлади. Баъзиси Сапарга қўшилиб чопишга тушди. Баъзилари пахтазорга оралаб кетишди. Ўрмон ака ўрмак тўқиётган аёлнинг қошига келди.

– Қалайсиз, опа? Ҳорманг!

– Бор бўлинг, ука... Келиб зап иш қилдиларинг-да...

– Ҳа, энди, сизларга ёрдам бермасак бўладими? Кўк чой борми? Қуруғидан.

– Бор, бор. – Аёл этагини анил-гапил тушириб, тароқни ташлаб, кулбага кириб кетди. Оёғида эски кирза этик, узун сочлари учида сочбоғ. Ранги ўнгиб кетган қўйлаги рижим. Сал ўтмай бир банка билан бир парча газета кўтариб чиқди. Газетани

¹ Отар – бир чўпон-чўдоқ томонидан боқилиши, бир қўрага камалини муъмин бузган қўйлар тўдаси.

² Қий – қўй тезаги, қумалоғи.

³ Эрганақ – бино эшигининг тоза қисми.

Ўрмонга бериб, устига банкани энгаштирди. Бир ҳовучлар чой тўкилди, Ўрмон:

– Бўлар, раҳмат, – деди.

– Керак бўлса...

– Керак бўлса, яна сўраймиз...

– Бемалол, оғажон. Ҳе, пахта, пахта... Мана, сизлар ҳам ўқишларни қолдириб, ота-оналарингизни ташлаб келдинглар. Барака топинглар. Раҳмат...

– Энди, териш керак-да! – деди Ўрмон ака... – Ҳа, пахтанинг килограмми неча тийиндан?

– Шу, ўн тийинми, беш тийинми, мен кўпам фарқига бормайман.

– Э! Ундай бўлмаса керак! – деди Ўрмон ака. Кейин кулди. – Язнамиз¹ билсалар керак?

– Ҳа. У киши биладилар.

– Яхши... Сизлар бирон ёқдан келганмисизлар дейман?

– Йў-ўқ, биз шу ернинг одами.

– Бундан бошқа участкаларинг ҳам бордир-да?

– Йўқ, оғажон. Бори шу... Буям яхши. Ўзимиз уч жон. Жиянингиз отаси билан кетган... Чўпон бўламан дейди. Ҳализамон кеп қолади. Чойни қаерда ичасизлар?

– Чойни? Ҳм, бугун энди ётоқда... Кейин яна ўйлаб кўрамиз.

Мен Ўрмон акани ҳозир қитмир², суқатой³ қилиб таърифлаётганга ўхшайман. Йўқ, бир ҳисобда у ўзича ҳақ эди: бизниям ўйларди, ҳарқалай.

Шундан кейин теримга жўнадик.

Кун чиқиб, уям сарғайиб нур сочяпти. Биз этакларни бўйинга олиб, худди ошалолга⁴ кетаётган подачидай боряпмиз. Э, дўстим, менга мана шундай кун зарда бериб чиқаётганда намхуш сўқмоқлардан юриш ҳам ёқади-да!

Тепангда чуғурчиқлар ўйнайди. Оёнингга ҳўл япроқлар ўралашади. Унда-бунда хирмон жойлардан буғ кўтарилади. Кўрганмисиз? Ғўзанинг қавачоғи ёнишга маҳтал бўлади. Узоқ вақт уюлиб ётса, тутун ҳам чиқиб кетади.

Ўша кунни тердик. Уят ўлимдан қаттиқ... Эл қатори тердим. Лекин бурун очилмади.

¹ Язна – почча.

² Қитмир – кув. шум.

³ Суқатой – очкўз, назари наст.

⁴ Ошалол – подачиларнинг иш ҳақи ўрнига олаётган егуликлари, ошҳайол.

Қайтаётганимизда ҳалиги кулба биқинида қозон қайнаётган экан. Энди Азимжон ака қозонга яқин бориб, ҳидлаб кўрди-да:

– Ош, – деди бизга қараб.

– Ҳу, – деди Ўрмон ака, қозон кичкина экан-да.

– Юринг, юринг.

– Шошманг, ҳо хўжайин!

Уйчадан каловланиб, қотма, қора чопонининг тирсақлари йиртилиб пахтаси оққан, соқоли ўсиқ, чувак юзли йигит чиқди. Худди ўнгирини босиб оладигандек сурилиб-шошиб келиб, биз билан бир-бир кўришди.

– Хуш кепсизлар, хуш кўрдик! Қани, уйга марҳамат!

– Олдин ювиниб олайлик-чи, – деди Ўрмон ака. – Айтмоқчи, бир укамизнинг томоғи шамоллаб қопти. Бурини ҳам битган-а? – деб сўради мендан. – Шу, шу... Дори-пори топиладими? Медпунктларнинг марказда экан, бу ер – Камчатка¹.

– Э, топилади-да. Дори топилади!– Йигит этигини қўлантаёқ кийиб чиққан экан, оёғидан тушиб қоладигандек талпанглаб уйга кирди.

Кейин бир боғ итузум² олиб чиқди.

– Шу бўлади, томоққа боғласалар, — деди.

– Бўлди, бўлади! – дедим. – Озгинаси бўлади.

– Э, озгинани нима қиласан? – деди Ўрмон ака. – Ҳали яна керак бўлади.

Итузумни олиб ётоққа келдим. Унга тикиламан: таниш-да бу ўсимлик ҳам! Қадрдон, биздаям бир момо бўлгичи эди. Бобомиз босмачиларнинг отларига ҳашак бергани учун «халқ душмани» деб отилиб кетган, ундан қолган ўн бир қурсоқни³ боқаман, деб умрини тоқ ўтказган кампир эди. Уларниям биринкетин яратганига тоншириб, бизнинг маймоқ ота билан қолган...

Ўша кампир даволарди шунақа итузумлар билан... томоқларимизни. Тилдан терсак⁴ чиқса, оқ гулбўта⁵ қуритиб-эзиб, кукунини сепарди. Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетардик.

Омборимизда мана шундай итузум боғларидан ёғоч қозикларга осиб кўярдилар.

¹ Камчатка – Россиянинг шарқий нуқтасидаги ер. Овоқ жонлар «одис, одам ости етмайдиған» маъносига шундай аталган.

² Итузум – майда қора мевали ёввойи ўсимлик.

³ Қурсоқ – қорин. Бу ерда ноихўр маъносига.

⁴ Терсак ёки терекан – тилга чиқадиган яра.

⁵ Гулбўта – тўғриси «силбўта». Таъмига майин тупроқ.

Биз ҳам девордаги бир миҳга осиб қўйдик. Кейин мевасидан бир ҳовуч олиб, бўз этакнинг четидан бир парчани йиртиб, мевани эзиб-эзиб томоққа кўтардик.

Эртаси кўзимиз чарақлаб очилиб, теримга чиқиб кетдик.

Бизга чой қайнатиладиган бак ортидаги кулбаларнинг орқасида ҳудудсиз далалар бор, биз ўша ёқда пахта тердик. Ҳар жой-ҳар жойда митти-митти шийпончалар қўққайиб турарди. Ери зах, деворлари қабариб кетган, атрофида тупроқ ўйнаб ётар, унда сичқон-каламушларнинг излари кўп эди.

Биз гоҳо ўшандай кулбачаларга кириб дам олардик.

Мен, мен ўзим ўшанақа жойларда изғишни яхши кўрардим. Шундай шийпончаларнинг яқинидан албатта бирон ариқ ўтган бўлар, унинг қирғоқларидан қамишлар говлаб кўтарилган, қамишлар ичида турфа тиканлар қизил, сариқ бўлиб гуллаган, ўшаларнинг ҳам ёлғиз томошачиси биз эдик.

Баъзан эгатлар ичида тарвуз, қовун палаклари чиқиб қоларди. Албатта, битта-иккита буришган, тиришган туйнак¹ бўларди. Аммо уни ёриб ёсангиз мазаси тилини ёради. Э, азизим, менга, бир фақир студентга шундай туюлган-да! Бўлмаса ичи тушган, айний бошлаган тарракнинг нимаси ширин? Балли, одам деган мундай нижиқ бўлмайди: бориға қаноат қилиш керак...

Теримда эса, ҳамма вақт қорнингиз тўйган кўзининг қорнидек бўлмаслиги ўзингизга маълум... бир туюр гўшту макарон солиб қайнатилган шўлан шўрва мана шундай... жонингизга тегиб кетади: раҳмат.

Ҳозир пахтани ёмонлаш, унинг меҳнатини энг оғир меҳнат деб аташ модада. Бир ҳисобда ҳақиқатдан ҳам шундай. Бироқ, терим пайтидаги романтика!

Тонгларни эсласанг! Тупроғи нам тортган сўқмоқларни. Йироқда арава йўлдан кўтарилган чангни, уфқдан энди бош кўтараётган қуёш ёғдуларига йўғрилиб, заррин бир тўзонга айланиб туришларини эсланг! Бунинг устига ўша пайтда: „Энг улуғ ишни мен қиляпман! Ўзбекининг миллий ифтихори учун курашяпман! –деб ўйлаб турсангиз. Битта ўртоғингиз ўйинқароқлик қилиб, камроқ пахта терса, кўзингизга ёв бўлиб кўришса...

Битта гўзал, нозик қиз ипакдек бармоқлари чаноқларга тилиниб, қони чиқиб, дока билан боғлаб олиб, энди зўрға

¹Туйнак – кеч туйгани учун пишиб етилмай қолган қовун-тарвуз.

тераётганини кўрсангиз: „Э, шаҳарлик ойимқиз! Сояпар-да, сояпар!“ – деб ичдан ҳақорат қилар эдингиз.

Ҳа-да, аввало, ўзим ҳақимда гапиряпман! Ё ҳикоямни тугатиб қўя қолайми?

Майли...

...Расво бўлиб, шалаббо бўлиб ётоққа етиб келдим. Эртаси саҳарлаб туриш керак, теримга чиқиш керак. Ёмғир, қор – пахтанинг олдида капейка!¹

Кийим-бошни ювиб, печга тутиб сал-пал қуритдим. Кейин бир доно ўртоқнинг маслаҳати билан: „Тўшакда қуриб қолади“, деб кийиб ётдик.

Эртаси расвогарчилик.

– Жуда нозик экансан-да, шоир, – деди Ўрмон ака. Нозик, ҳаёлпараст одамларни „шоир“ деб аташ ўшандан расм бўла бошлаган эди.

...Сапарбой – ҳалиги қорақалпоқ йиғит менга яқин эди... Шу йиғит:

— Қол, сен учун икки фартук² териб бераман, – деди.

Икки фартук пахта – бу оламжаҳон меҳнат! Бу – камида икки-уч минг марта эгилиб-кўтарилиш дегани. Яна қанча машаққати бор... Кўнглим бузилиб, унга нима миннатдорчилик билдиришни билмай қолдим. Бошим айланар, ичим ўз-ўзидан ёниб кетаётгандек эди. Азимжон ака ҳам пешонамга қўл қўйиб:

– Қолинг. Мумкин эмас. Жон ҳам керак, – деди. Қаранг, одамлар қандай реалист.

Қолдим. Болалар кетишди. Уйда ётиб қолган бемор учун ҳам шарт шу эди: у ёқ-бу ёқни супуриб, тозалаб қўйиши керак. Биратўла қутулай деб уйни супурдим. Айвонлариниям тозаладим. Ахлатни иморат орқасига ўтиб тўкиб қайтаётган эдим, бир манзарани кўриб қолдим.

Жўхориюя четида ёввойи супурги панасида битта ўн-ўн бир ёшлардаги болакай қўлчаларини тиззасига тираб нари томонга қараяпти. У ёқда бўлса, паҳса деворга тақаб тўкилган сомон остида бир сариқ ит ётибди.

Мен ҳам қизиқиб, боланинг ёнига бордим. Шунда ит ёнигиб, сапчиб турди-да, девордан липна ошиб ўтди. Салдан

¹ Капейка – русча «копейка» сўзининг бузилгани. «Бир тийин» маъноснда.

² Фартук – этак.

сўнг муштдек кучукваччани тишлаб, бу ёққа сакраб ўтди. Ерга кўйиб ялади. Яна ётди.

– Қизиқ-а? – дедим.

Бола чўчиб тушди. Афт-башараси кир, телпагининг қулоғи пешонасига тушган эди.

– Ҳа, – деди у ташвиш билан. – Бу ер кўча, опкетишади болалар... Мен боласини ҳовлига ўтказиб қўяман, бу уясига олиб ўтади. У ёқ яхши-ку?

Мен хўрсиндим.

– Минг қилсаям ўзининг уйи-да... Сен кимнинг ўғлисан?

Одамзод қизиқ-да, а? Унинг кимга ўғил бўлишини менга нима аҳамияти бор денг?

– Ботир чўпонни, – деди.

– Ҳа-а, ордени борми?

– Йўқ. – У ғамгин тортиб қолди. Эшимбойнинг ордени бор. Лекин кўйи кам...

Ана, ёш болалар ҳам ўша махинацияларни² билишарди.

– Ҳечқиси йўқ, – дедим. – Сенинг отанг ҳам олади. Ботирбой зўр чўпон. А, уйлариинг шу девор орқасидагими?

– Э-е!– деди у устимдан кулгандай. – Ана-ку! Сизга отам итузум берганда, мен деразадан қараб туриб эдим... Яна керакми? Кўзингиз ёшланиб кетяпти!

– Йўқ. Итузум бор, – дедим. – Ака-укаларинг ҳам борми?

– Укам ўлди. Доя кампир чала туғилган,– деди. Ўлди, кўмиб келдик. Кичкина эди.

– Аттанг, – дедим.

– Шу ерга келиб жойлашгандан бери ҳалиги аёл билан эрининг яшаш шароити, ётиш-туришини ҳам кўриб турардим: аёл тонг отмасдан уйғонарди; сигир соғади, эрини кузатади, кейин ўрмак тўқийди... Кун кўтарилаверганда, ариқнинг у бетидаги пахта-зорга тушади: кечгача бир қопни тикка қилиб қўяди. Кечаси ҳам алламаҳалгача уларнинг кулбасидаги ёлғиз деразадан ариқ бўйига нур тушиб туради.

Ўрмон ака билан Азимжон ака, тагин уч-тўрт болалар уларнинг чойини ичиб чиққан, бир-икки марта овқатларигаям шерик бўлганди.

² Махинация - кўзбўямачилик, фирибгарлик.

Шу нарсаларни ўйлаб: „Иши оғир, бола ташлагандир-да“, – деб ўйладим. Биласизми, эй қадрдон, кўзимиз очиқ бўлгани билан ожиз эканмиз-да: сиз ҳам шундай ғариб кулбаларда яшаётган деҳқонни, пахтакорни кўргансиз. Албатта... Лекин буни тан олмас эдик-а? Қандай аблаҳ эканмиз!

Тавба, буни тан олишдан уялар эдик. Бировлардан ҳам яширар эдик.

Шошманг-шошманг, бу ерда гап бор: бу нарса фақат кўркувдан деб ўйлайсизми?

Гумоним бор. Бечора ўзбекни биласиз-ку ўзи емасдан меҳмонга тутади...

Камбағаллигини яширади. Қизиқ-а? Ҳолбуки, камбағал одам ўз ҳолатига кўниккан бўлади. Яширмайди. Бизникилар негадир... Худди жуда бой эди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай: шунинг учун ўкинч билан буни яширишга интилаётгандай туюлади менга... Балки бошқа бизнинг ақлимиз етмайдиган сабаблар бордир?

Боланинг исми Абдуқодир экан.

Бирга-бирга айвонга келдик.

– Итга тегма, – дедим. – Сенга ўзингнинг уйинг яхши, унга ўзиники яхши.

– Бу ерда ёмон болалар ўғирлаб кетади. Сотади, – деди Абдуқодир.

– Кимга сотади?

– Сотади-да... Битта гектарчи қарис олтига кучуқни сотиб олиб кетганди.

– Ўқийсанми?

– Бешинчида... Тушдан кейин мактабга борамиз. Ҳей кейинроқ кўрак ҳувиймиз.

– Ўқиш нима бўлади?

– Тўхтайди!– деб кулди у. – Келаси йилдан пахтага чиқамиз! Мен ҳозир ҳам пахта тераман. Опамга теришаман... Китоб? Ўқийман. „Робинзон Крузо“ бор. Битта фелшер¹ ташлаб кетган. Ўтган йили... Укамни кўргани келганди... Мен йиғладим. Кейин шу китобни берди. Яхши китоб!

Азизим, мен ҳам худди шу болакайнинг ёшида ўқиган эдим ўша китобни. Сиз ҳам...

¹ Фелшер – «фельдшер» сўзининг бузилгани, Кичик тиббий ходим.

Биографиямиз қанчалик яқин-а?

Ҳикоямни чўзиб юборяпманми? Шошиб қаерга борасиз, қадрдон? Гоҳо мириқиб гаплашиб, ўйлашиб олиш ҳам керак-ку! Ўша дамларни қайтадан яшаб, а?

У хотиралар одамнинг юрагини тозалайди. Шундоқ ҳам фисқу фужурга, кераксиз кони зиён ўйларга тўлиб кетган бу кўкрак... Сигаретдан чекинг.

Шундай қилиб Абдуқодир билан жўра бўлиб қолдик.

Тутзор ортидаги баракда қизларимиз ҳам турарди. Улардан ҳам иккитаси касал бўлган экан, доктор келди. Мениям кўриб, анализ-паналгин деганларидан бериб кетди.

Уч кун қаттиқ ётдим.

Тўртинчи кун эди шекилли, айвонга чиқаётсам, Ботир чўпон битта тарвузни қўлтиқлаб пастга тушиб кетди. Шу куни тушдан кейин ҳаво очилиб, кун анча қизиди.

Кечга томон яна уйни супуриб бўлиб, айвон – устун тагида чўнкайиб ўтиргандим. Абдуқодир ярим палла тарвузни кўтариб, пишнаб чиқиб кела бошлади.

Ўзи битта тарвуз олиб тушишган эди...

– Сизга. Енг, – деди, – Отам бердилар. Опам есин дедилар... Кейин кечкурун уйга кирар экансиз.

– Емайман. Раҳмат. Қорним тўқ, – дедим.

– Йўқ. Ейсиз! – деди у мен билан уришадигандай. – Сиз касал. Бу тарвуз яхши экан.

– Емайман.

Абдуқодир турди-турди-да, тарвузни шартта ерга қўйиб, чошиб тушиб кетди.

Болалар теримдан қайтгач, ҳақиқатдан ҳам Ботир чўпон чиқиб келиб, бизларни уйга айтди:

– Келинлар, укалар. Бир ошам ош қилган эдик. Сизларга раҳмат. Бу ерда ота-оналарнинг йўқ...

– Э, уйингизга сиғмаймиз-ку, – деди Ўрмон ака.

– Кўнгил кенг бўлса, бемалол сиғишамиз, – деди чўпон, – тушинлар.

– Биз ахир йиғирма киши!

– Бўлмасам йиғитлар, ўнтамиз бугун меҳмон бўламиз ўнтамиз кейин! – деди Ўрмон ака.

Мени қўймай олиб бордилар.

Тўрт киши зўрға сифадиган хона эди. Бурчакда гиштин печ. Оқланган. Лекин чойнинг доғи, ёғ тўкилган. Ерга икки қават палос солинган. Тўрда бир тахмон юк. Энсиз-энсиз кўрпачалар солинган. Тиқилишиб ўрнашдик.

Ботир чўпон илжайиб, қувониб дастурхон ёзди. Қўш-қўш ёпган нон кўйди. Бир тақсимча оқ қандни сочиб ташлади. Кейин икки ҳовуч жийда билан майиз ҳам сочди. Кейин каттакон хум чойнакка кўк чой дамлади.

Икки товоқ палов хаш-паш дегунча йўқ бўлди. Кейин босиб-босиб чой ича бошлашди.

Мен... қандай ўтирганимни билмас эдим. Касалликдан тузалмаганим, инжиқлик ҳам сабабдир... Лекин бир бурда нон ейишга истиҳола қилардим.

Бу оила – камбағал оила эди.

– Ҳа, пахталар ҳам оёқлаб қолди... қани, бу яшаш қалай энди? – деди Ўрмон ака. – Йиғинаяписизлар дейман-а? Ҳа-ҳа-ҳа! Ўзбекнинг одати шу-да: боламга бўлсин дейди...

– Ҳа, энди бизнинг оталар ҳам қилган-да, – деди Ботир чўпон. – Опангизга уйлантириб кўйишди. Элни олдидан ўтдик. Тўй дегандай, ҳаражати бор-да...

– Лекин бизни алдашяпти, чўпон ака! Кунлик меҳнатимиз овқатимизни қопламайди. Бир килога ўн тиийн тўлайди. Ҳозир ўн кило териш ўлимдан қийин.

– Ҳа, энди чидаймиз-да, оғажон. Ўзимизни пахта, ўзимизни ҳукумат.

– Ҳей, тушунмай қоламан-да, бу ишларни!

Аёл мени қузатиб турган экан.

– Шу укамиз ҳеч нарса татимади-да, – деб қолди. Ё бизни писанд қилмаяптиларми?

– Э, нимага... – Оловим чиқиб кетди. – Ўзим шу...

– Ҳе, иштаҳаси йўқдир-да, – деди Ўрмонжон ака. Бўлмаса овқатдан ҳам торгинадимми одам!

– Ҳа, иштаҳам йўқроқ... – дедим.

Тезроқ чиқиб кетгим келарди. Ўрмон аканинг гаплари, сўроқлари жонимга теккан эди... Нима? Э, қадрдон, мени наҳот тушунмайди деб ўйлайсиз? Ҳа-ҳа! Ўрмонжон акаям ўзича ҳақ эди...

Масаланинг бошқа томони ҳам бор: биз ўзимиз ҳам қоринимиз тўйиб яшамасдик. Биттаси ярим кило қанд обкелган бўлса, бошқа

биттаси ўғирларди, бировнинг косасидаги гўшти биров...
Айтишга тил бормади. Тутаб кетасан киши.

Н-нима қилишим керак бўлмаса? Ҳадеб қўл узатаверайми?
Қўйинг бу гапларни.

Оға! Ўша шароитда сиз ҳам мендан ўзгача тутмасдингиз
ўзингизни!

Шу-шу буларнинг уйига қайта кирмадим. Чўпон гапиради,
хотини айтади, ўғли чақиради. „Хўп“ дейман. Пайсалга соламан.

Уларнинг кулбасига кун ора кириб чиқадиган, дастурхонини
қуритадиган болалар кўзимга ёмон кўриниб қолди. Аста-секин
улар билан ҳам ҳамдардликни уза бошладим.

Шунда, сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир
бўлди.

Сурункасига ёмғир қуя бошлади. Икки кун овқатсиз қолдик.
Шундоқ ҳам кўп болалар қарздор бўлишган эди.

Аста-секин элчиларимиз қишлоқ кўчаларида изғийдиган
одат чиқаришди: кечаси бир маҳалда ўнталаб, ўн бешталаб
қовун-тарвуз кўтариб келишади.

Эртаси штабда жанжал: кимдир ҳовлисига ўғри тушганини
айтиб шикоят қилиб келган...

Ана, ўғрилиқкаям ўрғана бошладик.

Аммо энг катта ўғрилиқ... Кечаси довул бўлди. Бир пайт
эшик қаттиқ очилиб, шалаббо бўлган Ботир чўпон кўринди.

– Моллар чиқиб қочди! Ёрдам беринглар!

Қўй-эчкиларни нима ҳуркитган – билмай қолдим. Бошқалар
қатори чиқиб, излаб кетдик. Қишлоқ кўчаларида денг, ит кўп.
Балки бўри оралагандир? Ёмғир бўлса челақлаб қуйяпти... Э,
кўп изладик. Дабдаламиз чиқиб, қўй-эчкиларнинг бир бўлагини
пахтазордан, беш-олтитасини кўчадан, айрим хонадонлардан
топиб келдик. Чўпон эшик оғзида фонар ёқиб, кўзлари жавдираб
турибди. Нукул раҳмат дейди. Аёли алқайди. Ўғилчаси хурсанд...
Лекин битта кўзи топилмаган эди.

– Уни ўзим топаман. Сизлар дам олинглар энди... Топсам,
ўзимнинг икки қўйимдан биттасини сўйиб, қовуриб бераман
сизларга, – деди Ботир чўпон.

– Шундай қилинг-е, бир гўштга тўйайлик, ака! – деди Ўрмон
ака.

Биз ётоққа қайтдик. Энди... яна бурним битти десам, сизниям
ғашингиз келади.

Майли, бундай дейин: шу кеча беш-олтита йигит ҳам қаттиқ шамоллаган экан.

Соат иккимиди-учмиди, нафасим қайтиб уйғониб кетдим. Эшик қия очик, сувиллаб шамол кираётган экан. Тагидан тортидим, яна очилди. Тоб ташлаганми, нима бало. Ирғиб туриб туткичдан ушлаганимни биламан, биров эшикни нарёққа тортиди. Мен бу ёққа. Қўрқдим. Кейин ланг очиб юбордим. Азимжон ака турган экан.

– Э-е! Баққа ке. Устингга бир нарса ил, – деди у киши.

Чопонни елкага ташлаб чиқсам, устун ёнида Ўрмон ака, Мирзағолиб деган полвон йигит ҳам туришибди.

Мирзағолибнинг ҳам ёши майдан улур. „Раис“ деган лақаби бор, ўзи эхтиёткор. „қирқоёқ киради“, деб кечаси қулоғига пахта тиқиб ётади.

Азимжон ака эшикни зичлади-да:

– Юр. Ган бор, Бўлган иш бўлди... Сен шўрлик ҳам бир маза қил, – деди.

– Лекин гулдур-гуп, – деди Ўрмон ака.

Уларга эргашиб йўлга чиқдим. Ўрмонжон ака олдинга тушди. Ёмғир тинган, аммо совуқ кунлардан дарак берадиган шамол эсар, у уст кийимларимиз ўнгирларини очар, бағримизга ўзини урар эди. Энди итларнинг товуши ҳам ўчган.

Биз йўл ёқасидан орқага – қишлоққа бизни олиб келган томонга кетар эдик.

Анча йўл юриб қўйдик. Димоғим ҳам очилди анча. Бир-икки марта:

– Қаёққа боряпмиз ўзи? – деб сўрадим.

Улар айтишмади. Кейин бўлса... Хурсанд бўлиб кетдим... Ҳа, зимзиё тунда қандайдир сирли иш билан қаёққадир илдамлаб кетишнинг ҳам завқи бор-да!

Ҳе, қишлоқ орқада қолиб кетди... Бошда айтганим – қиёқлар боғ-боғ қилиб ерга ўтқазиб қўйилгандай ажриқзорга етиб келдик. Бу томонда бир-иккита ит учради, қочиб кетишди.

Биз Ўрмонжон аканинг орқасидан боряпмиз. Айрим жойлардаги қамишлар ёндирилган экан: намиққан кулнинг ҳиди анқийди.

Намчил ер гиж-гиж этади.

Алқисса, қамишлар одам бўйи ўсган, чангалга ўхшаш ерга бориб қолдик. Шунда бир қўзичоқнинг ожиз маъраганини

эшитдим. Аммо ҳали гап нимадалигини, бу сафардан мурод нелигини билмасдим. Оқибат, қамишларга ораладик ва Ўрмонжон ака қўл фонарини ёқди. Зумдан кейин биз оёқлари куликлаб¹ боғлаб, ётқизиб қўйилган қорагина, жиққа ҳўл бўлган, кўзлари йилтираб зўрға овоз чиқараётган кўзичоқ тепасида турардик.

– Хайрият, – деди Ўрмонжон ака. – Мен дайди итлардан қўрқ-қан эдим... Эргашвой, чорвани биласан, ит ҳам кўзичоқларни ейиши мумкин-а?

– Шундай воқеалар бўлади, – дедим. – Лекин бу кимнинг кўзиси?

– Бизники... Бизники энди. Мирзағолиб, бошланг энди! Мана, менинг личоғим ўткир, лекин суякка урманг.

Жуда жўн эканман дейман-да!

– Вей, шуни сўясизларми?– депман.

– Бор. Ҳе, у ердан йўлга қараб тур!

– Йўқ, ахир бу кимники? Балки колхозники, балки... Э? Ботир аканинг йўқолган кўзиси эмасми?

– Оббо, сенга нима деяпман!– деди Ўрмонжон ака, елкамдан ушлаб орқага бурди. – Бор-да энди. Колхознинг ёнини оладиганини кўрдик! Колхоз... Падарига лаънат! Бизни очдан ўлдиради! Ботир ҳам бир кўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!

– Ахир инсофларинг...

Шу иш билан бу йигитлар тарбияланиб қолармиди? Йўқ! Мен ўшанда фақат нафратланар, ночорликдан фиғон чекар эдим.

Тўғри, қишлоқ томонга бир-икки қадам босдим. Лекин чамаси, курсдошлар орасида ёлғизланиб қолиш, минг бир таъналарни эшитишдан ҳам қўрқдим, шекилли.

Бундан ташқари, англаб олмаган эсам-да, бу йигитлар тўқликка шўхлик қилмаётганларини ҳам тушуниб турардимки, гарчи бу ҳол уларни оқлашга тирноқча асос бўлмаса ҳам, кўнглимга тасалли, ўз-ўзини алдаш дейсизми – шуларнинг бири эди. Хуллас, мен ўша кўзининг гўштидан бир бўлак емаган эсам-да, барибир ўғриликка шерик эдим.

Ўрмонжон акаям, Азимжон акаям бир ҳафталаргача мендан хавфсираб юришди.

Мен улар билан гаплашмай қўйгандим, холос.

¹ Куликламоқ – жониворларнинг оёғини маташтириб боғлаш усули.

Нима дедингиз?

Ҳа, ўша ерда сўйишди. Мирзағолиб сўйди. Ҳаш-паш дегунча терисини шилиб, калла-почасини отворишди. Кейин бир тўп қамишни ёндириб, қўрига жигарини пишириб ейишди.

Емадим дедим-ку. Ўзимни иштаҳаси йўққа урдим-да... Жуда бўлмагандан кейин: „Ҳаммаларингдан жирканаман!“ – деб четга чиқдим. Кейин кутдим.

Бе-е, чўпонга бориб сиз ҳам айтмасдингиз. Кейин кетдим. Ётоққа кириб ётдим...

Нукул йиғлагим келади, уккағар. Ботир акага, аёлига ачинардим. Кейин йиғитларимизгаям ачидим... Ҳа! Улар қачон кириб ётишганини билмайман. Бироқ уч-тўрт кун гўшт қовуриб ейишди. Йўқ... қизлар ётоғида ейишди. Энди, улар ҳам жаннатда эмас эдилар-да, қадрдон.

Сиз ёзувчилар инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта, сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушунасизлар. Ҳолбуки, унақалар ҳаётда йўқ; ундайлар, менимча, ғоя... холос. Ҳа-ҳа-ҳа. Сизнинг гапингиз ҳам „Коммунистик жамият одамининг ахлоқ кодекси“¹га ўхшаб кетади.

Кодекс чиқдими, демак, бас, одамлар унга амал қилади: рисоладагидек бўлади, деб ҳисоблашади баъзилар. Булар – чипуха² гаплар.

Кунлар ўтди.

Қор учқунлай бошлади... Бизнинг, ўзингиз билган тоғларда бундай пайтлар изғишларимиз, сайру саёҳатлар – энди эртак эди. Биз совуқда торс-торс ёрилган кўсакларнинг пахтасини сувга ивтиб олгандек суғуриб олардик.

Ҳа, икки киши арқон билан бир четдан суриб, гўзаларнинг қорини тўкишарди. Кейин дикиллаб эгатга кирардик. „Оқ олтин“ни терардик. Бу қурмағур „оқ олтин“ этакка тушгач, тугилиб, муштдек бўлиб қоларди. Жиққа ҳўл-да.

А? Қандай қилиб қуришиб топширишларини билмайман. Лекин бир-икки хонада уйилиб, сасиб ётганини кўрганман.

Кейин кўсак териш бошланади.

Энди, бизнинг қадрдонлар: Ўрмонжон ака, Азимжон ака, Мирзағолиб, тагин уларнинг сафдошлари – бари сал совуқ ўтди

¹ Шўролар замонида яхши одамнинг сифатлари белгиланган шундай ҳужжат бўларди.
² Чипуха – русча «чечуха» сўзининг булганлиги. «Бўлмағур», «аршмас» маъноларида.

дегунча, ё вақтида бак қайнамаса, Ботир чўпоннинг кулбасига кириб тиқилиб олишарди.

Чўпон билан хотини эса... хурсанд!

Биз энди яккамохов бўлиб қолгандик. Йўқ, сира кирмадим. Қандай қилиб кираман!

Бу ёнига қулоқ солинг.

Қайтадиган бўлдик. Ўзингиз биласиз, бундай кунни ҳеч бир ўқитувчи, бригадир айтмайди... Негалигини ҳамон тушунмайман. Балки теримдан совиб қолади, деб ўйлашадими?

Лекин кулгили жойи шундаки, болалар барибир билишади. Ботир чўпон ҳам билган экан. Эрта жўнайдиган кунимиз ўзлари хотинлари билан келиб қолдилар. Ётоққа... Мен қандайдир хавотирга тушган бўлсам керак, ҳар ҳолда.

– Ассалому алайкум, келинлар, меҳмонлар! – деб юборди Ўрмон ака.

Азимжон акаям болаларга тўшакни солишни буюрди. Ботир чўпон қуллуқ қилиб, худди кириб ўтирмаса, биз у дунё-бу дунё юз кўрмас бўладигандек, таъзимлар билан яна уйга қайтди.

– Шу, лабз экан, укалар... Тилга олиб қўйган эдик. Битта қон чиқарамиз деб... Шунга қадам ранжида қилсангизлар. Мана, опаларинг ҳам илтимос қияпти, – деди.

Мен тамом бўлдим.

– Э, қандоқ бўларкин...- деди Ўрмонжон ака. – Қўзингиз топилса бошқа гап эди.

– Ҳа, ўша кеча биз ҳам яхши изламаган кўринамиз, – деди Азимжон ака ҳам. – Андак хижолатдамиз.

– Э, огаларим-ей, – деб кулди чўпон. – Биз хижолатда эдик. Ишонасизларми, биз?... Энди, гапни кўп чувалтирмайлик, укалар. Қўзи топилди ҳисоб. А, хотин? Ҳе, Шодитўқайдан топдик. Улбулни... Ўзимиз тусмоллаган эдик... дайди итларга ем бўлган-ов, деб... Энди бизни хурсанд қиламиз десанглар, кетар жафосига бир меҳмонимиз бўласизлар...

Кейин, ўзлари ҳам энди теримга чиқмасликларини, фақат гўзапоя юлишлари ва уйда ўтириб, кўсак чувишларини айтди.

– Қишлоғимизда иккита грек бор, – деди хотини кейин. Бир челақ ҳалигидай сувдан ҳам олдик.

Ҳайронмисиз, қадрдон?

Мен ҳайронман!

Албатта!

Шу кечаси бир маҳалгача кулбада ўйин-кулги қилиб ўтиришдилар. Ташқарида ҳам давом этди. Мен ўзимни ухлаганга солиб ётар эдим. Йигитлар келиб, чироқни ёқишгач, мен тўғримда тўнғиллай-тўнғиллай ўтиришди.

Кўпчилигининг кайфи бор эди. Кайфдаги одамнинг гапига ишониш қийину, лекин... ҳа-ҳа, ўша, худди ўйлаган гапингиз бўлди: пушаймонлик... Э, бири қўйиб, бири олди, бири қўйиб, бири...

Чамаси ҳаммасининг оғзи теккан экан ўша гўштга.

Азимжон аканинг бир нидоси ёдимда қолди:

– Биз аблаҳмиз! – деди инграб. – Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Ўрмонжон?

– Биз анча бузилганмиз, – деб пўнғиллади Ўрмон ака. – Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да, кишини.

– Уларни мажбур қилмаяпти-ку!

– Нимага?

– Шу, энди... Балки пул йиғиб берармиз-а?

– Бўлса!

Кейин яна мен ҳақимда гапиришди. Биттаси, овозидан билолмадим, тик турганча:

– Шу Эргашвойнинг ичига тепсанг-да! – деди. Кўзимга итдан баттар кўринаяпти... Энди бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...

– Парво қилма, – деди Ўрмонжон ака. – Бунақалар ҳаётда бўлади...

Мен бу ҳикояни ўзимни мақташ учун айтмаяпман. У ёғини сўрасангиз, ҳозир улардан ҳам беш баттар бўлганман: ҳаққимни едирмайман. Ҳар қанақа авторитетни¹ одам демайман... Шу-шу. Ҳозир ҳаммамизнинг кўзимиз очилиб қолган... Ҳа, эртаси... лайлак қор ёғиб турарди. Худди тоғларда ёғадигандек!

Кўчада автобуслар тизилиб кетган. Йигитларнинг боши осмонда. Ниҳоят, университет аудиторияларига қайтишади! Айвонда тургандим. Халтам ёнимда. Шу Ботир чўпон билан хотинига бир яхши гап, миннатдорчилик билдиргим келарди. Мен уларни жуда яхши кўриб қолгандим-да! Ҳа, келиб қолишди.

¹ Авторитет - обрўли одам, бошлик.

– Хуш, кўрдик! Сизларга минг-минг раҳмат, Ўрмонжон! - деди Ботир чўпон. – Азимжон, сизгаям... Ҳаммаларингизга. Қараишлар, бир майизни қирқ бўлиб егандай яшадинглар... Сизларнинг қадрингизга етолмадик биз.

У киши ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-да, менга қолганда бурилиб кетди. Шунда аёли ҳам хўшлаша бошлади. Қодоқ қўлларининг учини бериб хўшлаша-хўшлаша менга етганда уям бурилиб кетди.

Мен титраб-қақшаб уларнинг олдига бордим.

– Ботир ака, опа... Мен сизларни жуда яхши кўраман, - дедим. – Хафа бўлмангизлар.

– Йўқ, сиз бизни яхши кўрмайсиз, – деди хотини. – Бошдан ёмон кўриб эдингиз.

– Рост, ука. Писанд қилмадингиз бизни, – деди шунда чўпон ҳам. Анави йиғитлар бошқача...

– Ахир мен сизларни жуда-жуда ҳурмат қиламан.

– Бекор гап, – деди аёл.

– Ҳа, – деди эри.

Абдуқодир менга ётсираб қараб турарди.

Шунақа.

Хўш, бу ерда нимани кўрдинг, нима хулосага келдинг, деб сўрарсиз? Мен бу ерда оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглиги, тўпорилигини кўрдим.

Ишонасизми, автобуста ўтирганимдан кейин совуқ ойнадан лайлакқорга қараб йиғлар эдим: мана шу ўзбекларнинг бағри кенглиги учун, не-не қийинчиликларга, фақирликка қарамай, феъли тор бўлмаган, ажиб-афсонавий меҳмондўстлиги инстинкт¹ каби мавжуд қолгани учун... ичимда, ич-ичимдан қувониб йиғлардим.

Узр, суҳбатимиз „ўзбек характери“ ҳақида эди. Сизлар айтган зўр-зўр ҳикоялардаям ҳақиқат бор. Аммо менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям – кўнглимдан ўтган нарса эди, азизим. Шунинг учун бунинг менга таъсири мутлақо бўлакча.

Савол ва тилиштриклар

1. Асар матнига таяниб, пахта теримига борган жойлари ҳикоя қаҳрамонига нимаси билан ёққанлигини тушунтириш.

2. Ҳикоячи Эргашнинг ёши, табиати ва ҳиссий дунёси ҳақида матнга асосланиб фикр юритиш.

¹ Инстинкт – ақлга ботлиқ бўлмаган, ўз-ўзиндан мавжуд бўладиган сифатлар.

3. Эргашнинг „...уддалик“ бобида ҳам анча жўн эдик“ тарзидаги эътирофи қаҳрамон табиатининг қай жиҳатини намоён этади? «Уддасизлик» Эргашнинг камчилигини ёки фазилати?

4. Ҳикоянинг бошида Ўрмон ва Азимжонларга берилган тавсифга эътибор қилинг. Асарининг кейинги қисмларида тасвирланган қайси воқеаларда шу тимсоллар табиатига хос жиҳатлар очиқ намоён бўлганлигини айтинг.

5. Эргашга эшик тагидан жой текканлигига қараб, ҳулоса чиқаринг.

6. Ҳикояда: **„Айвон устунига суяниб, томоша қила бошладим: пахтазор четида тутлар. Ўша тутлар... У ер-бу ерда чуғурчуқлар галаси учадн“** тарзидаги тасвирда **„Ўша тутлар...“** дейиляётганлигининг сабабини тушутиринг. Қаҳрамоннинг аини ҳолатдаги ҳиссиётини аниглашига урининг.

7. Эргашнинг ўрмак тўқиётган аёлни кўриб қолган пайтдаги қувончининг сабабини тушутиринг.

8. Матндан асар қаҳрамонининг: **„Ана шундай қилиб, буларга бирдан кўнглим илди“** – деган иқрори сабабини топинг.

9. Матндан ҳашарчилар кўнган қишлоқнинг тасвири берилган уринин топинг. Қаҳрамоннинг ўша дамдаги руҳий ҳолатини аниглашига урининг.

10. Аёлининг: **„Шу, ўн тийинми, беш тийинми, мен кўпам фарқиға бормайман“** – деган иқрорига муносабат билдириг. Унинг терилган пахтага тўланадиган ҳақни билмаслиги сабабини изоҳлашга урининг.

11. Ҳикоядан олинган: **„Кун чиқиб, уям сарғайиб нур сояпти. Биз этакларни бўйинига илиб, худди ошалолга кетаётган подачидай боряпмиз. Э, дўстим, менга мана шундай кун зарда бериб чиқаётганда намхуш сўқмоқлардан юриш ҳам ёқади-да!“** парчасида табиатнинг ҳолати ва қаҳрамон руҳиятини ўзаро солиштириб изоҳланг.

12. Ўрмоннинг: **„Чойни? Ҳм, бугунча энди ётоқда, ... Кейн яна ўйлаб кўрамиз“** деган гаплари тагидаги яширин таъмин топинг.

13. Ботир чўпоннинг шамоллаб қолган Эргашга итузум бериши тасвирини қайта синчиклаб ўқинг. Уларнинг суҳбатига асосланиб, ҳар бир қатнашчининг табиати ҳақидаги фикрингизни айтинг. Қарашларингизни матндан мисоллар келтириб асосланг.

14. Ҳикояда пахта терими давридаги кўнглини ҳуш қиладиган дамлар тасвирланган ўринларга эътибор қилинг. Уларга муносабат билдириг.

15. Эргашнинг иккинчи бор шамоллаб қолиши сабаби тасвирланган ўринлари асардан топиб ўқинг. Унга муносабатингизни баён қилиг.

16. Матн асосида Сапарбойнинг табиати ҳақида мулоҳаза юритинг. Унинг табиатидаги одамгарчилик намоён бўлган уринни кўрсатинг.

17. Ҳикояда тасвирланган воқеалар асосида Абдуқодирнинг табиатига хос сифатларни кўрсатинг.

18. Асарда Абдуқодир тилдан: **„Укам ўлди. Доя кампир чала туғилган, деди. Ўлди. Кўмиб келдик. Кичкина эди“** – дея билдирилган армоннинг илдиэлари ҳақида ўйлаб кўринг. Бола не а чала туғилдйкин? Нима учун врач а эмас, дояга қаратишди экан? Чақалоқнинг „кичкина“лиги сабаби нимада?

19. Ҳикояда и а ёлининг иш мароми тасвирланган ўринни топиб ўқинг. Ушн ўз назарингиз ва Эргашнинг қарашлари асосида шарҳланга уришиб кўринг.

20. Абдуқодир ўзининг меҳнаткаш отасида эмас, кўйи кам бўлса-да, Эшимбойда орден борлиги ҳақида ғамгинлик билан гапириши сабабини изоҳланг.

21. Ҳикоячининг бир ўринда: „...қандай аблаҳ эканмиз!“ шаклидаги иқрори сабабини тушунтиринг.

22. Ҳикояда ўзбекларнинг ўз камбағалликларини яшириши ҳақида айтилган фикрларга қандай муносабат билдира оласиз? Сизнингча бунинг сабаби нимада?

23. Эргашнинг одамларимиз ҳақидаги: *„Худди жуда бой эди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай...“* тутади ўзини тарзидаги мулоҳазасига қандай қарайсиз?

24. Ботир чўпон ва аёлининг Эргашга ўзларидаги биргина тарвузнинг ярмини илинганликлари, ўта камбағал бўлсалар-да, барча ҳашарчи йигитларга ош қилиб берганликлари, иккитагина қўйнинг бирини сўйганликларининг асл сабаби тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу ҳолни нима билан изоҳлаш мумкин?

25. Ҳикояда: *„Ботир чўпон илжайиб, қувониб дастурхон ёзди“* тарзидаги баёнга муносабат билдириг, Уйига меҳмон келган ўзбек нега суюнади деб ўйлайсиз?

26. Эргашнинг чўпонникида бир ошам ҳам ош емаганлиги сабабини изоҳланг. Сиз унинг ўрида нима қилган бўлардингиз?

27. Асардан курсдошларининг ноҳониз қилиқлари ҳақида Эргашнинг афсус билан, аммо аяб айтган фикрларини топиб, яна бир ўқинг. Унга муносабат билдириг. Ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринг.

28. Асар қаҳрамонининг: *„...энг катта ўғирлик“* дан хабардор бўлиши ҳикояда ишонарли тасвирланганми? Шу ўриларни яна бир бор ўқиб, жавоб бериг.

29. Ботир чўпоннинг қўзисини айнан ким яширган деб ўйлайсиз? Буни қандай билганингизни тушунтиринг.

30. Эргашнинг: *„Ҳаммаларингдан жирканаман!“*– дея четга чиққандаги ҳолатини тасаввур қилишга уришиб кўринг. Уша пайтда унинг қўзи, қоши, сўзлаш тарзи, гавдаси қандай бўлган деб ўйлайсиз? Сиз уни тушунасизми, ҳис этасизми?

31. Эргаш ўртоқларини чўпонга айтиб бериши мумкинми? Нега айтиб бермаганлиги сабабини изоҳлашга урининг.

32. Ўрмон, Азимжон, Мирзағолиб сингаридарнинг қўзи воқеасидан кейин ҳам чўпонникига кираверишларига муносабатингизни билдириг. Уларнинг табиатини изоҳланг. Ҳукм чиқаришга шонилманг. Фикрингизни асослашга урининг. Уларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг.

33. Асардаги: *„Азимжон аканинг бир нидоси ёдимда қолди: – Биз аблаҳмиз!– деди инграб.– Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади“* шаклидаги тасвирга муносабат билдириг. Азимжонни Ўрмон ва Мирзағолиб билан солиштиришга уришиб кўринг.

34. Курсдошларидан бирининг: *„Шу Эргашвойнинг ичига тепсангда!.. Кўзимга итдан баттар кўрняпти... Энди бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...“* тарзидаги нафрати сабабини тушунтириг. Бу ўрида нафрат кучлими ёки хижолатлик?

35. Магига асосланиб Ботир чўпон ва аёлининг Эргаш билан хайрлашмаганликлари сабабини тушунтириб бериг. Ана шу тушунтиришнинг из асосида ўзбекларга хос хуеусиятларга ҳам тўхталинг. Одам-

зод учун дўст билан душманини, яхши билан ёмонни фарқлаш нақадар кийини эканлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

36. Асар қаҳрамонининг ўша вазиятдаги руҳий ҳолатини ўзингиз туйишга уриниб кўринг. Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

37. Сиз чўпон ва унинг аёли руҳиятини тушунишга урнинг. Эргашнинг ҳаракатларига уларнинг кўзи билан баҳо беринг.

38. Қаҳрамоннинг: *„...ич-ичимдан қувониб йиғлардим“* шаклидаги дардчил икrorини изоҳланг. Қувониб ҳам йиғлаш мумкинми?

39. Ҳикоя сўнггида Эргашнинг: *„...менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям – кўнглимдан ўтган нарса эди“*, - деган таъкидига эътибор қаратинг. Унинг маъносини чақишга, шарҳлашга урнинг.

40. Асар сизда қандай таассурот қолдирди? Сиз ўзбеклардан, асарда тасвирланган чўпон ва аёлидан фахрланасизми, нафратланасизми, хижолат бўласизми? Ҳашарчи талабалардан-чи? Қарашларингизни асосланг.

41. Асарнинг тасвир оҳанги ва ҳикоячининг сўзлаш тарзига муносабат билдинг.

42. Асардаги чўпон ва аёлига ўхшаган одамларни кўрганмисиз, улардай кишилар ҳақида эшитганмисиз?

43. Ҳикоя асосида тузилган қўйидаги тестларни ечинг.

1. *Эргашнинг ҳали танимаган чўпон хонадонига бирдан кўнгли илиганлиги сабаби нимада эди?*

А. Эргашнинг болаликдан чорвадорлик муҳитида яшаганлиги. Б. Шамоллаб қолганда дориликка итузум берганликлари. С. Уни ўртоқлари билан меҳмонга чақирингани. Д. Сурхондарёда қолган ота-онасига ўхшаганликлари

Э. Абдуқодир укасини элатгани

2. *Ҳикоячи Эргашнинг «Лекин буни тан олмас эдик. Қандай аблаҳ эканмиз!» тарзидаги икrorига сабаб нима?*

А. Ботир чўпоннинг кўзисини ўғирлаганлари Б. Одамларнинг фақирона ҳаётни кўриб, кўрмаганга олганлари С. Шундоқ ҳам камбағал оиланинг насибасига шерик бўлганлари Д. Чўпонга бор ҳақиқатни айтмаганлари

Э. Эргашнинг меҳмонга бормагани.

3. *Ҳали бола Абдуқодирнинг «Йўқ, Эшимбойнинг ордени бор. Лекин қўйи кам...» сўзларида унинг қандай туйғулари ифодаланган?*

А. Ҳамқишлоғи Эшимбойни ёмон кўриши Б. Боланинг Эшимбойдан фахрланиши С. Шундай одамларнинг қишлоқда борлигидан қувониши Д. Жамиятдаги адолатсизликдан норозилиги Э. Даласи олмаган ордени Эшимбой олганидан ҳафалиги

4. *Пахтадан қайтаётган Эргаш автобусда нима учун йиғлади?*

А. Меҳмондўст оилага хиёнат қилганларига Б. Машаққатли оғир кулар орта қолганига С. Қадрдон бўлиб қолган қишлоқдан кетгиси келмаётганига Д. Аёлни чала туғилиб, нобуд бўлган фарзандига ачинганидан Э. Халқ орасида шундай бағрикенг, олижаноб инсонлар борлигидан қувониб.

РАУФ ПАРФИ

(1943 – 2005)



Янги давр ўзбек шеърлятида ўзига хос йўналиш яратган шоир Рауф Парфи, тахаллуси – Ўзтурк 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига қарашли Шўралисой қишлоғида туғилди. Отаси – Парфи Муҳаммадмин саводли, кўзи очик киши бўлиб, Фарғонанинг Водил қишлоғидан шўролар кувғини туфайли, Шўралисойга келиб қолган. Онаси – Сакинахоним Исабек қизи ҳам завқи баланд, китоб кўрган, мумтоз адабиётни биладиган аёл бўлиб, у киши ҳам асли Фарғонадан эди.

Рауф Парфи етти ёшида Шўралисойдаги тўлиқсан ўрта мактабга ўқишга боради ва у ерда 1956 йилгача ўқийди. Сўнг қўшни қишлоқдаги ўрта мактабга ўтиб, бу ерда таҳсилни 1958 йилгача давом эттирди. Саккизинчи синфни тугатгач, ўқишни Янгийўл

шаҳридаги кечки мактабга ўтказиб, меҳнат фаолиятини бошлади. У Янгийўл туман газетасида мусахҳих бўлиб ишлади. Ўрта маълумот олгач, 1960 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Дорулфунунини 1965 йилда битирди. Лекин „Марксча-ленинча фалсафа“ деб аталмиш фандан қайта имтиҳон топширишни истамай, диплом ололмади.

1966-1967 йилларда Рауф Парфи Янгийўлда чиқадиған „Колхоз ҳақиқати“ газетаси муҳбири бўлиб ишлади. 1967 йилда Тошкентга ишга келиб, Кинематография давлат кўмитасида, 1971-1977 йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди. Сўнг „Ойдин“ газетасида, 1987 йилгача яна Фафур Фулом номидаги нашриётда меҳнат қилди. 1987-1989 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, 1989 йилдан 1997 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот марказида катта муҳаррир, 1997-1999 йилларда „Жаҳон адабиёти“ журнали бўлим мудири вазифаларида ишлади.

Оламга ўзига хос кўз билан қарайдиган, унинг бошқаларга яширин тўзликлари ва қабоҳатларини пайқай биладиган Рауф Парфи болалигидан китобга ўч эди. Хаёлпараст ва тортинчоқ бу бола қўлига тушган ҳар қандай китобни ўқиб ташларди. Ҳатто деярли тушунмаса-да, рус тилидаги китобларни ҳам ўқийверарди. Рауф Парфи бадий лири ва дунёга қараш шаклланишида отасининг жўраси, мумтоз адабиётнинг билимдони, таниқли газалинавис шоир Абдурахмон Водилийнинг таъсири катта бўлди. Водилий ҳассос қалбли таъсирчан ўсмирга чинакам шеърят қандай бўлиши ҳақида, шеърнинг бадий жозиба қудрати тўғрисида гапириб берар, саноксан мисраларни мисол тариқасида ёддан келтириб, Рауфни хайратга соларди.

Рауф Парфининг биринчи шеъри ўн ёшида Сталин вафотига бағишлаб ёзилган марсия эди. У мактабнинг деворий газетасида босилган. Кўп ўтмай, талантили ўсмирининг шеърлари туман газетасида чоп этила бошлади. Биринчи

босқич талабаси эканида унинг қаламига мансуб „Лайло“ шеъри ўзбек ёшларининг энг сеvimли кўшиғи сифатида куйланарди.

Шоирнинг дастлабки шеърлар китоби - „Карвон йули“ 1969 йилда босилди. Шундан кейин турли йилларда унинг „Акс-садо“ (1970), „Тасвир“ (1973), „Хотирот“ (1974), „Кўзлар“ (1976), „Қайтиш“ (1981), „Сабр дарахти“ (1986), „Сукунат“ (1989), „Тавба“ (2000) каби бир қатор шеърлий китоблари чоп этилди. Миллий адабиётимиз тараққиётидаги улкан хизматлари учун 1999 йилда Рауф Парфиға „Ўзбекистон халқ шоири“ унвони берилди.

Рауф Парфи ўзбек ўқувчиларини жаҳон шеърлятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш йўлида бир қатор таржималар ҳам қилган. Чунончи, Байроннинг „Манфред“, Нозим Ҳикматнинг „Инсон манзаралари“, Маҳмуд Ҳодийнинг „Озодлик лавҳалари“, Карло Каладзенинг „Денгиз ҳаёли“, Александр Дюманинг „Уч сарбоз“ каби асарлари Рауф Парфи қалами гуфайли ўзбек китобхоналарига етиб борган.

Хуллас, шоирнинг умр йўли фоят қисқарди ва узига ҳос. Яхшиси, бу ҳақда унинг ўзидан эшитайлик.

ЭНГ УЗОҚ ЁЗИЛГАН ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Таваллудим: қирқ уч, мезоннинг йигирма еттиси¹.

Отам – боғбон. Саводсиз, бизнингча, Машрабни ўқирди эски ёзувда,

Онам – пиллакор. Саводсиз, бизнингча, Ҳазрат Навоийга тиши ўтарди.

Ҳаётим босқичлари: қишлоқ мактаби. Шаҳар мактаби, Кечки. Сўнгра барча тирикчилик мактаблари.

Балоғат гувоҳномаси: Тошкент дорилфунуни.

Талабаликнинг якуни: талабачиликнинг бошланиши.

Касбим: ҳар қандай меҳнат.

Илова: Севаман шеърни. Шеърят...

Шеър деб аташ мумкин бўлса,

биринчисини ёзган куним: 53 йил, 5 март.

Дарс: Алишер Навоийдан то Абдулла Ориф,

Александр Пушкиндан то Виктор Сосюра,

Кейин, мен билган шоирлар.

Мен олган аччиқ-чучук бесаноқ сабоқ.

Орзуим:

Туркистон аталмиш тарқоқ Ватанин

Тирик эканимда бир бутун кўрмоқ.

қўлимдан келмайдиган иш: шеър ёзмаслик.

¹ 1943 йилнинг 27 сентябри.

Ниятим:

Тиниш белгилари сингари содиқ бўлмоқ – касбимга,
дарсларга ва орзуларга.

Ўлим?.. Дарвоқе..

Ўлим билан чиқишолмайман...

Аммо Аллоҳ ўзи билгичдир.

Рауф Парфи

1991 йил, 11 декабрь.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоирнинг ота-онаси ҳақидаги маълумотлар тасвирида учрайдиган маънавий қарама-қаршиликка эътибор беринг ва бунинг сабабини тушунтиринг.
2. «**Касбим: ҳар қандай меҳнат**» сатрининг маъзини чақинг.
3. «**Талабаликнинг якуни: талабачиликнинг бошланиши**» шаклидаги тасвир ҳусусида ўйланг ва уни изоҳланг.
4. Шоир биринчи шеърини нима муносабат билан ёзган деб ўйлайсиз? Бу ҳақда ўқитувчингиз билан фикрлашинг.
5. Шоирнинг нияти ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг.
6. Шоирнинг шахсияти ҳақидаги фикрларингизни умумлаштиринг.

ОНА ТУРКИСТОН

Абдулла Қодирий хотирасига

1. Хотирамнинг қаър-қаърида тарих
Доим сўзлаб турар эзгин ҳикоя.
Тутқун қуш сингари қолурман ғариб,
Руҳимга булутлар ташлайдир соя.
Бот-бот ҳаёлимдан чекинди мубҳам,
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.
Олисда милтираб сўнаётган шам
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси,
Кишанбанд қилинар қўлларим гўё,
Тупроққа кўшила бошлайдир таним,
Шу қадар юраги тормидир – дунё.
Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо
Нечун сиздирмади, нечун Ватаним?!
2. Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,
Кўзимда эртанинг севинчи холос.
Ул Турондир, Туркистондир? У балким
Ичмини кемирган қадимий қасос.

Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда,
Қўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...
Жанг майдони сари отилардим ман...
Ватан, айланарман бир кескир тошга,
Қошинга ўқ каби учиб борарман...
Наҳот тил бошқадир, наҳот дил бошқа?!
Йўқ! Фармон кутарман, энг сўинги фармон,
Шакланиб¹ қарарман қалққан қуёшга.
Барибир, қасос деб ёнарман ҳамон.

3. Умр деганлари ўтмакда шошқин,
Тилда баргларини элаб йўлимга.
Сенинг мангулигинг беради таскин
Эрта узилгучи менинг умримга.
Ў, она Туркистон, куйлайман ёниб,
Дунё журъатини бердинг қўлимга.
Мен энди англадим туркий дунёни,
Мана, мен тайёрман энди ўлимга.
Эй менинг заҳматкаш, эй қутлуғ халқим,
Бергил, фақат куйиб куйламак ҳаққин.
Ортиқ масъул этар топилган бу Бахт,
„Ишқ сўзидан куйди булбул маскани²“
Тил билан куйланмас она Ватаним,
Мен сени куйламак истайман фақат.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг ҳар бир қисмига мос оҳангни аниқланг.
2. Шеърнинг лирик қаҳрамони тақдир қайси ёзувчининг тақдирига ўхшаб кетади?
3. Шеърнинг биринчи қисмида лирик қаҳрамоннинг гамини кайфиятини ифодаловчи: „...**тарих... сўзлаб турар эзгин ҳикоя**“, „...**тутқун қуш сингари**“, „...**кўҳна ҳасрат**“ сингари образлар бор. Буларнинг сабаби ва бадний вазифасини аниқлашга уриниб кўриңг.
4. „**Наҳот фарзандига – ўзига ганим**“ тарздаги аламли мурожаатнинг маъносини шарҳланг.
5. „**Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо Нечун сиғдирмади, нечун Ватаним?!**“ мисраларидан нима англадингиз? Тушунчангизин баён этинг.
6. Шеърнинг иккинчи қисмида „...**кўзимда эртанинг севинчи...**“, „**Ичимни кемирган қадимий қасос**“, „**кўлимдан учмоқда бу ер, бу**

¹ Шакланиб – сесканиб, сергакланиб.

² Алшўер Навоий ғазалидан (Муаллиф).

Ватан“ сингари ифодалар мавжуд. Бу тасвирларнинг Туркистон тақдирига тааллуқли жойлари борми?

7. „**Тилла баргларини элаб йўлимга**“ мисрасидаги поэтик маънони тошинг.

8. „**Сенинг мангулигинг беради таскин**“ тарздаги юпатиш нимага қаратилган деб ўйлайсиз?

9. „**Бергил фақат куйиб куйламақ ҳаққин**“ мисрасининг тағмаъносини аниқланг.

10. Шеърин ёд олинг.

ТОНГ ОТМОҚДА

Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш – замбарак.
Яраланган Ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак.

Тонг отмоқда, мусаффо тонгга
Юрагини тутар одамлар,
Шу тонг учун келган жаҳонга
Ва шу тонг деб ўтар одамлар.
Тонг отмоқда.

Савоя ва тошшириқлар:

1. Шеърининг биринчи мисрасидаги „**Тонг отмоқда**“ жумласи билан иккинчи мисрадаги „**Тонг отмоқда**“ гапи ўртасида қандай фарқ бор?
2. Қуёшнинг замбаракка ўхшатилишини асослашга уришиб кўринг.
3. Ер шари нимадан яраланган деб ўйлайсиз? Унинг «**Бошларида яшил чамбарак**» борлиги сабаби ва маъносини изоҳланг.
4. Шеърининг иккинчи бандини изоҳлаб беринг ва шеърин ёд олинг.

ЧЎЛПОН

Шу ожиз ҳолимга шоврманми мен?

Чўлпон

1. Оиа тилим, Сен руҳимнинг қаноти,
Абут турк¹ нафаси, Олтой чечаги.
Хун давридан омон келди Фиротинг,
Қутлуг Энасойнинг эзгу эртаги.
Ўрхун бўйларида тошга айландинг,
Кўкларга санчилдинг. Турон бўлдинг сен.
Мангулик сафарга қачон шайландинг?
Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?

¹ Абул турк – турклар отаси - Нух пайгамбарнинг кенжа ўгли Ёфасининг лакаби.

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди.
Э воҳ, ёғийларинг солди яғмони¹.
Ёғийларинг жигар-қонингни ичди.

Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни,
Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг,
Бироқ кечирмадинг асло ёлғонни.

2. Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош.
Куйиб, ёдимиздан кечганлар айтсин.
Сўзларида заҳар, кўзларида тош,
Элидан, тилидан кечганлар айтсин.

Тунлар босиб келар дунё ҳасрати.
Кунлар гизли туғён, босиб келар шеър.
Нечук қисмат эрур, шоир қисмати?!
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер.

Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,
Музларга кўчирди ўтлуқ ёзимни.
Ахтардим муҳитдан хас каби қалқиб –
Мен ўз Юлдузимни, ўз қуёшимни...
Юлдуз - сен, қуёш - сен, сен, она халқим,
Сен учун синдирдим синмас созимни.

3. О, шоир қисмати, ярқироқ, гулгун,
Завқларга тўлар у, бир сўзни излар,
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун
Айрича кулару, айрича бўзлар.

Йўлсизлик йўлдоши толеи нигун
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвузлар,
Бу – халқ душмани деб тутсалар бир кун,
Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.

Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,
Юраги яриму бутун имони,
Талотум оламини шивирлаб чорлар.
Тани омонатдир, нақд эрур жони.
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони.

¹ Яғмо – тўс-тўнолов, талон-тароқ.

Савол ва топшириқлар:

1. „Она Туркистон“ ва „Чўлпон“ шеърларининг қурилишига эътибор қилинг. Мисраларнинг бандларига бўлиниши билан лирик қаҳрамон ҳолати ўртасидаги алоқани изоҳланг.
2. Шеърнинг қаҳрамони – Чўлпоннинг она тилига бўлган чексиз муҳаббати ифодаланган мисраларни топинг ва шарҳланг.
3. „**Порлоқ осмонингда қузғунлар учди**“ ифодаси кимга қаратилган? Унинг таъмаъносини тушунтиришга уришиб кўринг.
4. Шеърнинг иккинчи қисмидан дунё машаққатлари ёрқин ифодаланган бандларни топинг. Уларнинг мазмунини изоҳланг.
5. Аса шоирнинг олам ташвишлари билан яшаши аке этган мисраларни ажратиб, уларни Чўлпон ҳаёти билан боғлаб изоҳланг.
6. „**Сен учун синдирдим синмас созимни**“ мисрасининг ҳаётий ва бадний маъноларини тушунтириб беринг.
7. „**Бу – халқ душмани деб тутсалар бир кун, Барибир у халқнинг номидан сўзлар**“ мисраларидаги фоживий руҳни ҳамда даҳшатли ҳаётий ҳақиқатини тушунтиринг.
8. Шеърдаги „**қора бардош**“, „**қора қиш**“, „**оппоқ баҳор**“ сингари образлар. „**Тани омонатдир, нақд эрур жони**“ сингари ифодаларнинг бадний вазифасини тушунтириб беринг.
9. Шеърнинг таъсирчанлигини таъминлаган бадний тасвир воситаларини топинг. Рауф Парфининг сўз қўллаш борасидаги ўзига ҳослигига эътибор қилинг.
10. Шеърни ёд олинг.

ЁМҒИР ЁҒАР

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Томчилар томчилар сочимга, Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.	Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Мен унга очаман бағримни, Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Аста унутаман ёмғирни.
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Охир мени асир этар ул. Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Ёға бошлар қоғозга кўнгил.	

Топшириқлар:

1. Шеърнинг „**Томчилар томчилар сочимга**“ мисрасидаги бадний кашфиётни топинг. Бир сўзнинг икки маъноси ва унинг бадний вазифасини аниқлатинг.
2. Биринчи бандда «я» товушининг кўп шилатили аниги сабабини изоҳлашга урининг. Такрорланган «я» қандай оҳанг пайдо қилини ҳақида уйлаб кўринг.
3. Шеърдан шоирнинг ички олами ёрқин аке этган мисраларни топинг ва шу ҳолатни изоҳланг.
4. Ёмғирга бағир очиб ва уни аста унутиб ўртасидаги боғлиқлик ҳақида уйлаб кўринг ва изоҳланг.

5. „*Ега бошлар қоғозга кўнгил*“ мисрасининг тағмаъносини аниқланг.
6. Шейри ёд олинг.

АБДУЛЛАЖОН МАРСИЯСИ

Қушлар, қушлар қатор-қатор,

Қушлар, уйга қайтингиз.

Абдуллажон қайтмас зинҳор,

Ёр-дўстларга айтингиз.

Ўйнар бўрон, ўйнар бўрон,

Ўйнар менинг бошимда.

Энди йўқдир Абдуллажон

Йиғирма беш ёшида.

Йўллар узун, йўллар узун,

Кулар ҳам кўп чўзилди.

Қонли ёшлар тўкди кўзим,

Жигар-бағрим эзилди.

Поезд чопар, поезд чопар,

Поезд чопар Сибирдан.

Абдуллажон жонсиз ётар,

Қароргоҳи темирдан.

Бўзлар осмон, бўзлар осмон

Бўзлаб берса бўзтўрғай.

Кўзларини Абдуллажон

Бир дам очса на бўлғай.

Нафас олмай ул ухлайди,

Кўкрагида ўнг қўли.

Ер йиғлайди, эл йиғлайди.

Йиғлар ўзи ҳам ўлим.

Ташвириқлар:

1. Шейрда шоирнинг кўзига „...**қушлар қатор-қатор**“ бўлиб кўринаётганлиги сабабини тушунтириш.

2. „**Ўйнар бўрон, ўйнар бўрон, Ўйнар менинг бошимда**“ мисраларининг шоир ҳолатини ифодалашдаги ўрини тушунтириш.

3. Ҳарбий хизматда ҳалок бўлган йиғит учун чекилган ғамнинг энг таъсирли ифодаланган жойини топиш.

4. Шейрдаги такрорларнинг бадий вазифасини тушунтириш.

5. Шейрнинг халқ кўшиқларига ўхшаб кетадиган жиҳатларини кураштириш.

6. Шейри ёд олинг.

7. Тестларни ечинг.

1. «Она Туркистон» шеърида фикр ва туйғулар баёнчиси ким?

А. Шоирининг ўзи Б. Шаҳид кетган аждодлар руҳи С. Абдулла Қодирий Д. Турк замини Э. Келажак авлод

2. «Ишқ сўзидан куйди булбул маскани, Тил билан куйланмас она Ватаним» мисралари орқали қайси туйғу ифодаланган?

А. Ватан ишқини ёниқ юрак билан куйлаш истаги Б. Ватан боғларида булбул тилидан ошиқона сўз айтиш хоҳиши С. Навоийга ҳамоҳанг ижод қилиш орзуси Д. Тил билан шеър айтгандан кўра, юракдан қўшиқ айтиш тилаги Э. Ватан ҳақида сўзсиз шеър айтиш

3. «Тонг отмоқда» шеърида тонг ўз маъносидан ташқари яна қандай рамзий тушунчани ифодалайди?

А. Ерқин келажак Б. Озод ҳаёт С. Эркин турмуш Д. Инсон ҳурлиги Э. Барча жавоблар тўғри

4. Рауф Парфининг қайси шеърида табиат ҳодисаси сўзлар шаклдошлиги ва товушлар такрори воситасида гўзал ифода этилган?

А. «Она Туркистон» Б. «Тонг отмоқда» С. «Чўлпон» Д. «Ёмғир ёғар» Э. «Абдуллажон марсијаси».

Рауф Парфи шеърлари тўғрисида

Рауф Парфи шеърлари замонавий ўзбек поэзиясида тамомила ўзинга хос ҳодисадир. Унинг ижодида бирор воқеани таъсирлашга бағишланган воқебанд шеърлар йўқ ҳисоби. У инсон руҳининг куйчиси. Қадим ўтмиш ҳам, бугунги муҳим ҳодисалар ҳам шоир туйғуларига қаттиқ таъсир этади ва муайян кайфият уйғотади. Рауф Парфи ўз шеърларида ана шу кайфиятларнинг манзарасини рассом каби аниқ чизади. Унинг шеърлари ўқувчини ўйга толдиради. Тасаввур дунёси кенг бўлмаган, ўзининг кечинмаларини кузатиб ўрганмаган одам бу асарларни бирданига тушуна олмайди.

Рауф Парфи – образли фикрлашга мойил шоир. У жўнликдан ҳаммага маълум гапларни айтишдан қочади. Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг ҳеч ким пайқаманган жиҳатини кўра билади ва шу туфайли лайдол бўлган ҳолатнинг ҳаққоний манзарасини ёрқин чизади. Шунинг учун ҳам „тонг отди“ деган оддий хабардан жуда гўзал поэтик образ ярата олади:

Тонг отмоқда, Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш – замбарак.
Яраданган Ер шари ёғар,
Бошларида яшил чамбарак.

Тонги қуёшдан таралаётган олов нурлари тонг отаётган ўққа, ўша нурларни тартаётган қуёшнинг ўзи эса замбаракка ўхшатилаётир. Нурга чўмилган Ер курраси ўша ўқлардан яраланган. Ҳаётбахш бу ўқлар туфайли Ернинг бошида яшил чамбарак, яъни ҳаёт. Табиатнинг қанчалик шоирона тасвири! Айни вақтда ўхшатишлар нақадар аниқ!

Рауф Парфининг шеърлари бир қарашда жуда ғамгиндай туюлади. Аслида ҳақиқий шеърятда ҳамиша инсоннинг дарди куйланади. Дард эса ғамгинликни талаб қилади. **Ғам** инсонни поклайди. Унинг юрагини иллатлардан, қабоҳатлардан тозалайди. Алишер Навоийнинг барча асарларида шунинг учун ҳам **ғам** етакчилик қилади. Р. Парфи нимани қаламга олмасин инсон руҳиятини тасвирлашни асосий мақсад қилиб қўяди. „Она Туркистон“ шеърида озод Ватан йўлида бошини тиккан миллий қаҳрамонимиз, тенгсиз истеъдод эгаси бўлган ёзувчи Абдулла Қодирий образи ҳам. „Чўлпон“ шеърида эса она тилининг, она халқининг эрки учун ўлимга тик қарай олган мислсиз истеъдод ва жасорат эгаси Чўлпон ҳам ҳис-туйғулари оғушида кўрсатилади. Шоир уларнинг ишларини санаб ўтирмайди. Балки бу улуг одамларнинг соф туйғуларини, кечинмаларини тасвирлайди:

Шу қадар юраги тормидир – дунё,
Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо
Нечун сиздирмади, нечун Ватаним?!

Рауф Парфи тилнинг изикликларини чуқур ҳис қилади. Шунинг учун ҳам фақат сўзларнинг эмас, балки товушларнинг ҳам уйғунлигини таъминлашга интилади. Шу боис унинг шеърлари ўқувчининг эсида қоладиган образлар билан тўлиб-тошган бўлади: „Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар. Томчилар томчилар бошимга“ ёки „Поезд чопар, поезд чопар, поезд чопар Сибирдан, Абдуллажон жонсиз ётар, қароргоҳи темирдан“.

Рауф Парфи шеърлари ўзбек адабиётидаги энг илғор усулларнинг бадий ифодасидир. Уни тушуниш сизнинг маданий савиянгизни юксалтиради. Шоир шеърларини тушунишнинг сирини – уларни сабр билан синчиклаб ўқишда.

ОМОН МАТЖОН

(1943 йилда туғилган)



*Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.*

Омон Матжон

Замонавий ўзбек шеърлятининг йирик вакили Омон Матжон 1943 йил 14 февралда Хоразм вилояти Гурлан туманининг Боголон қишлоғида туғилган. Отаси Матжон Жуманийёз йирик савдогар бой бўлган. Октябрь тўнтаршишгача Россияга савдо ишлари билан йигирма икки марта бориб келган. XX асрнинг 20-йилларида бошланган қулоқлаштириш воқеаларини кўриб, оқибатини ўйлаб, бор мол-мулкни ҳукуматга тўлиқ топширган. Омоннинг онаси Хотира опа гўзал ва

оқида аёл бўлиб, бўлажак шоир ҳали гўдак эканида дунёдан ўтган.

Омон Матжон ўз болалигини қуйидагича эслайди. «Отам почтада ишлаганларидан уйда нон бўлмаса-да, газета-журнал бўлар эди. Эсимда, 1953 йилнинг 5 мартида мактабда эрталаб, ҳовлида мажлис бўлиб, мактаб ўқув бўлими мудирини Сталиннинг ўлганини йиғилганларга маълум қилди. Болалар, муаллимлар дол-фарёд солиб қолдилар, тупроққа йиқилганлар бўлди. Мен йиғлаб уйга келдим. «Ота, Сталин отамиз ўлибди!» У киши молларга хашак солиб юрган эдилар. Нишатиёнин, менинг отам ҳам ўлган!»— дедилар бепарво!»

Истеъдодли, таъсирчан ва гоёт кўп ўқийдиган Омон Матжон учинчи синфларда ўқиб юрган пайтларида шеърлар, эртаклар ёзган. Илк шеъри Янги бозор район газетасида 1958 йилнинг 15 мартида босилиб чиққан. Ўн олти ёшида ўрта мактабни тугатган. Омон сўзга меҳр қўйгани сабаб филологликни тандамоқчи бўлади. Аммо отасининг истағига бўйсуниб, Алоқа институтига ҳужжат топширади. Имтиҳонлардан ўтолмагач, радио-телефон тузатиш курсида ўқиб, монтёрлик қилади. Кейинги йили Самарқанд университетининг филология факультетига ўқишга киради. Ўртада, Германияда, шўро кўшнлари сафида ҳарбий хизматда бўлади. Қисмнинг катта кутубхонасидаги деярли барча асарларини ўқиб чиқади. Ҳарбийдаги уч йил бўш кетмасин деб, ҳар куни камиди биттадан шеър ёлади. Хизматдалигида ёзган шеърларидан бир туркуминини ўзидан бир йил олдин уйига кетган дўстидан бериб юборади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил 5-сонида аскарнинг шеърлари босилиб чиқади.

Шундан буён шоирнинг "Очкўк дарахлар" (1970), "Карвон қўнғироғи" (1973), "Қуёш соати" (1974), "Ёнаётган дарахт" (1977), "Ярадор чакмоқ" (1979), "Ҳаққуш қичқирғи" (1979), "Сени яхши кўраман" (1981), "Дарахтлар ва гиёҳлар" (1984), "Гаплашадиган вақтлар" (1986), "Минг бир ёғду" (1989), "Ўртамизда биргина олма" (1990), "Қуш йўли" (1993), "Имон ёғдуси" (1994), "Сайланма" (1997), "Ардахива" (2001) сингари йигирмадан ортиқ китоби дунё юзини кўрган.

Омон Матжоннинг иш фаолияти ҳам ҳавас қилгулик. Шоир олий мактабни битиргач, Тошкентга келиб, Ғафур Ғулом номидаги нашриётда муҳаррир, бўлим мудир, сўнг "Ёшлик" журнали бош муҳаррири, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон давлат Матбуот қўмитаси раиси ўринбосари, "Чўлпон" нашриёти директори лавозимларида меҳнат қилган. Омон Матжон 1993 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" унвонига сазовор бўлди.

Омон Матжон замонавий ўзбек шеърятининг пешқадам вакиллари билан бири. Шеърятнинг турли жанрлари ва услубий йўналишларида муваффақият билан ижод қилаётган шоир туйғуларининг самимийлиги, тилининг ширадорлиги, ифодасининг таъсирчанлиги билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради. Омон Матжоннинг туйғулар оламига таъсир қилган инсоний фазилатлари кўпича Хоразм воҳасида яшаётган кишиларга мансубдир. Унинг барча асарларида чин инсоний туйғулар, етук инсонларнинг орзу-интилишлари тиниқ рангларда тасвир этилади.

КЎРДИМ: ШУКУР БУРҲОН...

Кўрдим: Шукур Бурҳон „Ҳамза“дан¹ чиқиб,
аста пиёдалаб кетди бир куни.
Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,
Оломон...
Кўпчилик билмади уни.
Репетиция ўтган. Мана у борар,
чарчоқ, тунд...
Парвосиз ҳаракат аро.
Ҳозиргина улуғ шоҳ Эдил эди,
энди фуқародан баттар фуқаро.
Устоз! Замонларнинг дўниш² макрини
кўчада гримсиз кўрсатишми бу?!
Кеча йиғлаб сизга талпинган жонлар
бугун танимасдан ўтарлар, ёху!
Тирсақлар, қоринлар, кўкрак, елкалар
сизни туртиб-суртиб шошар ўзича.
Томоша бўлганин сезмаслар, ёраб,
шундай буюк актёр юзи-кўзича.
Калтабин „илмкаш“ бу салт юришни
„Даҳо халқ ичра“ деб жўшиши мумкин,
Кўрмаски, даҳога йўл бермас ҳеч ким,
Базўр бормоқда у, қисилиб, мукиб.

¹ Ҳозирги Ўзбек Миллий театри ўша вақтда Ҳамза номида бўлган

² Дўниш - эвришиш, ўзгартириш.

Халқ эмиш, кабобпаз ана „Келинг“ дер,
кўзидек қизариб сихда чандири.
Лунжқизил сомсапаз пиёз қоради
уятдан қизариб, чатнаб тандири.
Халқми шу, бировнинг ҳақини гизлаб,
беш-ўнни юлишни пойлаб турганлар?
Халқми шу, нуроний сиймолар қолиб,
сохта сумбатларни сийлаб турганлар?
Халқми шу, хаёлу орзуларини
Ўзидан баландроқ тиклолмаганлар?
Халқми шу, халқининг номидан сўзлаб,
мингдан бир ваъдасин оқлолмаганлар?

Халқ улким, ўзининг пешонасида
юлдузлар борини билса, қувонса!
Халқ улким, ғурури бўлса ўзида,
асилга ишонса, сохтадан тонса!

Бу шеърни кўрсангиз, балки койирсиз:
„Одамни қўй-да, деб, ҳоли-жонига...“
Билдим, сиз пиёда, тинч етмоқчисиз
Хув мағрур ҳайкаллар хиёбонига!¹
Унгача анча йўл бор-да, устозим,
Бу ур-сурда юрманг саланг, бўш бўлиб!
Грим билан чиқинг, гулдираб чиқинг,
Ҳеч бўлмаса ўша Ялангтўш² бўлиб!

Савол ва таъшириқлар:

1. Шеърда аке эттириляётган воқеа, жой ва шахс ҳақида ўқитувчингиздан маълумотлар олинг.
2. Шеърда Шукур Бурҳоннинг ҳолати қандай чизилганига эътибор қилинг. Унинг ҳолатини тасвирлаб беринг.
3. Шоир норозилигига сабаб бўлган ҳолат тасвирини шеър матнидан топинг ва бу ҳақда мулоҳаза юритинг.
4. „*Парвосиз ҳаракат аро*“ мисрасининг мазмунини изоҳланг. Бу ифода орқали кимлар аке эттирилганини аниқланг.
5. Оломонни тасвирляётган шоир нима учун: *Тирсақлар, қоринлар, кўкрак, елкалар*“ ифодаларини қўллаган. Унинг тағмаъносини аниқланг.
6. Шоирнинг: „Халқми шу...“, – тарзидаги иадоматларига муносабат билдириг.

¹ Тошкент шаҳрининг Навоий кўчасидаги шоирлар хиёбони кўзда тутилди.

² Ялангтўш – «Осиё устида бўрон» фильмида Шукур Бурҳонов яратган курашчан қаҳрамон.

7. „Халқ улким...“ деб бошланувчи тўртликни ҳам мантиқий, ҳам бадий жиҳатдан изоҳланг.

8. Шеър сизга қандай таъсир қилди? Ўзингизга маъқул келган бонлар, мисралар ёки образларни аниқланг.

9. Шеърни ёд олинг.

Қайси йил кўкламда Жайҳун бўйида
Идрок этиб турсам атроф – оламини,
Оқ булут ичидан чиқди вазминлаб,
Бир тўп ҳорғин турна кўзлаб воҳамни.
Навбахорининг содиқ бу элчилари.
Ойдин умид рамзи.
Қутлуғ бир туғён, –
Келарлар муқаддас бузилмас сафда,
Ўзгарган бўлса ҳам не давру даврон.
Балки аввал жаҳон - олис замондан
Улар кўкка учган қанотли хабар;
Балки бултургилар, балки бошқаси, –
Хуллас, пастандилар...
жой излаб магар...
Лекин Хоразмда бу дам ер танқис:
Йигирманчи аср – темир барона
Яшил тўқайларнинг очган илдинин,
Жайҳундан ҳам қолган фақат афсона...
Қани кумуш кўллар, дулдулли қирлар,
Хатто Увайс тоғи безовта, адо?
Оқ қумлар қаерда – ер ибтидоси.
Даво гиёҳларга бой қадим дунё?!
Наҳот табиатнинг ўзидек кўҳна,
Боринги, ёввойи, қўрқинч бурчаги
„Аввал шундай эди...“ дейишга ёхуд
Қолмаса ернинг ўз улуши каби.
Бир пайтлар мазор ё вақф ерларга
Ҳеч ким теголмасди –
ўлганлар хасми.
Ер ўзи шахд, суръат фарзанди, лекин
Унга фарзанд бизнинг боболар раъми...
Ана! Зил айлана чишиб турналар
Пастанларлар!..
Тўкилар тупроққа парлар...

Йиқилманг!!
 Топурман кўзим тубидан
 Сиз учун сафоли муқаддас ерлар...
 Турналар!
 Келинлар, елкамга қўнинг!
 Қўлларимга қўнинг,
 бошим,
 кўксимга...
 Не тоғлардан ошган ҳўл қанотингиз
 Тарс-тарс урилсинлар юзим-кўзимга.
 Қўнинг!
 Ҳадик олманг!
 Кўксим зарблари
 Эрка беланчакдир нажот палласи.
 Янги манзилларга руҳ берсин сизга
 Хоразмнинг кўҳна, ҳазин алласи.
 Ўзбеклар уй курса, ҳар фарзандига
 Албатта қолдирар атаб бир четин.
 Эй, сиз, келажакнинг бунёдкорлари,
 Турналарга озроқ жой ташлаб кетинг!

Сизга ба-таъширлардир!

1. Шеърни қайта ўқиб чиқинг. Ундаги етакчи оҳангни топинг. Шоирнинг ҳазин кайфиятига, тушқун туйғуларига сабаб бўлган ҳолатни изоҳланг.
2. Шеърда кўклам элчиси бўлмиш турналар табиатига хос хусусиятлар қай тарзда тасвир этилган?
3. Шеърнинг учинчи банди мазмунини изоҳлашга уриниб кўринг.
4. Воҳа табиатига қилинган зўравонлик туфайли лирик қаҳрамон қалбини чуллаган ҳаяжон кучли ифода этилган мисраларни топинг ва таҳлил қилинг.
5. Қўнишга жой тополмаган турналарнинг аяч аҳволи туфайли лирик қаҳрамонда пайдо бўлган ҳиссиётлар ифодасини топинг.

ҚЎШИҚ

(Мирийга ўхшатма)

Нечун бу кўз сўлғундир,
 Кўзинг ёшга тўлғиндир?
 На бўлганини айтмасанг,
 Билмадим, не бўлғундир!
 Сен унда доғ бўлдинг,
 Мен бунда доғ қолдим.

Надин титрар сийналар,
 Надин аччиқ гиналар?
 Йўлимизга ёмонлар
 Сочди совуқ ниналар.
 Сен унда доғ бўлдинг
 Мен бунда доғ қолдим.

Эй, ҳуснда биринчим,
 Эй, тишлари дур-нижум,
 Ёлғиз сенинг ўзингсан
 Бу дунёда илинжим.
 Сен унда доғ бўлдинг,
 Мен бунда доғ қолдим.

Мен баҳор истаюрман,
 Сени зор истаюрман.
 Бир қарорга кел энди,
 Мен қарор истаюрман.
 Сен унда доғ бўлдинг,
 Мен бунда доғ қолдим.

Савод ва топшириқлар:

1. Шеърини ўхшатма ёки назира ҳақида ўқитувчингиздан сўраб олинг.
2. Шеърининг биринчи бандидаги қайси мисралар маъшуқанинг ҳолати ва ошиқнинг кайфиятини ифодалаётганини аниқланг.
3. Шеърининг иккинчи бандида ошиқ маъшуқанинг ҳолатини ўзича қандай изоҳламоқда?
4. „**Мен қарор истаюрман**“ мисрасининг мазмунини чақинг ва ошиқнинг ўша пайтдаги ҳолатини ифодалангга урининг.
5. Шеърининг таъсирчанлигини таъминлаган сабабларни аниқланг.
6. Шеър нега „Қўшиқ“ деб номланган деб ўйлайсиз? Унинг халқ кўшиқларига яқинлик томонларини тошинг.
7. Шеърни ёд олинг.
8. Тест топшириқларини ечинг.
 1. *«Кўрдим: Шукур Бурҳон...» шеърда даҳо шахсга кимлар қарама-қарши қўйилади?*

А. Халқ Б. Санъатни тушунмайдиган томошабин С. Фақат шахсий манфаат дарди билан яшайдиган оломон Д. Театрга кирмайдиган одамлар Э. Санъаткорни таниматган кишилар
 2. *«Оломон» сўзига матнда маънодош бўлиб келаётган сўз ва ибораларни топинг.*

А. Парвосиз ҳаракат Б. Тирсақлар, қоринлар, кўкрак, елкалар С. Фуқародан баттар фуқаро Д. Нуроний сиймодалар Э. А ва Б жавоблар

3. *Омон Матжоннинг қайси шеъри маънавий ва табиий экология мавзусида?*

А. «Кўрдим; Шукур Бурҳон» Б. «Қўшиқ» С. «Қайси йил кўкламда...»

4. *«Қайси йил кўкламда...» шеъридаги марказий образ ва унинг рамзий маъноси берилган жавобни белгилаи.*

А. Жайҳун – экологик фалокат рамзи Б. Оқ булут – гўзаллик С. Хоразм – кўхна Турон замини Д. Турналлар – маънавият ва эзулик тимсоли Э. Мозорлар – аждодлар хотираси

Омон Матжон шеърлари ҳақида

Чинакам шоир ўзининг кайфиятини, кечинмаларини ўзгаларга юктира олади. Омон Матжоннинг сиз ўрганиб чиққан шеърларида айни шу ҳолат сезилади. Ҳар учала шеърни ўқиганингизда ўзингиз сезмаган ҳолда шоир ифода қилаётган туйғулар таъсирига тушиб қоласиз. Чунки шоир шеърхонларнинг руҳий дунёсини яхши биледи. Унинг юрагини тўлқинлантирадиган гапни топиб гапиради. Гапирганда ҳам ўқувчининг баданини жимирлатадиган руҳини безовта қиладиган тарзда айтади.

Сиз халқнинг қудрати, унинг буюклиги, унинг ҳаётини яхшилаш зарурлиги ҳақида жуда кўп гаплар айтилганини, ҳозир ҳам айтилаётганини яхши биласиз. Аммо халқ оддий одамлардан иборат эканлигини, унинг орасида олижанобу буюклар ҳам, пасткашу қаллоблар ҳам борлигини, шу боис халқни илоҳийлаштириш, муқаддаслаштириш ўрнига унинг маънавий даражасини кўтариш кераклигини *„Кўрдим: Шукур Бурҳон...“* шеърини ўқигач, бевосита ҳис қилдингиз. Ҳақиқий шеър ҳамisha ёлғондан йироқ бўлади. Ҳаётий туйғуларни акс эттиради. Ҳаётий муаммоларни кўтаради.

Халқми шу, хаёлу орзуларини

Ўзидан баландроқ тиклолмаганлар,

Халқми шу, халқнинг номидан сўзлаб,

Мингдан бир ваъдасин оқлолмаганлар?

мисраларида шоирнинг улкан изтироблари, юрак туғёнлари таъсири акс этган. Шеърнинг кескин танқидий руҳига қараб туриб, Омон Матжон халқини яхши кўрмас экан, деган янглиш фикрга бормаслик керак. Шоир халқини севади. Унинг келажаги учун қайғуради. Шу боис уни камчиликсиз, буюк кўргиси келади. Шу сабаб ёқимсиз бўлса-да, халқига чин сўзни айта олади.

Шоирнинг айни шўролар замонида ёзилган *„Қайси йил кўкламда...“* деб бошланадиган шеърдаги инсоний жасорат ва бадиий жозиба кишини ҳайратга солади. Шоир ўша пайтлардаёқ турналар қўнишга бир парча ер топа олмайдиган, Жайхундай асов дарёси номи афсоналардагина қолган, ҳатто мозорларгача бузиб, экин экишдан тортинмайдиган юрт ҳалокатга юз тугишини, бу юртнинг фарзандларида меҳр-оқибат қолмаслигини башорат қилганди. Шоир ўз фикрларини жуда чиройли тарзда ифодалайди. Узоқ йўл босиб толиққан турналар қарвони ҳақида ёзади: *„Оқ булут ичидан чиқди вазминлаб, Бир тўп ҳорғин турна кўзлаб воҳамни“*. Бу мисраларда турналарнинг ҳолати жуда аниқ, таъсирли ва тўғри аке эйтирилган. Вазмин учушининг боиси турналар узоқ жануб ўлкалардан келмоқда, ҳорғинлигига сабаб қўнишга жой излаб анчадан буён сарсон. Ҳолат тасвири реал ва ишонарли.

„Қўшиқ“ шеърда ёмонларнинг адовати туфайли айрилиққа дуч келган ошиқ ҳолати ўта майин ифодаланган. Шеърда маъшуқа бевосита тасвирланмаса-да, ошиқнинг назари орқали ҳуснда ҳаммадан ортиқ, тишлари дурдай ярқироқ, айрилиқ туфайли кўзи ёшли қизнинг образи шеърхон тасавурида пайдо бўлади. У ошиққа қўшилиб, бу гўзалга меҳр қўяди.

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

(1943 - 1997)



«Мен қишлоқда, Қорасув туманининг Наримон қишлоғида деҳқон оиласида туғилганман. (1943 йил, 16 сентябрь)».

Ўрта мактабни битириб (1960 йил) жумҳуриятда чиқадиган «Қирғизистон ҳақиқати» рўзномаси вилоят «Ленин йўли» (ҳозирги «Ўш садоси») рўзномасига айлантирилиб, Ўшга кўчиб келган кун редакцияга кирдим ва унинг биринчи сонини чиқаришда қатнашдим. Дастлаб корректор ёрдамчиси, сўнг корректор, адабий ходим, масъул котиб ўринбосари, маданият бўлими мудир бўлиб ишладим.

Тошкент Давлат дорилфунунини сиртдан битиргандан сўнг (1970 й.) масъул котиб лавозимига тайинландим.

Журналист сифатида фаолиятим кўп бор тақдирланди...

... Мен умримни, куч қудратга тўлган ёшлик давримни шу рўзномага бағишладим. Мен бунга заррача ачинмайман, аксинча, фахрланаман, чунки у мени ёзишга ўргатди, одамларга танитди, обрў келтирди...

...Насрдаги биринчи машқим «Висол» («Шарқ юлдузи» 1965 й.)дан кейин «Қовун сайли» дунёга келди. Дастлабки машқи «Шарқ юлдузи»дай мўътабар журналда ёруғ кўрган меидақа бошловчи қаламқаш ўзини осмони-фалакда кўради. Бу, албатта, менга катта раббат берди. Бирор нарсадан юрагим орзиқса, ниманики соғинсам, уни тансиқ билиб, одамларга илиниб, бор-борича ёзавердим. Улар тўплашиб охири «Ойдин тунлар» («Ёш гвардия» 1974 й.) деган китоб бўлди. Ёзувчи Ўткир Ҳошимовдан хат келди. У ҳикояларда тасвир этилган қизларга шундай баҳо берибди: «... Шундай содда, шундай покиза, шунақаям чиройли ва ширинки, ўқувчи ушлаб олиб, тишлаб-тишлаб олгиси келади»...

Кейинчалик Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг «Оқ булутлар», «Нурли ланжир», «Нурафшон олам», «Куйган кеча» каби тўплamlари нашр қилинди. Ўзбекистоннинг бир қатор нашрларида: «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ёш куч», «Муштум» журналларида ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ҳикоя ва қиссалари тез-тез босилиб турди.

«...Ёзганларимдан ташқари, таржима билан шуғулланганман. Тугалбой Сидиқбеков, Тош Мияшев, Нуъмон Саъдуллаевларнинг бир қатор ҳикоялари, Мамит Жақипов, Насирдин Бойтемиров пьесаларини қирғизчадан, машҳур рус ёзувчиси Арбузовнинг «Кувёш шаҳри» пьесасини рус тилидан, Мухтор Азевнинг «Эндик билан Кебек» асарини нухасидан (қозоқчадан) ўзбек тилига таржима қилдим. Ўзимнинг қатор ҳикояларим ва новеллаларим қирғиз тилига ўтирилиб, «Ленин жоду» («Ош жангириғи») рўзномаси, шунингдек, «Қирғиз маданияти» ҳафтаномасида босилиб турди...»

ИНШО

(“Тонги шабада” номли қиссадан парча)

I

Бари иншодан бошланди. Бўлмаса отаси ким, онаси ким, уларнинг касб-кори нималиги билан қайси боланинг иши бор дейсиз? Қорни тўқ, усти бут бўлса, чопқиллаб ўйнаб юраверади-да. Айниқса, Шербекка маза эди. Оилада ёлғиз ўғил. Айтгани айтган, дегани деган. Мактаб вақти бўлганда эшиклари олдида машина тайёр туради, болалар кўзини ёндириб яна машинада уйга қайтади. Турган гап, у ўзини ҳам, дадаси, ойисини ҳам ҳеч кимга тенг кўрмас, бўлакча бир гурур билан осмону фалакда ялло қилиб юарди.

Бирдан... қайдан чиқди бу иншо? «Бизнинг оила».

Эшвойнинг дадаси тракторчи, Тоҳирники новвой, Хайрининг дадаси деҳқон, Шербекнинг дадаси ким? Касби нима унинг? Раҳбар деб ёзадими? Хўш, раҳбарнинг вазифаси нима? У қандай иш бажаради?

Эрталаб машинада ишга кетади. Ие, Наргиза-чи? У қаерда қолади? Ҳай-ҳай! Бу жудаям нозик масала-я, Ҳаммадан аввал, ҳар қандай вазиятда болани боғчага олиб бориб, вақтида олиб келиш ҳар қандай раҳбарнинг биринчи вазифаси. У бошиқаларни билмайди-ю, ҳар қалай дадаси ўзининг бу бурчини аъло бажаради. Йўқ, иншони бундай ёзиб бўлмайди. Ҳамма кулмайдими. Яхшиси уни жийдазорга кўчиб келган кундан бошлаган маъқул. Эшвой ўшанда худди қозонга солиб қовуриб олинганга ўхшарди. Жуссаси унча катта бўлмаса ҳам, унга иссиқ-совуқ, анча-мунча калтак таъсир қилмаслиги шундоққина кўриниб турарди. Тим қора, чақноқ кўзлари, диккайган қулоқлари, сочсиз яйдоқ бошида кўриниб турган «с» ҳарфига ўхшаш чандиғи, билагидаги «Э. Т» тамғаси, шимининг бир почасини ҳимариб олган ҳолда велосипедга суяниб беписанд қараб туриши – ҳаммаси ойиси айтмоқчи унинг «қинига сиғмаган» бебош болалигидан далолат берувчи нишонлар эди.

Бу пайт янги кўшнилар машинадан кўчларини тушириш билан банд бўлиб, у дамо-дам ялтироқ мебеллар, янги телевизорлар, юмшоқ диван, филдиракли креслоларга қизиқсиниб кўз ташлар, бу ишларга аралашмай бир четда турган Шербекка ер остидан ёвқараш қиларди.

Шу чоқ рўпарадаги кўкка бўялган темир дарвозадан у тенги нозиккина бир қиз елкасига ўроқ ва арқон ташлаб чиқиб келди. Бола қиздан арқонни олиб, велосипеднинг орқа ўриндиғига ўради, кейин уни учқаштириб жўнаб кетди.

Эртасига Шербек янги синфга кирибоқ, уларнинг олдинги партада ёнма-ён ўтирганини кўрди. У одатдагидек энг орқадаги бўш ўринга бориб ўтирди.

Шербекнинг тасавурида дунёда мактабдан-мактабга кўчиб юришдан ҳам ортиқроқ бахтсизлик бўлмаса керак. Олдинда уни нималар кутаётганини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у дарҳол ҳар тарафдан қараб-қараб қўйишаётган синфдаги ўғил болаларни санаб чиқди. Ўн учта. У шўрлик мана шуларнинг ҳаммасига сўзсиз бўйин эгиши ёки ҳар бири билан муштлашиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак.

Болалар-ку болалар, турли усуллар билан ҳали қизлар ҳам синовдан ўтказишади. Катталар бошини силайди, дейсизми? Қайда, биров эътибор беради, бирови бермайди. Мана, орадан бир йил ўтса ҳам адабиёт билан рус тилидан ташқари ҳамма фандан «ўрта». Бунинг учун ўқитувчилар эмас, биринчи галда ўзи айбдорлигини у билади, лекин бўйнига олгиси келмайди. Ахир ҳадеб кўчиб юравермай бир жойда ўқиганда шунақа бўлармиди. Тўртинчи синфгача аъло ўқирди-ку, ахир. Унда зўр эди. Мактаб, кўча, бутун қишлоқ Шербекники эди. Энди-чи? Энди ҳаммаси бировларники – Эшвойнинг қишлоғи, Хайрининг кўчаси, Тоҳирнинг мактаби, Соранинг синфи. У – бир келгинди у ерда. Унинг хўрлиги келиб, ҳали ҳам ҳеч нарса ёзилмаган ияшо дафтарини ёпди.

II

Ташқарида ёмғир тиниб, снғил шабада қўзғалган, илиқ, ҳаводан турли гул-чечакларнинг чучмал ҳиди келарди. Шербек айвон устунига суюнганча қип-қизариб ботаётган каттакон қуёшга қараб туриб, бобосининг гапини эслади. «Эртага ҳаво очиқ бўлади».

Шунда ногаҳон унинг калласига: «Ишонин Оқдевада бобом билан бирга кечган бахтиёр кунлардан бошласам-чи?» деган фикр келди. Бобоси билан бирга Қашқа пайдо бўлган кунлар кўз олдида гавдаланди. Ўшанда у ташқи ҳовлидаги оқ ўрик шохда қўйнига гўра териб ўтирганди. Бобоси кўчадан:

– Шер, ҳов Шер, қаттасан? – деб кириб келди. Кейин у югуриб олдига келгач, пахтасиз чопони пешида ётган кучукни кўрсатиб мақтанди, – буни қара, нима опкелдим сенга.

– Авчарками? – энди кўзи очилган, қоп-қора дўнг пешонасида данакдек оқ, қашқаси бор кучукни қўлга олиб сўради Шербек.

– Вой, кўйинг-а, – деди тандир бошидан қўлида кесови билан келган бувиси. – Қачон бўса бошийзи ғалвага тиқиб юрганиз юрган, увол-а, увол!

– Овчаркани нима қиласан? – деди бобоси. – Мана шу хашакиси одам зотига ўлгудай содиқ бўлади. Боқасанми?

– Бўлмасам-чи, – деди Шербек бувиси томон чопқиллаб. – Буви-буви, кучугимга сут беринг.

– Обора-а, кучугинг ордона қосин, – деди бувиси пушт ташлаган нон юқи қўлини жаҳл билан енгига артиб. – Сутти қаттан оламан ҳозир?!

Шербек бўшашиб бобосига қаради, у имлаб чақирди.

– Шошмай тур, нонини узвосин, ўзи топберади.

Кўп ўтмай Адолат буви ҳовури чиқиб турган бир сават нонни сўрига кўтариб келди. Тепасида қип-қизил мачин сомсалар. Одатда у қачон нон ёпса тандирнинг бир ёғида албатта сомса бўлади. Ҳар фаслда ҳар хил: баҳорда кўк сомса, ёзда мачиндан қизил, кузда ошқовоқдан сариқ, қишда картошка, пиёздан оқ сомсалар.

– Кучугимга берсам, ейдими? – деди Шербек сомсани дўпписига солиб.

Адолат буви набираси қўлига битта уриб, дўппини тортиб олди.

– Бор-е, кучугинг бошингдан қосин, аввал қўлингни юв.

Агар ҳозир ойнаи шундай танбеҳ берса, Шербек сўзсиз аразлаб кўчага чиқиб кетган бўларди. Бувиси уриб-сўкса ҳам нимагадир унга қаттиқ ботмайди. Ҳозир ҳам у ариқ лабида ўтирган бобоси олдига чопқиллаб келиб, шопиратиб қўл чая бошлади.

– Бувингни феъли айниб қоптими? – ер остидан синовчан нигоҳ ташлаб сўради Юсуф бобо.

– Билмасам, – елка қисди Шербек. Кейин бувисининг йиғлагани эсига тушиб, кўшиб қўйди. – Ойим уйни қулфлаб кетибди. Бувим боя йиғлади.

Юсуф бобо ажабланиб, уй томонга шунақа тез қарадики, Шербек ҳеч қачон унинг ўсиқ-ўсиқ мошкичири қошлари

чимирилиб, мулойим қўй кўзлари бу қадар ҳайратга тушганини аввал кўрмаганди. Агар ҳозир у «уйни ўғри уриб кетди» деганида ҳам бобосига бунчалик таъсир қилмаган бўларди.

– Қандай қулфлайди, қулф йўғ-у.

– Англиский, – деди Шербек билағонлик билан, – дадам кечқурун ичкаридан ўрнатган.

Юсуф бобо тўғри бориб эшикни тепиб синдирадиган шаҳд билан ўрнидан турди, лекин уй томонга эмас, тандир бошига қараб юрди.

– Ҳой, нос шишам қани? – у худди шишани кампири ўғирлаб, беркитиб қўйгандай дағдаға билан сўради.

Адолат буви чолининг бу дўқидан ажабланмади, «ҳозир», деди-ю, дарҳол қумғонни ерга қўйиб, уйга пилдираб кириб кетди. Зум ўтмай нос тўла ярим литрли шиша чангини этагига арта-арта югуриб чиқди. Важоҳати бузук Юсуф бобо шишани унинг қўлидан деярли тортиб олди-да, қоғоз тиқинини суғуриб ташлаб, чап кафтига нос тўлатиб оғзига отди. Кейин тили устига тўкилган нос доналарини туфлай-туфлай тез-тез юриб, кўчага чиқиб кетди.

Иш билан банд бўлса-да, чолининг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб турган кампир енгичани ёнига ташлаб беҳол ўтириб қолди.

Шербек буларнинг ҳаммасига уйга қулф тушгани сабаб бўлаётганини билиб турса ҳам, бунинг ёмон томонини тўла англаб етмас, нима қиларини билмай ариқ бўйида ҳамон қотиб турарди. Бир пайт у кучукнинг гингшиган овозидан ўзига келиб, уни кўтарди-да, секин ташқи ҳовлига равона бўлди.

Орадан кўп фурсат ўтмай Шербек бобосининг одатдагидек тетик, ўктам овозини эшитди.

– Шер, ҳов Шер, қаттасан? .

У кучугини кўтариб югуриб чиққанда бобоси икки қўлтиғидаги ҳандалакларни эди сўри четига қўяётган экан. Уни кўриб-қоқ Шербекнинг чеҳраси ёришди. У боя эшикдан чиқиб кетган баджаҳл чолга мутлақо ўхшамас, худди дандон қанд шимиб байрамдан қайтган боладай қувноқ эди. Кампир ҳам орада ҳеч гап бўлмагандай югуриб-елиб дастурхон ёзди. Биров айтмаса ҳам Шербек ўзи билиб пичоқ келтирди.

Юсуф бобо лунжини тўлатиб ҳузур билан сомса чайнарган, кўзини мастона сузди.

– Бу узоқ турса, кучланиб кетарканми дейман, зап олди-да, зангар.

– Нима? – ҳеч нарса англамай сўради кампири.
– Носни айтаман-да, носни. Элитиб қўйишига сал қолди-я.
– Ўзиям ўн чекимини бир отводдиз чамамда.
– Бундоқ танамга ўйлаб қарасам, ёмонмас, пишиқ-тетиккина чиқди.

– Ким?

– Келинингни айтаман-да.

Адолат буви дастурхон учини ҳимариб ўтирганича индамади.

– Ҳа, энди кулф солса солгандир, ўзини уйи, сенга нима?

– Мен бир нима дедимми сизга?

– Шунга айтаман-да, демаганинг тузук, хотин, дема, ҳеч нима дема.

– Демайманам.

Улар узоқ жим ўтиришди. Дастурхон йиғиштирилгач, Адолат буви пиёла олиб, кўчага томон юрди.

– Кучугингга сут излаб кетди, – деди Юсуф бобо кампири орқасидан хомуш қараб. – Майли, ёзилиб келсин. Қариганда одамми кўнгли шунақа нозик бўлиб қолади. – У набирасига гапирягтими, ўз-ўзигами, билиб бўлмасди. – Бир кунда бор бисотидан айрилгандай шалвираб қопти, бояқиш. Одам ишончидан айрилмасин. Эна болага, бола энага ишонмай қўйса у дунёю бу дунё ҳаром. Аммо лекин бундоқ ўйлаш хато. Ҳамма нарсани яхши-ю, ёмон томони бўлади. Сен ҳамиша ана шу яхшилик тарафида бўл.

У ҳандалак пўчоғи солинган лағанчани олиб ўрнидан оғир қўзғолди.

... Қашқа кун сайин суюкли бўлиб борар, эртадан кечгача гажак думини силкитиб, Адолат буви орқасидан чопқиллаб юргани юрганди. У ниҳоятда ҳушёрлик билан дарвозадан кирган одамни биринчи бўлиб қаршилар, унинг кимлигига қараб меъёрида эркаланар, Шербек мактабдан қайтганда жон-жаҳди билан унга томон отилар, атрофида дойра ясаб чопқиллар, оёғига йиқилар, дўмбалоқ ошиб ўйнар эди. Кейин у ечингунича дум-думалоқ, қоп-қора мунчоқ кўзларини пирпиратиб остонада мўлтираб турар, таъмагирлик қилиб қип-қизил узун тили билан тумшуғини ялаб-ялаб қўярди. Шербек берадиган колбаса ёки коржикни олиш эса унчалик осон эмасди. У кучукни икки оёқда тик туришга, сакрашга, қўл узатиб кўришишга мажбур қиларди.

III

Кеча ёзилмаган иншога у бугун яна ўтирди. «Бизнинг оила». Бир қарашда осонга ўхшайди. Қўлингга қалам олгач, нимадан бошлашни билмай қийин аҳволга тушасан. Бўлмаса, мана, режа ҳам тайёр. «Оилада неча кишисизлар? Ота-онангиз қаерда ишлайди? Уларнинг касби сизга ёқадими? Келажакда ким бўлмоқчисиз?»

Хўш, улар оилада неча жон? Бобоси билан бувиси Оқдевада қолишди. Бу ерда дадаси, ойиси, Наргиза, ўзи. Қашқа йўқ энди...

Бобоси айтмоқчи, дадаси сигирларининг рангини, қанча қўйлари борлигини билмагандек, кучуги бор-йўқлигидан ҳам беҳабар эди. Бироқ, Қашқани кўрган заҳоти ойисининг жони чиқиб қоларди. Бунинг сари кучук ҳам ундан безиб тескари қарар, урса, қарғаса тишини кўрсатиб ирилларди. Улар ўртасига бу совуқчилик ойиси яхши кўрадиган оқ лак туфлининг бир пойни йўқолган кун эрталаб тушган.

Эҳтимол, баланд пошна бу ялтироқ туфли Қашқага ҳам ёқиб қолгандир, тунда ерда ағанаб ётса, панароқ жойга яшириб қўйгандир. Бу, турган гап, бирор нарсани тишлаб, кўрсатилган жойга олиб бориб қўйиш, кўришиш учун ўнг қўлни узатиш, икки оёқлаб юриш бўйича у билан ҳар кун Шербек ўтказаетган машқнинг оқибати эди.

Шунинг учун ҳам унга мароқли туюлган кучукнинг бу қилмиши одатдагидек ишдаё кеч қолаётган ойисининг тобора ғазабини қайнатарди. Агар у Қашқани қарғаб, қўлга кирган нарсани отиб, хафа қилиб қўймаганда туфлини топиш унча қийин эмасди. Бунинг учун унга туфлининг иккинчи пойини бериш кифоя эди Шунда у худди Шербек ўргатгандай, туфлини пойни турган жойга олиб борган бўларди. Бироқ дўқ-пўнсадан кучук аразлаб қолганди.

Ўша куни Шербек биринчи танаффусдаёқ буфетдан иккита коржик олиб, бирини Қашқага атаб сумкасига солиб қўйди. У бутун дарслар давомида тезроқ уйга қайтиш, ўйлаб қўйган режасини амалга ошириб, ойисини ҳам севинтириб, ҳам қойил қолдиришни ўйлаб ўтирди.

Шербек мактабдан қайтгач, артиб, тозалаб, айвон тоқчасига териб қўйилган иккала пой туфлини кўриб, севиниш ўрнига ҳафсаласи пир бўлди. Ойиси ҳам туфлиси топилганидан

қувонмади, аксинча, яраси янгилашиб, яна Қашқага ташланди. Эрталабки можарони аллақачон унутиб, қарғишларни кўнглидан чиқариб юборган соддадил кучук уни кўриб, калта думини ликиллатганича чопқиллаб келди-ю, сийлов ўрнига тумшугига кутилмаганда тепки еб, финшиганча нари кетди.

Кечқурун дадаси келганида ухлаб қолганидан Шербек уйда нима гап бўлганини билмади. Эрталаб ойисининг кайфи чоғ, бобоси билан бувисининг хаёли паришон бўлиб қолганидан ҳайрон бўлди.

Бобоси бугун нимагадир кўчага ошиқмас, нонушта аллақачон тугаган бўлишига қарамай, бувиси ҳам дастурхонни йиғиштира қолмасди. Ҳар қайсиси ўз хаёли билан анчагача индамай ўтиришди. Ахийри бобо ўридан қўзғаларкан:

– Шукр қил, бувиси, – деди оғир хўрсиниб, – шукр қилавер.

– Минг қатла шукр, дадаси, – деди кампир чолига ачиниш билан қараб. – Илоё мартабаси бунданам зиёда бўсин, ўссин, унсин, қатта бўсаям омон бўсин. Ишқилиб орқамиздан чироғимизни ёқиб қолса бўгани.

Юсуф бобо белини силай-силаё, оғилга кириб кетди.

Шербек унга синчковлик билан уларни кузатиб, ҳар бир сўзнинг маъзини чақишга қанча ҳаракат қилмасин, барибир, ҳеч нарсани тушунмади. Шу кун у мактабга пиёда кетди, келса уйда ойиси юрибди. Эғнида янги қавилма халат, оёқ-қўли енгил. Шербек уйга кириб донг қотиб қолди. Шифонер эшиклари ланг очик, ўртада катта-кичик бўхчалар, чамадонлар... Юраги орқага тортиб, ойисига қаради.

– Вой, ҳали сен эшитмадингми? – деди у ишидан бош кўтармай. – Даданг пахта заводига директор бўлди. Шаҳарга кўчиб кетяпмиз.

Шербек чол-кампир нега бунчалар шумшайиб қолишганини энди тушунди.

– Мен-чи? – деди у худди зовурга қулаб кетаётгандай юраги шувиллаб.

– Сенми? Кетасан-да биз билан.

– Мактабим-чи?

У худди бақани депсаб олгандай жийришиб қўл силтади.

– Чинакам мактаб қанақа бўлишини энди кўрасан.

– Керакмас! – деди Шербек ташқарига йўл олиб. – Бошқа мактабда ўқимийман.

Сўрида ямоқ тикиб ўтирган Адолат буви эрталабдагидай ҳам букчайиб, кичрайиб қолгандай туюлди унга.

– Келдингми, болам, – деди у меҳрибон боқиб. – Ке, ўтир, бир пиёла чой ичволгин.

– Бобом қани?

– Ҳовлида юрувди, – деди у дарича томонга хавотирли нигоҳ ташлаб.

Шербек ҳовлига чиқди. Оқ ўрик соясида ётган Қашқа у томон отилди. Полизга сув тузаб, ариқ бўйида ўтирган Юсуф бобо кетмон дастасига суяниб аста ўридан турди. Кайфияти қандай бўлмасин, набирасини кўрганда ҳамиша севишиб, хушчақчақ бўлиб қоладиган бобосининг бугун ўзи томонга ювош қараб турганини кўриб, у бирдан бўшашиб кетди. Бобо набирасидаги ўзгаришни сезди-ю, аянчли жилмайиб чап кўзини қисди.

– Варрак қилиб берайми? – деди у кўм-кўк осмонда сузиб юрган оппоқ булутларга қараб.

Юсуф бобонинг галати одати бор-да, қачон қараманг бир нарсани ўйлаб туриб, бутунлай бошқа нарсани гапиради.

– Сендақа пайтида дадангга кунора варрак қилиб берадим. У йиртиб келаварарди, мен яна қилиб бераварардим.

– Ҳозир ҳеч ким варрак учирмайди, – деди у мингирлаб.

– Чакки қилишади, сенга ўзим фабричний варрак қилиб бераман, учириб бир маза қигин.

Бобоси ўшанда унинг аҳволини тушуниб, фикрини чалғитиш учунгина варракни ўйлаб топмагандир, балки шу тобда ўзи ҳам узоқ ўтмишини, болалик чоғлари, жанггоҳда қон кечиб ўтган йиғитлик даври, ёлғизгина ўғлига варрак қилиб бериб қувонтирган дамларини эслагандир.

Лекин оилада шундай катта воқеа – кўчиш масаласи, шунга боғлиқ боланинг тақдир ҳал бўлаётган нозик бир паллада унинг қандайдир варрак ҳақида гапириши ғайритабиий туюлди. Шунинг учун ҳам гап гўё унинг кетиш-кетмаслиги тўғрисида бораётгандай, бобосига қараб:

– Мен кетмайман, – деди.

Бобоси тушунди. Лекин ҳеч нарса эшитмагандай сув ялаган жияк бошини тўғрилай бошлади.

– Менга қолса кет дермидим, – деди у қаддини ростлаб.

Эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди, болам.

– Барибир кетмайман.

– Ихтиёр сен билан менда бўлганда қанийди, – бобо чуқур хўрсинди.

– Эҳ, Шер, Шер... Бир қулоч қамиш топганинда борми...

– Нима қиласиз? – ажабланди у.

– Боятдан бери қулоғингга танбур чертяпманми? – бобо уни елкасидан олиб, уй томон бошлади. – Ахир қамиш бўлмаса варрак бўлармиди?

Шербек елкасидаги сертомир, қоқ суяк қўлни силтаб ташлаб, «мени алдаманг!» дея қичқиргиси келди-ю, ўзини босди. Эҳтимол, бобоси ҳозир уидан ҳам кўра кўпроқ ўзини овутаётгандир.

Орадан икки кун ўтиб, дадаси билан оийси шаҳарга кўчиб кетишди. Шербек ўқиш тугагунча шу ерда қолди. Оийсига қолса бошидаёқ уни олиб кетарди-ю, аммо дадасининг чол-кампира раҳми келди, улар ёлғизликка бир оз ўргангунча овунчоқ бўлиб туришини назарда тутди. Шербек бу қарордан суюнган бўлса ҳам, улар жўнаб кетгач, оқшом тушибоқ ҳувиллаб қолган катта хонадонда ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ҳамма нарса кўзига совуқ, зерикарли кўринар, ўз-ўзидан хўрлиги келарди.

– Ҳечқиси йўқ, майли, сабр қил, – деди бобоси унинг ҳолатини сезиб. – Саҳар уйғотаман, хўпми?

– Нима қиламиз?

– Эна-бола совлиқни сотамиз.

– Сотамиз?

– Битта зўр телевизор обераман, хўпми?

«Эски телевизорни олиб кетишмаса ҳам бўларди». – томда қаққайиб турган антеннага қараб ўйлади у ўзича.

– Нима, гапим ёқмадимми? – деди бобо. – Ё велосипед яхшимми?

– Телевизорни кўрмайсиз-у.

– Ҳа, энди мен кўрмасам, сен кўриб турарсан, – деди у. Кейин ерга сингиб кетгундай бўлиб ўтирган кампирга қараб қўшиб кўйди. – Бизга ҳам эрмак бўларми дейман-да, тўғрими?

– Нима дедиз? – сергақланди Адолат буви.

– Қозон осмайсанми, деяпман.

Ойилари жўнаб кетиши олдидан қилинган ош деярли ейилмаган, шунинг учун ҳам Адолат буви кечки овқатга уринмаганиди. Энди вақт ўтганда чолининг бу гапи унга эриш туюлиб, «эсингиз жойидами» дегандай ажабланиб қаради.

– Ҳа, нима бўпти, ҳали вақт эрта, – деди Юсуф бобо кампирнинг фикрини кўзидан ўқиб.

– Бугунданоқ ўчоқни совутиб қўясанми?
– Қизиқсиз-а, етти хуфтоидаги овқатни ким ейди ҳозир?
– Ярим косадан аччиқ мастава бўлса ичамиз-а, Шер? У йўқ
демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бобосининг кўз қисганини
кўриб, индамай қўя қолди.

– Ана кўрдингми, – деди у кампирини қистаб, – тур энди,
ўчоқда ўт гуриллаб, қозон қайнаб турган уйга қайғу йўламайди.

Кампир индамай ўрнидан қўзғалди. Ҳақиқатан ҳам кўп
ўтмай ўчоқда ўт ёнганда ҳувиллаб қолган мунгли хонадонга
файз киргандай бўлди. Ҳаммадан ҳам аламли ўйлар гирдобида
эзилиб ўтирган Адолат буви қозон-товоқ билан алаҳсиб,
ҳаракатлари жонланиб қолди. Аслида Юсуф бобо ҳам ўз қорни
ташвишида эмас, худди шу мақсадда бу тadbирни ўйлаб топган
бўлса ажабмас...

... Шербек кетадиган кун бувиси саҳар туриб хамир қорди,

Кеча ювиб қўйган кийимларини дордан йиғиб, тугма-
измаларни мустаҳкамлади, уч литрли шиша банкада сариеф
эритди, ёғли кулча, варақи сомсалар ёпди. Ҳаммаси бир арава юк
бўлди.

Шу пайтгача ҳеч қачон бошдан кечирмаган қувонч билан
алам аралаш туйғудан Шербек ўзини дам бахтиёр, дам бахтсиз
ҳис этарди, нима бўлганда ҳам бу машмашалар тезроқ, бир ёқли
бўлишини истарди.

Бобоси унга бугун ҳар кўнгидан қувноқроқ кўринарди.

– Оббў сен-ей, – деб қўярди у ҳар замон. – шундоқ қилиб,
шаҳарга кетяпман дегин?

– Болани юрагини эзманг, – Адолат бувининг жаҳли чиқарди.
– Кетса беш-ўн кун туриб тағин келади, ўқиш бошлангунча
бориб-келиб ўртада чулдираб юради-да.

– Шунақа дегин? – деди бобоси бунга кўпам ишонқирамай.
– Роса мазайкан-да.

Ниҳоят кўчада машина тўхтаб, остонада бутунлай ўзгариб,
шаҳарлик туси кириб қолган ойиси кўринди. У шошиб
турганидан узоқ ўтирмади. Бўхча-тугунларни кўтаришиб кўчага
чиқишди. Эшик олдида турган яп-янги оқ «Волга»ни кўриб,
Шербек суюниб кетди.

– Бизникими?

– Бизники, – деди ойиси гурурланиб. – Ёқадими?

Оқ-сарикдан келган, ўрта яшар кўк кўз шофёр машинадан:

тушиб чол-кампир билан сўрашди, кейин шошилмасдан бориб багажни очди.

Юklar жойланиб бўлгач, Шербек аввал бувиси билан хайрлашиб, сўнг бобосига юзланди.

– Об-бо сен-ей, ростдан кетяпсанми? – бобоси тарашадай дағал қадоқ қўллари билан унинг боши, юзларини худди искалаётгандай шунақаям мулойим сийпаладики, Шербек титроқ бармоқларнинг шивирлаётганини баралла эшитгандай бўлди: "Бошинг тошдан бўлсин, чирогим, ўсгин, унгин, қайда бўлсанг омон бўл!" Лекин у овоз чиқариб одатича тамом бошқа гап айтди. – Ишқилиб парингни олдингми?

Шербек бўғзини куйдириб, нафасини қайтараётган қайноқ тош эриб кетгандай бўлди. Енгил нафас олиб, миннатдор кўзларини бобосига тикди: «Сиз полвоисиз, бобожон, сиз дунёда биттасиз!»

– Олдим, – деди овоз чиқариб.

– Буям бадан тарбия-да, – деди у келини олдида ўзини оқлаган бўлиб. – Пайлар чўзилиб, илик қотади.

Қашқа ҳамма нарсани сезиб турган экан, эшик очилиши билан «лип» этиб машинага чиқиб ўтирди.

– Вой, нимага чиқарасан, ҳайда! – деди ойиси жирканиб.

– Нимага? – Шербек ялт этиб бобосига қаради. – Биз билан кетади-а, бобо?

– Учинчи қаватда яшасак, ҳовлимиз бўлмаса, у қаерда қолади? – куйиниб тушунтира бошлади ойиси. – Ё бирга олиб ётасанми?

Буни шу дамгача ўйлаб кўрмаганди. Фақат бир нарса аён кучук уники, у қаерда бўлса, кучук ҳам ўша ерда бўлади.

Қараса, вазият нозик. Бобо ўртага тушди. Шербек бориб шароитни ўз кўзи билан кўрадиган, агар иложи бўлса яна бир келишида Қашқани олиб кетадиган бўлди.

– Бира тўла кетаётганинг йўқ-ку. – деди бобоси охирида. – Унгача бувингга эрмак бўлиб туради.

Шербек ҳамма гапни пайқаб, ёлворганнамо мўлтираб турган Қашқага қаради. «Мени ташлаб кетма, – деяётганга ўхшарди унинг кўзлари, – сенсиз зерикаман, соғиниб йиғлайман».

Қашқа мунчоқ кўзларини жовдиратиб, ҳар кимга ялиниб қарар, ғалати аянчли гингшиб «ҳайдаманлар» дея илтижо қилаётганга ўхшарди.

Буни ҳатто Қашқани биринчи бор кўриб турган шофёр ҳам тушунди, лекин ойиси тушунмади.

– Ҳайдасанг-чи! – у энди ўғлига пўписа қилди.

Шербек кучукни ҳайдагани кўнгли бўлмади, орқамдан эргашар деган ўйда машинадан тушди. Аммо ер тагида илон қимирласа дарров сезадиган Қашқа унинг ниятини пайқаб, жойидан жилмади. Ахийри Юсуф бобо ёрдамга келди. Шундан кейингина Қашқа сакраб пастга тушди. Бобо энгашиб, унинг бўйнидан ўпаркан, Шербекка имо қилди.

– Бор энди, борақол, бўтам.

Машина қўзғалиши билан Қашқа қўлдан чиқиб, улар кетидан чопа бошлади.

– Қашқа! Қашқа! – қичқирди Юсуф бобо.

Лекин кучук тезлик ортганига қарамай жон ҳолатда учиб келаверди.

– Қашқа, қайт орқанга! Қайт дейман! – ўпкаси шишиб қичқирди Шербек, лекин у қайтмади.

– Тезроқ ҳайданг! – буюрди ойиси.

«Волга» муюлишга етганда кўкқисдан чийиллаб тўхтади. Шиддат билан учиб келаётган кучук ўн қадамча олдинга ўтиб кетиб, сўнг орқасига қайтди.

Машина йўлини тўсиб ғолибона ҳурий бошлади. «Ҳа, ҳа, ташлаб қочаман деганмидинг. Қочиб бўпсан, оғайни. Шербек ўзида йўқ қувониб, энди эшик тутқичини ушлаганди, ойиси кўлига бир уриб, ҳайдовчига юзланди.

– Нима бўлди? – ҳайрон бўлиб сўради у.

– Ҳеч нима, – шофёр уч қадамча нарида думини тагига босиб чўккайиб ўтириб олган кучукка қараб бепарво жилмайди.

– Унда нимага тўхтадиз?

Шофёр бир оз жим тургач, босиқ, оҳангда:

– Кўряписиз-ку, – деди аста. – Жудаям бераҳм экансиз. Шербек шунда ойисининг бир эмас, иккала қоши тенг керилиб, кўзлари кинидан чиққудай чақчайиб кетганини кўрди.

– Шунақаман! – лаблари пирпираб аранг гапирди у, – Менга баҳо бериш сиззи ишизмас, хўпми?

Шофёр қўрқиб кетмади, кучукдан кўз узмаган ҳолда ўта хотиржамлик билан деди:

– Сизни олиб юриш ҳам менинг ишим эмас.

Ойиси шофёрга анграйганча қотиб қолди. Кейин бирдан

этагига ўт кетгандай шиддат билан машинадан тушиб, бор кучи билан эшикни ёпди.

– Жўнанг, йўқолинг! – титраб-қақшаб қичқирди у.

Шофёр ҳамон ўша босиқлик билан «сизчи?» дегандай Шербекка қаради. У гуноҳкор қиёфада аста сирғалиб пастга тушди. Оппоқ, «Волга» енгилгина ўрнидан қўзғалиб, жўнаб кетди. Унинг кетолмаслигига қаттиқ ишонган аёл машина кўздан ғойиб бўлгач, бирдан йиғлаб, ўғлига ташланди.

– Ҳе, итинг бошингни егур, жувоимарг, – Шербекнинг устига бостириб келиб, елкасига бир туширди. – Ҳали уйга боргин, итга қўшиб қўймасам сен итваччани.

Ҳолпишлаб Юсуф бобо етиб келди. Хўрлиги келиб йиғлаб юборган набирасини елкасидан кучганича гузар томон юрди. Йўлда ҳам, бекатда автобус кутиб турганларида ҳам у нима бўлгани, нега машинадан тушиб қолганларини сўраб-суриштиради. Автобус бекатга келиб тўхтаганда набираси елкасига аста-аста қоқиб қўйди. Шунда у яна бобоси қўлларининг гапираётганини эшитгандай бўлди. «Бор энди, бўтам, тақдир шундоқ экан, қандоқ қиламиз». Шербек автобусга чиқибоқ, ойнага ёпишди. Пастда машинага интилаётган Қашқанинг бўйнидан кучиб ўтирган бобоси кўзига жуда ҳам бечораҳол кўришиб кетди. Гўё шу ўтиришда қайтиб туролмайдиганга, то қайтиб келгунча кўчага кўз тикиб шундоқ ўтирадиганга ўхшарди у. Лекин бобо Шербекда ёмон таассурот қолдираётганини дарҳол сизди, автобус эшиклари ёпилиши билан йиғитлардай сапчиб ўрнидан турди.

– Оқ ўрининг келаси ҳафта пишади, – деди у қувноқ бир қиёфада ўсиқ қошларини кериб. – Эсиндан чиқиб қолмасин тағин.

Бобоси яна бир зумда тасаввурида афсонавий паҳлавон қиёфасига кирганини кўриб, қувониб кетди: «Раҳмат, бобожон! Сиз буюкларнинг буюгисиз!» Машина қўзғалиши билан Шербек ўрнидан туриб, бошини ойнадан энди чиқарганди, ойиси этагидан шундай зарб билан тортдики, кўйлаги қўлтиги остидан «шир» этиб йиртилиб кетди.

– Ўтир! – деди ойиси қаҳр билан. – Ҳе, ўмачагинг узилмай ўлсин! Шу ўтирганча йўл бўйи чурқ этиб оғиз очмай, қош қорая бошлаганда шаҳарга кириб келишди. Шаҳар кўчалари ёруғ, одамлар билан гавжум эди. Лекин бу қайноқ ҳаёт, турли хил машиналар оқими, ранг-баранг реклама чироқлари Шербекнинг кўзини ўйнатмас, бўм-бўш кўнглини тўлдирмасди.

Шербек сўнги ҳафтада шаҳарга келишга ошиққанди. Бир томондан у ҳувиллаб қолган ҳовлида айниқса кечқурунлари зерика бошлаганди, иккинчидан нотаниш шаҳар ҳаёти ўзига тортарди. Келгач эса, орадан бир кун ўтибоқ унинг кўзларига гузардаги бекатда мунғайиб қолган бобосидан бошқа нарса кўринмай қолди.

Кечқурун бутун заҳрини эрига сочиб, охири шофёрни янгилаш ҳақида унинг ваъдасини олишга эришган ойиси эрталабдан ғолиблик нашидасини сурарди. Ҳали ишга кирмаганидан, она-бола шошилмай нонушта қилишди, кейин диванга ястаниб олиб, мультфильм кўришди. Кейин Шербек шаҳар уйдаги айрим қонун-қоидалар билан танишди. Масалан, эшикни ҳамиша қулфлаб юриш, кирибоқ, кўча пойафзалини шиппак билан алмаштириш зарурлигини билмасди, буни қарангки, бир крандан совуқ, бошқасидан иссиқ сув келаркан, лекин ювинганда атрофга сув сачратмаслик, кранни беркитишни асло унутмаслик кераклиги чатоқ экан-да. Барча ахлат, пўчоқ, чиқиндилар ошхонадаги челақка ташланса ташлана қолсин, майли, газ плитага яқин келмайди, деворлар, пардалар, ялтироқ мебелларни ҳам ушламаса ушламас, лекин ким билан ўйнайди, парини қаерда тепади? Ҳафтада икки марта ваннага тушиш, ҳар куни тушликдан сўнг ухлаши нимаси? Ҳаммасига чидаса булар-у, бироқ куппа-кундузи ухлашдай бемаънигарчиликка мутлақо тоқат қилиб бўлмасди.

– Оқдевага кетаман, – деди Шербек деразадан бир парча зангори осмонга қараб.

Сўзлар ва топшириқлар:

1. Шербекнинг ишио ёзиш асносида илк бор ҳаёлидан кечган ўйларга диққат қилинг. Унинг оиласи ҳақида қандай тасаввурга эга бўлдингиз?

2. “... худди қозонга солиб қовуриб олинганга” ўхшаган Эшбек тасвири орқали унинг ташқи ва ички қиёфасини тасаввур қилиш мумкинми?

3. Эндигина кўзи очилган кучукчани олиб келган чолга эътироз билдирган бувининг “Қачон бўса бошиси галвага тиқиб юрганиз юрган, увол-а, увол!” сўзларини шарҳланг. Сиз бобонинг бу ишини маъқуллармидингиз?

4. Келинларининг ўз хонасига қулф солдирганини билган қарияларнинг руҳий ҳолати берилган ўринларни қайта ўқинг. Нима учун бу нарса уларни хафа қилди?

5. Шербекнинг дадаси қулфин нима учун айнан кечқурун ўрнатди? Унинг бу ишини қандай баҳолайсиз?

6. Юсуф бобонинг: “Бир кунда бор бисотидан айрилгандай шилвираб қопти, бояқши. Одам ишончидан айрилмасин. Эна болага, бола энага ишонмай қуйса, у дунёо бу дунё ҳаром” сўзларига изоҳ беринг.

7. Шербекнинг ойиси нима учун Қашқани ёқтирмади, деб ўйлайсиз?

8. Ўғлининг оиласи билан шаҳарга кўчиб кетганини эшитган қариянинг ҳолатига ва ўзларини тутишига диққат қилинг. Сиз уларни тушуна оласизми?

9. Шербек нима учун ота-онаси билан шаҳарга кетишни хоҳламади?

10. Ёйиш учун ош борлигига ҳамда кеч бўлиб қолганига қарамай Юсуф бобонинг кампирини овқат пилдиришга ундаганини қандай изоҳлайсиз?

11. Шофёр ва Шербекнинг ойисининг Қашқага муносабатини таққосланг ва уларга муносабат билдиринг.

12. Нима учун Шербек Оқдева қишлоғига кеттиси келиб қолди?

13. Юсуф бобо, кампир, Шербек ва унинг дадаси, онаси ҳамда шофёр образларига таъриф ва баҳо беринг. Муносабатингизни билдиришда қиссадан олинган парчаларга асосланг.

14. Қахрамонлар нутқини беришда ёзувчи оғзаки сўзлашув услубидан фойдаланган. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

15. Тестларни ечинг.

1. Шербек нима учун ошла ҳақидаги уй ишосини биринчи кундан оқ ёзолмай қийналди?

A. Ишшо қандай ёзилганини билмасди. **B.** Оиласидаги муҳит у хоҳлагандай, орзу қилганидай эмасди. **C.** Ҳар доим ишшони ўртоқларидан кўчирарди. **D.** Ишшо ёзишни ёқтирмасди. **E.** Онасининг ёрдам беришини кутарди.

2. Юсуф бобо ва Адолат буви тўғрисидаги қайси фикр тўғри?

A. Келинларини ёқтирмайдиган иижок қариялар. **B.** Набирасини ўта эркататиб юбориб, унинг тарбиясига салбий таъсир этган қариялар. **C.** Чол ўта амлишали, кампир эса унинг акси. **D.** Иккаласи ҳам мулоҳазакор, амдишали кишилар. **E.** Қиссада уларга муносабат билдирилмаган.

(1048 — 1123)



Гўзал бадий либос кийдирилган маъноларнинг туганмас хазинаси ҳисобланмиш рубой жанри тараққиётини янги bosқичга кўтарган шоир, файласуф, математик ва астроном ҳамда моҳир косиб Умар Хайём 1040 йилда Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилди. Асли исми Абдулфатҳ Умар бини Иброҳим бўлиб, Хайём унинг тахаллуси ва лақабидир. Хайём „хайма“ — чодир сўзидан олинган бўлиб, чодир тикувчи маъносини беради. Умар Хайём умрининг асосий қисмини қадим Туркистоннинг Балх, Бухоро, Самарқанд сингари илму фан марказлари саналган шаҳарларида таълим олиб ўтказган. Ўз даврининг машҳур олимлари қўлида таҳсил олган. Салжуқийлар саройида хизматда бўлган. Умар Хайём Арасту ва Ибн Синонинг издошларидан бўлган.

Умар Хайём ўз замонасида асосан фалакиёт илмининг билимдони ва риёзиётчи сифатида танилган эди. Шу боис узоқ йиллар Исфаҳон расадхонасини бошқаради ва бу соҳада жиддий илмий ютуқларга эришади. Салжуқий султонлар буюртмасига кўра, у 1079 йилда ҳозирги кундагидан ҳам аниқроқ тақвим (календарь) ишлаб чиққан. Бутун сонларнинг иллизини топиш ҳам ilk бор Умар Хайём томонидан ишлаб чиқилган ва фанда жорий этилган дейишади.

Умар Хайём ўзининг илмий кашфиётлари билан ҳам мангуликка дахлдор эди, албатта. Лекин унинг номини Шарқу Фарбга машҳур қилган нарса унинг йўл-йўлакай, ҳордиқ учун битган рубойлари бўлди. Қизиғи шундаки, нисбатан яқингача ҳам Хайём рубойнавис сифатида машҳур эмасди. XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз шоири Хералд Фицжералд унинг рубойларини таржима қилиб нашр эттирди.

Шундан буён ўтган вақт ичида Хайём рубойлари дунё тилларининг деярли ҳаммасига таржима этилди.

Сирасини айтганда, Умар Хайёмдан жуда ҳам кўп рубой қолган эмас. Адабиётшунослар тасарруфидаги тўрт юздан ортиқ рубойининг олтиши олти донаси Умар Хайёмники экани аниқ. Айрим олимлар унинг ўзига тегишли рубойлар сонини 172 та, баъзилари 252 та деб ҳисоблайдилар. Аммо Хайёмнинг бор рубойлари кўлчилик учун гоаяқ қадридир. Маънавий эҳтиёж катталиги учун кейинги йилларда унинг рубойлари ўзбек тилида ҳам қайта-қайта босилмоқда.

Одатда Умар Хайём рубойлари ўзбек тилига бармоқ вазида таржима этилар эди. Ҳолбуки, Шарқ шеъриятида, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам рубой ёзиладиган махсус вази бор эдики, шу вазига тушмаган тўртлик рубой ҳисобланмасди. Махсус вазида ёзилгани учун ҳам рубойлар мусиқийликка эга бўлиб, куйга осон тушарди.

Сиз, ўқувчиларнинг эътиборингизга ўзбек тилига биринчи марта ўз вази — „ҳазаж“ баҳрининг „ахраб“ ва „ахрам“ тармоқларида таниқли шоир Жамол Камол томонидан таржима қилинган Хайём рубойлари ҳавола этилмоқда.

Савол ва топшириқлар:

1. Умар Хайёмнинг ҳаёт йўлига доир маълумотларга эътибор беринг.
2. Хайёмнинг илмий фаолияти давомида қилган кашфиётларга эътибор қилинг.
3. Шоирнинг рубоийнавислиги билан олимлиги ўртасида боғлиқлик бор деб ҳисоблайсизми?

РУБОУЙЛАР

Ул ёрки, дилим кўйида кўп зор ўлмиш,
Кўргилки, ўзи ғамга гирифтор ўлмиш.
Мен ишқида дардимга тиларман дармон,
Кўргил, ўша дармон ўзи бемор ўлмиш.

Бир қўлда тутиб мусҳафу¹ бир қўлда-чи жом,
Гаҳ марди ҳалолмизу гаҳ марди ҳаром.
Биздирмиз ўша гунбази нидий тагида,
На кофири мутлақ, на мусулмони тамом².

Лойимни ўзинг қорган эсанг, мен на қилай?
Шаклимни ўзинг чизган эсанг, мен на қилай?
Ҳар яхши-ёмонки мен этармен, ё раб,
Манглайга ўзинг ёзган эсанг, мен на қилай?

Хайём, гуноҳга бўйла мотам на керак?
Чекмак бу аламлар сенга ҳар дам на керак?
Гар бўлмаса ҳеч гуноҳ, маъзур³ нимадир?
Маъзурки насиб этса, сенга ғам на керак?

Ғам беҳуда чекмагил, мудом шод яша,
Бедод⁴ йўлида айлама бедод, яша.
Кўргилки, жаҳоннинг охири йўқликдир.
Йўқлик ғамини ўйлама, озод яша.

Эй чарх, дилимни бўйла ғамнок этдинг,
Кўксимни алам тиғи била чок этдинг.
Бағримга шамол уфурса, оташ этдинг,
Оғзимга чу сув олдим, уни хок этдинг.

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,
Ноаҳил суҳбати ёмондан ёмон.

¹ Мусҳаф – «Қуръони Карим».

² Тамом – комил, етук.

³ Маъзур – узр, кечирим, тавба.

⁴ Бедод – адолатсизлик, жабр.

Ул майки, шароби жовидонийдир¹, ич,
 Сармояи ишқ², айши жаҳонийдир, ич.
 Ёндиргувчи оташ ул ва дардинг оқизиб,
 Кетгувчи зилоли зиндагонийдир³, ич.
 Паймона⁴ каби бир кун тўлсам, не ажаб,
 Бошимга ажал етишса, ўлсам, не ажаб.
 Май кўзасини қўшиб кўмингиз зинҳор,
 Ул бўйи шароб ила тирилсам, не ажаб.
 Дўстлар уюшиб кўнгилни обод айланг,
 Дийдор кўришиб, бир-бирингиз шод айланг.
 Соқий тўлатиб илкига олганда қадаҳ,
 Бир дам мени бечорани ҳам ёд айланг.

Савоя ва тошхирқатлар

1. Биринчи рубойнинг маъносини шарҳланг. Унда лирик қаҳрамоннинг Аллоҳга мурожаати замиридаги мантиқ ва шеърый ифодадаги эркинликни изоҳланг. Унда исён руҳи кучлими, итоат?

2. Ҳаётнинг мураккаблиги, ундаги зиддиятларнинг адоқсизлиги куйланган „*Бир қўлда тутиб...*“ рубойидаги ўзидан қониқмайдиган лирик қаҳрамон ҳолати ва кайфиятини шарҳланг.

3. Учинчи ва тўртинчи рубойлар ўртасидаги маъно яқинликларини топинг. Уларнинг талқинидаги ўзига хос жиҳатларни аниқлашга урининг.

4. „*Эй чарх, дилмни...*“ рубойида чарх ситамларининг муболағали тасвирига эътибор қилинг. Шоирнинг чархга шу тарздаги «даъво»сини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

5. „*Ул ёрки...*“ рубойида акс этган ҳаёт мураккабликлари, чигалликлари тўғрисида фикр юритинг.

6. „*Мен ишқда дардинга тиларман дармон, Кўргил, ўша дармон ўзи бемор ўлмиш*“ мисраларида яширинган маънони топинг ва изоҳланг.

7. Аҳил кишиларга олов ичида яшаш ҳам осон бўлишини, ноаҳиллар суҳбатидан қочиш жонлиги тасвирини ҳаётий мисоллар билан тушунтиринг.

8. „Ул майки...“ рубойида „*шароби жовидоний*“, „*сармояи ишқ*“, „*зилоли зиндагоний*“ деб таърифланган май аслида нима?

9. Май (ишқ)нинг бир вақтнинг ўзида „*ёндиргувчи оташ*“ ҳамда дардини оқизгувчи эканлиги сабабини аниқлашинг.

10. „*Паймона каби ...*“ рубойида лирик қаҳрамоннинг ўлганда қабрига май кўзаси билан қўшиб кўмишини васият қилганида қандай маъно бор? Шароб исён билан тирилишнинг алоқасини қандай тушундингиз?

11. Охириги рубойда дўстлар уюшиб, бир-бирини шод айлаши, соқийнинг тўла қадаҳни қўлига олиши замиридаги тағмаънони изоҳланг.

¹ Шароби жовидоний - абадийлик шароби.

² Сармояи ишқ - ишқ манбаи.

³ Зилоли зиндагоний - тириклик булоғи.

⁴ Паймона - қадаҳ.

12. “Умар Хайёмни ўқигунча ва тушунганимдан кейин” мавзусида уй ишосини ёзинг.

13. Умар Хайём ижоди бўйича билимларингизни тестлар ёрдамида синаб кўринг.

1. Қайси тушунчанинг рамзий-тасаввуфий маъноси потўғри берилган?

А. Май – илоҳий ишқ Б. Қадаҳ – май қуйиладиган идиш С. Соқий – раҳнамо, маънавий устоз Д. Майхона – сўфийлар йиғиладиган жой Э. Майхўр – кўнглида илоҳий ишқ бўлган киши

2. Ғам чекиб умрни зое қилмаслик зарурлиги Умар Хайёмнинг қайси рубойида баён этилган?

А. «Ғам беҳуда чекмагил...» Б. «Лойимни ўзинг қорган эсанг...» С. «Эй чарх, дилимни бўйла...» Д. «Хайём, гуноҳга бўйла...» Э. «Бир кўлда тутиб...»

3. Умар Хайём шеърларини ўзбек тилига биринчи марта рубойининг ўз вазида таржима қилган шоир ким?

А. Шонслом Шомуҳаммедов Б. Эркин Воҳидов С. Жамол Камол Д. Абдурауф Фитрат Э. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

4. «Ул ёрки, дилим...» рубойида қайси фикр ўз ифодасини топган?

А. Оламдан шикоят, норозилик Б. Ошиқнинг доимо садоқатли бўлиши лозимлиги С. Маъшуқанинг ошиқни кўп зор этганилиги Д. Инсоннинг савобу гуноҳлари олдида ҳайронликлари Э. Ҳаётнинг шафқатсиз, мураккаб ҳақиқатлари.

Умар Хайём рубойлари тўғрисида

Қуйи синфлардаги математика дарслари орқали қуйидаги қоида билан танишгансиз: квадрат тўртбурчакдир, лекин ҳар қандай тўртбурчак квадрат эмас. Айни шу қоида рубойга жуда мос келади: рубой тўрт мисрадир, лекин ҳар қандай тўртлик рубой эмас. Шоир фикри ва туйғуларининг қаймоғи ифодаланадиган бу шеърини жанр махсус вазида – аруз шеър тизимидаги ҳазаж баҳрининг ё ахраб, ёки ахрам тармоқларидан бирида ёзилиши керак. Йўқса, у оддий тўртлик шеър саналади. Ана шу шеърини ўлчовда ёза билган, туйғулари ҳамда олам ҳодисалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ғоят сиқик ва лўнда шаклда, ўқувчи хотирасига тезда миҳланиб қоладиган тарзда ифодалай оладиган шоирни рубойинавис ҳисоблаганлар.

Умар Хайём ана шундай рубойинавислардандир. Унинг рубойлари ғоят маънодор ва ҳикматларга лиммо-лим. Лекин шоирнинг дунёқарашидан беҳабар бўлган, унинг шеъринидаги образлар тизимини тушунмайдиган одам Хайёмнинг рубойларини англамаслиги мумкин. Кўпинча шоирни май куйчиси сифатида талқин қилишади. Ҳақиқатан ҳам унинг

рубойларидаги лирик қаҳрамон майхўр, доим май сўрайдиган, май қуйгувчи соқийга ошно кишидир. Лекин бу тушунчаларни ҳамма вақт ўз маъносида қабул қилиш ўта жўн фикрлаш нишонаси бўлиб, кишини янглиштиради.

Қадим замонлардаёқ, Шарқ мамлакатларида бор нарсани ўз ҳолича айтиб қўя қолиш санъат ҳисобланмаган. Ҳақиқий санъат тимсоллар, рамзлар, мажоз билан иш кўради. Шеърин образлар, бадий лавҳалар кўпинча Қуръон ҳукмлари, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ва шу икки муқаддас манба негизда вужудга келган тасаввуф таълимотига таянилган ҳолда яратилган. Агар биз шоир рубойларидаги майнинг нима эканини аниқлаб олсак, қолган образ ва тушунчаларнинг маъноси ўз-ўзидан ойдинлашади.

Тасаввуф шеърлятида май Аллоҳга муҳаббатнинг, яъни илоҳий ишқнинг рамзидир. Илоҳий ишқ одамни ақлу ҳушдан айириб, сархуш қилиб қўядиган кучга эгаллиги учун уни майга нисбат қилганлар. Маълумки, май қадаҳга қуйилади, ишқ эса кўнгилга. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, шеърлардаги қадаҳ ёки жом – кўнгил тимсоли. Кўнгил бўлмиш қадаҳга қанча кўп май, яъни ишқ қуйилса, ошиқ учун шунча оз кўринади. Чунки оламларнинг яратувчиси, жамол, жалол, қудрат ва раҳмат эгаси бўлмиш Аллоҳ чексиз ва адоқсиз муҳаббатга лойиқ зотдир. Лекин бундай улуғ ишққа ўз-ўзидан ва осонликча эга бўлинмайди.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўзидан, тананинг ҳузур-ҳаловатидан кечиб, бутун инсониятга буюк ҳурмат билан қарайдиган, Аллоҳ яратган жамики борлиққа Унинг бетакрор гўзал ижоди, санъати сифатида қараб, кўз қорачиғидай асрашга тайёр турадиган инсонларгина ана шундай ишққа эриша оладилар.

Ва бундай инсонларни тарбияловчи зотлар Ислолда муршид ёки пир дейилади. Тасаввуф адабиётидаги соқий пирнинг рамзий тимсолидир. Асрлар ўтса-да, номлари эъзоз билан тилга олиб келинаётган Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор, Абдурахмон Жомий каби зотлар ана шундай пирин комиллардир. Майхона тимсолига келсак, у илоҳий ишққа эга сўфийларнинг комил муршид даргоҳида тўпланадиган еридир. Умар Хайём рубойларини ана шу тушунчалар билан мутолаа қилинса, бутунлай бошқача маъно ва манзара юзага келади.

Энди Сизга ҳавола қилинган баъзи рубоийларга диққат қилайлик. “**Лойимни ўзинг қорган эсанг...**” рубоийсида шоирнинг Аллоҳга ўзгача меҳри, итоати, Унинг чексиз қудрати олдида бош эгиши ифода этилган. У Аллоҳга қарата “Лойимни ўзинг қординг, яъни мени тупроқдан яратдинг, ҳам суратим, ҳам сийратимни ўзинг барпо қилдинг. Нимаки мендан содир бўлса ва менга содир бўлса сенинг ҳукминг”, демоқда. Бу иқрор – иймон шarti, мусулмонлик маслағи. Яратган олдида ўз ожизлигини ҳис қилган ва бу ожизликни тасдиқ этган инсонгина қудратлидир. Акс ҳолда кибрга, манманликка, жаҳолатга, бир сўз билан айтганда, ўз нафсига қул бўлади. Оқибатда зулм, зўравонлик, хиёнат, риё каби иллатлар сиртмоғида яшайди. Нафс қўлида забун кимса тубан ва ожиздир.

Мана шу тубанлик, ожизликдан қутулмоқ учун, ҳаётда юксак инсоний маслаклар билан яшаш учун Яратган олдида ожизликни тан олмоқ керак! Ютуқларга эришганда, омад ёр бўлганда ўздан кетмаслик, тушкун дамларда умидсизликка тушмаслик учун бу туйғу инсон билан бўлмоғи лозим!

“**Бир қўлда тутиб мусҳафу...**” рубоийсида ҳам гўё бу мавзу давом эттирилади. Унда инсон ҳаётининг мураккабликлари, чигалликлари, туганмас зиддиятлари ҳаққоний тасвирланган. Баъзан инсон ўз хатти-ҳаракатлари назоратида ожиз қолади. Билиб-билмай, хоҳлаб-хоҳламай хатога, гуноҳларга йўл қўяди. Чунки у комил мусулмон эмас – нафс илгидан қутулолмаган.

Шоир бу таъкид орқали инсоннинг ўзига, ички оламига ойна тутади, ўзига ўзлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Рубоийда ҳар бир киши баркамол инсон – “мусулмони тамом” бўлиши учун тинимсиз равишда камолатга интилиши кераклиги гўзал шеърӣ мисраларга жойланган.

Қачонлардир қилинган гуноҳга мотам тутиб умидсизликка тушиш Исломда қаттиқ қораланади. Негаки, умидсизлик инсонни ҳаётдан узиб қўяди. Ҳаётдан кечиш эса айни иймондан кечиш билан баробар. Чунки бундай одам Яратганининг марҳамати ва раҳматига ишонмай қўйгандир. Ҳақиқий иймон эгаси доимо раҳмат ва маъзур умиди билан яшайди:

Хайём, гуноҳга бўйла мотам на керак,

Чекмак бу аламлар сенга ҳар дам на керак?

Гар бўлмаса ҳеч гуноҳ, маъзур нимадур?
Маъзурки насиб этса, сенга ғам на керак?

“Ғам беҳуда чекмагил...” рубойида йўқ бўлиб кетадиган жаҳон ғамини емай озод яша деб уқтиради шоир. Бу билан нима демоқчи? Фоний дунёнинг ўткинчи ҳою-ҳавасларига ўралашиб қолган одам нафсининг асирига айланади. Кундалик ҳаёти майда орзулар, вақтинчалик эҳтиёжларни рўёбга чиқариш йўлида сарф бўлади. Қачонки улардан озод бўлолса, юксак инсоний мақсадлар билан яшаб, дунёда шод умргузаронлик қилади. Чархдек айланиб турувчи бу дунё ўзининг майда ташвишларидан озод бўлолмаганларни охир-оқибат қуйидагича сўзларни айтишга маҳкум қилади:

Эй чарх, дилимни бўйла ғамнок этдинг,
Кўксимни алам тиғи билан чок этдинг.

Бағримга шамол уфурса, оташ этдинг,
Оғзимга чу сув олдим, уни хок этдинг.

Ҳаёт мураккаб, чигалликларга тўла. Баъзан шундай бўладики, инсон кўнгилидаги дардларга дармон истаб кимдандир нажот кутади. Лекин ўша нажот кутгани ўзи каби бошқа бировдан дармон кутаётганлиги маълум бўлиб қолади. **“Ул ёрки...”** рубойида ана шу ҳақиқат аке этирилган. Бу ердаги ёр маъшуқа, дўст ёки нажот кутилаётган бирор кўнгил яқин киши, ҳам эса ишқ ёки бошқа бир кўнгил тилаги сифатида тушунилиши мумкин.

Умар Хайём рубойилари инсон ҳаётининг мазмуни ҳақидаги ўйлардир. Бу ўйлар билан ошно бўлган ўқувчи ҳаётнинг, борлиқнинг моҳиятини англашга яқинлашади. Тафаккур ва кўнгил оламининг яширин сирларидан хабардор бўлади.

БОЙДИЛДА САРНҮҒАЕВ

(1932 - 2004)

Рус тили – бу улур тил
Бизнинг хуррам замонда.
Бироқ қирғиз қирғизча
Сўзламаса ёмон-да.

Бойдилда Сарнұғаев

Миллий шеърятнинг азалий аъналарини асосида қалам тебратган истеъдодли шоир Бойдилда Сарнұғаев бугунги кунда қирғиз шеърятини ихлосмандларига Олатоғдай маълум ва машҳур. Бадний ижодга ҳавасмандлик унда болаликдаёқ уйғонган эди. Ун уч ёшида экан, унинг «Баҳор келди» номли илк шеъри ўзи яшаётган туман газетасида эълон қилинади. Ёш шоирнинг «Шунқор» деб аталган илк тўплами 1951 йили нашрдан чиқди. Шундан сўнг бирин-кетин «Дўстларимга» (1955), «Баёз» (1956), «Оқ қалпоқ» (1961), «Сўзлашув» (1970) номли шеърый тўпламлари «Қирғизистон» нашриётида босилди. Бу тўпламлар XX аср қирғиз шеърятини ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.



Унинг инсонларни эзгуликка чорловчи фалсафий мушоҳадаларга йўғрилган шеърлари қардош адабиёт вакиллари, таржимонлари диққатини ўзига жалб этди. Унинг тўпламлари рус тилига ўғирилиб, 1958 йили «Горячее озеро» (Роберт Рождественский таржимаси), 1987 йили «Гнездо сокола» (Станислав Золотцев таржимаси) номи билан Москвада чоп этилди. Бу нафақат шоир номини, ижодини, балки қирғиз шеърятини ҳам республикадан ташқарида танилишига, эътироф этилишига сабаб бўлди.

Бойдилда Сарнұғаев 1951 йилда Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Унинг шеърларида инсонларни эзгу амалларга чорлаш етакчилик қилади, инсонларварлик, миллатсеварлик туйғуларини бўртиб туради. Ана шундай сара шеър ва поэмаларини жамлаб 1982 йили шоир «Довондан берган ҳисоботим» тўпламини бадний ижод ихлосмандларига тухфа этди. Зўр қониқшиш ва олқиш билан кутиб олинган бу тўплам китобхонлар талабини ва илтимосини кўра то бугунга қадар қайта-қайта чоп этиб келинмоқда. Мазкур китоби учун Бойдилда Сарнұғаев 1986 йили Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Алиқул Ҳасенов номидаги республика мукофотига сазовор бўлди.

Қирғиз шеърятини ривожига сезиларли ҳисса қўшган истеъдодли шоир 2004 йилнинг ноябрида оғир хасталиктан сўнг вафот этди.

Қадрли ўқувчи! Қуйида севимли шеърларини Турсунбой Адашбоев таржимасидаги шоирнинг шеърларидан намуналарини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Умид қиламизки, улар Сизнинг кўнгли мулкнингиздан жой олади.

ТУШУНМАДИМ...

Учрашганда асал томар тилингдан,
Беданадай йўргалайсан ҳар доим.
Ҳолим сўраб ер ўпгудай бўласан,
Кўринишинг товус каби мулойим.

Дўстмисан ё душманмисан, ким билди,
Тушунмайин сенинг кўнгил – мулкингни.
Агар тарвуз бўлганингда, оғайни,
Бир чертганда билар эдим хулқингни.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Унда одамлардаги қайси илат қораланмоқда?
2. Носамимий кимсани бедана ва товусга қиёсланиши нақадар ҳаётний эканлигини асослашга урининг.
3. Иккинчи бандда кўнгил нима учун мулкка ўхшатилганини тушунтиринг.
4. Одамни билиш, уни англашнинг мураккаблиги қайси мисраларда ўз аксини топган?
5. Самимий инсон қандай бўлиши тўғрисида мулоҳазаларингизни билдиринг.

БУЛУТ

Айни баҳор, қирда ётиб чалқанча,
Қиёси йўқ ёшлигимни эсладим.
Булут ўрлар кўк кифтида туядай,
Гавдаланар бузоқ минган кезларим.

Ана оппоқ булут юксакда,
Бамисоли оппоқ сочли волидам.
Узоқ йиллар дийдорини кўрмадим
Сира кетгим келмас унинг ёнидан.

Ҳаял ўтмай булут яна турланар,
Ёмғир, дўлни элагидан ўтказиб.
Мен суғорган кўк ғунони минганча,
Отам келар чакмонини бўктариб.

Онам бўлиб, отам бўлиб кўринган,
Момиқ булут, кел, кўнглимни кўтаргин.
Ерга тушсанг етиб бориб шу заҳот,
Тўйгунимча, тўйгунимча ўпардим.

Савол ва топшириқлар:

1. «Булут ўрлар кўк кифтида туядай» мисрасида тасвирланган лавҳани кўз олдингизга келтиринг ва изоҳланг.

2. Иккинчи бандда булутнинг «Опоқ сочи волида»га ўхшатилишида қандай инсоний туйғулар ифодаланган?

3. Ҳаял ўтмай турланган булутнинг «Мен суворган кўк гунони мингаича, Отам келар чакмонини бўқтариб» тарзида тасвирланишидаги шоирнинг маҳоратига диққат қилинг.

4. Шоирнинг булут билан дардлашувида қандай маъно бор деб ўйлайсиз?

5. Шеърда қандай фикр ва туйғулар ифодаланмоқда?

ТОғЛАР СЕНГА ЎРГАТАР

Қўпол бўлсанг, тоғда ўсган гулга бор,
Гуллар сенга сиполикни ўргатар.
Чўққига чиқ, қора бўлса юрагинг,
Тоғ сувлари тиниқликни ўргатар.

Ёрларга кир, бўлсанг агар енгилтак,
Чунки улар босиқликни ўргатар.
Билмай қолдим, тоғларимиз қадрига,
Биз етмасак, айтинг, ахир ким етар?!

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Инсонлардаги қўполлик билан тоғ гулларидаги сиполик, кўнгил қоралик билан тоғ сувлари тиниқлиги, енгилтаклик билан ёрлар босиқлиги ўртасидаги муносабатни ва унинг ибрат сифатида кўрсатилиши сабабини тушутиринг.

2. Инсон ўзининг қўполлиги, кўнгил қоралиги ва енгилтаклигини сезадими ва буни тан ола биладими? Ўз нуқсонларини олган одамни кўрсангиз унга қандай баҳо берган бўлардингиз?

3. Табиат ва инсон ўртасидаги алоқадорлик тўғрисидаги кузатишларингиз билан ўртоқлашинг. Тоғлардан яна нималарни ўрганиш мумкин?

ЎЗ ЭЛИНГГА ЁҚ

Ёмон шеър ҳам зўр таржима қилинса,
Жаранглайди, маромига етади.
Буни билмай баъзи шоир ҳовлиқиб,
Ўпкасини босолмасдан кетади.
Кўп тилларда босилса ҳам ашъорим,
Қаламқашлар қаторида санама.
Оқ қалпоқлик қирғизимга ёқмасам,
Унда мени шоир дея тан олма.
Халқ баҳоси ҳақ баҳодир, оғайни,
Ёмон шеърни китобхонлар соз демас.
Ўз тилида элга ёмон кўриниб,
Ўзга тилда мақталганлар оз эмас...

Савол ва топшириқлар

1. Ҳўнинг, Шоирнинг нима демоқчилиги тўғрисида ўйлаб кўринг.
2. Шеърда шоирлик ва яхши шеър ёзиш ҳақидагина гап кетмоқдами?
3. Шеър мазмунидан келиб чиқиб инсон фаолияти ва қилган ишларининг мезони нимадан иборат бўлишини тушунтиринг.

4. Тестларни ечинг

1. Шоирнинг биринчи шеърини кўрсатинг.
А. “Булут” В. “Баҳор келди” С. “Дўстларимга” Д. “Сўзлашув” Е. “Оқ қалпоқ”
2. “Тоғлар сенга ўргатар” шеърда қайси фикр илғари сурилган?
А. Тоғларни севиш кераклиги В. Илм ўрганиш учун тоққа чиқиш шартлиги
С. Инсон поклик ва юксаклик сифатларини табиатдан ўрганиши лозимлиги
Д. Табиат қўйнига сайр қилиш
3. Шоирнинг қайси шеърда табиатга чексиз меҳр ва у билан уйғунлик туйғуси ёрқин ифодаланган?
А. Булут В. Дўстларимга С. Тоғлар сенга ўргатар Д. Тушунмадим Е. Ўз элигга ёқ.

РАВШАН

(Достондан парча)

Бурунги ўтган замонда, эли-юрти омонда, Бухородан туманда¹, Така-Ёвмит деганда, Ёвмит элида, Чамбилининг белида Гўрўғлибек даврини суриб, душманининг додини бериб ўтди.

Қирқ йигитни йиғдириб, силовсин тўн кийдириб, кунига кечкисин² сергўшт қилиб, сермой паловга тўйдириб, семиз қўйдан сўйдириб, кўпкарисин чоптириб, одомонга ола сарпо ёптириб, элу халқнинг кўнглини топтириб, Юнус билан Мисқол парини Кўҳи Қофдан – Эрам боғидан келтириб, умр ўтказар эди.

Гўрўғлибекнинг фарзанди бўлмади. Ҳасанхонни Ваянғандан, Авазхонни Хунхордан олиб келиб, икковини ўғлим деб, искасам³ гулим деб, жону дилим деб, тобутимнинг чегаси, элу юртимнинг эгаси, ўлсам, меросхўрим деб, иккови билан кўнглини хуш қилиб, шуларга бино қўйиб, „болам-бўтам“ деб парвариш қилар эди. Авазхонни Оға Юнус пари „ўғлим“ деб ёқасидан солиб, этагидан олиб эди, Ҳасанхонни Мисқол пари ёқасидан солиб, этагидан олиб эди. Парилар икковига бино қўйиб, болам деб суйиб, ҳар қайсиси ўз уйларида парвариш қилиб тарбият қилар эди. Икковини катта қилди. Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йигитлар бўлди. Гўрўғлибекнинг ҳам ўғилларидан кўнгли тўлди. Ҳасанхон Арзрумдан хон Даллини олиб қочиб, қирқ кун шоҳона тўйлар бериб, ўз расм-русумлари билан олди. Авазхонга Гулқиз деган бир барно сулуви олиб бериб, уйини тушириб бериб, даврини суриб юраверди. Ҳасанхонга хон Даллидан бир ўғил пайдо бўлди. Гўрўғлибек тўйлар қилиб, отини Равшанбек қўйди.

Авазхон бир-икки йилдан сўнг қизли бўлди. Гўрўғлибек қувониб, суюниб, мунга ҳам тўйлар қилиб, отини Гуланор қўйди. Энагалар парвариш қилиб боқиб, болаларни тарбия қилиб катта қилди. Болалар бирдан иккига кирди, ота-эна дегудай бўлди, ошу нон берса, егудай бўлди, уёқ-буёққа бориб кегудай бўлди. Иккидан учга, тўртга кирди, икковини бир мактабга берди. Иккови ҳам ўқиб мулла бўлди.

¹ Туманда – тубанда, қуйида.

² Кечкисин – кечқурун, кечки таом.

³ Исканоқ – ҳидламоқ.

Кунлардан бир кун Гўрўглибек парилар билан ўтириб эди. Равшанбек айти ўн беш-ўн олти ёшида, зарли қалмоқ¹ бошида, юзи ярқираб, эшикдан салом бериб борди. Гўрўглибек Равшанбекни кўриб, димоғи чоғ бўлиб, париларга қараб айтди: „Хў парилар, менинг кўнглимга бир гап келди, сизларга айтайин, сизлар нима дейсизлар. Менинг ўзимга шу ишим жуда хуш келди, сизларга ҳам хуш келар. Мен Авазхон билан Ҳасанхонни қуда қилайин, Гуланоржонни Равшанжонга фотиҳа қилайин, ўзим совчи бўлайин, бугун борайин. Унда парилар: „Жуда яхши бўлади. Бизларга ҳам бу сўзингиз ёқди, яхши айтдингиз бу гапди“, – дейишиб, қувонишиб қолди.

Гуланор кўп сулув: яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, узун бўйли, кенг кўкракли, хуш хаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. Равшанбек унинг билан мактабда бирга ўқиганда, кўзининг остига босиб қўяр эди. Гўрўглибекнинг бу сўзи Равшанбекка ҳам ёқиб қолди. Ичида: „Қизини берса яхши, бу кизини бермас, бобомнинг сўзини синдирар“, – деб кўйди. Гўрўглибек парилар билан маслаҳат қилиб, Авазхон ўғлининг қошига совчи бўлиб бораверди. Шунда Равшанбек қоралаб², бобосининг орқасидан бораверди.

...Гўрўглибек бол Авазга³ қараб, муртини⁴ бураб, бир сўз айтаётир:

...Отанг келди сенинг сўзинг олмоққа,
Кўнглидаги сирни баён қилмоққа.
Шул сабабли меҳмон келдим уйингга:
Ҳасанман ўзингни қуда қилмоққа.

Етти ёшда олиб келдим ўзингни,
Қўлимда кўп единг ошу тузимни,
Отанг келди, болам, ўзингга совчи
Равшанга бер Гуланордай қизингни!

Отангнинг, фарзандим, сўзин олинглар,
Ҳасанман ўзингни қуда қилайин,
Равшанга бер Гуланордай қизингни,
Ёмритнинг злига тўйлар берайин!

¹ Қалмоқ – бош кийим.

² Қоралаб – мулккалаб, чамалаб, яширишиб.

³ Бол Аваз – Авазининг «Асалдай ширин» маъносини билдирувчи лақаби.

⁴ Мурт – мўйнов.

Унда Авазхоннинг аччиғи келди. Полвоннинг қаҳри келиб, аждардай тўлғониб, кўзлари оловдай ёниб, Гўрўғлибек отасига қараб... бир сўз айтаётир:

Йигитлар ичида менман ўдаға¹,
Бедовга ярашар олтиндан тўға,
Равшанга бермайман Гуланоржонни,
Қизим тугул, кучугимдан садаға.

Ота, жавобингни бердим, жўнагин!
Мундан кейин совчи бўлиб кемагин!
Ҳар кимни тенгига қўш-да, валлакат,
Менга мундай тузсиз сўзни демагин!

Эшитиб ол, ота, айтган сўзимни,
Ўзим ўлмай, ганим босмас изимни,
Бермайман Равшанга Гуланор қизимни!
Мен Ҳасанга тенг қилмайман ўзимни!

...Равшанбек дарчанинг орқасида туриб эди. Бу сўзларни эшитиб, бир умрда совуқ шамол емаган бола² эмасми, совуқ сўз тугул, боланинг ўмганидан³ бир жазойил⁴ тешиб ўтгандан ёмон бўлди. Равшанхон товушининг борича „во“ деб бақириб, йиғлаб қайтаверди.

Бола шу йиғлаганча кўчанинг юзи билан йиғлаб бораётир эди. Равшанбекнинг йиғлаган товуши Оға Юнус парининг қулоғига етди. Пари айтди: „Қандай бола экан кўчада йиғлаган?“ Шунда қараса, ўзининг кўрар кўзи, сўзлар сўзи, ўз жонига тенг кўриб юрган Равшанбек боласи йиғлаб келаётир. Югуриб бориб, қўлтиғига қисиб, кўзининг ёшини бетидан артиб: „Бек Равшан болам, нега йиғлайсан?“ – деб сўраб турди. Шунда Равшанбек дим⁵ ўпкасини босолмайди. – Ҳа, баччағар Аваз, деб асло туролмайди. Оға Юнус пари: „Эй болам, Авазни нега уришасан. Менга айтгин, англаб, билиб олайин“, – деса, бола ҳар ўқсийди, гапиролмайди.

– Э эна! Авазинг: „Қизимни бермайман, менинг тенгим эмас“⁶, – деб бизни қузғун, ўзини лочин тутди. Баччағар Аваз биздан

¹ Ўдаға – «ўт оға» сўзининг бузилагани. «Етакчи», «сардор» маъноснда.

² Совуқ шамол емаган – «Шашти қайтмаган», «оғир гап эшитмаган» маъноснда.

³ Умган – кўкрая, тўш

⁴ Жазойил – найза.

⁵ Дим – асло, мутлақо.

ортиқ бўлиб кетибди. Шу Аваздан кам бўлсам, чўлларга бошимни олиб кетаман. Қўявер, эна, қўявер, энди Чамбилда турмайман, шу Чамбилни Авазга бердим, деб бола дим ўпкасини босолмайди. Шунда Юнус пари кулиб, Равшанбекнинг сўзларига ҳайрон бўлиб:

– Э болам, Равшанжон, муддаонг Авазнинг қизи – Гуланор бўлса, асло ғам ема! „Қизи борнинг нози бор“ деган, шундай-шундай дейди-да. Унга сен хафа бўлма! Мана мен, мен борайин отангнинг орқасидан; унинг қизидан нимаси бор экан? Тортиб олиб берсам ҳам Гуланорни сенга олиб бераман... Қани мен борайин, „бермайман“, – деган Авазни кўрайин, шу Авазми қизини бермайдиган, – деб Оға Юнус пари бормоқчи бўлаверди. Шундай қараса, Равшанбек жуда оташин. Шунда пари кўнглида: „Бу бола аччиғи билан бир ёққа кетиб қолмасин“, – деб хосиятли узугини овуниб ўтирсин деб, қўлидан олиб, Равшанбекка берди.

– Э Равшанбек, шу узукка қараб ўтир, мен бориб, Авазнинг қизи – Гуланоржонни сенга фотиҳа қилиб, тўй тараддудини қилиб дарров келаман, деб пари ҳам туриб кетди.

Энди Равшанбек кўзининг ёшини артиб, шундай нигинга¹ қараса, нигинининг юзида хати бор, ер юзида жами парини бандига² олган банди бор³, олам мамлакатига бермайдиган хосияти бор; ҳар ерда сулув барио қиз бўлса, оти бор; баъзи-баъзи жуда нозик, узик⁴ сулувнинг ҳам оти бор, ҳам сурати бор, шу узукнинг бир четидан Қорахон подшонинг қизи – Зулхумор деган бир қизнинг оти бор ҳам сурати бор.

Ана энди бола буни кўриб, Зулхуморга ғойибона кўнгил кўйиб, ишқивоз бўлиб, ўзига-ўзи айтди: „Келе, Авазнинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиғлаб юрганним қандай“, – деб ғайрати келиб, отасининг Жийронқуш деган оти бор эди, урушга минадиган, шу Жийронқушнинг олдида келди. Жийронқуш ҳам шундай от: тўрт оёғи тенг тушган; биқини ёзиқ кенг тушган, қарчиғайнинг ҳавоси теккан.

Шу отни етаклаб олиб чиқиб, яккамихга бойлаб, отни ярлаб... турипти:

¹ Нигин – узук.

² Бандига олган – асирга олган.

³ Банди – дуоли ёзув, тиасим.

⁴ Узик – етук, камчиликсиз.

...Бекнинг оти пўлат сувлуқ чайнади,
Қизил кийиб, гулдай бўлиб жайнади.
Илон тилли, яшин турли ханжарни
Обрў бер деб, хипча белга бойлади.
Томоша қинг хон Равшандай полвонни,
Ширвоннинг юртига талаб айлади¹.

Равшан минди Жийронқушнинг белига,
Ҳайбат қилиб йигит соғу сўлига²,
Отаси Такали Ёвмит юртидан
Талаб қилди, кўринг, Ширвон элига.

Томоша қинг Чамбилнинг шунқорини,
Минди йигит Жийронқушдай отини,
Йиғлатиб отаси – Ҳасан мардини,
Қон йиғлатиб хон Даллидай сулувини,
Равшан излар бўлди Ширвон юртини.

Равшанбек отини ҳовлидан чиқариб, ота-энасидан ғойибона рози бўлиб, кўчанинг юзи билан, одамларнинг изи билан гулдай жайнаб, суқсурдай³ бўйлаб, парвоз айлаб, тараққос бойлаб⁴, остида Жийронқуш оти ҳар усулда ўйнаб... бораётир.

Ҳасанхон дарвозабон билан дўст эди, доим дарвозабоннинг олдида ўтирар эди, иккови кўп саз эди, биров-бировининг сўзини ташламас эди. Ҳасанхон жўраси билан гаплашиб ўтирса, Равшанхон отасининг устига бориб қолди...

Унда Ҳасанхон полвон ёлғиз боласи, кўзининг оқи билан қораси – Равшанхонни таниб, ...Жийронқушнинг жиловидан ушлаб, кўзини ёшлаб, „...ҳай аттанг“⁵, – деб бармоғини тишлаб, ёлғиз фарзандига қараб бир сўз деди:

...Тўрасан, Равшанжон, Чамбил элингга,
Кескир исфиҳонни бойлаб белингга,
Қўш пўпакли⁶ найза ушлаб қўлингга,
Отанг қурбон бўлсин ширин тилингга,
Ёвга аждаҳорим, сенга йўл бўлсин?
Сен бўлмасанг, отанг ҳоли не кечар?

¹ Талаб айлади – хоҳлади, ихтиёр эди, бармоқчи бўлди.

² Соғу сўл – унгу чап.

³ Суқсур – кўзда яшайдиган қуш.

⁴ Тараққос бойламоқ – учадиган қушдай бўлмоқ.

⁵ Пўпакли – попукли.

Сенсиз менга фалак кафантўн бичар,
 Дунёнинг болини заҳар деб ичар,
 Қандай куни кечар шўр энанг ночор,
 Ҳарна йўғу борим, сенга йўл бўлсин?
 Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни,
 Айтгин, болам, борадиган жойингни,
 Мен билайин талаб қилган элингни,
 Айт сирингни қайтармайман раъингни,
 Э, ёлғиз шунқорим, сенга йўл бўлсин?

Равшанхонни отасининг савлати босиб, ҳаёси ғолиб келиб,
 нима дерини билмай ўйланиб туриб эди, ахири бўлмади. Отасига
 гапирмай ўтса, у ҳам бўлмайди, гапирай деса, уялади.

Ана энди Равшан полвон отасининг сўзларига жавоб бериб,
 кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, кўзининг ёши тизилиб,
 бошидан ўтган сир-савдосини отасига айтиб, ўзидан ўтганидан
 хабардор қилиб, бир сўз айтаётир:

Жоним ота, айтолмайман уялиб,
 Боланг кетар энди бошини олиб.
 Жон ота, аламим кўпдир сўрмагин,
 Бек Равшан жўнади сафарга толиб¹.
 Қаладан² қалампир юклар қалачи³,
 Ҳар хил исли бўлар тоғнинг оғочи.
 Отажон, аламим кўпдир сўрмагин,
 Валламат⁴ борипти Авазга совчи.
 Қабул қилмай валламатнинг сўзини,
 Номард Аваз бермас бўпти қизини,
 Ўтиб кетди Авазхоннинг сўзлари,
 Бизни кузгун, лочин қипти ўзини.
 Майдон-майдон Жийронимни елмасам,
 Душман бўлса, бўлак-бўлак қилмасам,
 Авазнинг қизидан яхшини олмасам,
 Жоним отам, Чамбилбелда турмасман.

Чамбил дейди униб-ўсган элингни,
 Жавоб бер, отажон, кўтар қўлингни⁵!

¹ Толиб - талабгор.

² Қала - шаҳар.

³ Қалачи - шаҳарлик.

⁴ Валламат - «вали исъмат» сўзининг бузилгани. Бу ерда Гурӯҳи кузда тутилмоқда.

⁵ «Дуо қил» маъноснда.

Талаб қилдим, Ширвон элга отажон!
Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетаман!
Жавоб бер отажон, ёрга бораман,
Ёр дейманку, номус-орга бораман.
Ота сендан оқ фотиҳа тилайман,
Ширвон элда Зулхуморга бораман.

Ҳасанхон бу сўзларни эшитиб, „...Ҳай аттанг“, – деб бармоғини тишлаб, кўзини ёшлаб, ўғлига не дерини билмай қолди. Ширвоннинг эли уч ойлик йўл. Икки ора сувсиз чўл, у ёғи душман эл. „Ёлғиз бола ёвдан ёмон“ узоқроқ бозорга юборгиси келмайди. ...Ҳасанхон бечора ўглининг жамолига, новдадай ўсган камолига кўзи тўймай, ..ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ёлғиз боласидан айрилиб қололмай оҳ тортиб:

– Э Равшанжон! Ахир менинг уйимни мотамхона қилиб, мени ташлаб кетар экансан-да, – деб туриб, асли мард эмасми, „Кел таваккал-да“, – деб ..ўзи дилдорлик бериб ..ўғлига қараб бир неча ердан тимсол келтириб, насиҳат қилиб бир сўз айтаётир:

Пайдо бўлдинг икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдинг манзил – хонадан.
Аввал айтган насиҳатим, Равшанжон,
Кечсанг ёмон бўлар ота-онадан!

Эшитиб ол, отанг шўрнинг арзини,
Элида сарғайтдинг гулдай тарзини.
Бир қиз учун унутмагин бизларни,
Унутма отанг ҳам онанг қарзини!

Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма!
Болам, айтган насиҳатим унутма!
Олдингдан ким чиқса, бесалом ўтма!
Бир ғарибни кўрсанг, зинҳор оғритма!

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилиқ қил, болам, ёмонликни от!
Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от.

Ҳасанхон полвон мард эмасми, боласига қараб, оқ фотиҳани бетига тортиб: – Бор болам, манглайингни худо очсин! – деб қолаверди. Равшанбек отасидан дуо олиб, отининг бошини солиб, йўлга равона бўлиб кетаверди.

Равшан тоғу тошлар, чўлу биёбонларни босиб ўтиб,
Ширвонга келади. Бу ерда бир кампирга ўғил бўлиб юриб,
кунларнинг бирида шаҳарни айланар экан, бозорнинг устидан
чиқиб қолади. Зулхуморнинг қалпоқ тикиб, ҳар бозор кунин
йигитларга сотишни расм қилгани, бозордаги кўшкнинг устида
юзини очиб ўтириши, йигитлар кўрманасига бир лаган тилла
ҳадя қилиб, уни томоша қилишларини билиб олади.

..Равшанбек бозорнинг устидан келиб қолиб, „Ёрим
Зулхуморжонни кўраман“, – деб, димоғи чоғ бўлиб, вақти хуш
бўлиб, бозордаги одамларга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Узоқдан келаётибман,
Ғамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!
Мен ёримни йўқотибман.
Э ёронлар, биродарлар, халойиқ!
Мен ёримдан адашибман...

Элда даврон сурган борми?
Ўз давриман юрган борми?
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?
Тоблаб зулфин ўрган борми?
Ёрман суҳбат қурган борми?
Ёки бирга юрган борми?
Боғидан гул терган борми?
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?..
Ёримни кўрсам деб келдим,
Бир дам ўлтирсам деб келдим,
Шундай асов тойдай ёрни
Қўлга келтирсам деб келдим.
Ошиқлигим шу барнога
Энди билдирсам деб келдим.
Элдан ўзган чин сулуви
Ишқиб¹ илдирсам деб келдим.
Айтганима кўнмаса-чи,
Алдаб кўндирсам деб келдим.

¹ Ишқиб - ишқилб.

Бизнинг ёрни кўрган борми?
 Ёр дарагин берган борми?
 ...Мардикорлик – иш бозори,
 Чўян бозор, мис бозори,
 Манов пишиқ гишт бозори,
 Қассоб бозор – гўшт бозори,
 Қалпоқ бозори қайсиди(р)?
 Чангиб ётган ун бозори,
 Қўқиб¹ ётган жун бозори,
 Анов мурсак², тўн бозори,
 Пичоқ бозор, қин бозори,
 Қалпоқ бозори қайсиди(р)?

Равшанбек маст бўлиб, „қалпоқ бозори қаерда“, – деб бақириб бораётир эди. Шу ерда бир нашаванд туриб эди, кайфи учиб кетди. Равшанбекка қараб айтди: „Эй ўзбек! Мунча бақирасан, кайф деган нарсадан қолмади-ку! Сен ўзинг бурун ҳам ҳеч бозорга борибмидинг, илгари бозорни кўрибмидинг? Анов чангиб ётган ун бозори, нариги қўқиб ётган жун бозори, ҳу анав, катта дўкон – тўн бозори, нариги турган – пичоқ бозори билан қин бозори, ундаи ўтдинг – қалпоқ бозори-да, юртни буздинг-ку“ деётир.

Равшанхон бозорни оралаб ўтди, қалпоқ бозорига етди. Қараса, қирқ зиналик кўшкнинг устида Зулхумор ойим канизлари билан қалпоқ сотиб турибди. Зулхумор бетидан ниқобини олиб, кўп канизлар ўртага олиб турибди. Равшанбек Зулхуморнинг жамолини, навдарахт³ камолини кўриб, томоша қилди. Равшанбек қараса, Зулхуморнинг камоли, ойдай жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдай икки қоши ҳилоли. Равшанбек зеҳини қўйиб қараса, ясанган ҳурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди. Зулхуморойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш – ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувга ботирган, бир ёғини қумуш сувга ботирган, тонг шамолида

¹ Қўқимок – ифлосланмок, тартибсизлик.

² Мурсак – енген пахталик камзул.

³ Нав дарахт – навдадай, ёш дарахтдай тилла жамолини.

қотирган. Жамоли чилланинг қоридай тингжираб¹, ялтираб турибди.

Ана Зулхуморнинг кўзи жовдираб, зулфи шовдираб, зулфининг шуъласи юзига урса, ярқ-юрқ этиб, бетининг шуъласи зулфига урса, яшини тушгандай бўлиб ўтирибди. Равшанбек қараса, мусича, сўпитўрғай, ғазалай, симча қушлар Зулхуморнинг жамоли жилвасига чидамай, баланд қуйилиб келиб, эгнига, киптига² тегиб-тегиб, учиб бораётипти. Равшанбек Зулхуморни бу шаъну шавкатда кўриб, юз жону дил билан ишқивоз бўлиб, юз жону дил билан харидор бўлиб, қараб қолди...

...Равшанбек масти беихтиёр бўлиб, икки қўлини кўтариб, булғаб³, оёқни узангига тираб, баландга қараб бақириб, қизларни чақириб бир сўз айтади:

Куйган алвон-алвон сўзлар,
Айрилган бир-бирини излар.
Кўшиқда ўтирган қизлар,
Баринг бирдай ботамизлар⁴,
Туринглар, Чамбил кетамиз,
Журинглар, Чамбил кетамиз!
Ширвон элининг бариолари,
Сулувларнинг подшолари,
Йигитларнинг дилхолари,
Юзлари меҳру моҳлари⁵,
Журинглар, Чамбил кетамиз,
Туринглар, Чамбил кетамиз!..
Зулфин тоблаб ўрган қизлар,
Элда даврон сурган қизлар,
Каптардай бўб юрган қизлар,
Қалпоқ сотиб турган қизлар,
Журинглар, Чамбил кетамиз,
Туринглар, Чамбил кетамиз!

...Унда ҳамма қизлар ҳайрон қолиб кулаётир. „Ху-ху“,- дейишиб қараётир. „Нега ундай қилаётир?“, – деб бир-биридан сўраётир... Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди...

¹ Тингжирамоқ - ялтирамоқ, кўни олмоқ.

² Кипти - вафт, елка.

³ Булғаб - силкитмоқ, имламоқ, унламоқ.

⁴ Ботамиз - тамгали, мазали.

⁵ Меҳру моҳ - қуёшу ой.

Бир пилла¹ Равшанбек ҳушига келиб қараса, қоронғи бўлиб қолибди, бозор тарқаб кетибди, қизлар тушиб кетибди, Равшанбекнинг ўзи қолибди. Ҳеч ким йўқ... У ёқ-бу ёққа қараб, қизларнинг қаёққа кетганини билмай, бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб... не пиллаларда уйга келди...

Энаси Равшанбекнинг жойини солиб бериб, ухлагали жойига ўтиб ётди. Боланинг уйқуси қаёқдан келсин, болани илон, чаён чаққандай Зулхуморнинг ишқи куйдириб бораёттипти. Уҳ дейди бўлмади, уйқу келмайди... Боланинг кўзига даланинг шуъласи баланд кўринди. Томга чиқиб қараса, катта йўл билан бояги кўшқда кўринган қизлар, қанча канизлар келаёттир... Буларнинг орқасидан бояги кўшқда кўринган хоссаки² канизлар билан Зулхуморойим ўтиб бораёттипти. Равшанбек томдан ўзини ташлаб кетди. Кампир: „Ҳа боласи тушмагур, қайтчи-қайт!“ – деб қичқира-қичқира қолди. Равшанбек пиёда йўрғиб, кўчанинг юзи билан, қизларнинг изи билан уриб югуриб, қизларни излаб кета берди. Бир қанча йўл юриб эди, олдидан чиқди катта бир боғ, бир ёғи чорбоғ, жуда катта-қалондимоғ, кўрганлар фароғ, шундай жойга бориб қолди. Қараса, кўп қизлар, анча сарвинозлар, беадад канизлар, ҳай-ҳайлашиб, ўн – бир, беш – бир, тўп-тўп бўлиб, бир хили оз, бир хили кўп бўлиб, юрибди сайилбоғ қилиб.

Равшанбек билди кечаги қизлар шу ерга келган экан... Равшанбек астагина писиб бориб, гулнинг ичига яширинди... Боғда битта ҳам эркак йўқ. Қизлар ўйнашиб, қизғалдоқдай яшнашиб... бир хиллари бир-бирларининг бўйнига қўлини ташлашиб юрибди... Қизлар бир базмлар, тапир-тулур ўйинлар қилаёттир, қизиғи кейин бўлаёттир...

Шу аснода бир тўп қизлар ўйнашиб-кулишиб, гул теришиб-талашиб, Равшанбекнинг устига келиб қолишди. Бегона йигит писиб ётганини кўрган қизлар қўрқиб кетиб, қий-чувлашиб, энтикиб, дод-вой солиб, Зулхуморнинг олдига боришади. Гап нимадалигини билгач, Зулхумор Оққиз деган канизини йигит ким, қаерлик экани, нимага келганини сўраб, кўрманасини олиб келишга жўнатади. Равшан кўрманасага тилдаси йўқлиги учун Юнус нари берган сەҳрли узукни Зулхуморга юборади. Зулхумор узукни томоша қилар экан, унда ўзининг исми ва суратини кўради, узук сەҳрли ва бебаҳолигини

¹ Пилла – пилла, вақт.

² Хоссаки – маҳсул, алоҳида, хос.

билиб, бундай узук ҳар кимда ҳам бўлавермаслигини андиша қилиб, йиғитни хузурга олиб келишларини буюради. Қизлар Равшанни иззат-ҳурмат билан зиёфат қилиб, сўнг ясантиришиб ўрдага олиб боришади. Зулхумор, аввало, узук кўзидаги ёзувни тақдирнинг битиги деб билганидан, иккинчидан, йиғитни ёқтириб қолганидан уни қабул қилиб, зиёфат беради. Зиёфат адосида Зулхумор билан Равшанга тилла тахт устида жой қилиб беришиб, қизлар чиқиб кетишади.

Бир неча кунни Равшанбек Зулхумор билан шод-хуррам ўтказди. Равшанга кўп илтифот қилса-да, унинг эътиборини қозонолмаган ҳасадгўй Оққиз алампдан Зулхуморнинг боғида ўзбек йиғити яшаётганлигини онасига айтиб беради. Онаси ҳамма гапни Қорахонга етказди. Қорахоннинг мирғазаблари Равшанни Зулхумор билан ухлаб ётишган жойида банди қиладилар. Подшоҳ йиғитни осншга буюради. Шунда Ширвон катталари: йиғитни ўлдирншга шошмаслик керак, ёш йиғит экан, қирқ кун муҳлат бериб, зиндонга ташласак, сўнг чиқариб сизнинг динингизга киришини сўрасак, кўнса, сизга куёв қилсак, деб маслаҳат солишади. Бу гап подшога маъқул келади. Равшан зиндонга ташланди. Зулхумор ҳам қизлари – канизлари билан бир ҳовлига қамаб ташланади, теварагига беш юз сарбоз қоровул қўйилди.

Зулхумор қизлари орқали яширинча бир неча лаҳмчини топади. Ҳовлидан зиндон бошигача лаҳм кавлатиб, Равшандан хабар олиб туради. Қиз у билан маслаҳатлашиб, Равшаннинг ота-онасига хат ёзади ва хатни ўргатилган майна қушининг бўйнига боғлаб, майнани Чамбилга жўнатади.

Майна Чамбилга етади, аввал Ҳасанхоининг томига тушади, фарзанд доғида нола-фиғон қилиб юрган Даллин кўриб, аёлнинг Равшанга она эканлигини фаҳмлаб, қаттиқ сайрайди-да, унинг қўлига келиб кўнади. Хатни олиб ўқиб, ҳамма воқеадан хабар топган Ҳасанхон Гўрўғлининг машҳур Фиркўк отини миниб, зудлик билан Ширвонга жўнашга қарор қилади. Хатдан аён бўлишича, Қорахон берган қирқ кунлик муҳлатнинг роппа-роса йиғирма куши ўтган. Йиғирма кундан кейин Равшан ё бегона динга кириши, ё дорга осилиши керак...

Ана энди Гўрўғлибек шошиб-суришиб, йиглаб-эмраниб, Ҳасан мардга оқ фотиҳа бериб юборди. Ҳасанбек ҳайт деб, Фиркўкни ўйнатиб, сувлиқни чайнатиб, душманларнинг зардасини қайнатиб, „Ширвон қайдасан?“ – деб, якка-танҳо саваб кетиб бораётир, ҳув деб кетиб бораётир:

Совутини бўктариб¹,
 Қалқонини дўнгтариб²,
 Йўлга тушди мард Ҳасан
 Ширвон элин ахтариб...
 От боради ариллаб,
 Отган ўқдай париллаб,
 От алқими³ – тонг шамол,
 Мис карнайдай зариллаб,
 Сувсиз чўлда Фиркўк от
 Бораётир кариллаб.
 Тонглар отиб боради,
 Кунлар ботиб боради,
 Сувсиз чўлда мард Ҳасан
 Якка кетиб боради.
 Душманларнинг қонини
 Бўз тупроққа қотсам⁴ деб,
 Қорахондай подшони
 Ерман яксон этсам деб,
 Юрагин қон этсам деб,
 Бек Равшанинг устида
 Катта тўфон этсам деб.
 Қулон⁵ юрмас ерлардан
 Қувиб ўтиб боради.
 Булон⁶ ўтмас ерлардан
 Буриб ўтиб боради.
 Қарсоқ⁷ юрмас ерлардан
 Қалқиб ўтиб боради.
 Бўри юрмас ерлардан
 Бўзлаб кетиб боради.
 Полвон Ҳасан довушин
 Созлаб кетиб боради.
 Бек Равшани тинмасдан
 Излаб кетиб боради...

¹ Бўктармоқ – агар орқасига боғламоқ.

² Дўнгтармоқ – елкасига дўнг томонини сиртга қилиб, тўнгтариб осиб олмоқ.

³ Алқим – шиддат, экин.

⁴ Қотмоқ – қоринтирмоқ.

⁵ Қулон – чўл кийини.

⁶ Булон – ёввойи от.

⁷ Қарсоқ – тулқидан кичикроқ йиртқич

Йўлбарс юрмас йўллардан
Йўртиб ўтиб боради.
Бек Равшаннинг аламин
Тортиб ўтиб боради...

Ҳасан мард йўлни қичаб ола берсин, Ширвонга яқин кела берсин, шу сўз шу ерда қола берсин. Энди Равшанхоннинг энасидан... эшитинг, Равшан Ширвон элида ўғил тутинган кампирнинг аввал олти ўғли бор эди, олтови аждаҳо эди... Ҳар биридан Қорахон подшо кўрқар эди, олтови олти ерда қалъа-кўрғон қилиб турар эди. Олти ўғли ўлиб кетди. Кампир болаларининг ўтига куйиб-ёниб, ўртаниб, тутаниб, жизиги¹ чиқиб қолган эди. Равшанбекни ўғлим деб, ўлсам меросхўрим деб қўйган эди. Бу ҳам подшога банди бўлиб, кампирнинг аввалги аламларидан шуниси ўтди...

Ана шу кампирнинг катта ўғлининг бир нонхўр полвони бор эди, ўзи жуда зўр эди, уруш-суриш бўлса, мингга баробар эди. У полвонининг отини Айноқ кал дер эди. Лекин ўзлари тўрт оғанини эди, тўртови ҳам кал эди, бари ҳам боҳунар² эди.

Каттаси Айноқ кал зўр эди. Айноқ кал шундай эди: от, туя, арава кўтаролмас эди. Доим бир ёққа кўчмоқчи бўлса, пиёда кетар эди... Укаларининг отларини Жайноқ кал, Эрсак кал, Терсак кал деб юритишар эди. Жайноқ жуда масхарабоз эди, ҳар тусли бўла берар эди. Агар бировни алдамоқчи бўлса, ҳар тусли бўлганда ўзининг жўралари ҳам танимас эди. Эрсак кал шундай эди: оқшомлари кўлига камонни олса, қушни кўзидан урар эди. Жуда мерган эди... Терсак кал синчи эди: Йилқининг тулпорини суягидан танир эди, қиличнинг ўткирини қинидан билар эди.

Кампир йиғлаб-эмраниб Айноқ калга борди. Айтди: „Айноқжон! Менинг қариган вақтимда худо менга тағи бир ғамни солди, у болаларимнинг ғамидан зиёдароқ бўлди. Сен илгари, ўғлимнинг борида, давлатимнинг кўпида менинг ош-нонимни кўп единг. Энди менинг ишим сенга тушиб қолди. Шу Равшанбек боламни айириб оламан десаиң, сенин қўлингдан келади“.

¹ Жизиги - қушқорилган қуйруқ, жизил.

² Боҳунар - ашқаран.

Айноқ... айтди: „Хў, эна!.. Асло ғам ема! Шу ўзилларингнинг менда ҳақи кўп. Сенинг тузингни мен кўп еганман... Катта ўғлинг мени кўп парвариш қилар эди. Энди шунинг арвоҳи учун эртага майдонга кираман,.. Равшанини айириб оламан“...

Шундай қилиб, каллар маслаҳатни битириб, шаҳардан хабардор бўлиб, бориб-келиб юра берди.

Эрта муҳлат тамом бўлади, бек Равшанини шу ерга олиб келади. Каллар тўртови барвақт бориб, гаштагини қилиб, паловини еб, чойини ичиб, кайфини қилиб, баҳузур димоғини чоғлаб, „Эртага қудағай кимга қўй сўяди“, – деб тўртови ўтириб эди.

Шу куни кун пора-пора бўлиб ерга ўтирган вақтда жонивор Фиркўк сузилиб, буйири-буйирига¹ қапишиб, қорни-қорнига ёпишиб, тер билан қотган чанглар ёнғоқдай думалоқ бўлиб, Ширвоига кириб борди.

Шаҳарнинг ўртасида бозоржой. Дўконларни шипириб-сидирган. Бозоржойнинг ўртасида бир янги дор қурилган. Ҳасан кўнглида: „Шу дор бек Равшанга деб қурилган чиқар, бўлса-бўлмаса, эрта шу ерга келадиган бўлсам, кел, шу бугун шу ерда туриб дамимни олайин“, – деб тушиб, бир дўконга отини тортиб ўтира берди. Энди гапни каллардан эшитинг.

Тўртови ўтириб эди, Ҳасан мард ҳам шуларнинг қаватига томон бориб қўнди, у ҳам ўтира берди. Шунда масхарабоз кал² айтди: „Айноқ, ишимиз яхши бўлди, ўнг келди. Равшанини энди айириб оладиган бўлдик, балки айириб олдик. Ана қара, Ҳасан мард ҳам келди. Шу ўтирган йигит Чамбилнинг белидан, Ёвмитнинг элидан келган Ҳасан марднинг ўзи шу“. Шунда Айноқ айтди: «Э, учангдан ургур³, ҳар кимни ҳам одам дейберасанми! Худо ургани йўқ. Ҳасан мард шундай бўлса, Фиркўк от – овозаси оламини тутиб юрган от; бу от Ишрат девонанинг отидан ҳам ёмон, ўлибдими шундай бўлса! Мен эртага уруш бўлса, боядан бери шуни чоғлаб-кўзлаб ўтирибман; анов толни, манов қайрағочни суғуриб олиб, эртага тўдада „қадама оғоч“ қиламан деб ўйлаб ўтирибман. Агар эртага баданим қизиса, шу девона отини қўйнимга солиб, кунни билан югуриб юрсам ҳам, бир нонча салмоғи бўлмас, қандай қилиб бу Ҳасан мард бўлади, у Фиркўк

¹ Буйир – биқин.

² Масхарабоз кал – Жайноқ кутда тутнади.

³ Учангдан ургур – «орқангдан ургур»; «окин ургур» маъносига.

от бўлади?!»- деб укасини уришди. Шунда Терсакка қараб айтди: „Терсак! Шу одамни сен бир синла¹, қани қаёқнинг одами экан. Агар сенинг ҳам дидингга келмаса, ундан кейин қўямиз“.

Терсак даммини ичига олиб, тишини тишига қўйиб, кипригини қоқмай тиклаб қолди. Туриб-туриб, анча вақтдан кейин даммини чиқариб: „Уҳ“ – деди.

Эрсак айтди: „Э, Терсак, синладингми, қаернинг одами экан, шу от қаернинг оти экан?“

Шунда Терсак оға-иниларига қараб, Ҳасан марддан хабар бериб, бир сўз деб турибди:

...От чопилар баланд тоғнинг пастида,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Шу от кепти Қорахоннинг қасдида,
Энди майдон бек Равшаннинг устида.
Кесгир исфиҳонни олиб дастига,
Қараб бўлмас чин ботирнинг бастига,
Ёби² дема, шу от тулпор эканди,
Шу ўтирган Ҳасан шунқор эканди.

...Ана энди тўрт мард Ҳасанхон полвоннинг олдида келди. Салом бериб, кўришиб ўтирди. Айноқ қараса, бир „девона“ ўтирибди: девсифат, бир аждаҳодай, ҳеч нарса ни кўзига иладиган эмас, балки назарига келтирмай, писанд қиладиган ҳам эмас; шундай ҳайбатли, сиёсатли. Айноқ ичида айтди: „Ҳасан экан, бечора Жайноқни бекорга уришган экаиман“.

...Айноқ жойидан ирғиб турди, укалари ҳам тура келди: мард Ҳасан билан кучоқлашиб, қайтадан кўришиб айтди: „Яхши келибсан, жўра, жуда яхши келибсан. Бизлар ҳам, шу ерга Равшан келади деб, сенинг ўғлинг учун ўтирибмиз. Ана энди сен келдинг, ишимиз ўнг келади. Энди, жўра, эртага Равшанхонни шу ерга ҳайдаб келади, насиб қилса, талотўп бўлади, тахти вайрон бўлади“, – деб Ҳасан мард билан каллар суҳбатлаша бердилар.

Айноқ укаларини юбориб, Фирқўк отга беда, ем олдириб келди. Ҳасанхон полвонга палов, гўшт, манти, барак¹ бериб сийлаб, зиёфат устига зиёфат қилиб, чойни дамлаб, Фирқўкни

¹ Синламоқ - чамаламоқ, танламоқ.

² Ёби – чубир, қирқинги.

емлаб, эртаги урушнинг ғамини ғамлаб, хотирни жамлаб ўтира берди.

Қирқ кун муҳлат тамом бўлди. Қорахон подшога: „Тақсир подшойим, кечаги гуноҳкорнинг муҳлати битди, ажали етди, энди олиб бориб дорга осиб, бошини кесиб, додини бермоқ керак“, – деб амалдорлари арз қилди.

...Равшанжонни зиндондан чиқариб, бўйнига ғул – занжир солиб, теварагини кўп душман олиб, бўтадай бўзлатиб, кўзини бойлаб, кўп зулмларни айлаб кела берди.

Равшан чиққан куни Зулхумор ойим қанча канизлари билан дод деб йиғлаб, Равшаннинг ўнг тарафидан келиб, тўрасининг доғида куйиб, бетини юлиб, довушининг борича чирқираб йиғлаб келаётинпти. Бир тарафда кампир энаси „дод“ деб, боласининг доғига куйиб: „Вой болам“, – деб Равшаннинг бўйнига осилиб келаётинпти.

Золимлар дорнинг остига яқинлашиб қолди. Ҳасанхон Фирқўкнинг устига миниб, ёв-яроғини чоқ қилиб, устига эски тўн кийиб, бир девона бўлиб турар эди. Даста-даста, баланд-пастда, одам босиб кела берди аста-аста, майдон сипоҳига тўлиб кетди.

Қорахон подшо салтанати билан, бир бўлак амалдор-умаролари билан келиб, бир яхши жойни олиб, тушиб ўтира берди. Баланд ҳам одам, паст ҳам одам.

Шунда жаллод, мирғазаблар Равшанни ҳайдаб кела берди. Ҳасан мард буни кўриб, кўзлари ёшга тўлиб, жазавалари қўзғалиб, полвонлик томирлари уйғониб, ўзини тузаб, тезлана берди...

Равшанхонни... жаллодларга ҳайдатиб, дорнинг остига олиб келди. Шунда Қорахон подшонинг амри билан икки ҳудайчи², салом оғаси³ келиб, Равшанбекни дорнинг остида тўхтатиб, Қорахон подшонинг тили бўлиб, Равшанхонга қараб бир сўз айтди:

Бўйинсунсанг Ширвон элнинг хонига,
Кўнсанг агар вазирлар деганига,
Сени дордан айириб олиб кетайлик,
Агар кирсанг Қорахоннинг динига...
Эшитиб ол вазирларнинг сўзини,

¹ Барак – чучвара

² Худайчи – ариқүй билан ҳукмдор ўртасида турадиган мансабдор

³ Салом оғаси – саройдаги қабул тартибини назорат қилувчи амалдор.

Ширвон элда подшо дейди ўзини,
Агар кирсанг Қорахоннинг динига,
Олиб берай сулув Хумор қизини.

Шунда Равшанхон полвон вазирларнинг бу гапини эшитиб қаҳри келиб, илондай заҳри келиб: „Сен айтган одамнинг мен эмасман... ўлимдан қўрқадиган одамнинг бошқадир“, – деб Ширвоннинг амалдорларига қараб бир сўз айтиб турибди:

Бир нечалар ўз ҳолини ченгамас¹,
Сен айтган одамнинг, зolim, мен эмас,
Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!
Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...

Равшанбек айтди: „...Сизлар менинг кўзимни бойлаб, ...ҳайдаб келдинглар. Энди менинг кўзимни очсанглар... мен ҳам ёруғ дунёни бир кўрсам... Сизлардан менинг тилагим шу, бошқа сўзни демайман“.

..Равшанбек кўзини очиб қараса, бир ёғида Зулхумор ёри, қанча канизлар... дод деб турибди; бир ёғида энаси – кампир... Вой болам, деб ўзини ураётир. Ширвон эли катта-кичик, яхши-ёмон, югрук-чаққон, қизу жувон – жами одамнинг бари томошага йиғилган, Равшанбекка қарашиб турибди.

Равшанбек ўнг тарафига қараса, отаси – Ҳасан мард полвон йўлбарсдай келиб турибди: остида Фиркўк оти, шердай ҳайбати, қайнаб ғайрати, кўзи ёшга тўлиб, от қўяйин деб турибди. Отасини кўриб, асло далага чиқмаган бола эмасми, йиғлаб юборди. Сўнг ҳол-аҳволини баён қилиб, отасига бир неча сўз айтди:

Уйқуда бойлади нозик қўлимни,
Соғиндим, отажон, Чамбил элимни.
Тор зиндонда: „Во ота“,- деб йиғладим,
Кўрдингми, отажон, менинг ҳолимни?

Йўлингга интизор бўлдим, отажон,
Балога гирифтор бўлдим, отажон,
Душманга хору зор бўлдим, отажон,
Бир кўрмоққа хумор бўлдим, отажон.

¹ Ченгамас – шикламоқ, билмоқ. Бу ерда «Ўз ўглини билмас» маъносига.

Меҳрибоним келган экан, минг шукур,
Тулпорини елган экан, минг шукур,
Мени ўлдирмоққа келган Қорахон –
Энди золим ўлган экан, минг шукур.

Ҳасан полвон ўзи оловдай ёниб, дуддай тутаниб турган эди.
Энди марднинг ғайрати келиб, жазаваси кўзғалиб, ўглининг бу
сўзларини эшитиб, бир наъра тортиб юборди, шу ерда турган-
ларнинг кўпи эт-петидан тушиб, ақли шошиб, эсидан адашиб,
не ботирман деганлари туролмай эмаклашиб, бари бирдай
чувлашиб қолди...

Шунда Ҳасанхон Фиркўкка қамчи бериб, қиличини гилоф-
дан суғуриб, от қўйиб турибди. Бир ёқда каллар ҳам чоқ турибди.
Ҳасанхон полвон кал жўраларига қараб, отини майдонга ҳайдаб,
бир сўз деб турибди:

Келинг каллар, кечинг жондан,
Умидинг бўлса майдондан,
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан,
От қўй ғанимнинг устига.
Оқ, қора бош, яшил туғлар,
Тикилди майдон ичинда,
Ўмировли¹ не полвонлар,
Йиқилди майдон ичинда.
Бўз тупроққа қирмизи қон,
Сепилди майдон ичинда.
Не гўзаллар қадди ёйдай
Букилди майдон ичинда.
Оқ бадандан қизил қонлар
Тўкилди майдон ичинда.
Найза тегиб кировкалар²
Сўтилди майдон ичинда.
Қилич келар ялаб-ялаб,
Ғариб кўнгил истар талаб,
Олтин коса, гулгун шароб
Ичилди майдон ичинда.
Ажаллининг кафан тўни
Бичилди майдон ичинда.

¹ Умировли – кўкракдор.

² Кировка – совут ичидан кийиладиган метаё шимма.

Қирғий юрар қияда,
Лочин ётар уяда.
Тўрт кал ҳам қилади
Ҳасанхондан зиёда.
Энди кўринг Айноқни,
Масхарабоз Жайноқни,
Қўшиннинг олдин олади,
Етганини солади,
Кимга етса шу каллар,
Етганда икки бўлади...
Ҳасан ишин ишлади,
Пастки лабин тишлади.
Йиғилиб келган қўшиннинг
Кўпини қириб ташлади.
Ози қолди, қўпроғи
Қўрқиб қоча бошлади.
Даладаги зўр каллар:
„Туравор!“ – деб ушлади.
Йиғлаб, қўрқиб эланса,
Ўшшатиб уч-тўрт муштлади.
Ҳасан вақтин хушлади.
Энди кўринг, Қорахон
Бўлиб қолди саргардон...
Подшога ваҳм тушди,
Энди юраги шишди.
Отин миниб Қорахон
Қўшиндан чиқа қочди.
Қорахон шоҳ узамай¹
Ҳасанхон кўзи тушди.
Фиркўкка қамчи қўшди,
Қувиб кейнидан тушди,
Оғзин очиб Фиркўк от
Қорахонга етишди.
Энди Ҳасанхон полвон,
Фиркўк отин елдирди,
Зўрлигини билдирди,
Қувиб етиб ортидан,

¹ Узамай - узоқлиқмасдан.

Оқ найзага илдирди...
Эгнидан соп найзасин,
Ўпкасидан ўтказиб,
Қорахонни ўлдирди...

Ана энди Ҳасанхон полвон Ширвон одамларидан омонлик тилаганларига омон бериб, қўшиннинг у ёқ-бу ёққа қочганлари йиғилиб, ҳаммаси бир ерга уйилиб, қилич, садоқларини бўйинларига солиб келиб, Ҳасанхон полвонга эланиб, ёлвориб итоат қилди. Эл-юрт омон-омон бўлди...

Ширвон катталари, маслаҳатдор кайвонилар – кенгашбошилар Зулхуморни, Равшанбекни, Ҳасан полвоини, тўртта жўраси: Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак калларни иззат-икромлар билан шаҳарга олиб жўнади.

Энди Ширвон мамлакатига... шодиёна қўйдириб, Қорахон подшонинг хазина-дафиналарини бўшатиб, элни йиғдириб, очни тўйдириб, яланғочни кийдириб, балабон, ёғжак, карнай, сурнай қўйдириб, қирқ кун тўй қилиб, Зулхуморойни Равшанхонга никоҳ қилиб берди.

Тўй тарқади. Ҳасанхон полвон Ширвоннинг катта-кичигини йиғиб, шу Ширвонни калларга топширди. Айноқ жўрасини Ширвон шаҳрига подшо қилди, укаларини вазир, маҳрам қилди.

Зулхуморойимни... олиб, Равшанхон полвон йўлга тушди... Ҳасанхон бошлиқ неча кун йўл юриб, қанча сувсиз чўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, ахири Чамбилга етдилар.

Отаси Гўрўғлибек, энаси Юнус, Мисқол парилар, ёри хон Далли, қирқ йиғит жўраси бари олдига чиқиб, Ҳасанхон билан, Равшанбек билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, Зулхуморойим билан, неча каниз қизлари билан танишиб, иззат-икромлар билан Чамбилга олиб бордилар.

Гўрўғлибек Ёвмиттаканнинг элига одам қўйиб, Зулхуморойимга тўй бошлаб, қирқ кун тўй қилиб, қанча ўйин қилиб, тўйни тарқатди, кўп инъом-эҳсонлар билан тўйни тамом қилиб, мурод-мақсадларига етди.

Саваллар ва ташвиҳлар:

1. Равшанбекнинг Гуланорга муносабатини ҳақиқий севги дейиш мумкинми? Матнга таяниб фикр билдиринг.
2. Аваз нега қизини Равшанга муносиб кўрмади деб уйлайсиз? Фикрингизни матнга таяниб ташунтиринг.

3. Авазининг рад жавобини эшитиб қолган Равшаниннг руҳий ҳолатини тушунтириб беринг.

4. Юнус парининг қўлидаги сеҳрли узукни Равшанга берини тасвири сизин ишонтирдими?

5. Авазининг рад жавобига Оға Юнус парининг бирмунча босиқлик билан муносабатда бўлганлиги сабабини изоҳланг.

6. Равшаниннг дастлаб отасидан рухсат сўрамаганлиги сабабини изоҳланг.

7. Достонда: **„Қаладан қалампир юклар қалачи, Ҳар хил исли бўлар тоғнинг оғочи“** сўзлари нима учун келтирилган деб ўйлайсиз?

8. Равшанни Ширвонга отлантирган нарса фақат Зулхуморга бўлган муҳаббатми ёки бошқа чуқурроқ сабаб ҳам борми? Бу ҳақдаги хулосангизни матнга таяниб билдириңг. Қаҳрамоннинг: **„Ёр дейман-у номус-орга бораман“**, – деган иқдорини изоҳланг.

9. Ҳасанхоннинг ўзига насиҳатларини синчиклаб ўрганиңг. Отаниннг: **„Кечсанг ёмон бўлар ота-онадан“**, **„Бир қиз учун унутмагин бизларни“** тарзидаги истақларида қандай туйғулар акс этган?

10. **„Олдиндан ким чиқса, бесалом ўтма“**, **„Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилиқ қил болам, ёмонликни от“** сингари фикрларининг салмоғи ҳамда ифода тарзига муносабатингизни билдириңг.

11. Ҳасанхон ешгина ўғлининг бегона юртларга ёлғиз кетишига нима учун жавоб берди деб ўйлайсиз?

12. Суратини узук кўида биргина марта кўрган қизин топиш учун юрти, ота-онасини ташлаб йўлга тушган Равшан табиати ҳақида қандай фикрдасиз? Фикрингизни достонга таяниб асосланг. Ёки бу қарорнинг сабаби бошқами?

13. Равшанбек қалпоқ бозорини излар экан, **„Ғамнинг лойига ботибман“**, – дея нола қилади. Сиз унинг ноласини қандай шарҳлайсиз?

14. Равшанбек **„Элдан ўзган чин сулуви ишқиб илдирсам деб келдим“**, — дейди. Бу гапларни изоҳлашга уриниңг.

15. Достонда бозор қандай тасвирланган? Бу тасвир қадимий ўзбек бозорининг руҳини бера олади деб ўйлайсизми?

16. Достонда Зулхумор портрети тасвирланган ўринини топиңг. Ўзбек халқининг гўзал қиз тўғрисидаги тасавурларига ўз муносабатингизни билдириңг.

17. Равшанбек қизларга қарата: **„Куйган алвон-алвон сўзлар“**, – дейди. Бу эътирофнинг тағмаъносини изоҳланг.

18. Достондаги: **„Каптардай бўб турган қизлар“** тасвирини шарҳланг.

19. Достондан боғ тасвирини топиңг. Шунга таяниб, боболаримизнинг мишғиллар олдиги турмуш тарзлари, маданият даражалари ҳақида фикр юритиңг.

20. Зулхумор Равшанбекнинг узугини кўриб, уни ҳузурига чорлагани сабабини тушунтириңг.

21. Камининг Равшанга муносабати, ундаги оналик меҳрининг кучи ва сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиңг.

22. Калларнинг ҳунарларига эътибор беринг. Улар халқимизнинг тимсоли бўла оладиларми?

23. Ўғлини қутқариш учун кетаётган Ҳасанхоннинг руҳий ҳолатини достон матнига таяниб тасвирлаб беринг.

24. Достонда каллар томонидан айтилган: „*Эртага кудағай кимга қўй сўяди*“, – деган жумла бор. Шу жумла орқали ифодаланган маънони топишга уриниб кўринг.

25. Асардаги: „*Шу куни кун пора-пора бўлиб ерга ўтирган вақтда жонивор Фирқўк сузилиб, буйири-буйирига қапишиб, қорни-қорнига ёпишиб, тер билан қотган чаңлар ёнғоқдай думалоқ бўлиб, Ширвонга кириб борди*“ тарзидаги тасвир асосида отнинг, чавандознинг ҳолатини тушунтиринг. Ҳасанхон Ширвонга етиб борган вақт кунининг қай маҳали эканлигини аниқланг.

26. Достонда Равшанининг дор тағида йиғлагани тасвири бор. Унинг йиғиси сабабини асар матнига таянган ҳолда тушунтиринг.

27. Достонда жанг манзараси қандай тасвирланган?

28. Ҳасанхоннинг жангга кириш олдидаги ҳолатининг муболагали тасвирини достондан топиш ва муболаганинг шу ўрнидаги бадий вазифасини тушунтиринг. У Ҳасанхоннинг айни пайтдаги рудий ҳолатига қанчалик мос келишини изоҳланг.

29. „*Олтин коса, гулгун шароб ичидди майдон ичинда*“ мисраларидаги образли ифодаларни шарҳланг.

30. Равшанбекининг инсоний сифатлари ҳақида тўхталинг.

31. Равшанининг дор остидаги: „*Мен ўлсам ҳам, ўз элимдан кечмайман!*“ – деган гаплари асосида унинг табиатини изоҳлашга урининг. Эли билан динини муқаддас ва дахлсиз, ҳатто ўз ҳаётидан аъизроқ деб билган киши ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтинг.

32. Достон қаҳрамонининг: „*Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...*“ – деган эътирофида маиманлик туйғуси кучлими ёки миллий ифтихор ва ўзбеклик ғурури? Фикрингизни асосланг.

33. Ҳасанхоннинг табиатига ҳос хусусиятларни изоҳланг.

34. Каллар табиатига ҳос жиҳатларни аниқланг. Уларнинг ҳаммасига ҳос умумий жиҳатларга, айни вақтда, ҳар бирига ҳос алоҳида кирраларга тўхталинг.

35. Достонда аке эгтирилган воқеаларга оддий ҳаётвий ҳодисалар баён тариқида эмас, балки қарама-қарши эътиқодлар кураши курсатилган манзаралар тариқида ёндашиб, сўнг уларга муносабат билдириш.

36. Асарда: „*Агар кирсанг Қорахоннинг динига, Олиб берай сулув Хумор қизини*“ тарзида ифода бор. Нима учун ширвонликлар дини ёки бошқа бир динга эмас, айнан „Қорахоннинг динига“ тарзида урғу берилаётганлигига эътибор қилиш. Сизда хоннинг дини фуқародариникидан ўнгача эмасмикин деган фикр пайдо бўлмадики?

«Равшан» достони ҳақида

Туркий халқларнинг шеърӣ даҳоси, ижодкорлик салоҳияти улар яратган кўламли достонларда тўлиқ намоён бўлади. Достон ўзбек халқ оғзаки ижодининг йирик ва кенг тарқалган жанридир.

„Достон“ сўзи адабий атама сифатида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли асарларни англатади. Халқ достонларини дўмбира ёрдамида ижро этувчи, куйловчи

санъаткор ўзбекларда „шоир“ ёки „бахши“ деб аталган. Хоразмда дostonлар тор жўрлигида айтилади ва бу хил айтувчилар „халфа“ деб юритиладилар.

Бахши ва халфаларнинг бадий бисотида жуда кўп мавзуларда, турли йўналишларда яратилган дostonлар бор. Уларнинг илк бор қачон ва ким томонидан айтилганлигини аниқлаш деярли мумкин эмас. Бахшилар репертуаридаги асарларнинг катта қисмини ишқий-саргузашт дostonлар ташкил этади. Бундай дostonлар мазмуни асосан севги можароларидан иборат. Улардаги севги можаролари кўрқинчли саргузаштлар, эртактлардагидек хаёлий ҳодисалар ҳаётий-реал воқеалар билан аралаш тасвирланади. Бундай дostonлардаги воқеалар тизмаси (сюжет) бир-бирига анча ўхшашдир. Қаҳрамон кўпинча афсонавий гўзални тушида ёхуд унинг суратини узукда, ёки ойнада кўриб қолиб, унга ғойибона ошиқ бўлади. Сўнг уни излаб хатарли сафарга отланади, сермашаққат ва таҳликали саргузаштларни, ажойиб-ғаройиб воқеаларни бошидан кечиради, турли душман кучлар билан тўқишади, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Ниҳоят, барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадига эришади. Дostonларимизнинг асосий қисми ишқий саргузаштларга бағишланганлиги ўзбек халқи жуда қадим замонлардан буён чин инсоний муҳаббатни қадрлаганини кўрсатади. Ота-боболаримиз ҳамиша ёр танлашда, ёрга етишиш учун курашишда, унинг номусини ҳимоя қилишда дунё халқларига ахлоқий намуна бўлиб келганлар.

Халқимиз куйлаб келган дostonлар орасида „Гўрўғли“ туркуми алоҳида ўрин тутаети. Бу туркум дostonлар туркман, қозоқ, қорақалпоқ, татар, турк, озарбайжон, тожик, арман, гуржи халқлари орасида ҳам машҳур. Ўзбеклар орасида тарқалган „Гўрўғли“ дostonларининг ўзи юзтадан ошади.

„Равшан“ бадий жиҳатдан ғоят пишқ ишқий-саргузашт дostonдир. Халқ орасида у ўтган асрда ҳам машҳур бўлган. Аммо дoston фольклорчи олим Ҳоди Зариф (1905–1972) томонидан биринчи марта 1928 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1937) оғзидан ёзиб олинган ва 1941 йилда нашр эттирилган. Эргаш шоир „Равшан“ни отаси Жуманбулбулдан, у эса устози Кичик Бўрондан ўрганган. Дostonнинг сайқал топиб, бадий гўзал асар шаклини олишида Жуманбулбул ва Эргаш бахшиларнинг алоҳида хизматлари бор.

„Равшан“ оташин ва самимий муҳаббатни куйловчи, пок ва ҳақ исломий эътиқод йўлида собит тура оладиган имонли кишиларни мадҳ қилувчи, эзгуликни, мардлик ва ботирликни улғуловчи, зулм ва зўравонликни, адолатсизликни қораловчи асардир.

Зулхуморни қўлга киритиш ниятида олис йўлга якка ўзи чиққан Равшан ёшлиги, соддалиги туфайли осонгина баиди этилиб, зиндонга ташланади. Аммо у қўрқоқлик қилмайди. Йигитлик шаънига доғ туширмасликка интилади. Қорахон аъёнларининг таклифини рад этиб, ўз эътиқодидан, динидан кечмаслигини айтади. Муҳаббат учун чекилган изтироб, имон йўлидаги азобга айланади. Чин муҳаббат эгаси бўлган ботир йигит ўлимдан ҳайиқмайди. Достонда Равшан ҳеч қандай камчиликсиз, ҳар жиҳатдан етук одам сифатида тасвирланмайди. Унинг ожизлиги, ёўрлиги, тажрибасизлиги туфайли хатолар қилиши, алданиши ҳаққоний кўрсатилади.

Ҳасанхон – Гўрўғлининг тарбиясини олган донгдор полвон. Зулхумор майна орқали йўллаган мактубни олган Ҳасанхон Ғиротда уч ойлик йўлни йигирма кунда босиб ўтади. Достонда шу ўринлар ниҳоятда ҳаяжонли, таъсирчан ва гўзал ифодаланган.

Қорахон лашкарига қарши жангга кирган Ҳасанхон чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Ширвонлик тўрт оғанини ботирлар: Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсаклар кўмагида Қорахон кўшинини енгади, ўғлини ўлимдан қутқаради.

Достон – шеърий санъатларга, бадий тасвир воситаларига жуда бой. Зулхумор, Оққиз кабиларнинг қиёфаси, феъл-атвори, табиат манзаралари юксак маҳорат билан чизилган. Зулхуморнинг боғи тасвирини ўқисангиз, улкан эътибор ила парваришланган, шоҳона кўшк ва қасрли сўлим маскан, жаннатдай бир оромжой кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ёки Ширвон бозорининг 145 мисралик тасвирини олайлик. Достонда сершовқин, тўс-тўполон Шарқ бозорининг ўта табиий, жозибадор тасвири берилган.

Шеърий парчалар анвойи поэтик тасвир воситаларига ниҳоятда бой қофиялар билан моҳирона зийнатланган. «Равшан» достони қофияли наср (саж) нинг гўзал намунасидир. Деярли ҳар бир насрий парча - қофияли. Достоннинг вазни ҳам ўзига хос. Шеърий қисми асосан етти, саккиз ва ўн бир бўғишли бармоқ вазнида. Бахши қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжони, воқеа

ривожининг суръатига оҳангдош, айна шу ҳолатга мос тасвир йўсинини топади. Саккиз бўғинли вазн уруш ва жанговарлик ҳолатига жуда мос келади:

Келинг, каллар, кечинг жондан
Умидинг бўлса майдондан.
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан
От қўй ғанимнинг устига.

Асарда тасвир этилаётган воқеа ё ҳаракат суръати тезлашган ҳолатларга эса, етти бўғинли шеърлардан фойдаланилади:

Қуш учмаган чўллардан,
Сўна юзган кўллардан,
Одами йўқ йўллардан,
Дим учи йўқ чўллардан,
Томоша қинг, мард Ҳасан
Қистаб ўтиб боради.

Бундай ўринларда тингловчи ўзини гўё асар қаҳрамони билан ёнма-ён от қўйиб бораётгандай ҳис этади. Шоир қаҳрамонлар руҳий ҳолатини чуқур ҳис этади ва уни дoston тингловчиларига ҳам юқтира билади. Дostonнинг тили – содда, ранг-баранг. Унда адабий тилимизни бойитишга хизмат қиладиган сўз ва атамалар жуда кўп. Кўплаб мисраларда халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари ўринли қўлланган.

Суюкли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг улкан меҳнати, истеъдоди ҳамда дostonни ёзиб олган фолклоршунос ва ноширларнинг оғир меҳнати туфайли авлодларга мерос бўлиб қолган „Равшан“ дostonи китобхонларни мустаҳкам исломий эътиқод, чин ва покиза муҳаббат, ор-номус, қаҳрамонлик, ота юрт ва халққа садоқат руҳида тарбиялайди.

Толшириқлар.

1. „Дoston“ сўзининг маъносини шарҳланг.
2. Халқ дostonларининг ижро шакллари ҳақидаги фикрингизни билдинг.
3. „Равшан“ дostonидаги бадний тасвир воситалари ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтиб беринг.
4. Дostonда қўлданилган шеърый вазилар ранг-баранглиги сабабини мисоллар асосида тушунтиринг.

5. Тест топшириқларини бажаринг.

1 *Халқ дostonларида қаҳрамоннинг ҳаракати тезлашган ҳолатлар неча бўғинли бармоқ вазнида куйланади?*

А. Ўн бир ҳижоли вазида Б. Тўққиз бўғинли вазида С. Саккиз бўғинли вазида
Д. Беш ҳижоли вазида Э. Етти ҳижоли вазида

2. *Нима учун Авазхон қизини Равшанга беришни истамади?*

А. Манманлиги сабабли Авазхон ўзини Ҳасанхондан ортиқ ҳисобларди. Б. Равшанини у қадар ўқтам ва кўркем йиғит деб билмасди. С. Гуланор бошқа йиғитни севарди. Д. Авазхон билан Ҳасанхон ўртасида адоват бор эди. Э. Равшанининг Зулхуморни севишини биларди.

3. *Узукни кўрган Зулхумор нима учун Равшанини ҳузурига киритиб, қабул қилди?*

А. Узукнинг қимматбаҳо эканлигини сездди. Б. Узукнинг сеҳрлилигини кўргач, кўрқди. С. Узукдаги ёзувда ўз қисматини кўрди. Д. Равшанини тушида кўриб, севиб қолганди. Э. Йиғитдан узукни олиб қўймоқчи бўлди.

4. *Ака-ука калларга хос бўлган характер белгиларини кўрсатинг.*

А. Ватанпарварлик, ўз ишига садоқат Б. Манфаатпарастлик, амал-мансабни суйиш С. Севгига садоқат, вафодорлик Д. Мардлик, ҳақиқатгўйлик, ўз ишига моҳирлик Э. Ўз оналарига иттиқат, юмшоқ табиатлилик

Бадиий образ ҳақида

Санъатнинг бошқа турлари каби бадиий адабиёт ҳам ҳаётни, ундаги инсонларнинг руҳий ҳолати, ўй-фикрларини акс эттиради. Ҳаёт ҳамиша инсонларнинг тирикчилиги, меҳнат фаолияти, кураши, ҳис-туйғулари, кечинмаларидан иборат. Адабиётнинг тасвир мавзуси, авваламбор, инсондир. Инсон тасвири йўқ, у кўзда тутилмаган жойда бадиий адабиёт ҳам бўлмайди. Шунга кўра адабиётшунослик илмида марказий ўринни эгалловчи тушунча ҳам образ қаҳрамон тушунчасидир.

Образ – тимсол тушунчасининг кенг ва тор маънолари мавжуд. **Кенг маънодаги тимсол тушунчаси ижодкорнинг фикр-туйғулари сингдирилган ҳаёт манзарасини англатса, тор маънода бадиий асарда акс эттирилган инсон сиймосини ифодалайди.** Биз бу ўринда тимсол тушунчасининг кўп қўлланиладиган тор маъноси ҳақида фикр юритамиз. Кенг маънода ишлатиладиган бадиий образ тушунчаси ҳақида ушбу китобнинг кириш қисмидаги «Бадиий сўз қудрати» мақоласида атрофлича тўхталинган.

Ёзувчи ҳаётни бадиий тимсоллар орқали тасвирлайди. Шунинг учун ҳам бирор бадиий асар ўқиганимизда унда акс эттирилган воқелик оңгимизда шу асарда тасвирланган кишиларнинг образлари қиёфасида муҳрланиб қолади. Мана, сиз „Равшан“ дostonини ўқиб чиқдингиз. Бунинг натижаси ўлароқ,

Равшан, Зулхумор, Ҳасанхон, Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсакларнинг маҳорат билан чизилган тимсоллари, Ширвон бозори, Зулхуморга қарашли боғнинг ажойиб-ғаройиб манзаралари хотирагизда маҳкам ўрнашиб қолади.

Бадий адабиётда инсон тимсоли у яшаётган жамият ва ундаги жараёнлар билан, уни ўраб олган табиат, ижтимоий муҳит, нарса-ҳодисалар билан биргаликда, улар билан чамбарчас алоқада тасвирланади. Чунки инсон ҳаммиша шулар қуршо-вида бўлади. Бироқ буларнинг ҳаммаси инсон тимсолини ё ўзига хослигини кўрсатишга, ёки унинг ҳам бошқаларга ўхшаш томонлари борлигини таъкидлашга, ёхуд инсон образига ҳиссий таъсирчанлик бағишлашга, ёнки унинг бирор жиҳатини тўлдиришга хизмат қилади. Демак, улар **ёрдамчи воситалардир**. Бадий тасвирнинг **мақсади** сифатида кўпинча **инсоннинг** ўзи туради. Нарса ва ҳодисалар тасвири ўз-ўзича мустақил бадий қийматга эга бўлмайди, улар инсонни ёрқинроқ кўрсатиш, унинг табиатини теранроқ очиш учун керак. Лекин инсон ёлғиз ўзи мавжуд бўла олмайди. Одам одамдай яшаши ва ўз инсонлигини намоён этиши учун жуда кўп нарсалар керак. Бадий адабиётда инсон билан бир қаторда, нарса-ҳодисалар, муҳит тасвири ҳам зарурдир. Фақат уларнинг бадий адабиётдаги тасвири инсон ҳолати, кечинмаларига бўйсундирилган бўлади.

Ёзувчи воқеликни акс эттирар экан, уни ўзи англаганича талқин қилади. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, одамлар ва уларнинг дунёқараши, характер хусусияти, маданий-илмий савияси, нияти, орзу-истаги ишловидан ўтгандан кейингина образ – тимсоллар қиёфасида намоён бўлади, бадий асар шаклини олади. Қисқаси, ёзувчи ижод жараёнида асаридаги образларни индивиду-аллаштиради, умумлаштиради.

Инсон тасвирлаш, аввало, унинг ички дунёсини, кечинмаларини тасвирлаш демакдир. Одам одамлар орасида, яъни жамиятда яшайди. Инсоннинг кечинмалари жамиятга оид турли-туман масалалар билан чамбарчас алоқадор бўлади. Шундай экан, бадий адабиёт инсон кечинмаларини барча мураккабликлари билан акс эттириши керак. Бу эса ижодкордан юксак истеъдод ва бадий маҳорат талаб қилади. У ҳаёт ва одамларни яхши билиши, инсоннинг ҳолатини, имкони борича, ҳаққоний, ўз қалби билан туйгандай акс эттириши керак.

Шундагина яратган асарлари одамлар қалбига кучли таъсир этиб, завқ-шавқ уйғотиши, кишиларни эзгуликка эътиқод ва гўзалликка муҳаббат руҳида тарбиялаши мумкин.

Демак, *бадий адабиётда инсоннинг алоҳида шахс қиёфасида яратилган, айти пайтда бадий умумлашма хусусиятига ва ҳиссий таъсир кучига эга бўлган сурати бадий образ* дейилади. Образлар бош ва эпизодик сингари турларга бўлинади. Асарнинг бошидан охиригача қатнашиб, тасвирда муҳим ўрин тутувчи иштирокчи бош қаҳрамон дейилса, асарнинг бир-икки ўрнидагина қатнашиб, кейин тушиб қоладиган иштирокчилар эпизодик қаҳрамонлар дейилади. „Равшан“ дostonидаги Равшан, Зулхумор, Ҳасанхонлар бош тимсоллар бўлса, ширвонлик кампир эна, ака-ука каллар, Оққиз, унинг Мастон онаси эпизодик образлардир. Бироқ эпизодик образлар ҳам воқеалар ривожиди муҳим ўрин тутуши мумкин („Равшан“ дostonидаги Оққиз ва онаси, каллар образлари сингари).

Бадий адабиёт асосида гўзаллик ҳақидаги тасаввур ётади. Бундай тасаввур инсоннинг одам, ҳаёт ва жамият ҳақидаги орзу-армонларидан туғилган. Бадий асар ана шу орзу-армонларни акс эттирсагина тарбиявий қувватга эга бўлади.

АТОЙИ

Қадим Туркистонда ҳаётини ҳақиқат, диёнат йўлига бағишлаган, халқ орасида маънавий падар сифатида тан олинган зотлар исмига “ато”, “бува”, “бобо” сўзлари қўшиб айтилган. Насл-насаби туркий (ўзбек) бўлган азиз-авлиёларга нисбатан, асосан, “ато” (яъни “ота”) сўзи қўйланган. Ўзбек адабиётининг забардаст вақили Атоий ҳам ана шундай муқаррам насабдан тарқаган кишидир. Атоийнинг отаси Исмоил ота, бобоси Иброҳим ота номлари билан шарафланиб, улар туркий миллат фахри бўлмиш Аҳмад Яссавий авлодларидан эдилар. XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаган бу шоир етук замондошлари каби ижоди билан туркий адабиёт ва адабий тил равнақи учун астойдил курашган.

Атоийнинг асл исми, туғилган ҳамда вафот санаси аниқланган эмас. Шоирнинг ҳаёти тўғрисида унинг ўз девони ва Алишер Навоийнинг асарлари орқали айрим маълумотларгина бор. Навоий “Мажолис ун-нафонс” асарида Атоийнинг Балхда¹ яшаганлигини, дарвешваш (дарवेशона ҳаёт кечирганлиги), хушхулқ, мунбасит (пок қалбли) киши бўлганлигини ёзади.

Манбаларда айтилишича, шоир Мирзо Улуғбек саровида хизмат қилган. Қозоғистоннинг Турбат қишлоғида унга нисбат берилган қабр бор. Чамаси, унинг ҳаёти Сайрам, Балх, Самарқанд, Ҳирот шаҳарлари орасида кечган. Маъшур шайхлар, яъни атолар авлодидан эканлигига ишора қилиб, тахаллусини Атоий деб олган.

Шоирдан бизга 260 ғазали ўз ичига олган девон етиб келган. Девондаги ғазаллар беш байтдан тортиб, ўн тўрт байтгача бўлса-да, кўпчилиги етти байтдан иборат. Шеърлари асосан ишқ-муҳаббат мавзусида. Уларда инсон (аёл) гўзаллиги таърифланади, шунингдек, илоҳий ишқ, яъни Аллоҳга бўлган муҳаббат тараннум этилган, тасаввуфий ғоялар сингдирилган ғазаллари ҳам талайгина.

Ўрни келганда айтиш керакки, **девон** деб мусулмон Шарқида муайян қондаларга кўра тартиб берилган шеърий тўпламга айтилади. Унда ғазаллар алифбо бўйича жойлаштирилади. Алифбони белгилашда мисранинг бошидаги эмас, балки охиридаги ҳарф ҳисобга олинади. Девонда араб алифбоси тартиби бўйича барча ҳарфларга тугайдиган ғазаллар бўлиши шарт. Йўқса, у девон ҳисобланмайди. Ғазаллардан сўнг бошқа жанрлар ҳажмига, мумтоз адабиётимизда тутган аҳамиятига қараб жойлаштирилади. Лекин адабиётимиз тарихида фақат ғазаллардан иборат девонлар ҳам борлиги маълум.

Юксак бадият билан содда, халқона тилда ёзишлик Атоий ижодининг муҳим белгисидир. Тушунарли, оддий қилиб фикр айтишни аجدодларимиз “туркона” деганлар. Шунинг учун Навоий Атоий ҳақида гапирар эканлар: “Туркона айтур эди”, – дейдилар. Чиндан ҳам Атоий энг мураккаб туйғуларни ҳам она тилимиздаги содда сўзлар воситасида осон ифодалаш йўлларини топади.

Қадри ўқувчи! Энди Сиз Атоий ғазаллари билан танишишингиз керак. Уларни ўқиш, тушуниш, таъсирланиш ва таҳлил қила олиш учун киши маълум миқдордаги назарий билимлар билан қуролланган бўлиши лозим. Шунинг учун

¹ Балх – ҳозирги шимолий Афғонистондаги туркийлар яшайдиган қадимги шаҳар.

ҳам қуйида мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган ғазал жанри ва унинг бадий хусусиятларига доир дастлабки тушунчалар ҳақида маълумот берамиз.

Бу ўқув йилидаги биринчи дарсда қилган суҳбатимиз орқали бадий адабиёт лирик, эпик, драматик каби турларга, ҳар бир адабий тур ўз ичида бир қанча жанрларга бўлинишини билиб олгансиз. Икки йилдан буён «Адабиёт» дарсликлари орқали мумтоз адабиёт намуналари билан ҳам танишиб келяпсиз. Бутун Шарқ мумтоз адабиётида бўлганидек, ўзбек адабиёти тарихида ҳам лирика ижоднинг етакчи, асосий туридир. Шоирларимиз мумтоз шеърятнинг ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард, мураббаъ, мухаммас, мустаҳзод каби кўплаб жанрлариди қалам тебратиб, дунё аҳлини лол қолдирган бетақрор санъат намуналарини яратганлар. Сиз олдинроқ, Умар Хайём ижодини ўрганиш муносабати билан рубоий тўғрисида маълум тушунчага эга бўлгансиз. Энди эса ғазал жанрига хос белгилар билан танишиб оласиз. Чунки шу жанрдаги асарларни ўрганишингизга тўғри келади.

Ғазал мумтоз шеър шакллари ичиди кенг тарқалган, энг кўп қўлланиладиган жанрдир. Утмиш адабиётда бирорга шоир шеърнинг бирор бошқа жанрига мурожаат қилмаган бўлиши мумкин. Лекин улар орасида ғазал ёзмаган ижодкор бўлмаган. Ғазал қадимдан энг аҳамиятли ва эътиборли шеър шакли бўлиб келган. Ғазал **байт** (арабча «уй»)лардан ташкил топади. Байт икки мисрадан иборатдир. Ғазалнинг биринчи байти **матлаъ** (арабча «бошланма»), охири байти **мақтаъ** (арабча «туғалланма») дейилади. Ғазал қофияланиш тарзи билан ажралиб туради. Яъни матлаъдаги мисралар ўзаро бир-бири билан қофияланган бўлади (Буни шартли равишда алфавитдаги биринчи ҳарф «а» билан белгилаб, **а-а** деб оламиз); қолган байтларнинг тоқ мисралари қофияланмай очиқ қолиб, жуфт мисралар матлаъга қофиядош бўлиб келади (**в-а, д-а, е-а...**). Аъъанга кўра, мақтаъда шоирнинг таҳаллуси келтирилган. Илмий адабиётларда ғазалнинг ҳажми 3 байтдан 19 байтгача бўлиши қайд этилади. Мана, Атофий ғазаллари билан танишяпсиз. Уларни тушуниш учун муайян билим, тайёргарлик ва малака талаб қилинади. Ғазални тушуниш айни пайтда бошқа жанрларни англашга йўл очади ҳам. Тасвир имконияти кенг бўлган бу жанрда ҳар қандай фикр ва ифодани бериш мумкин. Лекин ғазалнинг бош мавзуси ишқ-муҳаббатдир. Билиб қўйингки, ишқий ғазалларда **маъшӯқа** (ёр), **ошиқ** ҳамда **рақиб** каби учта асосий образ бор. Бошқа образлар эса асосан шу учликни тўлдирди, уларнинг характери, руҳий ҳолатини очишга хизмат қилади. Мана шу уч асосий образларга хос бўлган доимий характер белгилари, таъриф-таъсифларни билиш ва англаш ғазални тўғри ўқиш, тўғри тушуниш ва тўғри таҳлил қилишнинг гаровидир. Шунинг учун уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Маъшӯқа – ишққа сабаб бўлган, ошиқ кўнглини ром қилган, ақлини лол этган суюкли ёр. У – ниҳоятда гўзал. Гўзаллиги унга нисбатан қўлланидиган ташбиҳ (ўхшатиш)лар орқали таърифланади: қадди тик, адки гўё сарв ёки санавбар дарахтларига ўхшайди, соч ва кўзи тундай қора, қоши – ҳиллол, юзи ой ёки қўёшни эслатади, лаблари – гунча ёки даял (қимматбаҳо қизил тош), кинриклари бамисоли ўқ ва ҳоказо. Айтиб ўтиш керакки, Шарқ шеърятинида **нозиклик** гўзалликнинг муҳим белгиси саналган. Шунинг учун ғазалларда ёрнинг бели жуда ингичка, оғзи беҳад торки, ҳатто баъзан ошиқ уларнинг бор ёки йўқлигини билмай ҳайрон бўлиб қолади. Маъшӯқанинг ҳусну малоҳати баъзан

бирма-бир таърифлаб ўтирилмай, гўзалликнинг доимий тимсолларига айланган гул, Лайли, Ширин, Узро, Юсуф каби образларига ишора орқали ҳам ифодаланади. Маъшуқа одатда ғазалларда ошиққа бепарво, жафо қилувчи, бағритош, илтифотсиз сингари белгилар билан тасвирланади.

Ошиқ – ишққа мубтало бўлган ва ўзини унутган киши. Маъшуқанинг шайдоси. Ғазалда фикр, туйғу ва кечинмалар ошиқ тилидан ифодаланади. Шеърда ошиқнинг портрети маъшуқа каби батафсил чизилмайди. Кўп ҳолларда ишқ, айрилик (ҳижрон) туфайли, ёрнинг вафосизлиги, ситами сабабли кўзи қонли ёшларга тўлаллиги, қадди букилгани тасвирланади. Ошиқ табиатининг белгилари: у севгисига содиқ ҳамда маъшуқага вафодор - ҳижрон азоби қанчалик қийнамасни, ишқдан воз кечмайди, ёр ҳар қанча азобласа ҳам уни севишдан чекинмайди, ҳатто бу азоблар унга роҳат бўлиб туюлади. Рақибга ўзининг нафратини очиқ баён этади. У ошиқлик тимсоллари бўлмиш булбул, Мажнун, Фарҳод, Вомиқ образларига ўхшатилади.

Рақиб – маъшуқанинг васлига даъвогар бўлган бошқа бир ошиқ. Рақибнинг портрети берилмайди, унинг кечинмалари, ҳолати ҳам деярли ифода-ланмайди. Ошиқ рашк туфайли баъзан уни итга ўхшатади. Айрим ҳолларда ошиқ тилдан унинг салбий характер белгилари айтиб ўтилади. Бу образ, шунингдек, *ғайр, агёр, ўзга* номлари билан ҳам юритилади. Рақиб ғазалларда омадли, маъшуқани йўлдан уриб ошиқни қийнайитган кимса сифатида тасвирланади.

Ушбу учликдаги маъшуқа ва ошиқ доимий образлар бўлса, рақиб тимсоли ғазалларда ҳамма вақт ҳам иштирок этавермайди.

Айтиб ўтиш керакки, ўзбек мумтоз адабиёти муқаддас ислом дини негизда вужудга келган **тасаввуф** таълимоти билан чамбарчас боғлиқдир. Тасаввуф илоҳий ишқни куйлайди, инсонни ўз кўнгли, қалбини поклаб Аллоҳ, пайғамбар ва азиз-авлиёларга руҳан яқинлашишга ундайди. Бунинг учун эса энг катта тўсиқ – ўз ичидати душмани бўлмиш нафсни енгиши лозимлигини уқтиради. Биз юқорида таърифлаган уч асосий образ тасаввуф адабиётида янгича маъно, ўзгача маъмул касб этади: **маъшуқа** (ёр) – Аллоҳ ёки пайғамбар ёхуд пир (устоз), дўст маъносига, **ошиқ** – Аллоҳга руҳан яқинлашишга интилаётган инсон, сўфий банди; **рақиб** эса нафе, дунё маъноларида келади. Демак, мумтоз ғазалларда (шунингдек, бошқа жанрларда ҳам) шеърнинг бир қарашда кўриниб турган *юзакли* ҳамда тасаввуф билан боғлиқ *ички* маъноси мавжуд бўлиши мумкин экан.

ҒАЗАЛЛАР

Жамолнинг васфини¹ қилдим чаманда,
Қизорди гул уётгин анжуманда².
Таманно³ қилғали лаълингни⁴ кўнглум,
Киши билмас ониким, қолди қанда⁵

¹ Васф – мақтов, сифат, таъриф.

² Анжуман – йиғин, мажлис.

³ Таманно – истақ, тилак, орзу.

⁴ Лаъл – юнматбахо кишига тош. Бу ўринда «лаб» маъносига.

⁵ Қанда – қайда, қаерда.

Чу жонимдан азиз жонона сенсен,
 Керакмас жон манга сенсиз баданда.
 Манга ул дунёда жаннат не ҳожат,
 Эшигинг тупроғи басдур кафанда.
 Солиб борма мени эй, Юсуфи ҳусн,
 Букун Яъқубтек байт ул-ҳазанда¹.
 Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
 Аёғинг қанда бўлса, бошим анда.
 Тилар эл мансаби олий ва лекин,
 Атойи сарви озодингга² банда.

Савол ва талшириқлар:

1. Ҳазалининг неча байтдан иборатлигини айтинг, матлаъ ва мақтаъсини аниқланг.
2. Ҳазалининг: «*Жамолнинг васфини қилдим чаманда, Қизорди гул уётини анжуманда*» байти мазмуни замиридаги яширин маънони топинг.
3. Ёрининг жамоли мақталганида гулнинг қизарганлиги сабабини изоҳланг. Гул „қизариши“нинг ўз ва кўчма маъноларини тушунтирип.
4. Ҳазалининг: «*Таманно қилғали лаълингни кўнглум, Киши билмас ониким, қолди қанда*» мисралари замиридаги тағмаънони топишга урининг. Маъшуқа лабиниинг кўринмай қолганлиги тасвири орқали шоир нима демоқчилигини аниқланг.
5. «*Аёғинг қанда бўлса, бошим анда*» мисрасида қарама-қарши маъноли сўзларнинг ёнма-ён келтирилиши орқали қандай мазмун ифодаланаётганлигини аниқланг.
6. Ҳазалининг қолган байтларини ҳам шарҳланг.
7. Ҳазали ёд олинг.

Манга сен бўлмасанг, жон ҳожат эрмас,
 Биҳишту³ ҳуру ризвон⁴ ҳожат эрмас.
 Фироқингда⁵ кўзум ёши бор эркан,
 Баҳору абри найсон⁶ ҳожат эрмас.
 Юзунгдин шомлар зулфунгни йиғсанг,
 Фуруғи⁷ моҳи тобон⁸ ҳожат эрмас.

¹ Байт ул-ҳазан – ғамхона, ғамга ботмоқ.

² Сарви озод – сарвай комат.

³ Биҳишт – жаннат.

⁴ Ризвон – жаннат.

⁵ Фироқ – айрилик.

⁶ Абри найсон – ёмғирли кўклам булут.

⁷ Фуруғ – нур.

⁸ Моҳи тобон – нурли ой, тўли ой.

Бўюнг сарву кўзунг наргис, юзунг гул,
 Сенинг қошингда бўстон ҳожат эрмас.
 Агар гашти¹ лаби дарё қилурсен,
 Кўзумга келки, уммон² ҳожат эрмас.
 Рақиб бирла мусоҳиб³ қилма бизни,
 Қутурғон итга сағбон⁴ ҳожат эрмас.
 Атойиға бўсағангдан ўрун бер,
 Сарою кохи⁵ айвон ҳожат эрмас

Савол ва тошшириқлар:

1. Ҳазалининг қофияланиш тартибини белгила. У билан «Жамолинг васфини...» ҳазали қофияларидаги ўхшаш ва фарқли томонларни кўрсатинг.
2. Шеърда қайси образлар иштирок этяпти? Уларнинг қандай тасвирланаётганига эътибор беринг.
3. Ҳазалини ўртоқларингиз билан байтма-байт таҳлил қилинг. Шоирнинг нима демоқчилиги ва фикрини қандай ифодалаётганлигини изоҳланг.
4. Ошиқнинг ички ва ташқи олами, кўриниши тасвирланган ўринларни топиб, шарҳланг.
5. Ҳазалдан маъшуқанинг кўриниши ва табиати тасвирланган мисраларни топиб изоҳланг.
6. «**Фироқингда кўзум ёши бор эркан, Баҳору абри найсон ҳожат эрмас**» байтида ифодаланган маънони топинг. Маъшуқадан айрилишнинг кўклам ёмғирига қандай боғлиқлиги борлигини аниқлаинг.
7. Ҳазалдаги: «**Юзунгдин шомлар зулфунгни йиғсанг, Фуруғи моҳи тобон ҳожат эрмас**» мисралари орқали ифодаланган маънони изоҳланг.
8. Нима учун рақиб қутурган итга ўхшатиш деб ўйлайсиз?
9. Ошиқнинг бўсағадан ўрин сўраётганлиги сабабини аниқлаинг.

Кўнгул олдинг, бегим, ёшурмоғинг не?
 Жафони ҳаддидин ошурмоғинг не?
 Рақибларга қилур лаълинг табассум,
 Қонимни ғуссадин тошурмоғинг не?
 Кўнгул шишасида меҳринг майидур,
 Жафо бирла анга тош урмоғинг не?
 Юрурда енг била оғзингни тутма,
 Нимаким йўқ турур, ёшурмоғинг не?
 Атойи, ерга ел зулфин тегурмас,
 Қаро ерга сенинг бош урмоғинг не?

¹ Гашт – сайр.

² Уммон – денгиз.

³ Мусоҳиб – суҳбатдош.

⁴ Сақ(ғ)бон – итбоқар.

⁵ Кохи – қаср.

Савод ва топшириқлар:

1. Биринчи байтдаги «кўнгул олдинг» ифодасини изоҳланг.
2. Маъшуқа ошиқ кўнглини олганини нега яширяпти деб ўйлайсиз?
3. Маъшуқанинг кўнгул олганини яшириши билан «**Жафони ҳаддиди ошур**...»ни ўртасида қандай боғлиқлик бор?
4. Иккинчи байтда ифодаланган туйғунинг ғазалдаги образлар табиати билан алоқасини тушунтиринг.
5. Маъшуқанинг рақибга табассуми нега ошиқ қонини тоширади? „Лаъл“ ва „қон“ тимсоллари ўртасида қандай алоқа бор?
6. Кўнгулнинг шишага, меҳрнинг майга ўхшатилишидаги ҳаётий асосни топинг.
7. Тўртинчи байтда тасвирланган ҳолатнинг миллий илдизини аниқлатинг. Шунга ўхшаш тасвир олдин ўрганилган ғазалларда учраганимиди?
8. Мақтаъда ошиқнинг ерга бош уриши билан ёр сочини ерга теккизмаётган ел ҳаракати ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг.
9. Шеърни ёд олинг.

Агар кўнгулунг тилар жонимни олмоқ,
Қароқчи кўзларингдин бир қиё боқ.
Жудо бўлғоли мен зулфу юзунгдин,
Кўзумга не қаро кўрунди, не оқ.
Фалак айвонина бош индурурму¹,
Қошинг меҳробининг² тоқина³ муштоқ.
Кўрармен боғи жаннат мевасиндин,
Янгоқинг⁴ норини⁵ юз қатла беҳроқ⁶.
Мени девона айлаб ишва бирла,
Недур ҳардам парилардек яшуномқ.
Агар учмоқ⁷ берса тенгри сенсиз,
Дегаймен бизга йитти секкиз учмоқ⁸.
Атойи, сен ким-у ул сарв қомат,
Илик⁹ етмас, не ҳосил қўлни сунмоқ¹⁰.

¹ Индирмоқ - қўймоқ, эгмоқ.

² Меҳроб - намоз ўқилаётганда имом турадиган ёй шаклидаги саждагоҳ.

³ Тоқини - уй, тоқча, меҳробнинг тепа қисми.

⁴ Янгоқ - ёноқ.

⁵ Нор - олов, анор.

⁶ Беҳроқ - яхшироқ.

⁷ Учмоқ - жаннат.

⁸ Мисрнинг мазмуни. Биз учун саккиз жаннат йўқ бўлди дейман.

⁹ Илик - қўл.

¹⁰ Сунмоқ - узатмоқ.

1. «Агар кўнглунг тилар жонимни олмоқ, Қароқчи кўзларингдин бир қиё боқ» мисралари замиридаги яширин маънони топинг.

2. Ёр кўзларининг нега «қароқчи» эканини ва унинг ошиқ жонига қасд қилиши сабабини тушунтиришга урининг.

3. «Кўзумга не қаро кўрунди, не оқ» сатридаги „оқ“ ва „қора“ сўзларининг „зулфу юз“ билан боғлиқлигини тушунтириб беринг. Бу топшириқни бажариш учун «зулф» - сочининг қора, «юз»нинг оқлиги, улардан жудо бўлган ошиқ кўзига ҳеч нарса кўринмай қолиши ҳақида ўйлаб кўринг.

4. „Фалак айвони“ билан ёр „қоши меҳроби“ қандай асосларга кўра бири-бирга қиёсланипти деб ўйлайсиз?

5. Ҳазалнинг: «Агар учмоқ берса тенгри сенсиз, Дегаймен бизга йитти секкиз учмоқ» байтини изоҳланг.

6. «Илик етмас, не ҳосил қўлни сунмоқ» сатрида етишиб бўлмас нарсани орзу қилган ошиқ ўзига қандай таъбеҳ беради?

7. Урганган ғазалларда ранг билан боғлиқ қандай тасвирлар учради? Сизнингча, улар қандай ҳолат ва кайфиятни ифодалашга хизмат қилган?

8. Ҳазаллардаги маъшуқа тимсолини кузатишларингиз асосида куйидаги жадвални тўлдиринг.

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР – ҲАЗАЛ КЎРКИ

№	Маъшуқанинг ташқи қиёфаси тасвири	Характер хусусиятлари тасвири	Тавсифлаш учун қўлланилган ташбиҳлар

Биламизки, шеърий нутқ оддий сўзлашув нутқидан фарқ қилади. Аввало шуки, оддий сўзлашув нутқида гап бўлаклари одатдаги тартибда бўлади, яъни эга гапнинг бошида, кесим гап охирида, тўлдирувчи ва ҳол кесимдан олдин, аниқловчи эса аниқланмишдан олдин келади. Шеърий нутқда эса гап бўлаклари тартиби эркин бўлади: кесим аввал, эга ундан кейин келиши мумкин, бошқа бўлақлар ҳам шоирнинг мақсадидан келиб чиқиб мисранинг турли ўринларида қўлланилаверади. Иккинчидан, сўзлашув нутқида фикр, тасвир бежалмай, оддий тарзда ифодаланади. Шеърий нутқда эса ифода, фикр *баднийлаштириб* берилади. Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бадний тасвирлашнинг бир қанча *воситалари* мавжуд. Мазкур воситаларнинг ҳар бири

адабиёт илмида ўз мазмунига кўра ном олган ва уларнинг жами бадий тасвир воситалари ёки **шеърый санъатлар** деб юритилади. Шеърый санъатларнинг бадийятни таъминлашдаги ўрнини тушуниш учун Атойи ғазалларига мурожаат қиламиз:

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Байтни тушунишни осонлаштириш учун ундаги гап бўлақларини одатдаги тартибга келтириб оламиз ҳамда мисраларда очиқ иштирок этмай, яширин келаётган бўлақларни қавс ичида берамиз: (Мен) чаманда жамолинг васфини – таърифини қилдим, (шунда) анжуман, яъни чаманзордаги гул уятдан қизариб кетди.

Энди ўйлаб кўринг, оддий тил билан айтганда, шоир нима демоқчи ўзи? Билиб турганингиздек, у: “Менинг ёрим жуда ҳам чиройли”, – деяпти холос. Ана шу оддий фикрни шоирона бадий ифодаламоқда. Таҳлилда Сиз хаёлга, фикрларингизга эрк беринг, тасвирланган лавҳайи, матнни кенгайтириб олинг. Юқоридаги байтни қуйидагича шарҳлаш мумкин: гуллар йиғини – анжуманида бир гул: “Дунёда энг гўзал менман”, – дея мақтанарди. Бунинг устига келиб қолган ошиқ ўз маъшуқасини таъриф қилган эди, ўзидан бир неча марта гўзалроқ жамол эгаси борлигини эшитган гул мақтанчоқлигидан шарманда бўлиб, қизариб кетди ва шундан кейин дунёда қизил гул пайдо бўлди. Кўриб турганингиздек, шоир гулни инсонлардек жонли қилиб тасвирляпти. Демак, байтда **жонлантириш** санъати қўлланган. Бу тасвир воситаси мумтоз адабиёт илмида **ташхис** (шахслантириш) санъати деб аталади.

Таманно қилғали лаълингни кўнглум,
Киши билмас ониким, қолди қанда?

Аввало, луғат ёрдамида нотаниш сўзлар маъноси аниқлаб олинади: таманно қилмоқ – орзу қилмоқ; лаъл – лаб, лаълнинг ўзи қимматбаҳо қизил тошдир; қанда – қаерда. Мисралардаги гап бўлақларини одатдаги тартибга келтирамиз: Кўнглим лаъл каби қизил лабингни орзу қилган эди, (лекин ҳеч бир) киши лабингнинг қаерда эканлигини билмайди.

Ўйлаи-чи, шоир маъшуқанинг лаби қаерда эканлигини ҳеч ким билмаслигини айтиш билан нима демоқчи бўляпти? Олдин

айтилганидек, нозиклик – гўзалликнинг белгиси. Бу байтда “Ёрнинг оғзи жуда ҳам тор”, – деган оддийгина фикр билдириляпти. Лекин Атойи уни шоирона тарзда ёрнинг оғзи шу қадар кичикки, киши ҳар қанча тикилса ҳам лаби қаердалигини топа олмайди шаклида ифодаламоқда. Ёрнинг оғзи тор деган маъно бўрттириб, ўта кучайтириб берилмоқда. Адабиётшуносликда жуда бўрттириш ёки ўта кучайтириб тасвирлаш **муболаға** дейилади.

Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,
Бу кун Яъқубтек байтул хазанда.

Байтдаги “байтул хазан”ни арабчадан сўзма-сўз таржима қилсак, “ғам уйи” деган маънони англатади. Бу ерда кучли изтироб, қайғу маъносини ифодаламоқда. Байтда “Эй ҳусни Юсуф (каби ёр), букун сен мени Яъқубдек қилиб қайғу уйига солиб қўймагин” тарзидаги мазмун берилаётганини сезган бўлсангиз керак. Мисралардаги Юсуф, Яъқуб образлари ишора қилаётган маънони тушунган киши байтни тўла идрок эта олади.

Ривоятга кўра, пайғамбар Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн бир ўғли бўлиб, кичик ўғли ҳуснида тенгсиз Юсуфни жонидан ортиқ суяр, бир дам бўлса ҳам олдидан жилдиргиси келмас экан. Отасининг Юсуфни ўзларидан ортиқ кўраётганига ҳасад қилган ўғай акалари уни ўйнатиб келамиз деб даштга олиб чиқишади ва уни ўлдириш мақсадида қудуққа ташлаб юборадилар. Укаларининг ечиб олинган кўйлагини қонга ботириб, оталарига: “Юсуфни бўри еб кетди”, – деб кўрсатадилар. Яъқуб алайҳиссалом ўғли қайтиб келгунча неча йиллар давомида айрилиқ туфайли кеча-кундуз қон йиғлайди. Демак, шоир: “Эй ёр, ўзингни йироқ қилиб, мени айрилиқда қийнамагин”, – деган фикрни ифодалаш учун Яъқуб ва Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги ривоятга ишора қилмоқда. Шеърятда тарихий воқеа ва шахслар, адабий қаҳрамонларга ишора қилиш **талмеҳ** (арабча «назар солмоқ») санъати деб юритилади.

Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёғнинг қанда бўлса, бошим анда.

Бу байтда барча гап бўлаклари ўз жойида. Фақат “узмасмен” билан “кўнгулни” сўзларининг ўрни алмашган холос. Гап нима учун байтнинг биринчи мисрасида ёрга: “Узун сочингдан кўнгулни узмайман”, – деган ошиқ иккинчи мисрада: “Аёғнинг

қаерда бўлса, бошим ўша ерда”, – дейтгани сабабини аниқлашда. Бу гапларнинг бир-бирига қандай боғлиқлиги бор? Маълумки, мумтоз шеърятда маъшуқа сочлари узунлигидан унинг оёғигача тушиб туриши тасвирланади. Халқ орасида узун сочли аёлларга нисбатан “сочи товонига тушади” деган ибора қўлланишини ҳам эшитгандирсиз, ҳойнаҳой. Бунинг устига, қадимда қушлар қилдан ясалган тузоқ билан овланган. Ошиқнинг кўнгил қуши ҳам маъшуқанинг сочидан қилинган тўрга илинган, албатта. Демак, кўнгилни боғлаб олган соч оёққача тушар экан, шу сочга шайдо бўлиб, унинг домига тушган ошиқнинг боши яна қаерда бўлсин!? Шунингдек, иккинчи мисранинг “Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам ўша ердан” деган маъноси ҳам бор. Ошиқ кўнгил ёрнинг узун сочларига боғланган ва бу боғлиқлик узилмас экан, у маъшуқанинг кетидан қолмайди.

«Узун» ва «узмасман» сўзлари ўзакдошларга ўхшаб кетадиган «уз» сўзи билан бошланиб, байтга ажиб оҳангдорлик бағишлайди. Айни пайтда, бу оҳангдорлик шу сўзлар ифодалаётган маънони кучайтиради ҳам. Шеърда ўзакдош сўзларнинг қўлланиши **иштиқоқ** (арабча “сўздай сўзни ажратиш” маъносида тасвир воситаси ҳисобланади. Шу ғазалнинг учинчи байтидаги “Чу жонимдан азиз жонона сенсен” мисрасида қўлланган “жон” ва “жонона” сўзлари ўзакдош бўлиб, иштиқоқни ҳосил қилган. Таҳлил этилаётган ғазалнинг «Аёғинг қанда бўлса, бошим анда» мисрасидаги “аёқ” ва “бош” ўзаро қарама-қарши маъноли (антоним) сўзлардир. Шеърда бу хилдаги қаршилантириш асосига қурилган бадий тасвир воситаси **тазод** (арабча “зид қўйиш”) маъносида дейилади.

“Кўнгул олдинг, бегим, ёшурмоғинг не?” мисраси билан бошланувчи ғазалда бошқа бир шеърини санъатни учратиш мумкин:

Рақибларга қилур лаълинг табассум,
Қонимни ғуссадин тошурмоғинг не?
Кўнгул шишасида меҳринг майидир,
Жафо бирла анга тош урмоғинг не?

Халқ орасида “қони қайнади” деган ибора бор. У изтироб туфайли туйғулари жунбушга келган киши ҳолатига мос келади. Аввалги байтда ошиқ ёрга қарата «Лаълинг (лабинг) рақибларга табассум қиляпти, ғуссадан (менинг) қонимни тоширмоғинг

(қайнатганинг) нимаси?” демоқда. Кейинги байтда ошиқнинг кўнгли шишага, ёрга муҳаббати эса майга менгзатилган. Маъшуканинг жафо қилишини ана шу ишқ майи қуйилган кўнгил шишасига тош уришга ўхшатишмоқда. “Тошурмоқ” ҳамда “тош урмоқ” сўзлари омоним (шаклдош) сўз эканлигини пайқаган бўлсангиз керак. Шеърда шаклдош сўзларни қўллаш орқали санъат яратиш **тажнис** (“жинсдош” маъносида) дейилади.

Эслаб қолинг: мумтоз шеърятда кўп қўлланадиган “шиша”, “кўза”, “аёғ” (идиш), коса каби тимсоллар замирида, аксарият ҳолларда, **кўнгул** (қалб, юрак) тушунчаси, “май”, “шароб”, “бода” сўзлари остида *ишқ, муҳаббат, меҳр* маънолари яширинган бўлади. Демак, улар рамзий маънога эга.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазал қандай жанр ва унинг «уй»лари ҳақида маълумот беринг.
2. Ҳазалнинг қофияланиш тартибини тушунтиринг.
3. Ҳазалдаги доимий номга эга бўладиган байтларни айтинг.
4. Мумтоз шеърятнинг асосий образлари қайсилар?
5. Оддий нутқ билан шеърый нутқ орасидаги тафовутни изоҳланг.
6. Шеърый санъатлар деганда нимани тушунасиз?
7. Шеърый санъатларнинг она тилидан олган билимларга алоқадорлиги сабабини тушунтиринг.

8. Атойти ижоди бўйича олган билимларингизни тестлар орқали сынаб кўринг.

1. Атойти Ҳазалларининг асосий мавзуси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
А. Панд-насихат Б. Табиат гўзалликлари тасвири С. Динни тарғиб қилиш
Д. Ватан Э. Инсон гўзаллиги ва илоҳий муҳаббат тасвири

2. **«Таманио қилғали лаълингги кўнглум, киши билмас ониким қолди қанда»** байти орқали англашиладиган маънони топинг.

- А. Оғиз торлиги ва лабнинг қизиллиги Б. Лаълни топиш орзуси
С. Кишиларнинг лаънинг қардалигини билмасликлари Д. Кўнгилда бойликка заррача иштиёқ йўқлиги Э. Очкўзликни қоралаш

3. Ҳазалларда иши зулмкорлик, ситамгарлик сифатида таърифланадиган образ қайси?

- А. Ошиқ Б. Маъшук С. Рақиб Д. Гул Э. Булбул

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894 – 1938)

*Сўзим охирида одил судлардан сўрайман:
гарчи мен турли бўҳтон, шахсият ва сохталар
билан иккинчи оқлашмайдургон бўлиб қораландим.
Лоақал уларнинг, қораловчи қора
кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг одий
бўлгон жазони бера кўрингиз, Кўнглида шамси
ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмагон
содда, виждонли йиғитга бу қадар хўрликдан
ўлим тансиққоқдир. Бир неча шахсларнинг
ордусича маънавий ўлим билан ўлдирлдим.
Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир.
Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни
сўрайман.*

1926 йил 15 июнь, Самарқанд

(Абдулла Қодирийнинг суддаги нутқидан).

Номус, инсоф ва ҳақгўйлик Абдулла

Қодирий ҳаётининг асосий тамойиллари эди. Табнат инъом қилган подир истеъдод чинакам ўзбекона меҳнаткашлик билан уйғунлашгани учун Қодирийнинг қаламидан асарлар мобайнида эскирмайдиган асарлар дунёга келди. 1894 йилнинг 10 апрелида Тошкент шаҳридаги ўртаҳол оилалардан бирида дунёга келган Абдулла Қодирий ўз даврининг мактаб ва мадрасаларида мунгазам ўқиш имконига эга бўлмаса-да, илмга чанқоқлиги ва тиришқоқлиги туфайли замонасининг энг билимдон кишиларидан бирига айланди.

1917 йилги тўнтаршларгача ўзига тўқ хонадонларда турли юмушлар билан банд бўлган: приказчик (ишбошқарувчилик), устачилик, боғбонлик қилган. А. Қодирий Октябрь ўзгаришларидан кейин қатор шўро идораларида хизмат қилди. Ҳамиша халқ орасида бўлган, унинг эҳтиёжларини, оғриқли жойларини, кайфияту истакларини билган ёзувчи асарларидаги дилбар образлар орқали ўзи мансуб бўлган халқнинг турмушини яқинлаш, маънавиятини юксалтириш, миллий гурурини уйғотишга интилди.

Унинг ҳикоялари чиққан журналлар, газеталар қўлма-қўл бўлиб кетарди. Феълетонлари босилган „Муштум“ журнали ҳаминша талаш бўларди. Романларини ўқиш учун навбат кутиб турганларнинг саноғига етиб бўлмас. „Ўтган кунлар“ романини ёд биладиغان китобхонлар бор эди. Чунки алиб инсон руҳиятининг сирли ва нозик жиҳатларини чуқур, таъсирли ва ҳаққоний акс эттирарди. Унинг асарлари ёлғиз ҳаққонийликдан ташқари, гўзал ифода услуби билан ҳам ажралиб турарди. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги шаклини бунёд эттишда ҳеч бир ёзувчи Абдулла Қодирий каби муҳим ўрин тутмаган.

Ҳақ гапни ҳайиқмай айтаётган, миллатига ўзини таинтаётган, унинг гурушини уйғотаётган ёзувчи ўлкамизни эгаллаб олган босқинчилар ва уларнинг маҳаллий югурдакларига ёқмаслиги тайин эди. Шу боис қисқагина умри мобайнида А. Қодирийга кўп бор човут солишди.

1926 йилдаёқ „шўро раҳбарларини матбуот орқали обрўсизлантирди“ деган уйдирма айб қўйиб, адибни қамоққа ҳукм қилишди. Лекш айбнинг



уйдирмалиги, гувоҳларнинг сохталиги шу даражада аён эдики, адибни қамоққа тикишга журъат этишмади. Бу, замон зўрлари назарида, ёзувчини ўзига хос „огоҳлантириш“ эди. Адиб бу огоҳлантиришдан „тўғри“ хулоса чиқармади, яъни ҳақиқатга хиёнат қилмади.

„Ўтган кунлар“, „Меҳробдан чаён“, „Обид кетмон“ сингари роман ва қиссалари билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Туркистон халқлари маънавий равиқига ҳисса қўшган адибни 1937 йилнинг 31 декабрида иккинчи бор олиб кетишди. Бу даврда Сталин бошқариб турган қатағон машинаси тиним билмай ишлар ва бу машинанинг яхши юрмоғи учун янгидан-янги қурбонлар зарур эди. Адолатнинг кўчасидан ҳам ўтмаган ҳукуматнинг ўзига яраша судлари 1938 йилнинг 5 октябрида XX аср ўзбек насрининг энг йирик вакилини, асримиздаги ўзбекларнинг энг фидоисини ўлимга ҳукм қилди. Шу тариқа, миллат жаллоллари томонидан ўзбек адабиётининг яна бир чинори қулатилди.

ҚЎРҚИНЧ БИР ЖАСОРАТ („Меҳробдан чаён“ романидан)

Камбағал бўёқчи оиласида олтинчи фарзанд бўлиб туғилган Анвар болалигидан оғир турмуш гирдобига тушади. Уч ёшида отасидан, етти ёшида онасидан ажралади. Опаси Нодиранинг қўлида қолган бола жонкуяр аёлнинг уринишлари билан Солиҳ махдум мактабида таҳсил кўра бошлайди. Ўн икки ёшга етганда, Нодиранинг хонадонида яшаш ҳам оғирлашиб, у махдумга фарзандликка берилади. Мактабдош дўсти Насим туфайли унинг саройда амалдор бўлиб ишлайдиган отаси билан яқинлашади ва бу одам Анварни саройга мирза сифатида ишга олади. Туғма қобилияти ва теран ақли туфайли Анвар мирзабошилик мартабасига эришади. Анвар домласи Солиҳ махдумнинг қизи гўзал ва оқила Раънони севади.

Мадрасада ўқимаган камбағал Анварнинг мирзабоши даражасига эришганини кўра олмаган кишилар Раънонинг таърифини Худоёрхонга етказадилар ва хон қизни сўратиб, махдумга одам кўяди. Анвар ва Раъно тақдирнинг зўрлигига тоқат қилиб ўтиришни хоҳлашмайди ва хон одамларидан қочиб, яширинишади. Хон Анварнинг яширинишида унинг яқин ҳамфиكري Султоналини айбдор санаб, ўлимга ҳукм қилади. Роман воқеалари ривожда Анварнинг акаси Қобил, унинг бухоролик дўстлари ҳамда Сафар бўзчи қабилар фаол иштирок этишади.

ЧАЁННИНГ НАМОЙИШИ

Бу кеч Масжид хужраси яна обод, катта шамдонини тоқчага қўндириб, очик танчага писта кўмир солиб, маъюс, бир-бирига

ёнма-ён ўлтурғучи икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар. Хужранинг тўрдаги тоқчасига беш-олти дона қалин муқовалиқ китоблар терилган, уларнинг варақ тахида – «Шарҳи мулло Жомий», «Ақоиди маъалҳавоший», «Ҳикматул-айн», «Алвиқоя», «Сияри шариф» каби сўзлар ёзилган эди. Кун ботиш тоқча девориға гул равишида туширилган дуо ёки шунинг каби муқаддас калималар ёзиғлиқ бир қоғоз ёпиштирилган. Сирлар билан турланган қозикларнинг бириға бева хотиннинг декчасидек бир салла илинган эди.

Шаҳодат муфти касавни олиб, чўғни титди ва кенг кўкрагини шишириб нафас ола олди.

– Ажаб бедаво дард-да.

Калоншоҳ мирзо бошини иргатиб қўйди.

– «Суйган ёрим сен бўлсанг, кўрган куним не бўлғай», – деб давом этди муфти. – Удуламир кадрношунос бўлғандан сўнг қийин экан. Шу оқпадарнинг қўл остида ишлагандан девонни ташлаб кеткан беҳроқ.

– Сабр қилинг, домла, сабр! «Инналлоҳа маъассобирин!».

– Албатта... Ва лекин Султоналидек бемаъниға бош эккандан, ҳар рўз ўн таёқ еган яхши.

Хуфтани ўқуғандан сўнг таҳорат янгилаб юрғучи мулла Абдурахмон хужра эшигида кўринди. Кичкина ҳовонча бошидаги оқ тепчима тўпши ва қора узун соқоли уни ҳиндиларнинг савдоғари қиёфатиға қўйган эди. Мулла Абдурахмон ичкари кириб, қозикдаги саллани оқ тўпши устидан кийди.

– Мен жанобларининг сўзлари билан уйга овқат буюрмадим-а?

– Лозим эмас, биз уйдан овқатланиб келганимиз.

Мулла Абдурахмон танча ёниға келиб ўлтурди ва ер остидан Шаҳодат муфтиға қараб илжайди.

– Шундай қилиб, мирзо Анварни қиз билан қочурдингиз?

– Қочириниш бўлса, қочирдиқ ва лекин қордан қутилиб ёмғурға тутилдиқ, мулла Абдурахмон.

– Мен эшитдим.

– Қулди явмин батар² – буниси ундан қабихроқ бўлди... Беш кундан бери юраклар зардобка тўлди, мулла Абдурахмон. – деди муфти.

¹ Оллоҳ сабр килгувчилар билан биргадир (Оят 1) (муал.)

² Қулди явмин батар - кундан-кун баттар.

– Кеча бизникига йўқлаб борган экансиз. Сиз кетибсиз, мен келибман-да: кўп афеус қилдим. Бу кун мулла Калоншоҳни олиб, сиз билан суҳбатлашиб қайтайлиқ, деган ниятда...

– Қуллик, тақсир, қуллик, – деб мулла Абдурахмон қимирлаб ўлтурди. – Мен Анвар билан Султонали можаросини фақат кеча мирзо Бонсдан эшитдим. Бу тўғрини аниқроқ билиш учун жанобингизнинг хизматингизга борганим эди.. Хўш, ҳаводис нима?

– Ҳаводисми? Қани сўзланг-чи, мулла Калоншоҳ.

Калоншоҳ сўзлай беринг, дегандек Шаҳодат муфтининг ўзига ишорат қилди. Шаҳодат муфти кўзини юминқираб, ҳаводисдан¹ саҳифа очди:

– Ҳаводис шулки, Анвар борасига сизнинг олган нишонингиз жиддан тўғри тушиб, биз куткандан ҳам зиёдроқ самарага эришкан, яъни мағрур гўдагимиз қизни олиб қочқан... Мулла Абдурахмон ҳакимона илжайди, шаҳодат муфти давом этди:

– Чамаси, нисфи шаб-ярим кеча асноси, дўстим, деб ёнида қиз, Султоналининг уйига келган. Султонали тонг отқунча икки гўдакнинг кўйинини нуч ёнғоққа тўлатиб чиққан, эрта билан улар уйқуда ётқанда, Султонали ўрдақа югуриб келган; воқияни тунқотар хонга йўлиқиб, хоннинг буйруғи билан ёнлариға ясовуллар олиб келсалар, ошиқ-маъшук йўқ, улар жойида Султоналига аталган бир сабинома² бор... Чамаси, Султонали аблаҳлик қилиб, Анварни бад олдириб қўйган ва тонг вақти, улар уйқуда экан чоқда ғойиб бўлиб, яна шубҳани ортдирган бўлса керак. Султонали Анвар билан қизни тутиб бералмаса ҳам, баҳарҳол хонга яхши кўриниб, Анварнинг ўрнини олишқа муваффақ бўлди. Барча ҳаводис мана шундан иборат.

Абдурахмон ҳикояни эшитқандан кейин, бир неча вақт сўзсиз ўлтурди. Танчадаги оловни тузатар экан, ер остидан муфтиларга қараб илжайди.

– Мирзо Бонсдан ҳам шу маолни³ эшиткан эдим, – деди ниҳоят. – Жанобларининг фикрлари балки тўғридир, аммо мен бу маолдан бир оз шубҳа қиламан...

– Яъни, масалаи?

¹ Ҳаводис – ҳодисалар, воқеалар.

² Сабнома – сўкиб, таҳқир қилиб ёзилган хат (маъл).

³ Маол – мазмун, маъно.

Абдурахмон қўлини ўйнаб, яна бир оз сукутда ўлтурди, сўнгра лаби оҳиста-оҳиста очилиб юмила бошлади:

– Бу ҳаммаси Султонали билан Анварнинг ўюнидир, деб ўйлайман... Бу андишамга бир неча сабаблар ҳам бор. Жанобларидан махфий эмасдирким, биз ўзаро қандай яқин бўлсақ, Султонали билан Анвар ҳам ўзаро шундай қалин дўст эдилар. Бинобарин, ақлга «қарға қарганинг кўзини чўқур эканми?» деган савол келадир; жаноблари шу борани қандай тушундилар экан.

Шаҳодат муфти Калоншоҳқа қараб қўйди, Калоншоҳ парвосизроқ кўринар эди. Орада яна бир неча вақт сукут ҳукм сурди.

– Султонали сармуний бўлиш учун дўстидан кечса ҳам мумкин, – деди муфти. – Иккинчи тарафдан, сизнинг фикрингиз ҳам эҳтимолдан баонд¹ эмас.

– Султонали дўстидан кечмай туриб ҳам бу найрангни қилса мумкин эмасми, домла? – деб кулди Абдурахмон. – Масалан, хон олмоқчи бўлган қизни қочирғучи Анвар икки бошдан-ку, қайтиб сармуний бўлолмайди, бошқа тарафдан, хиёнаткор дўсти бўлиб танилган Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида туради... Бас, шу ҳолда бу найранг тўқилган бўлса, яна тўғриси, шу ҳийлани Султоналининг амнияти талаб қилган бўлса, сиз билан мен ғайраз² қандай мантиққа суяна оламиз?

Шаҳодат муфти ўридан турди, Абдурахмоннинг ёнига келиб, орқасини қоқди:

– Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Сени туққан онамга ва ўқутқан устозингга раҳмат.

Абдурахмон ерга қараган ҳолда илжайди. Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқуй-ўқуй, нос чакиб ўз жойига ўлтурди.

– Мулла Калоншоҳ-а, шу гап бизнинг ақлимизга асло келмабти-да?

Шаҳодат муфтининг хурсандлигига қўшулмай, тунд ўлтурғучи Калоншоҳ, парвосиз қўлини оловга иситди.

– Мен шу андишани ҳам қилган эдим, – деди бир оздан кейин Калоншоҳ, – лекин ақлим бовар қилмаган эди ва ҳозир ҳам бу фикрга қўшила олмайман.

– Сабаб?

¹ Баонд – узок.

² Ғайраз – бошқа.

– Боеис шулки, Султонали Анварга суиқасд қилмағанда ҳам унга ҳеч гап йўқ эди. Аммо ул хонға қаробат¹ ҳосил қилиш учун аздаҳидил Анварнинг қасдиға тушканким, бунда шубҳа йўқ.

Ўзгалар тарафидан сўзланган фикр ёки баҳс ҳар қанча маантиқий бўлганда ҳам Калоншоҳнинг қарши чиқиш феъли бор эди. Унинг бу феълиға яхши тушуниб қолған Шаҳодат муфти бош чайқади.

– Биз янглишамиз.

Калоншоҳ яна юқоридағи сўзини такрорлади:

– Бачи маъни янглишамиз? Мулла Абдурахмоннинг ўзи ҳам ўйлаб кўрсин, башарти Султонали дўстлик юзасидан Анварни қочириб юборганда ҳам унга ҳеч бир зарар йўқ эди. Бас, Султоналининг ҳамма ҳаракати тўғри, Анварга хиёнат қилиши мансаб умидида эканлиги шубҳасиз.

Орада ўз фикриға қарши шунча раддия ўтса ҳам парвосиз, гўё муроқабада² ўлтурғучи мулла Абдурахмон яна илжайиб бош кўтарди.

– Султоналининг Анвар билан оши қатиглиги ўрдада ҳар кимға маълум-ку, домла. Башарти ўз уйида турган Анварнинг хиёнати тўғрисида ўзини тағофулға солса, мардумнинг кўнглиға нима гап келар эди, айниқса, жанобларингиз қандай андишаға тушар эдингиз... Ожизнинг фикримча, ул найрангбозлар бир ўқ билан неча қушни урғанлар, масалан, жанобға Султоналининг садоқати зоҳир бўлди, сармуишийлик вазифасиға беозор ўлтуриб олди ва учунчидан, мардум кўзини бўяди.

– Баҳарҳол... баҳарҳол Анварға қарши чиқмағанда ҳам Султоналини на хон ва на биз айблаш олар эдик.

– Хўш?

– Хўш-пўши йўқ, – деди қизишиб қолған Калоншоҳ, – биравнинг устиға қўйиш учун, шаръан шоҳидлар лозим, даъвони исбот қилиш керак... Хах-хах-хах, сен фалончи гуноҳкор билан дўст эдинг, дея кишини айблаш. Масалан, ушбу даъвони қилғучи ўзингиз ҳам уларнинг маслаҳати устида бўлмағансиз; фақат шундаймикин, деган мулоҳазада сўзлайсиз, ҳолбуки, сизнинг сўзингизнинг шаръан тўрт пуллик қиймати йўқ, ука...

¹ Қаробат – ақинлик

² Муроқаба – мушоҳада қилиш

Калоншоҳ жуда қизишиб кетди, «шаръан сўзингизнинг тўрт пуллик қиймати йўқ, ука» таҳқири билан мулла Абдурахмон ҳам бўзариб олди.

– Меним сўзим бир мулоҳаза, тақсир, мулоҳаза шаръан исботка буюрилмаган. Ҳоказо, ўзингиз айтканча, гўё маснад¹ учун жон отиб юрган Султоналининг зоҳир² ҳаракатига ҳам ишониб бўлмайди.

– Шунинг каби, сизникига ҳам вусуқ³ йўқ.

– Мен айтаяпман-ку...

Жанжалнинг каттага кетишини фаҳмлаган Шаҳодат муфти Абдурахмоннинг сўзини бўлиб, ораға тушди:

– Баҳс нима ҳожат? Мулла Калоншоҳники ҳам тўғри, сизники ҳам ҳақиқат... Аммо ҳозирги масаламиз қайси фикр тўғрилиги устида эмас, қайси йўл билан Султоналини бу ўрундан олиб ташлаймиз борасида.

Кўб йиллардан бери бирга юриб, ўз руҳига тушуниб қолган Шаҳодат муфтининг бу сўзи билан Калоншоҳ өзгина ёришди.

– Ана бу бошқа масала, – деди, – мулла Абдурахмоннинг фикрини тўғрим, эгрим, суриштирмай, унга фақат бир тадбир деб қарасангиз бу бошқа гап, аммо маъзи ҳақиқат⁴, деб билиш бус-бутун хато.

Шаҳодат муфти бу масалани ёпиб, иккинчи тарафка ўтишга шошилди. Чунки Абдурахмон яна бир илжайиб икки оғиз сўз айтса Калоншоҳнинг оғзини тикиш оғир ошар, Шаҳодат муфти буни яхши оғлар эди.

– Халос, халос, – деди муфти, – ...Аммо мулла Абдурахмон мулоҳазасининг қиймати шундаким, Султонали муаммосини тез ҳал қилса бўлур.

Муфтининг сифориш⁵ сўзлаши билан Калоншоҳ жуда ҳам ўзига келиб қолди ва «ҳалли⁶ қандай?» деб ёвошқина сўраб ҳам кўйди.

– Ҳалли осон, жуда осон, – деди муфти, – Биз мулла Абдурахмоннинг мулоҳазаси айни билан жанобга бир ариза ёзамиз, ҳолос.

¹ Маснад – мартаба.

² Зоҳир – ошқора, очик.

³ Вусуқ – ишонч.

⁴ Маъзи ҳақиқат – фақат тўғри гап.

⁵ Сифориш – меҳрибонлик, ҳурмат.

⁶ Ҳалли – ҳал қилиниши.

Мулла Абдурахмон намоёншкор Калоншоҳга қараб, ўнг қўли билан манглайини қашиди... Аммо Калоншоҳ қаноатланмагандек қилиб бош чайқади.

– Хон Султонаlining садоқатига қаноат ҳосил қилган, яна шу ҳолда бу аризага ишонарм а еткарсак бас-да, Калоншоҳ.

– Агар ҳақиқатни айтилса, хон ўзидан бошқа ҳеч кимга эътимод¹ қилмайди, – деди муфта, – хайр, Султоналига эътимод қўйган ҳам бўлсин, яна бу тақдирда ҳам биз аризани ёза берамиз. Нега? Агар ишонса, Султонаlining ўрдадан ҳайдар, ишонмаса, яна бизга нима зарар? Бу гап сизга қандай ўхшайди, мулла Абдурахмон?

Абдурахмон кўзини катта очиб, тўғри топқан каби бош ирғатди.

– Аризамиз ўрунласа кўб яхши, билъакс, ўрдадан ўзимиз ҳайдалурмиз, – деди Калоншоҳ.

– Нима учун? – деб сўради муфти.

– Ахир аризани ким берганлиги маълум-ку.

– Йўқ, – деди муфти. – Биз ариза остига имзо қўймағаймиз, Калоншоҳ.

– Имзосиз ариза мутаъмад² бўлмас.

– Мутаъмад бўлсин-бўлмасин бизга нима зарар? Баҳарнав шу эътимолни хоннинг қулоғига еткарсак бас-да, Калоншоҳ.

– Кимнинг дастхати билан ёзасиз?

– Бу осон, сиз бунисидан хотиржам бўлинг, Калоншоҳ!

Калоншоҳ ноилж ариза ёзишқа роғиб³ бўлди. Аризанинг шу мажлисида, мулла Абдурахмон ҳузурда ёзилиши мувофиқ кўриниб, муфти таҳрирга ўлтурди.

ИККИ ХИЛ САДОҚАТ

Кечаси ёмғур савалағандай ёғиб турадир... Қоп-қоронғи, олти қаричлик тор кўчанинг муюшида турган бир кўлага ёмғурдан қочқан каби кичкина эшик панасига сиқилган ва зўр бериб эшикни қоқадир.

– Ким?

– Мен, очинг.

¹ Эътимод – ишонч.

² Мутаъмад – ишончли.

³ Роғиб – мойил.

– Сафармисан?

– Ҳа.

Эшик занжири «ширқ» кўтарилди. Ёмғурда бўккан Сафар ўзини торғина, олди очиқ йўлакка олиб, эшикни занжирлади.

– Тинчликми?

– Тинчлик, – деди эшик очқан кампир, – Нега кеч қолдинг Сафар?

– Ёмғурни кўрмайсизми..

Сафар кампирнинг орқасидан сўзланиб саҳнга чиқди. Тор саҳннинг йўлак қаторида, тўрт бўйра эни катталигида ости бир қаричқина ердан кўтарилиб ишланган каталак айвоннинг тўр тоқчасида қора чароғ сасиб ёнадир. Сандалнинг бир чеккасида гўза суғуриб ўлтурғучи бир кекса кўр киши қўлидаги гўза пўчоқ ва суғурган пахтаси билан бошини баланд кўтариб ҳавлидаги сўзга қулоқ солиб турадир.

Сандалнинг иккинчи тарафида, юзини рўмоли билан яширган, хотинми, қизми – ўлтуриб, сандалнинг учунчи томонида, бир тўда чиқарилган пахта орасида чиғирик кўринадир...

– Ойим қизим бизни жудаям уялтирди, Сафар, – деб сўзланди кампир. – Шунча қайтарсақ ҳам бўлмайди, эрта-кеч отасининг ёнида гўза суғуришади.

– Синглим зериккандир-да, опа, – деди Сафар. – Эсон-омон ўлтурибсизми, почча, ассалом алайкум.

Кўр киши бошини ҳам баландроқ кўтариб, икки тарафка чайқади.

– Ваалайкум салом... Ҳа, нега жим бўлиб кетдинг, Сафар? Мулланинг олдига кирақо, ёмғурда ивидингми, хўб.

Сафар таичадаги юзини яширғунча қарамаслиққа тиришиб даромади айвондан бўлган хужра эшигига чиқди.

– Эски ҳикояларингизни сўзлаб, опамни зериктирмай ўлтурибсизми, почча?

– Ҳа, ҳа, – деди кўр киши, – қизимнинг ўзиям ҳикояга жуда уста экан-да, дам мен ҳикоя айтаман, дам ойим қизим айтади: асти қўйсанг-чи бизни, Сафар.

– Бали, бали.

Сафар хужранинг эшигини очиб, ичкарига кирди. Сандал устига қора чароғ қўйиб, олдига китоб ёзган Анвар Сафар бўзчининг истиқболига қўзғалди.

– Ўлтуринг, ўлтуринг, шу ишингиз ёмон-да, мирзам... Саломатмисиз? Зерикмадингларми? Уч кун кечикдим-а, мендан хафа бўлган чиқарсиз-ов... Ҳа деганда у ёқдан хабар бўлавермади, унинг устига аёллар навқасланиб¹ қолди...

– Зарари йўқ, тоза ивибсиз, Сафар ака. Асли бу кун ҳам чакки овора бўлгансиз.

– Жаззаси чопонни солиб² ташлаш-да, мирзам,- деди Сафар чопонни ешиб. – Қани ўлтуринг... Юртда тинчлик, ёр-дўстан сизга салом, мирза оғайнингиз хотиржам мирзабошилиқни қиляпти... Мен бўлсам, сенгаям бали, устозинггаям бали, деб юришпан.

Анвар илжайди. Сафар бўзчи сандал ёнига ўлтуриб, маҳсининг кўнжидан бир қоғоз олди. Анвар қоғозни ундан олиб сандал устига қўйди. Қозикда осилган чопонини келтириб, Сафарнинг яктакчан елкасига ёпти.

– Шамолдайсиз, Сафар ака, ўраниб ўлтуринг.

– Ҳамма вақт кайиб қоғансиз-да, мирзам, – деди Сафар ва устига ёпилган беқасам чопонининг астар-аврасини текширди. – Тоза яхтак киймаган эдим, бунингиз менга увал-да, ука, – деб сиқилинқиради. Анвар ўлтурар экан, эътиборсиз қўл силкди ва сандал устидан хатни олиб очди:

«Баланд мақом, лойиқи эҳтиром, буродарим мирзо Анвар.

Дўстлар шод, душманлар ғамгин, явми саодат³ яқиндир... Каминага хоннинг эътимоди⁴ ёндашмоқда ва ул андешаларимиз эҳтимоли биздин узоқлашмоқдалар. Можаро бир неча кун сир бўлиб кечса ҳам, алҳол ўрдадин баъзилар бу сирга воқиф бўлганга ўхшайдирлар. ...очик сўзлашқа ҳеч кимда ҳад йўқ. Аммо, иккинчи тарафдан, сизни излашқа махфий буйруқлар берилди, дарвоза беклари ёнига хуфиялар юборилди, бинобарин сиздин илтимос, ушбу хавфлар кўтарилгунча бениҳоят эҳтиёт бўлиш, Тошканд ниятини бир неча ҳафтага мавқуф⁵ қўйишдир. Хизматингизга Сафарбой билан ушбу хатни озгина кечиктириб юборишим боиси ҳам мазкур хавфлар борлигининг бўлиб, маълумингиздир, Сафарбойнинг табиатида андак бебоклик⁶ ва

¹ Навқасланиш – ҳолсизланиш, дармонсизланиш, касалд чалиниш.

² Солиб – ечиб.

³ Явми саодат – саодатли кунлар.

⁴ Эътимод – ихлоқ, ишонч.

⁵ Мавқуф – тўхтов.

⁶ Бебоклик – мулоҳазасизлик.

лоқайдлик бор... Иккинчидан – сизга тегишлик ажабланарли хабар шудирким, кеча ўрдадин қайтиб келсам, меҳмонхона саҳнида уч нафар йигит ўлтирибдир. Ҳар учави ҳам бизнинг Фарғона кийимида бўлмаган бу йигитларни ариза ёздирғали келганми, деб ўйладим. Салом-алиқдин сўнг уларни меҳмонхонага олиб кирдим. Сўрашишгач, йигитлардан бири меним ким эканлигимни аниқлаб олди, сўнг афсус чекиб, сизнинг можаронгизни сўзлади. Мен тамом ҳайратда қолиб, хуфияларми, деган андешага тушдим. Бу ҳодисани кимдан эшитдингиз, мирзо Анварга қандай алоқангиз бор, деб сўрадим. Опамдан эшитдим, ўзим мирзо Анварнинг оғаси бўламам, деган жавобни берди. Мен таажжубда қолдим; зеро, оғангиз борлигини сиздан эшитмаган эдим. Ўткан хатимда ёзганимча, бу йигитка ҳам опангизга берган жавобни айтдим, яъни, ўзимни оқлаш учун ҳодисага бир мунча ёлғон аралаштириб сўзладим. Йигит – оғангиз бўлмиш афсус чекти, ўн йиллардин бери Қўқонда бўлмаганлигини, бухоролик бир саркарда эшигида хизмат қилганлигини, қариндошларини кўриш учун Бухородан Самарқандга келиб, у ердаги катта оғасини тополмаганлигини, ундан Қўқонга ўтиб, бунда ҳам сизга йўлиқолмай қолганини сўзлади. Шундан сўнг унинг устидаги шубҳам бир оз ариб, кўнгил кўтардим. Оғангиз бўлмишнинг ёнидақи йигитлар бизнинг бу тараф кишига ўхшамайди. Булар оғангиз бўлмишнинг ҳамроҳлари Қўқонни томоша қилғали келган эмишлар. Сизга оғалиқ даъво қилгучининг исми Қобилбой, туси сизга ўхшаб келса ҳам, паҳлавон йигит ва ҳар учави ҳам забардаст кўридилар. Ҳарчанд қистасам ҳам, уларни овқатқа тўхтатиб бўлмади. Сиз кечаги мактубингизда менинг сармушшй тайинланишимдан ташвишланиб, орада муфтилар, Абдурахмонлар бор, сизга бирар заҳмат етарми, деган андешани ёзибсиз... Ўткан хатимда ёзганимдек, бу «марҳамат»дан бош тортишқа ҳеч бир йўл топмадим, агар узр баён қилсам, сизни тутиб беришқа бўлган ҳаракатимнинг сохталиги очилиш эҳтимоли бор эди. Чунки хонга садоқат бизнинг «одамлар» фикрича, бирар манфаат тақозосидир. Агар мен хонга «садоқатлик қул» эканман, бу «садоқат» замирида бир манфаатим бўлмоғи лозимдирким, ул ҳам бу дўстимнинг ҳалоғи¹ «садоқатимға» қурбон қилиб, эвазига сармушшйлик маснадини² олишимдир. Башарти

¹ Маснад – мансаб, амал.

² Ҳалоғи – ҳалғи.

шу маснаддан бош тортсам, менга ишончсизлик туғулиши шубҳасиз эди. Бас, шу мажбуриятдан мен бу вазифани қабул қилдим. Менга заҳмат етиши тўғрисида сиз ташвиш чека кўрмангиз, модомики, тақдирим шу экан, ўзгаси мумкин эмасдир. Бу йўлда қанчалик заҳмат чекмайин ва ҳатто бошим ҳам кетмасин, меним учун қийматлироғи инсонга садоқат ва шу садоқатни то ўлгунча қўлдин бермасликдир. Синглимиз Раъно-бибига салом айтурсиз. Ота-оналарига ҳеч бир зарар бўлмади, фақат «ҳадялар»нигина қайтариб олдилар. Охирғи сўзим яна эҳтиётлик устида: зинҳор-зинҳор ҳар эҳтимолга қарши ҳозир турилсин.

«Аддон мирзо Султонали».

Анвар мактубни тугатиб, олдида ёниб турган қора чароққа тутиб, куйдирди.

– Эҳтиёт керак-а, Сафар ака?

– Албатта, мирзам, албатта.

– Бу кеча қоласизми, кетасизми?

– Кетмасам бўлмайди, Султоналингиз хафа қилади, ука.

Анвар кулди.

– Кетсангиз хат ёзиб туришим керак экан, – деди ва тоқчадан сиёҳ-қалам олди. – Исидингизми, Сафар ака?

– Ҳа-ҳа, жон кириб қолди, мирзам...

«Қир-қир» хат ёзиб борган Анвар, савоғич қалам учини сочига суйкаб, қаламга ёпишқан лос қилчигини туширар экан, Сафар бўзчига юз ўгирди:

– Мундин сўнги келишингизда мирзо Султонали ёнингизга бир киши қўшса керак. Сиз бу йигитни бу ерга олиб келасиз, ўзи менинг оғам бўладир, хўбми?

– Хўб, мирзам, хўб. Мирза оғайнингизга шуни тайинлаб битсангиз бўлди-да.

– Шундай, мен битяпман.

Анвар яна ёзувга қаради, Сафар бўзчи сандал кўрпасига ўраниброқ ўтирди. Ташқарида ёмғур тинаёзиб, кучлик шамол кўзгалган, ёмғур томчиларни гоҳо том устига тўпиллатиб қаттиё туширар, дарича тирқишидан кирган шамол билан қора чароғ чайқалиб-чайқалиб ёнар, айвондаги кампирнинг чиғириғидан гижиллаб чиққан товуш мушук бола мовлаган каби ҳужрага эшитилиб турарди.

БАРИМТА¹

Кун чошгоҳдан ошиб, Чорсуда халқ олағовури бошланса ҳам, бўш дўконларнинг бирида уч нафар йигит ҳануз донг қотиб ухлар эди. Чорсуда бўлиб турган тарс-тўполон гўё бу уч йигитни аллалар эди. Бошига биттадан шапарак кир ёстиқ қўйиб, остига яланг қават тақир кўрпача ёзган ва устига гуппи чопонини ёпиб, яна шу ҳолда баҳузур хуррак отиб ухлаган бу уч йигит мусофирга ўхшар эдилар. Улар шу йўсин роҳат қилиб ётганда тахтабандлик дўкон ёнига ташқаридан биров келиб тўхтади ва ҳамма товушини қўйиб, бақириб юборди: „Тўхта, ҳовв Наврўзкул!“

Ухловчиларнинг иккиси пинагини бузмади, аммо дўконнинг тўрида ётган чувак бир йигит чўчиб, бошини кўтарди, уйқулик кўз билан атрофига қарагандан кейин, ҳамёза тортди, керишди. сўнгра энг четда ётувчига кўзи тушиб, ёнидаги йигитни туртди:

– Тур, Шариф, тур, пешин бўлибту!

Иккинчи йигит кўзини очди:

– Э, қўйсанг-чи, Раҳем.

– Тур-да, ахе, ана Қобилбой ҳам кеб тўхтабту!

Шарифбой ёстиқдан бурилиб, ёнидаги учинчи йигитга қаради:

– Палакат, қачон келган экан?

– Ким билсин. Инисини бо учратдимикин? Қани, уйғот-чи, палаканини!

Шарифбой ётган жойидан қўлини узатиб, Қобилбойнинг муртидан тортди, Қобилбой гингшиб уйғонди:

– Тек ёт, Шариф!

– Инингга йўлиқдинги-ми?

– Йўлиқдим, икқавингга салом айтди, – деди Қобилбой ва юзини улардан четга ўгириб олди. – Бир оз тинч қўй, ухлайман.

– Ийби, ийби, – деди Раҳим. – биродаринг аҳволини гапир-да, ахе. Барпадари уйқуки, пешингачикин бўлса, кўчага бўлиб ётган тўпалангни гўшингга иласанми?

– Кеч келдим, кўп жаврама-чи, Раҳим!

– Қорунни тўйгузиб, сўғун ухла, ақун! Қоринлар ҳам пиёз бўлиб тўхтабту, нонуштани қаерга қиламиз, Шариф?

– Чойхонага кетамиз.

¹ Баримта – гаров

– Қани, сен ҳам кафанингни ёпиниб, шундайчикини ётма. Палакатиң бо ухлаб кетдими?

Иккиси туриб кийина бошладилар. Раҳим узун белбоғини тўғрилар экан, бир қанча чақа ва тангалари ерга сочилиб тушди.

– Ўху, ўху, сабил, – деди Раҳим пулларни териб. – Худо буларни ҳам кўп кўрди чоғи, акун, Қўқонинг бизга тўғри келмади, иш топилмайде, пул сочиладе, оч қоламиз чоғи, Шариф?

– Қобилбойнинг Қўқонжонига лаънат, – деди Шариф, – лоақал темирчи ҳам шогирд олмайди, бизга бирон иш топиб бермаса, тўп-тўғри нар хар¹ Қобилнинг устига минамиз?

Буларнинг вақирлашига уйқуси ўчиб кетган Қобил, тўнғир-тўнғир бир нарсаларни сўзлаб, ёстиқдан бошини кўтарди.

– Чумчуқдек чирқиллашдинглар-да, тожиклар! – деди Қобил. – Ишсиз қолган бўлсаларинг, Тошкандга кетамиз.

– Ана-ана, яна топди гапни! – деди Раҳим. – Валдир-валдир қиласан, Қобилбой, акун, Тошканд бориш учун пул қани?

– Пул топилади.

– Пул топилади?! – деб кулди Раҳим, – бу бепадар бойвачанани қара, Шарифбой!

– Пул топилади, – деди яна Қобилбой ва яктагини чўнтагига қўл солди. – Паст одамсанлар-да: биринг темирчининг ўғли, иккинчинг шустагарнинг² боласи...

– Вой-вой! – деди Раҳим, – назари баланд бўёқчининг ўғлидан хафа бўллем!

Қобилбой чўнтагидан бир нарса олиб, уларнинг оёғи остига ташлади ва ўзи, оғзини катта очиб, ҳамёна тортди.

– Ана пул керак бўлса ол, сендекларни бир йил боқади!

Раҳим билан Шарифбойнинг оёқлари остига икки тилло келиб тушди, улар бир олтинларга ва бир Қобилбойга қараб қолдилар:

– Ийби, кимни ўлдирдинг?

– Ота касбим одам ўлдириш эмас.

– Иниси берган! – деди Шариф. – Қани, ининг билан кўришдингми, Қобил?

– Кўришдим.

– Одами нағз бўлгон?

– Одами нағз.

¹ Нар хар – данги, эркак эшик.

² Шустагар – юнчи, мурдавий.

– Ақун шу қочиб ёта берайкан-да, – деди Раҳим. – Бирон чора боқсин-да, айтмадинг-чи, ахе?

– Айтдим... Пайт топиб ҳаммамиз Тошканд кетмақчи бўлдик.

– Балли-балли! – деди Раҳим ва Шарифга қараб қош қоқди. – Тошканд кетамиз дигани тексиз эмас экан-да, палакалатингни. Ҳай, иш битти, Қобилбой, Тошкандга юрамиз, ўрусингни ҳам бир кўрайлик¹.

Шариф ерда ётган икки тиллони олиб Қобилга узатди:

– Ма, тиллангни киссанга тиқ, Қобел! Қобил олмади.

– Тилло ўзларингга, иккавинг бир тиллодан бўлиб ол.

– Аччиғингни қўй, ахе, биз сенга даҳанаки айтик-да!

Қобил кулди ва парвосиз кийина берди.

– Олмайсанми, палакат.

– Ўзларингга деяпман-ку, иним сенларга атаб берди.

– Биздан қарзи йўқ-ку, ахе?

– Тушунмаган одамларсан-да! – деди Қобил. – Иним, қочиб ётқон ҳолда уларни меҳмон қилолмадим, деб сенларга шу икки тиллони бериб юборди... Энди тушундингми?

– Вой, палакат... Ҳали сен бизни ўз пулимиз билан бетимизга урдинг?!

Қобил кулди. Улар иккиси бирининг оғзидан бири олиб, Қобилни паст уриб, Анварни мақтаб кетдилар.

– Сан отанг ўғли эмассан, агар отанг ўғли бўлсанг, мирзо Анвардек меҳмондўст бўлайдинг! Мирзо Анвар меҳмоннинг бетини кўрмай, бошидан тилло нисор қилганда, сен палакат бизни дўконхонага қамаб қўясан! Буродаринг бўлмаса, Қўқонжонингни кўтариб оғзингга урайдик, мурунингдан мағзи саринг² оқиб тушайди!

Қобил бир нарса деб тўнғиллади.

– Э, тўнғиллама, палакат! Биз пул ошноси эмас, одам ошноси... Сени бозори подшога олиб чиқса, оғзига тиш бор, деб саккиз пулга ҳам олмайди, ба худо!

Улар шу ҳангоманнинг устида эдиларки... Чорсудаги шовқин-сурон ичидан баҳайбат бир ҳайқириқ эшитилди; бозор олағовури бирдан кесилиб, бу учовни ҳам ташқарига қулоқ солиб қолдилар:

– Эй-й-й-й.

¹ Шу вақтларда Тошкент руслар қўлида эканлиги унутилмасин Муаллиф!

² Мағзи сар - миғ қатиги.

– Бозор аро йиғилишиб гул терганлар!
 Қасам ёдлаб, подшога сўз берганлар!
 Мирзо Анвар отлиқ элга маълум киши,
 Ўрда ичра қаламкашлик эрди иши.
 Арзимаган гуноҳига қочди, кетди.
 Бундан андак подшоҳга озор етди.
 Унинг дўсти Султонали номлик мирзо
 Бу қочишдан чекмакдалар беҳад изо.
 Мирзо Анвар гуноҳида тойилди зор¹,
 Халойиқни тўхтатишдан мақсадим бор.
 Эрта пешин асносида Султонали
 Орсиз Анвар гуноҳига ўлгай, бали.
 Жамиятда ҳозир бўлса осий Анвар
 Ёки унинг дўсти, ошносидин бирар.
 Гуноҳингга Султонали ўлар, десин,
 Эрта пешин вақти, афсус, сўлар десин.
 Имонли қул нафси учун дўстин сотмас,
 Гуноҳи йўқ ошнасини ўтга отмас.
 Қулоқ солган гуноҳсизнинг фарёдига
 Дард қолмагай, етар ҳар вақт муродига!

Жарчи тўхтади, шовқин-сурон яна эскича давом этди.
 Жарнинг давомида қулоғи тиккайиб, кўзи катта очилган
 Қобилбой сукутга кетди...

– Нега хомуш тўхтадинг, Қобил? Акун жарчинг нима деб
 вақирлайди?

Қобил жавобсиз бошини чайқади.

– Гапур, – деди Шариф, – Мирзо Анвар, осий Анвар, деяпти
 чоғи?

Қобил яна жавоб бермади.

– Забонинг бор, ахё, буродарингни тутканлар-чи?

– Йўқ.

– Бўлмаса нега ундайчикин хомуш тўхтадинг?

– Энди тутмакчилар...

– Энди, тутмакчилар? – деб заҳарханда қилди Раҳим.—

Дарди ҳаринани тутати!

– Тушунмай ётибсанлар, анови кун биз бир мирзонинг уйига
 борган эдик-а?

¹ Гуноҳида тойилди зор – гуноҳига қолди бечора.

– Ҳай.

– Ана шуни, сен Анварнинг дўсти эдинг, деб баримта¹ ушлаганлар... Эртагача Анвар келмаса, шу Султоналини ўлдурар эмишлар!

Жар маъносига энди тушунган йигитларнинг юзида бирдан ўзгариш кўрилди, кўзлари оқ ишорасини қилди. Чунки жини кўзиб кетган Раҳим, бутун дўконхонани бошига кўтариб бақира бошлади.

– Бу хон йўқ², бу даюс! Вой дар даҳанат хонаша!..

– Секин-секин! – деди қўрқувлик Қобил ва ўрнидан туриб кетди, – бир фойдаси борми, жинни!

– Вой дар даҳанат хонаша!..

Қобил югуриб бориб, дўконхона эшигидан кўчага қаради.

– Қўй акун, даюсинг мени ҳам бўғиз қилсин... Вой дар даҳанат,..

Раҳимнинг эскидан шунинг сингари асабий оғриғи бор эди, Шариф билан Қобил унинг феълига яхши тушунар, у бирор ҳақсизликка дуч келса, гарчи масаланинг ўзига тааллуқи бўлмаганда ҳам шунинг сингари жинни бўлиб олар эди. Раҳим уч-тўрт дақиқа сўкиниб, титраб дўконхонани бошига кўтаргандан кейин тиричиди. Қобил дўконхона эшигини ёпиб, ўртоқлари ёнига келди. Учови бир неча вақт хомуш ўтирдилар.

– Шу бевафо дунёга бир иш қиламиз, Қобилбой, – деди яна кўзи олаланган Раҳим. – Даюсингни зиндони қаерга?

– Зиндонни нима қиласан?

– Ана мен бор, ана Шариф, ана сен! – деди Раҳим. – Шу тунга учовимиз бориб ё ўламиз, ё шу бечорангни рўшноликка оламиз!

Қобил манглай остидан Шарифга кўз юборди. Шариф кулимсираб, Раҳимга қаради.

– Э, сенга чи бало шуд³?

– Ҳеччи – деди Раҳим – Акун биз дунёга нима олиб борамиз, ҳай ўлдук: дунёга ўн тилла пулимиз қолайдими, ё уйга сочини тараб тўхтаган хотунимиз қолайдими!

– Йўқ, қолайтикони йўқ! – деди кулиб Шариф.

¹ Баримта – гаронга, кафила олин.

² Бу хон йўқ – бу хон эмас.

³ Чи бало шуд – сента нима бало бўлди.

– Дасташа гир! – деди Раҳим, Шариф билан Қобилга икки қўлини чўзиб, улар, иккиси ҳам илжайган кўйи қўлларини бердилар. Лафзатон якми?

– Як-як, Раҳим дав!

– Ҳазилаш нест?

– Нест!

– Тамом, – деди икки қўлини бўшатиб Раҳим. – Шуд!

Бу аҳдлашишдан сўнг учови ҳам ҳомуш қолдилар. Ташқарида шовқин-сурон давом этар, узоқроқ жойдан қаландарлар талқини эшитилар ва дўкон ёнидаги бир каллапаз зўр бериб ёғлиқ хасипни мақтар эди. Палос устидаги чўпларни ўйнаб ўтирган Қобилбой узоқ сукутдан бош кўтарди.

– Менинг бир неча ерларга боришим керак экан.

– Қаёнга?

– Кеча мени олиб кетган бўзчининг уйига, ундан кейин инимнинг олдига.

– Нима учун?

– Балки Султоналининг қамалиши ёлғондир, агар чин бўлса, иним билан албатта кенгашиш керак. Ўринсиз кучаниб қолмайликда.

Шариф Қобилнинг сўзини маъқуллаб, бош ирғатди.

– Ҳай, кет!¹ – деди Раҳим. – Биз шу ерга бўламиз, ханжарларни чархга тоблаймиз. Кўп тўхтама, палакат.

Шариф ва Қобил унинг жиддиятидан кулимсишдилар. Қобил дўкондан чиқди.

ХАЙР ЭНДИ, РАЪНО!

Хотин-қизлар жинсидан продаси кучли, ҳатто эрлардан ҳам жасурроқ шахсларни кўп учратамиз. Шунинг билан бирга, уларни, нақадар кучли продага молик бўлмасинлар, яна ҳиссиётларга мағлуб кўраммиз. Масалан: ҳикоямиз қаҳрамони Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маънос қолган Анварни йўлга солиши – ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқи таҳсини ва Раъно ёшлик қизларимизга ибратдир. Лекин продаси кучли шу Раъно ҳозир яна ҳиссиёти кўлида мағлуб эди.

¹ Кет – борақол.

Бу кеча Анвар оғаси билан кенгашиб, шу кунлар миёнасида Тошканд кетишини ўзига жазм қилди, Раънога ҳам Қўқон билан видолашиш оғир сезилмади. Аммо, масала қатъий ҳал қилинган, Раънода бир тарафдан кўрқинч, иккинчи тарафдан қизиқ яна бир жасорат туғилди: кампир билан биргалашиб ота маҳалласига борар эмиш; ўзи бировнинг йўлагига туриб, кампир орқали онасини айтдириб чиқар эмиш!

Туни билан шуни ўйлаб чиққан Раъно, эрталабдан бери Анварни хафа қилар, ўз сўзида исро¹р этар эди. Кичкина хужранинг сандалиди қаршима-қарши ўлтирувчи Анвар ва Раъно бир-бирисидан ўпкалик қиёфатда эдилар.

– Ҳиссиётга қаттиқ берилибсан, Раъно... Ҳар қадамнингда сени бир фалокат кутади, менга қолса аямга ҳам ишониб бўлмас.

– Паранжи ичида борган Раънони таниш учун ҳеч кимда каромат йўқ; Нега аямга ишониб бўлмасин?

– Сен қочган, аянгнинг обрўсини тўккан қизсан...

– Ҳеч-ҳеч... Аянгнинг кўнглини мен яхши биламан, аям сиз ўйлаган хотинлардан эмас ҳеч!

– Яхши, йўлда ҳам сени ҳеч ким танимасин, кампир ҳам аянгни алдаб олиб чиқсин, аянгнинг ўзига ҳам ишонайлик; яна ҳар ҳолда менинг учун шу қасдингдан кечсанг нима бўлади, Раъно. Биз Тошкентга бориб етган кунимизоқ, соғлигимизни ва узримизни айтиб, хат ёзармиз-ку, жоним!

Раъно жавоб бериш ўрнига бирдан йиғлади, анча вақт кўз ёш тўкиб турди.

– Балки мен... аям билан абадий кўришмасман!

– Ҳай, Раъно, Раъно, – деди Анвар. – Худоёр юз йил яшайди, биз Тошкентда ўлаемиз, деб ўйлайсанми? Ҳайр, кўп бўлса Худоёр яна беш йил яшасин, ваҳоланки, унинг зулми шу йўсин давом этганда, биз чамалаган бу фурсат ҳам кўп; зеро, зулм нақадар кучайса, унинг умри шунча қисқа бўлиши тажрибалар билан собитдир. Агар шунгача ҳам сабринг етмаса, бошқа чораси топилар, Раъно, масалан, аянгни Тошкентга чақирармиз, ёки бир оз эскиртгандап сўнг Қўқонга ўзимиз ҳам келсак бўлади.

Раъно жавобсиз яна кўз ёшини тўка берди, бу ҳолдан сиқилган Анвар, Раънога бир оз қараб турди:

¹Исро^р – қатъийлик, ўзарлик.

– Хўп, йиғлама. Ҳали бир-икки кунсиз йўлга чиқолмасмиз; бу кун кечаси акам келса, эрта бозорга чиқиб йўл ҳозирлигини кўрса, ҳар ҳолда бириси кун кечқурун жўнашимиз ҳам аниқ эмас. Бинобарин, сен ошиқмасанг ҳам бўлади. Ундан сўнг, сенинг ўйлаган йўлинг жуда қалтис, бу тўғрида бошқачароқ тадбир топармиз...

Раъно индамади, бир энтикиб ором ҳавосини ютди ва рўмоли билан кўз ёшисини қуритди. Анвар ўпкалик илжайиб, Раънони янди. Улар шу ҳолда экан, ҳужра девори, кўча тарафдин, уч-тўрт қайта гурс-гурс урилди. Иккисининг ҳам қулоқлари диккайиб бир-бирисига савол назари юбордилар...

– Бегона киши эмас, – деди бир оздан кейин Анвар. – Мен Сафар ака билан кундузи девор уришни шарт қилган эдим... Сен чиқиб кампирга айт, эшикни очсин.

Раъно ҳужрадан чиқди. Бирор дақиқадан кейин ҳовли саҳнига бир неча оёқлар кирди. Бемаҳал йўқлашдан Анварнинг кўнгли ёш тортиб, келувчини Сафар ака бўлар деб ўйлади. Ҳужра эшиги очилиб, ичкарига бири орқасидан бири – Қобилбой билан Сафарбой кирдилар. Анвар яна англашилмовчилик ичида қолди, Сафар аканинг тинчсиз-ҳаяжонли кўзи Анварнинг илгаридан кўриб қўйган бир неча эҳтимолларини хотирлатиб, уларга жой кўрсатди.

– Вақтсиз йўқлашларингиз сабабсиз бўлмас, – деди товушини секинроқ чиқариб Анвар. – Биздан хабар топганларми?

Сафар ҳамроҳига қараб, икки қўлини қовуштириб енглари ичига олди.

– Йўқ...

– Султоналини қамаганларми? – деб яна сўради Анвар. – қамаганлардир!

Сафар ва Қобил бир-бирларига қарашдилар.

– Шундай, мирзам, шундай... Бизлар жуда ҳайрон бўлиб қолдик-да.

Анварда қонсизланиш ва киприк острларида ҳаракат кўрилди.

– Зарари йўқ, қутқарамиз... Қачон қамаганлар?

– Кеча кечқурун... Боя бизнинг уйга Султоналининг хотини келган эди, мен шундан эшитдим. Унинг устига акангиз бориб қолди...

– Сиз кимдан эшитдингиз, ака?

Жарчи хабарини ва бу тўғрида ўртоқлари билан берган қарорни Қобилбой сўзлади. Анвар оғасининг сўзини жиддий эшитиб, бир неча вақт ўйлаб ўтирди.

– Сиз ва ўртоқларингизнинг ҳамиятларингизга раҳмат... Лекин бу йўл билан Султоналини қутқариш қийинроқ, балки мумкин ҳам бўлмас, деб ўйлайман!

– Агар биз унинг қамалган жойини билсак, нима учун мумкин бўлмасин, Анвар? Ўртоқларим юраксиз йигитлар эмас, бу ёғидан хотиржам бўлинг!

– Раҳмат! Албатта бу жасоратни юраксиз кишилар қилолмас. Менинг бу жасоратга умидсиз қарашим сабаби шунинг учунки, бундай шартлик ва нозик маҳбуслар аксар ўрданинг ўзидаги овоққа¹ қамалгувчи эди.

– Ўрдага кириш қийинми?

Анвар бош чайқади.

– Ҳеч мумкин эмас, тун бўйи элик нафар йигит ўрда қўрғони остидан айланиб туради.

Қобилбой маънос Сафар бўзчига қаради. Сафар бўзчи зўр бериб мўйловини тишлаб, узар эди.

– Зиндонга қамалган бўлсалар, эби бор экан-да, тақсир.

– Эби... Зиндонга қамашлари эҳтимолдан узоқ, Сафар ака.

Яна бир неча фурсат сукутда қолдилар. Қобилбой ҳар он тўпписини қайириб, бошини қашир эди. Анвар сандал кўрпасидаги бир ипни узиб олмоқчи бўлгандек қўлини силтар эди.

– Зиндондан хабар олдиришимиз керак экан-да, Анвар?

– Хабар олинса... бўлади.

Қобилбой Анвардан шу жавобни олиб, Сафар бўзчига юз ўтирди:

– Мирзонинг уйига бир киши юборсак-да, унинг хотини эрига таом келтирган бўлиб зиндонга борса... Шу қандай бўлар экан, Сафар ака?

– Маъқул, ука, маъқул.

– Сизга-чи, Анвар?

Анвар „тўғри“ ишорасини берди.

– Бояги андишамизни ҳам айтиб ўтайлик, – деди Қобилбой.

– Биз йўлда бир тўғри мулоҳаза қилиб келдик, Анвар. Сўзнинг рости шуки... Бу уйдан ҳозир кетсангиз маъқул. Ҳарчи

¹ Овоқ – авахта, махсус қамоқ.

одам боласи-да. Ҳалигидек, жони кўзга кўриниб, иқроп бўлиб қўйса...

Анвар бош чайқаб кулимсиради.

– Султонали бундай одам эмас, бундан хотиржам, – деди Анвар қаноат билан ва бир оз ўйлаб турди... – Аммо Султоналининг хотини тўғрисида, бир оз хавфлироқ; хотин киши эримни қутқараман, деб нодонлик қилса, иш расво...

Сафар бўзчи боя Султоналининг хотини келганда, Қобилбойнинг ниятини эшитиб хотиржам бўлганини сўзлади.

– Жуда яхши қилинган, раҳмат... Ҳали унинг уйига киши юборсангиз яна уқтириш, хотиржам қилиш керак; шундай ишонтирилсинки, эрта пешингача эрининг озод бўлишига шубҳаси қолмасин, ҳатто уни бу йўсин алдаса ҳам бўлади. Эрта билангача қутқарилса хўб, қутқарилмаса, Анварнинг ўзи бориб қутқарар эмиш; агар сен шунгача сабр қилмасанг, эрингнинг яна жазога тортилишига сабаб бўласан, дейилсин!

– Хўп, мирзам, хўп!

– Сизга яна бир хизмат, Сафар ака, – деди Анвар. Сафар ҳозирлик ишорасини қилиб, энгашиб олди. – Хизмат шуки, синглингиз мен билан бирга турмаса, Сиз олиб кетсангиз...

Қобилбой бу сўзни эшитувчи қулоқларига ишонмагандек, Анварнинг яқинроғига сурилди.

– Нима деяпсиз, Анвар, мен яхши англамадим?

Анвар яна ўша сўзни такрорлади. Қобилбой, энди бир оз орқасига тисарилиб, кўзини катта очди ва бир неча вақт қотиб турди...

– Сиз нима қилмоқчисиз, ука. Ўз оёғингиз билан... Йўқ, бу бўлмаган гап! Балки бу – хоннинг унга пописасидир¹, шу ҳийла билан мақсадга етмоқчидир... Қўйинг бу гапни, ука, қўйинг!..

Анвар ҳамон бояги вазиятда, кўзини бир нуқтага тикиб, сандал устидаги қоғозни оғаси яқинроғига суриб қўйди...

– Башарти, пописа бўлмаса?.. – деди Анвар. – Хон пописани билмайди, унинг ҳамма ҳаракати жиддий! Шундай, сиз бу хатни эртага унинг қўлига берасиз ва ундан ҳар бир ёрдамингизни аямайсиз! – Бу ақллик гап эмас, ука.

¹ Пописа – пўнса, ёл-ондан кўрқитиш.

– Мен энди шунга қарор берганман! – деди Анвар ўзгаришсиз. – Бу азмдан қайтиш йўқ... Фақат, сиз унга ёрдамингизни аямасликка менга сўз берсангиз бўлди!

Қобилбой энтикди, хатни олиб, бир неча фурсат сукутда ўтирди... Сўнгра бирдан ўрнидан туриб хужрадан чиқа бошлади.

– Йўл бўлсин?

– Кетаяпман.

– Хайр, кечирингиз!

Қобилбайдан жавоб бўлмади.

Кун яқинлашган. Яна бирор соатдан сўнг Султонанини ўлимга олиб чиқар эдилар. Ўрдадан ҳеч ким унинг ижтимоий ҳолатига ишонмас; хоннинг олдида чақирилди – ўлди, башарти гуноҳи бўлиб, иккун қилса, яна жазога қолди, вассалом. Аммо Анвар хон ҳузурига келиб, ўзини унинг ҳукмига топширади, чин йиғитлик йўли билан дўстни қутқаради, деган ҳаёлга ким ишонсин? Кеча жарчи кўй-гузарларни айланиб, Анварни инсофга чақирди, киши қонига қолмаслик фазилатини тараннум эттирди. Бироқ Анварнинг бундай „ҳамоқати“га¹ ахлоқан сукут этиб, виждонан сўзлаган ўрда арбоби ва бошқалар ишонсинми!

Шунда ўрда арбоби букуи пешиндан бир оз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғюррак бир йиғит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуғ жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди, уларни ишдан тўхтатди. Ўрда арбобларининг маҳкамда ўтирганлари эшик ёнига чиқиб, йўлда борганлари ҳаракатсиз қолиб, парвосиз, ҳар ким ёнидан саломлашиб ўтгувчи арслонни томоша қилдилар.

Анвар девонхона қаршисига етганда, нима мақсад биландир даричалар ва эшик ёнида мўралашувчи мирзоларга умумий бир таъзим ифода қилди ва собитқадам зиналарга оёқ қўйиб, юқорига, хон ҳузурига чиқиб кетди. Пойтахт бўсағасидаги доимий ясовуллардан ўтиб, даҳлизда тўхтади. Чунки бундан ўтиш учун ҳудайчи воситасида хондан руҳсат олдирish лозимдир. Биринчи эшик ёнида қўл қовуштириб турувчи Дарвеш ҳудайчи таажжуб ва ҳайрат ичида Анварни қаршилаб, иккинчи хонадаги „жаноб“ ҳузурига кетди.

¹ Ҳамоқат – аҳмоқлик.

² Шинбул – сарой маросимларини бошқариб туралган амалдор.

Тахтига Худоёр икки кўзи тўғрисида икки жаллодни қўйиб, ёнидаги домла шиғовул², Турсун оталиқ ва бир неча аёнлар билан суҳбатлашар эди.

– Пушти паноҳо! – деди худайчи, – хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, доми адолатингизга таслим бўлмоқчи.

– Хиёнаткоринг ким?

– Мирзо Анвар!

Хон сесканиб кетди, ҳамнишинлар² ҳам аланг-жаланг бўлдилар.

– Келтир!

Худайчи қуллуқ қилиб, орқасига қайтди. Даҳлиздаги Анвар биринчи хонадаги аёни хайратга солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонга таъзим адо қилди.

Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.

– Тузумни унутдинг!

– Тонмайман!

– Иқрорсан, тонмайсан, ўбдон иш! – деди заҳарханда қилиб хон, – ўлудан ҳам қайтмайсан!

– Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман! – деди илжайиб Анвар, – ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқариш учун келганман!

Ҳамнишинлар лабларини тишладилар. Худоёр истеҳзоли кулди.

– Пусулмончилик қиғонсан-да!

– Албатта! – деди Анвар, – бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб, пусулмончиликдан чиққач, мен пусулмонлик билан ўлишни ўбдан билдим!

Бу жавоб Худоёрни кип-қизил тусга қўйиб, манглайда терлар кўринди, газаб ўти аланга олди.

– Сенинг қиғон ишинг пусулмончиликда борми, ит увли?!

² Ҳамнишин – бирга ўтирганлар.

– Мусулмончиликда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилиш борми, қиблаи олам!

– Чиқар буни, жаллод!!!

Жаллодлар ҳаракатландилар:

– Ханжаримиз қонсираган!

Анвар бош чайқаб кулди.

– Гуноҳсизни менинг кўз олдимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, – деди ва ўзини ташқарига торта бошлаган жаллодларни арслонларча силтаб юборди. – Сизда адолат борми, жаноб!

Кўрқинч бу ҳайқириқ Худоёрни инсофга келтирди. Жаллодларни тўхтатишга ва ҳудайчини Султоналини ҳозирлашга буюрди. Кўзи қонланган Анвар, икки қўлини ёнига ташлаб Худоёр қаршисида туриб қолди. Ҳамма сукутда. Шундай фурсатларда гуноҳкорни одобсиз сўзлар билан сўкиб турувчи Худоёр ҳам жим. Чунки аён назарида ҳар бир одобсизлигига Анвар тарафидан кучли ҳақорат олиш эҳтимоли бор. Шайх Саъдий айтганча, дунёда ҳаётдан қўл ювгувчидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатга солгувчи унинг манфаати тақозоси, қола берса ўлимдир. Бу иккисидан кечгувчига эса подшоҳнинг қаҳри ва жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир.

Кўп фурсат ўтмай ҳудайчининг орқасидан Султонали кирди, хонга қарши турувчини таниб, титради... Титрар экан, Анвардан бир оз кейинда туриб хонга таъзим қилди.

– Сиз озод бўлдингиз! – деди хон, – девонга чиқиб ўз ишингизга қаранг!

Султонали ихтиёрсизча хон томон букилиб олди... Анвар „истеҳзоли“ вазиятда Султоналига ён қаради:

– Меним қаршимга ишлаб, жанобга неқадар содиқ қолсангиз ҳам, садоқатингиз сизни нажотга чиқара олмади, билъаке, сиз ўйлаганча мен – инсофеиз сизни қутқардим... Сиз шуни унутмасангиз бўлди, Султонали ака, – деди Анвар ва хонга ишорат қилди, – қўлимни боғласинлар, чиқариб ўлдирсинлар!

Султонали орқасига қайтди, қайтар экан, кўзидан бир неча томчи ёш оқиб тушди. Жаллодлардан бири Анварнинг қўлини орқасига боғлади. Анварнинг қўли боғланар экан, Муҳаммад Ниёз домла ўршдан туриб, хонга куллуқ қилди.

– Шу одобсизнинг гуноҳини менинг учун кечирсинлар.

Хон юзини четга ўғирди:

– Растаға чиқаринг!

Анвар, хонни ва ҳамнишинларни масхаралагандек, таъзим адо қилди. Жаллод олдинга тушди, унинг орқасидан Анвар юрди ва орқадан икки нафар куроллик ясовул эргашидилар. Анвар ўзини ўрдага киришда қандай тетик тутган бўлса, ўлим сари чиқишда ҳам ўшандоғ парвосиз эди. Кўзи тушган таниш ҳар кимса билан „хайр“, „хўш“ деган каби имлашиб олар эди. Ранги қув ўчиб, хушсиз каби ташқи дарвоза ёнида турган Султонали билан ҳам алоҳида видолашди. Анварнинг қарашидаги маънога тушунган Султоналининг юраги сув бўлиб оқди ва хушсиз, хиссиз Анвар кўздан йўқолгунча қараб қолди...

Янги растада халқ қайнар эди. Қўлида яланғоч ханжарини ушлаб, белига ойболтасини қистирган манфур жаллод орқасидан келувчи маҳкумга кўзи тушган халқдан баъзиси жазо майдонига қараб оғилди ва баъзиси нафратланган кўйи ўзини четга тортди. Жазо майдони янги раста билан ўрда боғининг муюшида бир дор ва дор остига қон оқизиш учун қазилган чуқурдан иборат эди. Дор остига келиб етдилар. Бир онда дор атрофига юзлаб йиғилган томошабин халқни ясовуллар четланишга буюрдилар. Халқ орқага силжиган бўлиб, яна сиқилиша берди. Дор остида Анварнинг қўли ечилиб, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумининг қонуний ҳаққи эди, Анвар таҳорат олар экан, жаллод ва ясовуллар ханжар яланғочлаб, унинг теварагини қуршаб турдилар. Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнани ерга ёзди. Жаллодлар доирани бир оз келтириб, Анвар икки ракат намоз ўқиди. Дуодан сўнг Анвар ўрнидан турди, қўлини боғлашга бериб, атрофга бесаранжом аланглади. Теваракни сириб олган халқ олдида манфур кўзини мойлантириб ўз устига тўппа-тўғри қараб турган мулла Абдурахмонни кўрди.

Анвар титради, Абдурахмон илжайди.

– Кулишга ҳаққингиз бор, домла, чунки ўч оласиз! – деди Анвар. Бирдан ҳамманинг кўзи Абдурахмонга тушди. – Фақат сиз ифлослик натижасида куласиз, мен... мен тўғрилиқ самарасини ўраман; сиз ифлос виждон билан ғолибсиз, мен соф виждон билан мағлубман... Мени дор остига ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир! Сизни бу ерда ким томошабини қилди? Ифлослик эмасми, тақсир?

Халқ чуқур сукутда, ўз орасида турган „пешво“га кийналик кўз билан тикилган эди... Жаллод, қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрича чуқур ёнига ўтирди ва ханжарини яниб келган жаллодга қўли билан „озгина тўхташ“ ишорасини қилиб, Абдурахмон томонга кулди:

– Менинг ҳолимни кўрингиз, домла, – деди Анвар кулиб, – қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир! Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ!.. Дуруст, мен кўмилагач, қабрим устида кўкси доғли қизил лолалар кўкараар... Нимадан бу? Бу – сизнинг каби тубанлар солган из!..

Томошабинлар тоқатсизлангандек кўриндилар, Анвар узаниб ётди... Жаллод ханжарини енига яниб, Анвар устига энгашди...

Энгашди, бироқ орқадан берилган кучли бир зарб билан Анварнинг устидан ошиб, мункиганча чуқурга йиқилди. Жаллоддан беш қадам нарида турган ясовуллар ҳам кўкдаги ханжарлик қўлларини остига буколмай, кимлар биландир олишиб ётар эдилар ва шу онда кучли шапалоқ товуши эшитилиб, салласи чувалган бир ёш мулла ерга ўтириб қолди... Халқ тартибсизланди... Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик ичига кириб йўқолдилар. Қуролсизлантирилган ясовуллар, гурр этиб, турли томонга сочилган халқ ичидан дўст-душмани ажратолмай гарангсидилар. Шу вақт бутун аъзоси эски қонларга беланган жаллод чуқурдан чиқишга иштилар эди...

Савол ва топшириқлар:

1. Қобилбойнинг шериклари феълига қос хусусиятларга эътибор қилинг. Уларнинг сўзлашувига қараб қаерлик жанликларини аниқлашга урининг.
2. Анварнинг ўзи кўрмаган меҳмонлар учун икки тилло берганлигини қандай изоҳлайсиз? Унинг бу иши меҳмонларда қандай фикр тугдирди?
3. Раънонинг бошқа қизларга ўхшамайдиган даражада жасурлиги ва ҳамма дёллар каби ҳиссиётга мағлублиги тасвирланган ўринларини топиб ўқинг ва изоҳлаб беринг.
4. Романда Анварнинг тadbиркорлигини намойиш қилувчи тасвирларини топинг.
5. Анварнинг қарори ва унга яқинларининг муносабатлари ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?
6. Урдадагилар нима учун Султона/нинг нажот топишга ишонмас эдилар?

7. Анварнинг ўрдада пайдо бўлиши қолдирган таассурот тасвирига эътибор беринг ва унга асосланиб адолатсиз замон ҳамда нисон маънавияти ҳақида фикр юритинг.

8. Анвар билан Худоёрхон ўртасидаги фикрлар олишувига диққат қилинг. Бу „жанг“да сизнингча ким ғолиб чиқди?

9. Дор остидаги Анвар билан мулла Абдурахмоннинг тўқнашуви лавҳасига эътибор беринг. Ҳар иккисининг табиатига хос жиҳатлар тасвири ҳақида атрофлича тўхталинг.

10. Анварнинг қутқарилиши саҳнасига эътибор беринг. Анварнинг халоскори кимлар деб ўйлайсиз?

11. Асар матнига таяниб, Абдулла Қодирийнинг сўз қўллаш санъати ҳақида фикр юритинг.

12. Адибнинг қалтис вазият тасвирини бера билиш маҳорати намоён бўлган ўринлар ҳақида мисоллар асосида сўзланг.

13. Тест синовларини бажаринг.

1. Анварнинг: *«...зеро, зулми нақадар кучайса, унинг умри шунча қисқа бўлиши тажрибалар билан собитдир»*, – сўзлари кимга нима мақсадда айтилган?

А. Худоёрхонга Султоналини озод қилишни сўраб Б. Разнога сабр қилиш зарурлигини тушунтириш учун С. Абдурахмон домлага ганбех бериш мақсадида Д. Султоналига қочиш тўғрисида маслаҳат сўраб Э. Қобилбойга ўзига ёрдам беришларини уюштириш илнжида

2. Анварни ўз ихтиёри билан хон ҳузурига боришдан қайтаролмаган Қобилбой нима учун укасининг хайрлашувига жавоб бермай чиқиб кетади?

А. Гашига кирмаган Анвардан хафа бўлади. Б. Ўз жонини қутқизиш учун тез кетиб қолади. С. Нима қилишини билмай гангиб қолган эди. Д. Дўстлари билан аҳдлашгандай укасини қутқариш ҳақида ўйлаганди. Э. Маслаҳатлашмоқ учун дўстларининг олдига кетганди.

3. Хон томонидан Анвар ўлимга буюрилган лавҳада кимнинг хатти-ҳаракатини жасорат сифатида баҳолаш мумкин?

А. Муҳаммад Ниёз Б. Султонали С. Жаллод Д. Худайчи Э. Худоёр

4. Қобилбой ва унинг икки дўсти қандай қилиб Анварни қутқаришга муваффақ бўлишди?

А. Жазо майдонида ясовуллар оз эди. Б. Ясовуллар ҳам Анварнинг қатлини хоҳлашмас эди. С. Таҳорат олиш баҳонасида Анвар улар билан қочишга муваффақ бўлди. Д. Халқ уларга ёрдам берди. Э. Улар Анварнинг гуноҳини хондан сўраб олдилар.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909 – 1944)

Атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилди. Бўлажак шоир отаси Олимжондан гўдак эканида ажралади. Бобоси Азимбобо сўзни чуқур ҳис этадиган, бахши ва айтимчилар билан дўстлик қиладиган киши эди. Шоирнинг онаси Комила ая кўплаб эртагу кўшиқларни биладиган ҳамда қизиқарли қилиб айта оладиган аёл эди.

1916 йилда рус босқинчилари зулмига қарши кўтарилган Жиззах қўзғолони ва унинг шафқатсизлик билан бостирилиши, шаҳарнинг тўпга тутилиб, одамларнинг Қили чўлига ҳайдалиши бўлажак шоир хотирасида бир умрга қолди. Онасининг сеҳрли эртаклари, буюк оқин Фозил Йўлдош ўғлининг ўқтин-ўқтин Жиззахга келиб, улар хонадонида дoston айтишлари Абдулҳамидда бадний сўзга бўлган ҳавасни кучайтирди.

Абдулҳамид Жиззах шаҳридаги мактабни тугатиб, Самарқандга ўқишга боради. Дастлаб педагогика билим юртида (1923–1926 йиллар), сўнг Педагогика академиясида (1926–1931 йиллар) ўқийди. Уша йилларда шеърлар эса бошлаган. Унинг «Кўкдам» номи биринчи шеърлар тўплами 1929 йилда чоп этилади.

Уша йиллари Самарқанд Ўзбекистон республикасининг пойтахти - бошкенти эди. 1932 йилда пойтахт Тошкент шаҳрига кўчирилади. Ҳамид Олимжон ҳам шу йили Тошкентга келиб, адабий журналларнинг таҳририятларида, Маданий курилиш (ҳозирги Тил ва адабиёт) институтида хизмат қилади. 1938–1939 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб бўлиб ишлайди. Барча туркий халқларнинг буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳазратларининг 500 йиллиги муносабати билан тузилган Навоий қўмитасига илмий котиб этиб тайинланади.

Ҳамид Олимжоннинг шеърлари мусиқийлиги, ўйноқлиги, раванлиги билан ажралиб туради. Унинг «Ўзбекистон», «Ўрик туллаганда», «Ҳолбуки тун», «Куйгай», «Севги» сингари ўилаб шеърлари, «Зайнаб ва Омон» дostonи «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» эртаги бадний латофати билан ўқувчиларнинг меҳрини қозонган.

Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то 1944 йилнинг 3 июлигача, яъни умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди.



ҲОЛБУКИ ТУН

Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар.
Шағирлайди қоронғи дунё,
Шағирлайди водий, даралар.
Шағирлайди... Бермайди уйқу,
Хаёлларим бўлар парিশон.

Бир изланиш бошланар менда,
 Тушунчамга яна кирар жон.
 Ҳолбуки тун – бунда одатда
 Бутун борлиқ ухлардай сокин.
 Бутун ер осмонга ўраниб
 Олар каби кундуздан тин...
 Сойга тушдим, кўкка чиқди ой,
 Нур ёғилди оқ булутларга,
 Нурга тўлди дара, тўлди сой,
 Нур ёғилди қоронғи жарга.
 Кўзларимда ёнар учқунлар,
 Зилол сувга ой эди сирдош.
 Ялтирарди, доим товланар
 Ой нурига чўмилувчи тош.
 Кўзим тикдим парқу булутлар
 Кўчар эди зилол ва тоза.
 Лочин каби самолёт учар,
 Учар эди солиб овоза.
 Тикилганда кўзим қоғозга,
 Қўлларимда титрарди қалам.
 Қуршамшиди уни ҳаяжон,
 Бир интилиш, бир орзу бу дам.
 Шағирларди осмон ва ҳаво,
 Шағирларди бутун коинот.
 Шағирларди бетиним дарё,
 Шағирларди дарёда ҳаёт...
 Ҳолбуки тун...

Савод ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи бандини қайта ўқинг. Унинг таъсир ида пайдо бўлган тасаввур ва кайфиятингни изоҳлаб беринг.

2. Борлиқнинг шағирлаши билан шеърдаги: **„Бир изланиш бошланар менда, Тушунчамга яна кирар жон“** мисраларида ифодаланган ҳолат ўртасида қандай алоқа бор?

3. Шеърнинг тўртинчи бандадаги манзаравий ҳолатни ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.

4. Шеърнинг: **„Зилол сувга ой эди сирдош“** мисраси, сизнингча, нимани аниқлатади?

5. Булутларга нисбатан: **„Кўчар эди зилол ва тоза“** сифатлашнинг ишлатилишига қандай қарайсиз? Нима учун сувга ҳам, булутга ҳам нисбатан „зилол“ сифатлаши қўлланялди деб ўйлайсиз?

6. „Қўлларимда титрарди қалам, қуршамийди уни ҳаяжон“ мисраларининг поэтик маъноларини тушуштириб беринг.
7. Ўзингиз ҳам бирон марта туини ёлғиз кузатганмисиз? Ўзингиз кузатган тун манзараси билан Ҳамид Олимжон тасвиридаги тун манзараси ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни топинг.
8. „Шағирларди дарёда ҳаёт“ мисрасининг ўз ва рамзий маъноларига эътибор беринг.
9. Шеърни ёдланг.

ҲАЗАЛ

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра ҳол бўлсам,
 Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
 Ўпиб гунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.

Бўйингни¹ тарқатиб оламини қилсам масти мустағриқ²,
 Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз,
 Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир ҳаёл бўлсам.

Агар боғингга гул бўлмоқ менингчун нораво бўлса,
 Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол бўлсам.

Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўҳтондан,
 Рақиблар рашкига кўкрак керай, майли, қамол³ бўлсам

Кезиб сахро-ю водийлар етишсам бир висолингга,
 Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг жанрини аниқланг.
2. Биринчи байтда ифодаланган образли фикрларни топинг ва тушуштириб беринг.
3. Ҳазалнинг иккинчи ва учинчи байтлари ўртасидаги маъно боғлиқликларини аниқланг. Шамол образи ташиётган шеърини маънони топинг.
4. Ҳазалнинг тўртинчи байти мазмунини тушунишга урининг ва „охир ҳаёл бўлсам“ ифодасига муносабатингизни билдириңг.
5. Шеърнинг бешинчи байти ташиётган поэтик маънони тушуштириб беришга урининг.
6. Ҳазалнинг сўнгги байтларидаги мазмунини аниқлашга урининг.
7. Ҳазалнинг оҳангини топишга уриниб кўринг. Қандай ўқилса, ҳазал осонроқ тушунилишини аниқланг.

¹ Бўйингни – исингни, ҳидингни

² Мастни мустағриқ – мастликка тарқ. бирт. маст

³ Қамол – қамал

8. Тест топшириқларини бажаринг

1. «Холбуки тун» шеърининг илк сатрларидаги қайси сўз муайян кайфият ва мусиқий оҳангни юзага келтиришга хизмат қилмоқда?

А. Шағирлайди Б. Тажнис С. Ваҳм Д. Қоронғу Э. Даралар

2. «Сойга тушдим, кўкка чиқди ой» мисрасида қайси шеърини санъат қўлланилган?

А. Иштиқоқ Б. Тажнис С. Муболага Д. Тазод Э. Сифатлаш

3. «Холбуки тун» шеърисида қандай ҳолат тасвирланган?

А. Тунда бутун бөрлиқининг ухлаши Б. Тунда ҳам тўхтамайдиган ҳаёт
С. Шоирнинг ярим кечада ижод қилиши Д. Кечанинг ойдинлиги, гўзаллиги Э.
Тунда ишлайдиган одамнинг кайфияти

4. «Ғазал»нинг иккинчи байтидаги «ғунча» сўзининг маъноси нима?

А. Қош Б. Кўз С. Юз Д. Гул тупи Э. Лаб

Ҳамид Олимжон шеърлари ҳақида

Ҳамид Олимжон шеърларида ўзи туйган туйғуларни, ўзи ўтказган кечинмаларни шеърхонларга ҳам ҳис қилдиришга интилади. Бирор ҳаёт ҳодисаси туфайли шоирнинг ички оламида рўй берган ўзгаришлар унинг истеъдоди туфайли шеърга айланади.

Вақт ярим тундан кечган. Атроф жимжит, Олам уйқуга чўмган. Ёлғиз шоирнинг илҳоми уйғоқ, Унинг ўтдай ёнаётган вужудини, безовта тепаётган қалбини осуда тун ҳақидаги, табиатнинг ҳайратомуз гўзалликлари тўғрисидаги тизгинсиз ўйлар ғалаёнга келтиради. Шоирнинг назарида ҳаёт қайнай бошлайди. Дарҳақиқат, буюк ҳаёт, чексиз коинот тиним нима эканлигини билмайди. Туннинг тинчилигини ҳеч нарса бузмаётир деб ўйлаймиз. Лекин шоирнинг ўткир назари дарёнинг тиним билмай оқишини, ўша оқим туфайли пайдо бўлган қудратли товуш жарларни тўлдиришини илғаб олади. Тунги ҳаётнинг бетиним шовқини шоир илҳомини жўшдиради. У оламнинг, вақтнинг бетўхтовлигини „шағирлайди“ деган жуда таъсирчан ва кам қўлланадиган оҳангдор сўз орқали чиройли ифодалайди. Шағирлашнинг адоқсизлиги унга уйқу бермайди. Лирик қаҳрамоннинг хаёллари паришон бўлади. У ўйга толади, ҳаракатга тушади. Оламнинг бетакрор гўзаллигини яна яқинроқдан ҳис қилади.

Шоирнинг нигоҳида „Бутун ер осмонга ўраниб олар каби кундузидай тин“. Тун қаърига чўккан ерни худди кўрпага ўранган одамдай осмонга ўранди тарзида тасаввур этмоқ учун хаёл жуда баланд парвоз этиши керак. Қаранг, тунда ер кўринмайди. Худди шунингдек, тунда кундуз ҳам кўзга ташланмайди. Тил билан ифодалаш у ёқда турсин, хаёлда тасаввур қилиб бўлмайдиган шу мураккаб ҳолатни Ҳамид Олимжон сеҳрли бир усталик билан тасвирлай олган.

Шеърда „Кўзларимда ёнар учқунлар, Зилол сувга ой эди сирдош“ деган мўжизакор тасвирлар бор. Бу ҳолатни фақат шоиргина ҳис этиши, фақат шоиргина образли ва аниқ қилиб тасвирлай олиши мумкин. Ҳайлаб кўринг-чи, „кўзларда ёнаётган учқунлар“ нима экан? Юлдузли тунда ҳеч биронта жўрангиз ёки дугонангиз билан осмонга тикилишганмисиз? Кўкдаги саноксиз юлдузларнинг ўртоғингиз қорачиғида учқунлардай ялтираганини кузатганмисиз? Юлдузларнинг майини жимирлаши сизни ҳам, жўрангизни ҳам сеҳрли бир ҳолатга солганини, кўзларингиз порлаб кетганини сезганмисиз? Шоир шу ҳолатни „ушлаб олиб“, мисраларда абадийлаштириб қўйган. Осмондаги тўлин ойнинг зилол сувга сирдошлигини қандай тушундингиз? Топдингиз! Ахир ой, айниқса оламини ойдинликка чуллаган тўлин ой, албатта сой сувида акс этади. Унинг ичига тушади. У билан бирга оқади. Йўл-йўлакай сирлашиб, дардлашиб кетади.

Шеърнинг энг авж нуқтаси сўнгги бандида. Энди осмон ва ҳаво ҳам шағирлайди. Бугина эмас, бутун коинот шағирлайди. Чунки лирик қаҳрамоннинг кўтаринки кайфияти уни бутун оламнинг ажралмас бир бўлагига айлантиради. У – олам ҳодисаларининг кузатувчиси эмас, иштирокчиси. Шу боисдан шағирлаш фақатгина дарёнинг овози эмаслигини эди у яхши билади. Дарё, бу – борлик. Унда сув эмас, ҳаёт оқиб ётибди. Шунинг учун шоир ёзади:

Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Ҳолбуки тун...

Ҳамид Олимжон Алишер Навоий асарларини кўп ўқиган, яхши тушунган ва уни устоз деб қабул қилган шоир эди. Гарчи Ҳамид Олимжоннинг кўпчилик шеърлари буюк Навоий шеърлари шаклига ўхшамаса-да, мазмун ва маҳорат борасида унга ўх-шашга интилган. Ҳамид Олимжоннинг улуғ устоз камолотга етказган шеър шаклларида яратган асарлари ҳам бор. Шулардан бири „Бўлсам“ радифли ғазалдир. Ғазалда шоир мумтоз адабиётнинг анъаналаридан фойдаланган ҳолда жуда нафис инсоний туйғуларни куйлайди.

Ошиқ машуқасига тинимсиз интилади. Лекин унинг васлига этишишни орзу қилишдан ҳам чўчийди. Шу боис у ҳаминчалikka эмас, бир нафасга, жуда қисқа муддатга бўлса ҳам юзинидаги ҳолга айланиб қолсам, боғинидаги гулларга инган шабнам бўлсам, бутонинида қўниб сайрайдиган булбулга эврилсам, чаманинидаги гулларни сийпалайдиган шамол бўлсам, нима бўларди дея армон қилади. Тасвир қуюқлашади, интиқлик борган сари кучаяверади.

ЗУЛФИЯ

(1915 – 1996)

ШОИРА ЎЗИ ТЎҒРИСИДА...



Мен Тошкентда туғилганман. Бундан шунча йиллар муқаддам, албатта, замон ҳам, шаҳар ҳам, одамлар ҳам, ҳаёт ҳам бўлакча, нурли, бугунгига сира ўхшамаган эди.

Мен ўзим туғилиб ўсган уйни эслайман. Ёзда тупроққа, киша лойга ботиб, ..деворларни ушлаб уйимизга кирар эдик. Лекин ҳовлимизни боғ деб атар эдилар. Биз асли Тошкентнинг Дегрезлик маҳалласиданмиз. Бобомни Муслим дегрез деб атар эдилар.

Отамни ҳам худди бобом каби Исроил дегрез дер эдилар. Отам заҳматкаш темирчи эди. Ўша вақтда болаларини боқиш, рўзгор тебратиш учун одамлар жуда кўп меҳнат қилишлари зарур эканлигига сира

ақлим етмас экан. Отамнинг ҳамма вақт оловга йўлдош касбидан фақат завқ ва шавқни кўрар эдим. Отамдай қудратли одам йўқ эди мен учун. Темирлар отам қўлида чақмоқлар таратишига боқиб, ҳайратда қолар эдим. Унинг қўллари чўққа айланган темир парчасини истаган шаклга солиб, инсон учун керакли нарсага айлантиришга қодир эди. Мен ҳали-ҳануз отамдай бўлишни орзу қиламан, аммо на илож, инсон қалбига кира билиш темирга ишлов беришдан машаққатлироқ, юракни чақмоқ каби аланга оддирини ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермас экан...

Менинг онам, ўзининг таъбирича, „усти бутун-ичи тутун“ аёллардан эди. У ҳамма вақт камган, хаёлчан эди, лекин унинг фикрлари, уйлари мудроқ эмаслигини, унга мутелик, заифлик ёт эканлигини билар эдим.

Онамнинг қанчадан-қанча кўшиқ ва афсоналарни, дoston ва эртақларни билишига ақлимиз бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва dostonлар бизга бениҳоя ҳузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар эди. Аминманки, мужизалар яратилишига қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона хатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл – онам уйғотган.

Менинг илк муаллимларимнинг меҳрибон қиёфаси ҳамма вақт хотирамда. Улар ниҳоятда ёш, баъзилари ўз ўқувчиларидан бир неча ёшгина катта эдилар. Мен чапқоқлик билан тинглар, ҳавасланар ва бир қатор дугоналарим қатори ўқитувчи бўлишга интилар эдим. Шу интилиш... мени ўқитувчилар техникумига олиб кирди... Кейин олий ўқув юрти, кейин ҳаёт мактаби... ўқиш, ўқиш, ўрганиш, изланиш...

Бу ўқиш-ўрганишда китоб менга катта кўмакдош ва мураббий бўлди. Навоий ва Пушкин, Ҳофиз ва Шекспир, Байрон ва Некрасов, Лермонтов ва Лутфийни ўқир эдим ва уқишга интилардим. Ўзим ҳам қандайдир жуфтланган, оҳангдош, аллақандай байтлар тўқий олаётганимни пайқаб борар эдим. Мен ўқиганлар чуқур маънолар тўла, ёрқин ҳислар ҳаракатга келтирган ажойиб сатрлар. Мен тўқиганлар эса қофиялашган сўзлар туркумидан кўра хиёл нари ўтар эди, холос. Лекин қувонар, ажабланар, ҳаяжонланар эдим...

Биринчи шеърлар тўплами 1932 йилда босилиб чиқди. Уша вақтда энди 18 ёшга қадам қўйган эдим. Шоша-пиша тўпламга „Ҳаёт варақлари“ деб ном берибман.

Қўн ўтмай, ҳаёт менга талабчан ва қаттиққўл муҳаррирни бахш этди. Ҳаётимнинг ўн йили, фақатгина ўн йили Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун улкан бахт бўлди. У энг гуллаган ёшлик чоғида, ранг-баранг, сира туганмас, ёрқин истеъдоднинг камол чўққисига етганда фожиали ҳалок бўлди. Мен ўзимни у билан ҳалок бўлдим, дедим хаёлимда. Мана ҳозир ҳам... у айрилиқнинг куйдирувчи аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман... Ҳамид Олимжон фақат менинг турмуш йўлдошим ва фарзандларимнинг отаси бўлибгина қолмасдан, айни чоқда қалбим ва руҳимга уйғун ҳамроҳим ва сезgir маслаҳатчим ҳам эди.

Шеърлар мингларча кишилар ўз қалби ва дили билан ҳис етиб ўзлариники қилиб олгандагина поэзияга айланади. Менимча, шеърлар устида қунт ва чидам билан ишлагга ундайдиган кучлардан бири ҳам шудир.

Зулфия, 1965 йил.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова 1996 йил 1 августда вафот этди.

Саъол ва ташвириқлар:

1. Зулфиянинг: „*Бундан шунча йиллар муқаддам, албатта замон ҳам, шаҳар ҳам, одамлар ҳам, ҳаёт ҳам бўлакча, нурли, бугунгига сира ўхшамаган эди*“, – деган эътирофини сиз қандай тушунасиз?

2. Шоиранинг болалик хотираларида отасининг тутган ўрни тўғрисида мулоҳаза юритинг.

3. Зулфиянинг онасига хош сифатларга эътибор беринг. Қандай қилиб у кизида шеърятга, сўзга муҳаббат уйғота олди деб ўйлайсиз?

4. Шоиранинг ҳаётида ўқиш-ўрганишининг тутган ўрни ҳақида унинг хотираларига асосланиб фикр юритинг.

5. Зулфиянинг тақдирида Ҳамид Олимжон қандай ўрни тутган?

6. Шоиранинг шеърят тўғрисидаги фикрларини тушунтириб беришга уриниб кўринг.

СЕН ҚАЙДАСАН, ЮРАГИМ

Қалб бўлганда йироқда,
Ирода экан ожиз,
Дўстлар ҳам кўп атрофда,
Аммо мен якка-ёлғиз...
Бирдан қалбим кексариб,
Қон ҳам қочди юзимдан.
Сен - сирдошни ахтариб,
Хаёл кетар изингдан.
Қайга кетдинг, юрагим,
Битди бардош ва тоқат.

Суҳбатингдир тилагим,
 Тилда ҳасратим қат-қат.
 Кўпдир айтажак сўзим,
 Ўғитларингга зормен,
 Йиғлайсан деб дўстларим
 Таъна қилар. Нетай мен?
 Совуш бермайди менга
 Ёқиб кетганинг олов.
 Нетай, етмайман сенга,
 Ўртага ташланган ғов.
 Ишққа маскан юрагим,
 Топиб бер деб қистайди.
 Нима қилай, бераҳм —
 Руҳим сени истайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи бандида ифодаланган туйғуларни тушунтиришга уриниб кўринг. Нима учун „қалб йироқда“, атрофда дўст кўп бўлса-да, шоира „якка-ёлғиз“?
2. Шеърнинг биринчи бандидаги туйғуларнинг ривожини кейинги бандларда қандай тус олганлигини тушунтиришга урининг.
3. „Совуш бермайди менга Ёқиб кетганинг олов“ мисраларидаги лардни изоҳланг.
4. Шеърда ўзингизга энг маъқул келган мисраларни, образли ифодаларни ажратиб кўрсатинг ва шеърни ёд олинг.

НЕ БАЛОГА ЭТДИНГ МУБТАЛО

Ўтди ойлар ғам билан оқиб,
 Дил топмади зарра тасалло.
 Фироқингда қолдим тутақиб,
 Не балога этдинг мубтало!
 Кўз очгани қўймайди алам,
 Бошим қўйсам куйдирар болиш.
 Юпатолмас китоб ва қалам,
 Мисраларим кўтарар нолиш.
 Наҳот шунча маъсум, шунча пок
 Севишмоқда алам бор шунча?
 Бардош бермас ирода, идрок,
 Тамоман лол ақл, тушунча.
 Тоғдай бор деб билган юрагим
 Қуш бошича қолмади чоғи?

Ғамни енгарман деган сарим
Яна ортар алами, доғи.
Эриб кетмагандим севгингдан,
Бўлмасликчун бахтингдан жудо,
Бирга қолиш учун сен билан
Куяману, бўлмайман адо.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоиранинг аламли фарёди кимга қаратилганлигини аниқланг.
2. Шеърнинг иккинчи бандидаги „*Бошим қўйсам куйдирар болиш*“, „*Мисраларим кўтарар нолиш*“ снгари ифодаларни изоҳлаб беринг.
3. Шеърнинг учинчи ва тўртинчи бандларида ифодаланган туйғулар ҳақида гапиринг. Қўлланилган образли ифодаларнинг таъсир даражаси тўғрисида фикр юритинг.
4. Шеърнинг сўнгги бандидаги биринчи ва иккинчи байтларда ўзаро қарама-қарши ҳолат яширинганини сезилиб турибди. Шунни топиб, изоҳлашга уриниб кўринг.

СЕНСИЗ

Мана, бир умрни яшадим сенсиз,
Қайтмас шодликларнинг қайтишини кутиб,
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,
Фарзандлар кўтарди қўлимдан тутиб.
Шундан бери тикман. Ҳар нега қалқон,
Бахтга, баҳорга ҳам, қишга, қайғуга,
Биров азасида йиғлайман қон-қон,
Тўйида яйрайман ўхшаб оҳуга.
Лекин қолганимда қалбим-ла танҳо,
Туйғулар зорияга солганда қулоқ.
Ўзни заиф, чанқоқ сезганда гоҳо,
Аламдан бераман жавобсиз сўроқ:
Тирик экан нега ташлаб кетмадинг?
Мендан нафисроқнинг ҳуснига ошиқ,
Мендан ёниқроғи тортмади сани.
Эди нигоҳингга бор жаннат очиқ,
Сени мажнун этиб бир ер гўзали,
Нега мени ташлаб кетавермадинг?
Тирик айрилишнинг доғи оғирмиш,
Хўрлик кемирармиш умрни чайнаб!
Бу – мудҳиш эговга берардим туриш,
Кетсанг ҳам менга жон туйғунгдан айнаб.

Билардим, қайдадир оласан нафас,
 Мураккаб бу дунё сен-чун ҳам тирик.
 Сенга ёт – ношудлик, тунд руҳлик, қафас,
 Бугунги қадаминг кечадан йирик.
 Нега, нега мени ташлаб кетмадинг?
 Биламан, рашк мени этарди ҳалок,
 Афзал кўрганингни қарғаб ўтардим,
 Изингдан юрмасдим соядай ғамноқ,
 Лекин ишқ ҳаққи-ла мағрур кутардим.
 Ҳаётда мен учун қолардинг тирик,
 Қаламинг муждасин кутардим муштоқ...
 Маънос тақдирингга яшаб мен шерик,
 Мушкул бўлаётир шодлик яратмоқ.
 Нега тирик экан ташлаб кетмадинг,
 Ташлаб кетмадинг-са, бошлаб кетмадинг?!

Савол ва топшириқлар:

1. Бу шеъринг ҳижрон туйғуларини ифодаловчи аввалги асарлардан қандай фарқи борлигини тушунтириб беринг.
2. Лирик қаҳрамон „жавобсиз сўроқ“ берадиган ҳолат тасвирига эътиборни қаратинг ва асар матнidan келиб чиқиб бу ҳолатни тасвирланг.
3. Лирик қаҳрамон бераётган сўроқнинг асл маъноси нима деб ўйлайсиз?
4. **„Биламан, рашк мени этарди ҳалок“** мисрасида ифодаланган туйғу ҳақида гапириб берсангиз.
5. Шеъринг сўнгги бадидаги фожиавий руҳнинг манбаини ўқитувчингиз билан биргалашиб аниқланг.
6. Энг сўнгги мисрадаги **-са** унсурини ташиган бадиий юк нимадан иборат эканлигини аниқлашга уришиб кўринг.
7. Шеърдан нарча ёдланг.

ОЙДИНДА

Жилиб-жилмас тўлин ой,
 Булут хаёлдай енгил,
 Ой анҳорда қулун той,
 Гилосда шигил-шигил.
 Яхлит ойнадай бўлиб,
 Ҳовузга ёйилган у.
 Эгилсам – тубдан тўлиб
 Ўзим чиқдим рўбарў:
 Атрофим тўла саф-саф,
 Минг-минг юлдуз ора ман.
 Барин сидирға чайқаб,

Ерга судраб бораман.
 Ерда: новда, гул, барглар,
 Акси кашта сингари,
 Сел унутган кўлмаклар
 Мисли ойнинг сингани.
 Ёнади парча-парча.
 Шабнам нақ ел сочган чўғ.
 Ҳар нурда шодлик қанча,
 Ҳар соя сирга тўлиғ.
 Сайхонлар нақ нур майдон,
 Уйқуда барча товуш.
 Инида ухлар нодон,
 Латофатни сезмас қуш.
 Ўзимга ташлайман кўз:
 Кўксим, қўлимда шуъла.
 Осмонга тутаман юз,
 Ел силар ёғду қўл-ла.
 Эҳ, умр ярмин ютиб,
 Ўтган тунлардами айб?
 Энди бу кўркни тутиб,
 Кундузга бермасам ҳайф!

1968

Символ ва топшириқлар:

1. Шеърни диққат билан ўқиб чиқинг. Унда қайси фасладаги, қандай табиий ҳодисадан кейинги ҳолат тасвирланган деб ўйлайсиз?

2. „*Ой анҳорда қулуи той, Гилосда шигил-шигил*“ мисраларига яширинган шеърӣй маъноларни топинг.

3. Шеърнинг иккинчи бандидаги: «*Эгилсам – тубдан тўлиб Ўзим чиқдим рўбарў*» образли ифодаси замиридаги фикрни топинг.

4. Учинчи банднинг мисраларига жойланган мазмунни изоҳлашга уришиб кўринг.

5. „*Сел унутган кўлмаклар Мисли ойнинг сингани*“ сатридаги образли ифодаларни изоҳланг.

6. „Ойдинда“ шеърини шоиранинг бошқа шеърлари билан солиштириб, ўхшаш ва фарқли томонларини топинг.

7. Шеърда тасвирланган манзарани ўз тилингиз билан ифодалаб, „Ойдин кеча“ мавзуда тасвирӣй ишшо ёзинг. Узингиз ҳам ойдин кечани кузатинг.

8. Шеърни ёд олинг.

9. Тестларни ечинг.

1. «*Сен қайдасан, юрагим*» шеърининг лирик қаҳрамони ким?

А. Айрилик изтиробларида ўртанаётган аёл. Б. Ҳаёт зарбаларига дош беролмаган ожиз инсон. С. Фарзандини йўқотган муштипар она. Д. Касаллик туфайли руҳи чўккан бемор. Э. Ёрининг висолига етишолмаган ошиқ.

2. «Наҳот шунча маъсум, шунча пок Севишмоқда алам бор шунча» («Не балога этдинг мубтало») мисраларида «шунча» сўзининг такрори орқали нима таъкидланади?

А. Севгининг покиза туйғу эканлиги Б. Муҳаббатнинг охири алам билан яқунданиши С. Севгининг нима эканлигини тушунаслик Д. Айрилиқнинг оғирлиги ва ғамнинг чексизлиги Э. Соғинчининг ширин азоблари

3. «Сенсиэ» шеърида шоира ўлим туфайли айрилишдан кўра бошқа оғир қисмати афзал билиши қайси мисрада ифодаланган?

А. Бировнинг асосида йнглайман қон-қон. Б. Тирик экан, нега ташлаб кетмадинг? С. Ҳар неча қалқон, Бахтга, баҳорга ҳам, қишга, қайғуга. Д. Қайтмас шодликларнинг – айтишини кутиб. Э. Мушқул бўлаётир шодлик яратмоқ.

4. Туи гўзаллигидан ғафлатда бўлганларга муносабат акс этган мисраларни топинг.

А. Жилиб-жилмас тўли ой, Булут ҳаслдай енгил. Б. Сел унутган кўлмаклар, Мисли ойнинг сингани. С. Эҳ, умр ярми ютиб, Ўтган тунлардами айб? Д. Инди ухлар подон, латофатни сезмас қуш. Э. Энди бу кўркни тутиб, Кундузга бермасам ҳайф!

Лирика ҳақида

Бадий адабиётнинг уч асосий туридан бири лирикадир. Лирик турдаги асарлар ҳам воқеликнинг инъикоси сифатида яратилса-да, уларда ҳаёт манзаралари батафсил тасвирланиб, изоҳлаб берилмайди. Бу хилдаги асарларда **асосий белги** воқеликдаги бирор нарса-ҳодиса сабабли пайдо бўлган кечинма ва туйғуларнинг ифодасини беришдир. Лирик асарларда ўқувчининг туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир этиш асосий мақсад қилиб олинади. Муаллифнинг ўзинигина алоқадордай туюлган кечинмалар шеърхоннинг ҳам руҳига таъсир этар экан, шу йўл билан уни бировнинг ҳолатини тушунишга ўргатади. Шундай қилиб, шоирда воқелик таъсир ида туғилган фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалайдиган адабий тур лирика дейилади.

Ҳамид Олимжоннинг бевақт ҳалок бўлиши туфайли Зулфияда пайдо бўлган ғамгин туйғуларнинг шеърий ифодаси лириканинг намуналаридир. Айни вақтда бу шеърлар фақат шахсий аҳамиятга эга бўлмай, барча инсонларга хос покиза туйғуларнинг ҳам ифодаларидир. Шоиранинг „Ойдишда“ шеъри ҳам баҳорий ёмғирдан кейинги ойдин кечани томоша қилиб, ўлканинг гўзаллигига дол қолган кишига хос кайфиятни бера билганлиги билан барчага қадрлидир. **Лирик асарларда воқеликнинг ўзини эмас, балки унинг инсон туйғуларига таъсирини тасвирлаш муҳим ўрин тутати.**

Ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган адиб Абдулла Қаҳҳор 1907 йил 17 сентябрда Қўқонда дунёга келди. Отаси Абдуқаҳҳор темирчи тирикчилик ўтказиш учун Қўқон атрофидаги Бувайда, Яйпан, Оққўрғон, Қудаш, Олқор қишлоқларининг бирдан-иккинчисига кўчиб юрар, онла бирор қишлоқда узоқроқ қўним топмасди. Бўлажак ёзувчи дастлабки маълумотни Бувайладаги эски мактабда олди. Сўнг Оққўрғон қишлоғидаги жадид мактабида таҳсил кўрди. Сал кейинроқ Қўқондаги ётоқмактабда ўқиди. 1922-24 йилларда Қўқондаги ўқитувчилар тайёрлаш техникумида таҳсил кўрди.



Абдулла Қаҳҳор 1925 йили Тошкентга келиб, кечаси ўқиб кундузлари «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлади. У 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг педагогика факултетини тугатди.

А. Қаҳҳор ижоди 1924 йилда бошланган. Дастлаб «Муштум» ойбитида, «Янги Фарғона» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида унинг ҳикоя, фельетон ва хабарлари босилди. Абдулла Қаҳҳорга катта шухрат келтирган «Сароб» романи 1934 йилда ёзилди.

Ёзувчи «Қўшчинор чироқлари» (1951) романи, «Шоҳи сўзана» (1951), «Оғриқ тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962) «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Адибнинг «Синчалак» (1958), «Муҳаббат» (1968), «Ўтмишдан эртактар» (1965) виссалари ўзбек насри тараққиётида муҳим ўрни тутади.

Машҳур ҳикоянавис, қисқа сўзда кўп маъно ифодалаш маҳорати эгаси Абдулла Қаҳҳор 1968 йилининг 25 майида вафот этди.

ЎҒРИ

Отининг ўлими – отининг байрами.

Мақол.

Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб ҳўкизидан хабар олди. О!.. Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Дехқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш – уй, ҳўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади.

Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бировни эри уради, бировнинг уйи хатга тушади... Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди.

Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади, кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўғрини қарғайди, ит ҳуради, товуқлар қақағлайди. Кимдир шундай кичкина тешиқдан ҳўкиз сифишига ақл ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди.

Қобил бобонинг қўшниси – бурунсиз элликбоши кирди. У оғилга кириб тешиқни, ҳўкиз боғланган устунни диққат билан кўздан кечирди, негадир устунни қимирлатиб ҳам кўрди, сўнгра Қобил бобони чақирди ва панг товуш билан деди:

– Ҳўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади.

Унинг оғилга кириб қилган тафтиши Қобил бобога бир умид бағишлаган эди, бу сўзи ҳаддан зиёда севинтирди. Чол йиғлаб юборди.

– Худо хайр берсин... Ола ҳўкиз эди...

Одамлар ўғри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани, ҳўкизни қайси томонга олиб кетгани, уни қайси бозорда сотиши мумкин эканлиги тўғрисида баҳслаша-баҳслаша тарқалди. Ғовур босилди. Қобил бобонинг кампири йиғидан тўхтаб, элликбошнни дуо қила кетди.

Элликбоши ўғри тешган ерни яна бир кўрди. Қобил бобо қўл қовуштириб, унинг кетидан юрар ва йиелар эди.

– Йиғлама, йиғлама, дейман! Ҳўкизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса, топилади.

Элликбоши ҳўкизни жуда нақд қилиб қўйди – гўё у кўчага чиқса бас – ҳўкиз топилади. Бу „худо ярлақагур“ шунчалик қилгандан кейин бир нима бериш лозим-да. Текинга мушук офтобга чиқмайди. Бу одам элликбоши бўлиш учун озмунча пул сочганми? Мингбошининг бир ўзига етти юз боғ беда, бир той бергани маълум. Пошшоликдан ойлик емаса! Қобил бобо ҳамёнини қоқиштириб, борини элликбошига берди, яна қанча дуо қилди. Элликбоши бетўхтов аминга хабар қилмоқчи бўлиб чиқиб кетди.

Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади? Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз. Чол-қампир кенгашиб шундай қарорга келишди: бу чиқим охириги ва ҳўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим, шунинг учун пулнинг юзига қараш ақлдан эмас.

Қобил бобо рўпара бўлганда амин оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бақбақасини осилтириб қолди.

– Ҳа, сигир йўқолдими?

– Йўқ... сигир эмас, ҳўкиз, ола ҳўкиз эди.

– Ҳўкизми? Ҳўкиз экан-да. Ҳмм... Ола ҳўкиз? Тавба...

– Бор-йўғим шу битта ҳўкиз эди...

Амин чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб қолди.

– Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўкиз эди?

– Ола ҳўкиз...

– Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

– Қўш маҳали...

– Яхши ҳўкиз биров етакласа кета берадимми?

– Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

– Ўзи қайтиб келмасмикин!.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!

Қобил бобо ерга қараб тек қолди.

– Қидиртирсақмикин-а? – деди амин чинчалоғини этигининг остига артиб. – Суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан машна олиб келинмадимми?

Аминнинг бу гапи Қобил бобога „Ма, ҳўкизинг“, – дегандай бўлиб кетди.

– Кам бўлманг, – деди пулни узатиб, – яна хизматингиздаман.

— Мен бетўхтов приставга хабар бераман. Ўзи чақиртиради.

Бир ҳафта ўтди. Бу бир ҳафта ичида кампир „дуонинг зўри билан қулф омадиган“ азайимхонга областагардон қилдиргани қатнаб, ярим қоп жийда, уч елпиштовоқ жўхори, икки калава ип элтди, аммо иш чиқмади. Саккизинчи куни Қобил бобо яна аминнинг олдига борди. Аминнинг тепа сочи тикка бўлди:

– Ҳа, ҳўкизини уйларига элтиб берилсинми? Ахир, борилсин.. арз қилинсин-да! Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!

Қобил бобо ёр-дўстлар билан кенгашди – приставга пулдан бошқа нима олиб борса бўлади? Маълум бўлдики, уни бегим дегунча кишининг бели синар экан.

Учта товук, гарчи бири курк бўлса ҳам, Қобил бобонинг ўзидан чиқди. Юзта тухумни қўни-қўшни, ёр-биродарлар ўзаро йиғиб берди. Аммо бу тортиқ билан тилмочдан нари ўтиб бўлмади. Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб

тушунтиришни ваъда қилди. Чолнинг бутун бўғинлари бўшашиб кетди, кейин тутоқишди, аммо гўрда бир нарса дея олмади? „Ўйнашмагил арбоб билан - сени урар ҳар боб билан“. „Яхшилаб тушунтирилган“ пристав битта кулангир, битта фаранги товуқ, уч сўм пул олганидан кейин, Қобил бобонинг бахтига, „бетўхтов ҳокимга хабар бераман“, – демасдан, „аминга бор“, – деб қўяқолди. Амин: „эликбошига борилсин“, – деди.

– Гумонингизни айтнинг бўлмаса! – деди эликбоши тажанг бўлиб, – ким олганини мен билмасам, авлиё бўлмасам! Олган одам аллақачон сўйиб саранжомлади-да! Узоқ демасангиз, эринмасангиз кўнчиликка бориб териларни бир қараб чиқинг. Аммо териси кўнчиликка тушган бўлса, аллақачон чарм бўлди; худо билади, кавуш бўлиб бозорга чиқдимми...

– Энди бизга жуда қийин бўлди-да. Пешонам шўр бўлмаса... – деди чол ерга қараб.

– Эй, ёш боламисиз! Нега йиғлайсиз? Кап-катта одам... Битта ҳўкиз бўлса бир гап бўлар, худо ажалга тўзим берсин! Мен қайнатамга айтайин, сизга битта ҳўкиз берсин. Битта ҳўкиз одамнинг хуними?

Эртасига эликбоши Қобил бобони бошлаб қайнатаси - Эгамберди пахтафурушнинг олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита ҳўкиз берди, лекин „кичкинагина“ шарти бор. Бу шарт кузда маълум бўлади...

Савол ва топшириқлар:

1. Нима учун ёзувчи „Отнинг ўлими - итнинг байрами“ мақолини эпиграф қилиб олган деб ўйлайсиз?

2. Ёзувчининг ҳикояда: *„Деҳқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин“* жумласини ишлатиш сабабини аниқланг, жумланинг мазмунини тўхланг.

3. Қобил бобонинг ҳолати тасвирланган ўрииларга эътибор қилинг. Нега у „даг-даг титрайди“?

4. Эликбошининг ўзини туттишига диққат қилинг. Оғилни тафтиш қилишдан унинг мақсади нима эди?

5. Ҳикоя бошида Қобил бобони сенсиратган эликбоши ҳикоя якунида нима сабабдан унга сизлаб мурожаат қилди деб ўйлайсиз?

6. Чолнинг эликбошига пул берганиги сабабини тушунтиринг.

7. Ҳикоядаги асосий қаҳрамоннинг Қобил бобо деб аталишига эътибор қилингизми? Бу номда бирор яширин маъно борми?

8. Ҳикоя нима учун „Ўғри“ деб номланган? Ўғри деганда муаллиф кимларни кўзла тутган деб ўйлайсиз?

9. Қуйидаги тест саволларига жавоб топинг.

1. Элликбошининг оғилга кириб қилган ҳаракатларидан мақсад нима эди?
А. Тасалли бериш Б. Ёрдам кўрсатиш С. Ўғрини аниқлаш Д. Молхонани таъмирлаш Э. Тамагирлик

2. Амин Қобил бобога «йўқолмасдан илгари бормиди?», «Қанақа ҳўкиз эди?», «яхши ҳўкиз биров стакласа кета берадими?» каби саволларни нима учун беради?

А. Ҳақиқатни ойдинлаштириш учун Б. Қобил бобонинг рост гапираётганини аниқлаш учун С. Элликбоши берган маълумотларни текшириш мақсадида Д. Қобил бобонинг устидан кулиш учун Э. Приставка хабар етказиш мақсадида.

ДАҲШАТ

Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, гувиллайди; томларда вишиллайди, ёшиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.

Бундай кечаларда одамзод қўй мижоз, гуж бўлиб ва ниманидир кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади.

Олимбек додхонинг¹ саккиз хотини катта кундош Нодирмоҳобегимнинг уйига йиғилиб, сандал атрофида ўтиришар эди. Додхо ҳар кеча таровеҳ намозидан кейин ҳалқага² қолар эди, бу кеча эрта қайтди. Ҳамма тўзиди: хотинлардан бири салиласини олди, бири чакмонига қўл узатди, бири маҳсисини тортгани чоғланди... Кундошларнинг энг кичиги – бу даргоҳга тушганига беш ойгина бўлган келинчак – ганжиравонлик Усиной чилим солиб тутди. Додхо чилимини бир марта, лекин жуда қаттиқ тортди-ю, ясов тортиб турган хотинларига эътибор қилмай, тўрга ўтди ва дарчани жиндаккина қия қилиб, бир кўзи билан ташқарига қаради. Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вағиллар, ҳеч нарса – ҳеч нарса кўринмас эди.

Додхо дарчани зичлаб ёнди, жойига бориб тасбеҳ ўтиришга киришди. Унинг бармоқлари тасбеҳ доналарини тез-тез ўгираётган бўлса ҳам, қулоғи гувиллаётган шамолда, хаёли гўристонда эди: „Ҳозир гўристон қанақа ваҳимали бўлса экан...“

Ўзбек гўристони ўзи хунук, бунинг устига, гўристон ҳақида айтилмаган хунук гап, тўқилмаган ваҳимали миш-миш гап қолган эмас. Ҳақиқатан, бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса додхо сингари пайғамбар ёшидан ошиб, кафандигини сандиққа солиб қўйган киши

¹ Додхо – ариза қабул қилувчи амалдор, мингбоши.

² Ҳалқа – таровеҳ намози қатнашчиларининг оммавий қурбонхоналик маросими.

ўлишдан ҳам кўра гўристонда ётишни ўйлаганида тилигача совуқ тер чиқаради.

Додхо гўристон хаёлини бошидан чиқариш учун тасбеҳни қўйиб ундан-бундан гапирган бўлди, лекин ҳеч ким бу гапларга гап уламади.

Шамол бир хуруж қилганида ниманидир келтириб дарчага урди. У нарса дарчани тирмалаганича сидирилиб пастга тушиб кетди. Ҳамма ўтирган ерида гўё бир қарич чўккандай бўлди ва тин олмай бир-бирига қаради. Додхо хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига таскин бериш учун ўрнидан туриб, дарчанинг бир томонини очди. Дарчадан кирган шамол осма чироқни липиллатди, тебратди. Додхо пастга қаради ва суюниб кетгандай:

– Бўйра-бўйра экан! – деди ва дарчани зич ёпиб яна жойига ўтирди.

Бўйра одатда тобутга солинадиган бўлганидан, додхонинг кўз олдига одамларнинг елкасида лапанглаб кетаётган тобутни келтирди. Тобут эса яна гўристонни эслатди, гўристон ҳақида болалигидан қулоғида қолиб келган ваҳимали гапларни, ҳодисаларни жонлантириб юборди. Додхо бу хаёлларни енгил учун гўристон ваҳималаридан ўзи сўз очди ва икки оғиз гапнинг бирида ўзининг довураклигини хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига писанда қила кетди.

Гапдан гап чиқиб Нодирмоҳбегим бир воқеани айтиб берди.

– Бола эдим. Раҳматли дадам гап ер эдилар. Бир меҳмонхона йигит... Мана шунақа шамол кечаси экан. „Ҳозир ким гўристонга бориб, Асқарпонсотнинг¹ гўрига пичоқ санчиб келади?“ – деган гап бўлипти. Шунда бир киши пичоғини қинидан суғуриб: „Мен санчиб келаман“, – депти, битта қўйдан гаров боғлашиб йўлга тушипти. Жўралари ҳали кутишар эмиш – йўқ, ҳали кутишар эмиш – йўқ; тонг отипти, уйда ҳам йўқ эмиш; гўристонга бориб қарашса, Асқарпонсотнинг гўри олдида ўлиб ётган эмиш! Бечора гўрга пичоқ санчганида этагини қўшиб санчган экан, қайтай деса этагидан биров тортгандай бўлган-да...

Ҳамманинг эти живиллашиб кетди. Узоқ жимликдан кейин Усени ёнида ўтирган кундошига шивирлаб:

– Ўлсин, нокас одам экан, битта қўйни деб... Кошки арзийдиган нарса бўлса!.. – деди.

¹ Понсот – асқарбоши, қўрбони.

Бу гапни додхо эшитиб қолди. Унинг нафсонияти қўзғади. Додходай одам гўристон деганда тиззаси қалтираса, биров „оламга подшо қиламан“ деган тақдирда ҳам бормаса, борол-маса-ю, бу қиз муштдай боши билан, „арзийдиган нарса бўлса мен бораман“, – деса!

Додхо гаши келиб Унсинни масхара қилди.

– Оббо, тегирмончининг қизи!.. Битта қўйни назарлари илмайди! Нечта қўй бўлса арзир эди? Сен ўзинг ўнта қўй берсам пичоқ санчиб келасанми? Юзта қўй, давлатимнинг ярмини берсам борасанми?

Унсиний бозвантидаги¹ тангаларни ўйнаб:

– Менга давлат керак эмас, давлат керак бўлса борар эдим, – деди.

Бу гап додхога тегиб кетди.

– Нима керак?

Унсин индамади. Додхонинг саводи жавобсиз қолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун биттаси гуноҳ қилса, ҳаммаси барабар калтак ейдиган кундошлар Унсинни турткилашди.

– Жавоб берсанг-чи!

– Тилдан қолдингми?!

Ёнида ўтирган кундоши биқинига икки-уч марта туртгандан кейин Унсин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган додхога бир кўз ташлади-ю, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди:

– Жавоб берсангиз... Ганжиравонга кетсам... Битта гўрга битта пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман... – деди.

Унинг мақсадини кундошлар дарров фаҳмлашди. Лекин додхо бундай гапни сира кутмагани учун янглиш тушунди.

– Тағин нима қиласан Ганжиравонда, бориб келганингга икки ой ҳам бўлгани йўқ-ку!

Нодирмоҳбегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсиннинг болдирини чимчилади, кўзи билан: „Хайрият тушунмади, бас, гапирма“, – деб ишора қилди. Бироқ Унсин жонидан кечган кишининг шижоати билан додхога тик қаради.

– Йўқ, мен буткул кетсам дейман, жавобимни берсангиз демоқчиман.

¹ Бозванг – аёллар сочига тақилладиган безак, сочпонок.

Гапни айтган Унсину, бошқалар ўтирган жойида ерга қапишиб кетди. Бироқ додхо ҳамманинг кутганига қарши, қўлига камчи олиб Унсунни „қаеринг қичиди“га солмади, аксинча, заҳарханда билан бўлса ҳам мулойим гапирди:

– Шунақами?.. Хўп майли, айтганинг бўла қолсин, – деди ва бир оз ўйлашиб туриб, гижинганини яширолмай илова қилди. – Лекин гўристонга пичоқ эмас, қумғон олиб борасан. Онҳазратим сағанаси олдида қумғон қайнатиб, битта чой дамлаб келасан, майлими?

– Майли, майли! – деди Унсин кўзлари жавдираб, – лекин лафзингиздан қайтмайсиз...

Додхонинг дами ичига тушиб кетди. Бир гадоваччанинг бу даргоҳдан кетишга ошиқиши унга ҳақорат бўлиб тушди. Энди Унсинни тилаб олиш учун бирон сўз айтишга ҳеч ким, ҳатто гўристондан унинг ўлиги келишига кўзи етиб, ичида фарёд чекаётган Нодирмоҳбегим ҳам журъат қилолмай қолди.

Додхонинг оппоқ узун соқоли, товуши титради.

– Хўп, лафзимдан қайтмайман, мана хотиржам бўла қол: мен ҳозир сени бир талоқ қўйдим, қайтиб келганингдан кейин уч талоқсан! Бор, қумғонни кўтар!..

Унсин додходан дарров юзини беркитганича чиқиб кетди. Нодирмоҳбегим, қўлидан бошқа иш келмаганидан кейин, ҳеч бўлмаса Унсиннинг юрагига қувват бўладиган бир-икки оғиз сўз айтиш мақсадида кетидан чиқмоқчи бўлган эди, додхо бир хўмрайиб жойига ўтқазиб қўйди. Кундошлар битта-битта оёқ учида юриб чиқиб кетишди.

Унсин уйига кирди, паранжи-чимматини ёпинди, қумғонга сув тўлдириб, чойнакка чой солди-ю, жўнади. Кўр ойдин. Осмоннинг чеккаси сариқ – кир уводага ўхшайди. Бу кир шуъла қўйнида паст-баланд уйлар, шамолда эгилаётган, тебранаётган дарахтлар қоп-қора кўринади. Пишқираётган шамол ҳар хуруж қилганида Унсинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди. Унсин паранжи-чимматини қўлига олгандан кейин йўл юриш осонроқ бўлди.

Гўристон тўғрисида додхо нималар эшитган бўлса, Унсин ҳам шуни эшитган, шамол кечаси додхо хаёлида гўристон қандоқ даҳшатли бўлса, унинг хаёлида ҳам шундай даҳшатли, лекин, шундоқ бўлса ҳам, тириклар гўристони бўлган бу даргоҳнинг даҳшати олдида ўликлар гўристонининг даҳшати унга даҳшат

кўринмас, бундан ташқари, эртагаёқ Ганжиравонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини кўриш умиди унинг бошига ҳеч қандай фикр-хаёлни йўлатмас эди.

Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан ирғишлаб борар эди; бироқ гўристон кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган қоп-қора чинор остида оқаришиб турган сағаналарни¹, белгисиз зулматни кўрганда юраги увишди-ю, зовур кўпригидан ўтиб, икки қадам юрганча тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига рахна солди: Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдига оппоқ кафанга ўралиб сағана ва гўрлар атрофида елиб юрган арвоқлар келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди ўликдан қўрқмаслигини бировга писанда қилаётгандай, бақириб: „Ўликнинг жони йўқ, ўликнинг жони йўқ!“ – деб олға интилди, шу югурганича чинор остидаги Онҳазратим сағанаси олдида тўхтади; чойнак билан қумғонни оёғи остига қўйди, паранжи – чимматини бир чеккага ташлади, ичида: „Кўпи кетиб ози қолди!“ – деб суюнди. Бироқ унинг суюнгани беҳуда эди: ҳамма нарсани олибди-ю, энг зарури – ўтин эсидан чиқибди! Ҳар сағанадан бир қўл, ҳар гўрдан бир товуш чиқишини кутиб ўтин қидириш ваҳимаси унинг юрагига яна рахна сола бошлади. Унсин ўзига-ўзи баланд товуш билан яна: „Ўликнинг жони йўқ!“ – деди.

Ҳозир дилига битта одамчалик қувват бўлаётган бу гапни оғзидан қўймай, сағана ва гўрларни оралаб ўтин қидирди; пайнаслашиб, қўлига илинган нарсани этагига солди, қамиш синдирди, янтоқ, гиёҳ юлди, қўллари қонаб кетганини ҳам пайқамай, топган-тутганини келтириб ўт ёқди. Ўт чирсиллаб-қирсиллаб бир пасда туркиради, шамолда тўлғанаётган тутун аралаш аланганинг қизғиш шуъласидан қоронғилик липиллаб, узоқ-яқинда дўппайиб турган гўрлар, худди биров тупроқни кўтариб чиқаётгандай ҳаракатга келди. Унсин яна ўтин қидирди, лекин ҳар сафар ўтин қалаганда аланганинг туркираши, чирсиллаши мудраб ётган арвоқларни уйғотиб юборишидан кўрққандан унинг устига ўзини ташлағудай бўларди.

¹ Сағана – қабр устига қуришган мақбара.

Ниҳоят қумғон қайнади. Унсин наридан-бери чой дамлади, куруқ янтоқ ва қамишларга ўт кетмасин учун ўтти тепкилаб ўчирди; ўнг қўлида чойнак, чап қўлида қумғон, ўтнинг шуъласидан кўзи хануз қамашиб борар экан, бир жойда ер ўпирилиб, чап оёғи тақими-гача ботиб кетди ва оёғининг учи юмшоқ бир нарсага теккандай бўлди. Унсин бояги гапни дуодай тез-тез қайтариб, қўрқувни ўзига йўлатмаётган бўлса ҳам, кўнглига: „Ўликнинг қорнимикин?“ – деган гаплар келди-ю, юраги орзиқиб оёғини дарров суғуриб олди ва чуқурда қолган бир пой кавушини олгани юрак қилолмамай, маҳсичан кетаверди. Унсин бир неча қадам босгандан кейин паранжи-чиммати сағананинг олдида қолганини эслаб тўхтади, лекин қайтиб боргани ботинолмади, ҳозир қайтиш эмас, қайрилиб қарагани ҳам юраги дов бермас, назарида ҳамма ўликлар сағаналардан, гўрлардан бошини чиқариб, кетидан қараб тургандай эди. Унсин нима қилишини билмай туриб қолди. Шу аснода каттакон бир сағананинг ичиданми, нарёғиданми аллақандай бир говуш эшитилди-ю, ҳаял ўтмай нимадир келиб, Унсиннинг елкасига миниб олди, афтидан бўғмоқчи бўлиб қўл узатди. Унсин кўкрагига ниҳоятда оғир бир нарса билан урилгандай кўнгли олиб тентираб кетди-ю, йиқилмади, лекин оёқ узра туриб хушидан кетди; орадан қанча вақт ўтганини билмади, кўзини очиб қараса жонивор елкасидан тушибди, эмаклаб бояги сағананинг орқасига ўтиб кетди. Унсин телба бир аҳволда бўлса ҳам фаҳмлади: маймун! Додхонинг маймуни! Маймунни додхонинг ўзи олиб келма-гандир, бировдан бериб юборган! Дунёда додходай бераҳм одам яна бор эканми!

Унсин елкасига маймун минган дақиқаларда нақадар қўрққан бўлса, ҳозир шу қадар тинчиди, хотиржам бўлди: демак, қандоқ бераҳм бўлса ҳам шу атрофда одам бор!

Унсин гўристондан чиқиб, катта йўлга тушиб олди, ярим йўлга борганда чап қўлига қаттиқ оғриқ кирганини сизди. Оғриқ қумғонни эслатди. Чап қўлида қумғон бор эди, қани? Унсин бир тўхтади-ю, чойнакни иккала қўли билан бағрига босиб, дармони етгунча жадаллади. Тушида юургандай унинг йўли кўпаймас, икки оёғи гавдасидан кейинда қолар, қўлидаги чойнак тобора оғирлашиб борар эди.

Унсин Нодирмоҳбегимнинг оғир эшигини зўрға очди, остонадан ўтиб бир-неча қадам босгандан кейин ҳолдан тойиб чўкқалади ва не машаққат билан интилиб, жўмрагидан чой оқиб

буғланаётган чойнакни сандалнинг бир чеккасига қўйди, умрлик орзуси ушалгандай, ҳордиғи чиқиб, ўзини ерга ташлади. Сандалда ўтириб пинакка кетган додхо уйғониб тамшанди, бошини кўтариб Унсинни кўрди-ю, „жон бераётғибди“ деб ўйлади шекилли, кўзлари олайди, ундан кўзини олмай секин ўрнидан турди, худди ўлим хавфидан қочгандай, бир ирғиб сандалдан ошди-да, ўзини эшикка урди...

Унсин ҳушидан кетган экан, бир вақт кўзини очиб қараса, сандалнинг четида чалқанча ётибди, тепасида Нодирмоҳбегим йиғлаб ўтирибди. Унинг ўнг кўзи моматалоқ бўлиб шишиб кетган, оқ дока рўмолининг у ер-бу ерига қон теккан эди. Унсин Нодирмоҳбегимга кўзи тушган замони ундан додхонинг лафзи лафзми эканини сўрамоқчи бўлиб эди, унинг аҳволини кўриб, эшитилар-эшитилмас:

– Сизга нима бўлди? – деди.

Нодирмоҳбегим Унсиннинг ёш жонига раҳм қилишини, уни қайтаришни сўраб додхога ёлворганида додхо уни тутиб олиб хўп урган эди.

Нодирмоҳбегим Унсиннинг саволига жавоб бермади, товуш чиқармай яна ҳам қаттиқроқ йиғлаб, унинг бошини силади, юзини юзига қўйди; сўнг ўша чоғи одам юбориб гўристондан олдирган икки чимдим тупроқни ярим пиёла сувга чайиб Унсинга тутди.

– Ич, жигарим, кўрққансан... Гўристонда кўрққанга гўристоннинг тупроғи даво бўлади.

Унсин пиёладаги лойқа сувни дарров ичди, хийла енгил тортгандай бўлди.

– Мендан қайтмаса, худодан қайтсин... Энди Ганжиравонга кетармиканман?

– Кетасан, — деди Нодирмоҳбегим йиғлаб, — сал ўзингга келгин, кетасан...

Унсиннинг чақнаб кетган кўзларида ёш йилтиради.

– Мен тузукман... Пешингача тузаламан, жўнасам бўлади... Ганжиравонга одам юборсангиз... Ота-онам боришимни ҳарна эртароқ эшитса, ҳарна эртароқ суюнса...

Нодирмоҳбегим яна калтаклашларидан ҳайиқмай Ганжиравонга бир хизматкорини юборди.

Бироқ Унсин пешингача етмади – узилди.

Шом қоронғисида унинг жасадини қизил кўрпага ўраб аравага солишди. Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дарахтларнинг шоҳида чийиллар, гувиллар эди.

Дарвозадан бошида паранжи ва қўлида оқ тугунча Нодир-моҳбегим чиқди. У дарвозага юзини ўгириб, чўнқайди, икки қўлини фотиҳага очиб бир нималар деди. Додхонинг ўзи билан бирга бу даргоҳни ернинг қаърига юборгандай иккала муштини уч марта ерга қадади; кейин: „Бу даргоҳни энди елкаминг чуқури кўрсин“, – дегандай бир ҳаракат билан кескин бурилиб, аравага чиқди, марҳуманинг бош томонига ўтирди.

Арава жўнади, шаҳар қўрғонидан чиққанда кундузи Нодир-моҳбегим юборган хизматкор Ганжиравондан қайтиб келмоқда эди.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикоянинг дастлабки жумлаларини қайта ўқинг. Кузак шамолининг ваҳимали қудрати акс эттирилган ўринларга алоҳида эътибор қилинг.
2. Табиатдаги қудратли нотинчлик билан одам табиатидаги „жимгина ўтириш“га мойиллик ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг.
3. Нима сабабдан додхонинг хаёлига гўристон ҳақидаги фикр келиб қолди деб ўйлайсиз?
4. Асардан додхо руҳияти акс эттирилган ўринларни топиб қайта ўқинг, муносабат билдириг.
5. Қисман хотинларини, асосан, ўзини овутиш учун гўристондан гап очган додхонинг гапларини хотинлари давом эттирмаганликлари сабабини изоҳланг.
6. Ҳикоядаги: *„Хамма ўтирган ерида гўё бир қарич чуққадай бўлди ва тин олмай бир-бирига қаради“* деган тасвири қандай изоҳлайсиз?
7. Дарчага келиб урилган нарсанинг бўйра эканини билган додхонинг суюнишига сабаб нима деб ўйлайсиз?
8. Бир қўй учун қабрга тунда пичоқ санчган кишига Унсининг салбий муносабати додхога нима учун ёқмаганлигини тушунтиришга уриниб кўринг.
9. Унсини кўпчилик эркакларнинг ҳам қўлидан келмайдиган жасоратга ушлаган куч нима эди деб ўйлайсиз?
10. Асардаги: *„Унсин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган додхога бир кўз ташлади-ю, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди“* тасвири қайта ўқинг. Унсининг ҳаракатларини изоҳланг. Бошни эгиш ва дадил жавоб ҳақида ўйлаб кўринг.
11. Ҳикояда: *„Унсин додходан дарров юзини беркитганча чиқиб кетди“* деган жумла бор. Келинчакнинг шу ҳаракати маъносини чақиб, сабабини тушунтириг.
12. Унсин гўристонга чой қайнатиш учун кетаётган пайтдаги табиатнинг авзойи тасвири а эътибор беринг.
13. Ҳикоянинг бир жумласида „*дахшат*“ сўзи беш марта такрорланган ўрин бор. Уша жумлани топиб ўқинг. Буни ёзувчининг эътиборсизлиги натижаси деб биласизми ёки бошқача изоҳлаш керакми?

14. Муаллиф додхонинг уйини не боис „...тириклар гўристонин“ деб таърифлаганини тушунтириб бера оласизми?

15. Унсининг гўристонга бориб чой қайнатиб келишга кўпиши Сизни ишонтира оладими? Фикрингизни асосланг.

16. Унсин қўрқмайдиган аёлми? У ҳолда ҳикоядаги: **„Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолани бир қарич кўтаргандай бўлди“** тасвирини қандай изоҳлаш мумкин?

17. Ўзи яшаётган нобоп шароитга кўникмаслик Унсининг қандай фазилатини намоён қилади деб ўйлайсиз?

18. Ҳикоя қаҳрамони қўрқувдан ҳушини йўқотиб қўймаслик учун қандай йўл тутганлигини аниқланг. Бундай ҳолатда Сиз нима қилган бўлардингиз?

19. Унсининг елкасига кутилмаганда маймун миғиб олгандаги руҳий ҳолати тасвирини изоҳланг. Шунча синовлар устига маймуни ҳам қўйиб юбориш қандай оламга ҳос хусусият деб ўйлайсиз?

20. Гўристондан чиқишда Унсин „...чап кўлига қаттиқ оғриқ кирганини“ сезади. Оғриқ нега, айнан, чап кўлига кирди деб ўйлайсиз?

21. Ҳикояда: **„...икки оёғи гавдасидан кейинда қолар, кўлидаги чойнак тобора оғирлашиб борар эди“** шаклидаги тасвирни талқин қилинг. Унсининг ҳолатини ифода этинг.

22. Додхонинг гўристондан қайтган Унсинни кўргандаги ҳолатини матига таяниб изоҳлаб бering.

23. Зурга ҳушига келган Унсининг Нодирмоҳбегимдан ҳол сўраши сабабини тушунтиринг.

24. Нодирмоҳбегимга ҳос хусусиятларни тавсифлаб бering.

25. Унсин енгилдими? Иродали инсонни, эркпарвар одамни енгish мумкинми? Сиз нима деб ўйлайсиз, ўлмоқ енгилмоқми?

26. Тестларни ечишга урининг:

1. Инсон қадри, шаҳс эркинлиги барча нарсалар устун эканлиги **«Даҳшат»** ҳикоясидаги қайси жумлада акс этган?

А. Ҳозир ким гўристонга бориб, Асқарпонсоннинг қабрига шчоқ санчиб келади? Б. Битта кўйини назарлари илмайди. С. Ўлсин нокас одам экан, битта кўйини деб... Кошки арзийдиган нарсга бўлса! Д. Тағин нима қиласан Ганжиравонда... Э. Майли, майли! Лекин лафзингиздан қайтмайсиз...

2. **«Даҳшат»** ҳикоясида қандай фикр илгари сурилган?

А. Эринг ўз хотинига эҳтим қилиши даҳшатли иллат эканлиги Б. Аёлнинг эрига исён қилиши фожеага олиб келиши С. Инсон эрки, шаҳс хурлигини улуглаш Д. Инсоннинг ўзи қодир бўлмаган ишга қўл урмаслиги Э. Бераҳмлик, шахсий манфаатпарастликни қоралаш

Шоир Қўқонда таваллуд топган. Туғилган йили номаълум. Унинг исми Махмуд бўлиб, “Махмур” (хумори, маст маъносиди) адабий тахаллусидир.

Тарихда талай шоир, олим ҳамда давлат арбобларининг катта шахс бўлиб етишишларида оила муҳити ва таъсири ҳал қилувчи аҳамият касб этганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Агар оилада маданият, илм-маърифат, адабиётга ошнолик шакланган бўлса, бундай гўшадан юксак фазилатларга эга шахслар етишиб чиқиши табиий. Махмурнинг ҳам оилавий муҳитини зиёлилар давраси дейиш мумкин эди. Отаси Шермуҳаммад Акмал Қўқон атрофидаги Бойтуман қишлоғидан бўлиб, хонлик пойтахтига келиб қолган истеъдодли киши эди. Қўқондаги Мадрасаи Мирда муддарислик қилган, ўзбек ва тожик тилларидаги шеърларидан икки девон тартиб қилган шоир ҳам эди. Онаси Ҳапалак қишлоғидан бўлиб, замонасининг кўзга кўринган фозилларидан бири Турдали хаттонинг қизи бўлган.

Махмур отаси ишлаган Мадрасаи Мирда таҳсил олади. Оилавий муҳит таъсирида адабиётга ихлос қўйди. Ўқиш давомида форс тилини ҳам мукаммал эгаллаб, икки тилда юксак истеъдод билан шеърлар ёза бошлайди. Шу тариқа адабий давраларда шоир сифатида эътироф қилина бошлайди.

Шоирнинг ҳаёти оғир моддий муҳтожликда кечган. Хотини ва уч фарзандидан иборат оиласини базўр тебратарди. Бунинг устига аччиқ тиллиги, тап тортмаслиги боис сарой аъёлари, айрим мансабдор шахсларга ёқмаган, улар билан ўзаро келиша олмаган. Шунинг учун ҳам Қўқон адабий муҳити ҳақида тазкира ёзган Фазлий Намангоний ўз асаридида Махмур ҳақида салбий фикрлар билдирган эди. Шоир тирикчилик важдан маълум муддат Амир Умархон саройида сипоҳилик ҳам қилган. Лекин бу иши унинг моддий аҳволини ўзгартирмади. Фарзандларига нон ва кийим топиб беролмай қийналади. Ҳатто бир йил уйсиз қолиб, касалланган хотини вафот этади. Уйсиз кўшидан, яъни умр йўлдошидан айрилган, илгида нўши — емоқ-ичмоғи тайин бўлмаган шоир бир нечта ҳасби ҳол шеърлар битади. Мана уларнинг бири:

Кечалари ётгани на қўшим бор,
Кундузи ичгани на нўшим бор.

Бир ҳовуч на уйимда ғаллам бор,
Ки икки газ на бошимда саллам бор.
Бошимга газ десам, ки саллам йўқ,
Салла десам, уйимда ғаллам йўқ.

Пойтахтда омади юришмаган шоир хон хизматидан бўшаб, она қишлоғи Ҳапалакка кетади ва ўша ерда 1844-йилда вафот этади.

Махмурнинг бизгача 3417 мисрадан иборат 69 шеъри етиб келган. Бу шоир ижодининг бир қисмигина эканлиги шубҳасиз. Жаирига кўра мухаммас, ғазал, маснавий, қитъалардан ташкил топган меросининг асосий қисми танқидий, ҳажвий йўналишда. Шеърларни ўқир эканмиз, Қўқон хонлигидаги жой номлари, шоирга замондош бўлган, у билан мулоқотда бўлган шахслар ва уларга боғлиқ ноқеалар қаламга олинганига гувоҳ бўламиз.

Бу асарларда ўзи каби оддий халқ вакиллариининг хонавайрон бўлишига сабабчи зулмкорлар, ўз ишига подойиқ кимсалар ҳажв остига олинади. “Муножот”, “Таърифи вилояти Қурама”, “Қози Муҳаммад Ражаб Авж”, “Ҳожи Нивёз”, “Ҳаким Туробий ҳазор халта”, “Қози Хўжа сакбон”, “Каримқул меҳтар”, “Такаббур” каби ҳажвияларида жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик фош этилади, нобон одамларнинг кирдикорлари шафқатсиз танқид қилинади. Баъзи шеърлари хитоб, мурожаат тарзида ёзилган бўлса, бир талай шеърларида ҳажв қилинаётган шахснинг тилидан унинг ўзи фош этилади. Шоир шеърлари ўзининг ҳаётийлиги, фавқулодда журъат ва жасорат билан ёзилганлиги жиҳатидан диққатга сазовордир.

ҲАПАЛАК

(Махмур махдум алоқадор бўлган Ҳапалак қишлоғи сифатида)

Эй жаҳондори зафар¹, кавкабан даври фалак²,
 Гўш қил³, қиссан қишлоғи хароби Ҳапалак.
 Турфа қишлоғи ғзабкардаки⁴, паррандалари,
 Товуғи игначи-ю, ўрдагу ғози – капалак.
 Бору йўқ уйлариини банда⁵, баён гар қилсам,
 Бир катак, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.
 Дема уй, балки заминкандур⁶ агар кирса киши,
 Ҳар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак.
 Халқини кўрсанг агар ўласи-ю, қоқу хароб,
 Очликдин эгилиб қомати мисли камалак.
 Ажирғ томирини ўғурида майда туюб,
 Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.
 Гар таҳорат қилса қавми сув тополмай ночор,
 Бетини қумла ювуб, кўзига сургай гувалак.
 Эй фалакқадру⁷ адолатшиями мулки малак⁸
 Марҳамат чоғида раҳм айла ба ҳоли⁹ Ҳапалак.
 Кеча гўё эшитиб шуҳрати тилло пулни¹⁰,
 Ҳапалак қўрқусидан учти мисоли капалак.

¹ Жаҳондори зафир – жаҳонда ғолиблик қилувчи.

² Кавкабан даври фалак – ҳозирги даврининг ҳашамати, дабдабаси.

³ Гўш қил – қулоқ сол, эшит.

⁴ Турфа қишлоғи ғзабкардаки – ҳудуднинг ғзабига йўлиққан ғалати қишлоқки.

⁵ Банда – мен, камина.

⁶ Заминкан – ертўла.

⁷ Фалакқадар – қадри осмонда биланд.

⁸ Адолатшиями мулки малак – мадлойиқлар мамлақатининг адолатли тартибони, яъни Аллоҳ.

⁹ Ба ҳоли – ҳолига.

¹⁰ Тилло пули – солиқ номи.

Ҳимматинг йўлида бир кеча каромат қилғил,
Каналак боз қўнуб¹, жойига бўлгай Ҳапалак.

Савол ва топшириқлар:

1. Махмур (маст, хумори) тахаллуси қандай рамзий маънони ифодалайди?
2. Биринчи мисрадаги баландпарвоз бошланиш билан иккинчи мисрада ноқ кўзга ташланган ва кейинги байтдан кучайиб борган ночор турмуш тасвири орасидаги зиддиятни кузатинг.
3. Шеърдаги: «*Турфа қишлоғи ғазабкардаки, паррандалари, Товуғи игначи-ю ўрдагу ғози – капалак*» сатрларида худонинг қаҳрига йўлиққан қишлоқ манзарасини чизишда ҳажв унсурларидан қандай фойдаланилганини кузатинг.
4. Қишлоқ уйларининг: «*Бору йўқ уйларини банда баёи гар қилсам, Бир катак, икки қапа, уч олачук, тўрт каталак*» тарзидаги тасвирида шоир маҳорати намоён бўлган ўринларни аниқланг.
5. Шеърда қўлланилган муболағаларни топинг ва уларнинг бадий вазифаларини тушунтиринг.
6. Аҳди қишлоқ тасвирига эътибор қаратинг: «*Халқини кўрсанг агар ўласи-ю, қоқу хароб, Очликдин эгилиб қомати мисли камалак*». Одамларнинг аяч аҳволини ифодалашда шоир маҳорати қандай кўринганини аниқлатинг.
7. Одамларнинг оғир тирикчилик шароитига мослашиши тасвирига диққат қилинг: «*Ажириг томирини ўғурда майда туюб, Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак*». Ушбу байт ифодасига муносабат билдиринг.
8. «*Гар таҳорат қилса қавми сув тополмай ночор, Бетини қумла ювуб, кетига сургай гувалак*» сатрларини «Ҳапалак» қишлоғида яшовчиларнинг аяч турмуши тасвирининг авж нуқтаси дейиш мумкинми? Фикрингизни асослашда ислоний арқонларга ҳам таянинг.
9. Халқнинг кундалик тирикчилик тарзи акс этган ўринларни қайта ўқинг. Улардаги ночорлик, иложсизлик ифодасини шарҳланг, шоирнинг бадий маҳоратини кўрсатинг.
10. Саккинчи байтда матлаъдаги каби яна дабдабали услубга қайтилади. Бу қайси мақсадга хизмат қилган деб ўйлайсиз? Ҳазал сўнгида шоирнинг хондан қилган ўтинчи ўриндими?
11. Шеър кимга мурожаат тарзида яратилган деб ўйлайсиз? Аллоҳгами ёки ҳукмдорга? Фикрингизни матнга таяниб, далилланг. Бунда шеърнинг сўнги байтига алоҳида эътибор берганингиз маъқул.
12. Ҳажвий йўсинида ёзилган «Ҳапалак» ғазали Сизда қувонч, шодликка тўла қулги уйғондими? Шеърни ўқиб натижасида ўзингизда пайдо бўлган туйғу ва сезимлар тўғрисида сўзлаб беринг.

¹ Боз қўнуб – яна қўниб, қайтиб.

ҲАКИМ ТУРОБИЙ ҲАЖВИ.

Бешинчи табиби Туробий эрур,
Саломига лаънат жавоби эрур.
Кезар дашту сахро касал истабон,
Ажал орқасидан юрар қистабон.
Жаҳон ичра ул жоҳили нобакор¹,
Ажал илкин² олганга келди дучор.
Ёзиб олдига икки минг халтани,
Йиғиб эски юз лак тугун латтани.
Терубдур дўконига тўқсон тубак,
Солиб ҳар тубак ичра ўн уч сумак..
Кимики тубакдан талаб қилса нўш,
Берур нўш дори дебон маргимуш.
Эрур ранги қиш чилласидан совук,
Ҳақоратга бопу, сўкарга ёвуқ³.
Кўрарман они гоҳ дўқонида,
Туриб икки шайтон ани ёнида.
Берар заҳарни нўш дори⁴ дебон,
Ани ўлдириб беажал шул замон.
Жаҳон ичра бул аблаҳи пурфусус⁵,
Қилур ўзини сонийи Жолинус⁶.
Юрар гоҳ ҳикмат усулида ул,
Гаҳе муддаи шеър йўлида ул.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳаким Туробийнинг саломига лаънат лойиқлиги сабабига тўхталинг.
2. Ҳакимнинг ортидан ажал қистаб юриши қандай маъно аниқлатади?
3. **«Ёзиб олдига икки минг халтани, Йиғиб эски юз лак тугун латтани»** тарздаги тасвирда ҳаким шахсининг қайси жиҳати ҳажв қилинган?
4. Туробийнинг дўқонидаги тувак ва сумаклар тасвиридан шоир қандай мақсадда фойдаланган деб ўйлайсиз?
5. Касалга дори ўрнига заҳар ёки маргумуш берадиган табибнинг «аблаҳи пурфусус» эканига муносабатингиз қандай?
6. Туробийнинг табобат борасидаги нодонлиги етмагандай, донолик ва шоирлик даъво қилишига муносабат билдилинг.

¹ Нобакор - ёмон.

² Илкин - қўлини.

³ Ёвуқ - яқин.

⁴ Нўш дори - ичадиган дори, яъни суйуқ дори.

⁵ Аблаҳи пурфусус - қув афеуслантирадиган аҳмоқ.

⁶ Жолинус - машҳур юнон табиби Гиппократ.

7. Қуйидаги тестларни ечинг:

1. «Ҳапалак» шеърининг деярли барча байтларида қўлланилган шеърий санъатини белгиланг.

А. Тазод Б. Муболаға С. Тажиис Д. Иштиқоқ Э. Такрир

2. «Ҳапалак» ғазалида шоир кимга мурожаат қилади?

А. Аллоҳга Б. Қишлоқ оқсоқолига С. Ҳукмдорга Д. Халқнинг ўзига Э. Номаълум

3. Сув топилмаганда таҳорат учун кум, гувалак кабилардан фойдаланиш ислом шариатида нима дейилади ва бу тасвир шеърда нима учун келтирилган?

А. Таяммум – иложсизлик ифодаси Б. Фусл – покдомонликни кўрсатиш учун С. Суннат – пок эътиқод нишонаси Д. Фарз – тақводорликни кўрсатиш мақсалида Э. Мубоҳ – дағғасалик белгиси

4. Ҳаким Туробийнинг қайси иллатлари шеърда акс этган?

А. Моҳир табиб бўлишига қарамай ёлгончилиги Б. Раҳмсизлиги, йўлтўсар қароқчилиги С. Хон саройида жаллод вазифасини бажариши Д. Тувак ва сумаклар билан савдо қилиши Э. Жоҳил табиб, товламачи тубан инсон

Махмур ҳажвиёти ҳақида

Муқаддас ҳадисларнинг бирида “Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат” дейилган. Сўзнинг бир сеҳри шундаки, асрлар қатига яширилган ёки бугун юз бераётган пинҳоний ҳақиқатларни ҳам юзага чиқара олади. Шеър ҳикматларидан бири эса, ана шу ҳақиқатларни шаклга солиб, инсонни гоҳ сеҳрловчи, гоҳо ҳушёр тортирувчи, ё ҳаёжон, ё ғазабдан жунбушга келтирувчи қуролга айлантиради. Бу қуролга эга бўлган киши ҳатто у гадо бўлсин, шоҳлар билан юзма-юз кела олади, кези келганда улардан устун туриб сўз айтиш қудратига эга бўлади. Ростгўй шоир ҳақиқат яловбардори саналади. Адиб ижоди қачонлардир ким эзгу иш қилган бўлса, унга шараф келтиради. Ким зулм қилган ёки зулмга йўл қўйиб берган бўлса, хоҳ тирик, хоҳ дунёдан ўтган бўлсин, жинояти учун маънавий жавобгар қилаверади. Шунинг учун эolim ҳукмдорлар ҳамма замонларда ҳақиқатгўй ижод аҳлидан қўрққанлар, уларни таъқиб остига олганлар.

Махмур ҳам ҳақиқатнинг аччиқ тили билан ўз даври воқеаларини ҳаққоний тасвирлади. Буни унинг “Ҳапалак” шеъри мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳазал жанрида ёзилган бу шеър орқали Қўқон хонлигида аҳоли турмуш тарзининг ниҳоятда оғирлашиб кетганлиги, турли-туман солиқлар меҳнаткаш халқни хонавайрон қилганлиги, қишлоқлар харобазорга айланганлиги акс эттирилган.

Шеър сарлавҳаси тагида таъкидланганидек, шоир Ҳапалак қишлоғига онаси орқали алоқадор. Унинг ўзи ҳам умрининг сўнги йилларини шу ерда ўтказган. Бу қишлоқ ҳозирги Фарғона

вилоятининг Бешариқ туманидаги Қумқишлоқ ҳудудидадир. Шеър хон амалдорларини Ҳапалакка "тилла пули" солиғини ундириш учун келишлари муносабати билан ёзилган.

Ҳазал балаандпарвоз, дабдабали сўзлар билан кўтаринки руҳда бошланади:

Эй жаҳондори зафар, кавкабаи даври фалак,
Гўш қил қиссан қишлоқи хароби Ҳапалак.

Биринчи мисрада хонни жаҳонга ғолиблик билан эғалик қилувчи, фалак доирасининг қуёши деб улуғлаб, иккинчи мисрадаёқ бундай ҳашамат ва дабдабага тамоман зид турувчи хароб бўлган Ҳапалак қишлоғи қиссасидан сўз очади. Бундай тескарилик орқали хон ва амалдорларнинг халқ ғамидан, унинг аҳволини тушунишдан йироқлиги, уларнинг ҳашаматли ҳаёти қишлоқларни аянчли даражага етказиш ҳисобига эканлиги таъкидланади. Гўё худонинг ғазабига учраган бу қишлоқ турмуши хонадонлардаги паррандалардан ҳам кўриниб туради: дон йўқлигидан товуқлари игначидек, ўрдак ва ғозлари капалакдек ориқлаб кетишган. Уйларига эътибор берилса, қачонлардир кўп хонадонлардан иборат бу қишлоқ эндиликда товук катагидай пастқам, далада вақтинча тикиладиган қападай омонат, деворлари нураб, қирқямоқ чодирдай – олачуқ, баъзи-лари каталак сингари, ҳуллас, вайроналардан иборат. Уларнинг ичига кирсангиз, ҳар томондан юзга кўршапалаклар уриладиган ертўладан бошқа нарса эмаслигига амин бўласиз.

Бундай шароитда яшаётган одамлар-чи? Ҳаммалари "ўласа-ю қоқи хароб", очлик тинкаларини қуритганлигидан қоматлари камалакдай эгик. Қуидалик турмуш тарзлари ғоят ачинарли:

Ажириқ томирини ўғурида майда туюб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Ғар таҳорат қилса қавми сув тополмай ночор,
Бетини қум била ювиб кўзига сургай гувалак.

Кейинги байтда шоир яна матлабдагидек кўтаринки услубга қайтади. Бундан мақсад бу қадар дабдаба ва ҳашам ичида яшаётган хоннинг шунчалик ночор ва хорликда яшаётган қишлоқ аҳлидан солиқ ундириши адолатга, ақлга, мааниққа қанчалик мувофиқлигини таъкидлашдир. Шунинг учун шоир мақтаъда хондан марҳамат қилиб уларга солинаётган солиқдан кечиб юборишни сўрайди.

Ҳазал бошдан оёқ муболаға асосига қурилган. Бу тасвир воситаси фикрни таъкидлаш, ҳолатларга урғу бериш учун шоирга қўл келган.

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ

(XVIII асрнинг 80-йиллари - XIX аср ўрталари)

Ҳар бир шоир тахаллусининг ўз маъноси бор. Мумтоз адабиётимизда шоирлар асосан муқаддас Ислом дини таълимотига, пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом ўғитлари ҳамда ўтмишдаги улуғ аجدодларга эрганиб ёки туғилган ерига нисбат бериб ўзига тахаллус танлаганлар. Тахаллус бу шунчаки бир сўз ёки исмгина эмас, балки адибнинг ижоддан кўзлаган мақсадини, йўлини белгиловчи тимсол, аجدодлари, Ватани олдидаги масъулиятга ишора қилувчи ҳикматли сўзdir. Масалан, Навоий - ҳақ ва ҳақиқат, адолат йўлида наво қилувчи, Буюк Алишер Навоийнинг иккинчи тахаллуси Фоний- ўткинчи, яъни ўзининг бу дунёда вақтинчалик меҳмон эканлигини англаб, фақат эзгу ишларни кўзловчи, Махмур - илоҳий ишқдан маст бўлган дарвеш ва ҳоказо. Хўш, унда Увайсий тахаллусининг маъноси нима?

Ўтмишда Увайсе Қараний исмли валий зот ўтган. Унинг Муҳаммад алайҳиссаломга бўлган муҳаббати шу кунгача инсонлар орасида тилларда дoston бўлиб келмоқда. У пайгамбаримиз билан бир замонда, бир-бирларидан унчалик узоқ бўлмаган жойда яшаган бўлсалар-да, уларга кўришиш насиб этмаган. Бу зот Муҳаммад алайҳиссаломга ҳали пайгамбарлик берилмай туриб, унинг қачон ва қердан чиқишини билмаган ҳолда Расулудлоҳнинг келишини интизорлик, кўзда ёш билан кутган. Ўзи ҳали кўрмаган, дарагини фақат илоҳий китоблардан эшитган пайгамбарга ғойибона муҳаббат қўяди. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўзига замондош саҳобалари ҳамда умматлари ичида кўрмай туриб, Увайсе Қараний ҳазратларига алоҳида икром ва эъзоз билан меҳр қўйганлар. Шундан Ислом оламида пайгамбаримизнинг (гарчи у зот ўтиб кетган бўлсалар-да) ғойибона нигоҳига сазовор бўлиш илинжида увайсийлик йўли пайдо бўлган. Эҳтимол, шоира Увайсий ҳам ўз тахаллусини қайсидир бир буюк зотга бўлган ғойибона увайслик муносабати туфайли танлагандир.

УВАЙСИЙ

Мана, шоира Жаҳон Отин тахаллусининг маъносини ҳам деярли билиб олдик. Энди унинг ҳаёт йўли тўғрисида бир-икки оғиз сўз.

Шоира Марғилон шаҳрида зиёли оилада дунёга келди. Отаси ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган ижодкор, онаси ҳам фозила аёл бўлган. Ҳофиз унвони билан эл ичида танилган акаси Охунжон ашула айтар, мусиқадан яхшигина хабардор эди. Бадний дид юқори булган маърифатли оилада вояга етган Жаҳон Отин ёшлигидан шеър машқ қилди ва тез орада “Увайсий” тахаллуси билан шухрат топди.

Шоиранинг турмуш ўртоғи Ҳожихон эрта вафот этиб, қизи Куёшхон, ўғли Муҳаммадхонни тарбиялаб вояга етказиш яқка ўзининг зиммасида қолади. У мактабдорлик қилади, ижод билан шуғулланади. Фарзандлари ҳам шеърлар ёзган.

Увайсий ҳаёти ва ижодий фаолиятининг бир қисми малика ва шоира Нодирабегим ҳурмати ва илтифоти туфайли хон саройида кечади. Бу ердаги қизгин ижод учун керакли адабий муҳит, фарзандларининг яшаши ва тарбияси учун қулай шароит шоиранинг бир неча йиллар осойишта ҳаётини таъминлади. 1822-йилда Амир Умархон вафот этгач, Увайсий учун ҳам ташвишли ва қайғули

қуилар бошланади. Отасининг ўрнига тахтга ўтирган Муҳаммад Алихон унга яхши муносабатда бўлмади. Боз устига ўгли Муҳаммадхон ҳам сарбозга олиниб, Қашқар учун олиб борилаётган урушга жўнатилди. Оилавий турмуши бахтсиз кечган қизи Қуёшхон касалланиб, ўттиз ёшида вафот этади. Ундан Биби Хадича исмли қизча қолади.

Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Қўқонни босиб олиб, Нодирабегимни, унинг ўгли ва набираларигача қатл эттиради. Шундан сўнг Увайсий она шаҳри Марғилонга қайтади ва тахминан 1850 йилда вафот этади.

Шоира ижоди унинг каттагина бир девонига жамланган. У мумтоз адабиётнинг ғазал, мухаммас, мусаллас, мураббаъ, чистон ҳамда дoston каби жанрларида қалам тебратганини кузатиш мумкин. Шоира шеърлари асосан ишқий мавзуда. Уларда ўзининг Яратувчисига интиқлик билан интилаётган солиқ банда, Аллоҳ яратикларининг энг афзали пайғамбар алайҳиссаломга ошиқ уммат, ҳақ йўлида собит устозларга муҳаббатли шогирд сифатида туйғуларини изҳор этади. Шунингдек, инсоннинг инсонга севгисини тараннум этувчи ғазаллари ҳам талайгина.

Увайсийнинг шеърлари ичида ҳасби ҳол тарзида ёзилганлари ҳам бор. Шоиранинг “Увайсийман”, “Доғ ўлди, доғ ўлди”, “Соғиндим” каби ғазалларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларда шоира ҳаётининг айрим лавҳалари, тақдир учун муҳим бўлган ҳаётий ҳолатлар баён этилган. Масалай, “Соғиндим” радифли ғазал ўгли Муҳаммадхоннинг сарбозликка юборилиши муносабати билан фарзандидан жудо онанинг изтироблари, соғиничини акс эттиради.

Увайсий чистоннавис сифатида ҳам ўз маҳоратини намоян этган. Айниқса, “Анор” чистони яратилгандан буён шеърят ихлосмандлари эътиборини қозониб келмоқда.

СОҒИНДИМ

Букун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.
Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман¹,
Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.
Тилимнинг зикри-ю, кўнглимни фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.
Кеча-қундуз йўлига мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрибон кетса, меҳмонимни соғиндим.
Насибин узмади тангри, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим.
Қоронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим.
Мани бекас Увайсий, йиелагайман рўз-шаб² тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.

¹ Бенаво – бахтсиз, шўрпешона.

² Рўз-шаб – кун-тун, эрта-кеч.

Сабад ва топшириқлар:

1. Шеърдан шоира таржиман ҳоли билан боғлиқ жиҳатларни топинг. Ҳазалда ифодаланган етакчи фикр ва туйғуни аниқланг.

2. Ҳазалдаги „гадо“, „шоҳи даврон“ тимсоллари шоиранинг интизорлик туйғуларини ифодалашга қай даража хизмат қилади?

3. Қандай шеърини санъатда ўзаро зид, қарама-қарши маъноли сўзлар ёрдамида таъсирчанликка эришилши мумкинлигини айтинг.

4. Шоиранинг: «**Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим**» тарзидаги андуҳида ўзбек оналарига хос сифатларнинг қандай ифодаланганлигини кўрсатинг.

5. Ҳазалдаги: «**Тилимнинг зикри-ю, кўнглимни фикри, яхши фарзандим, Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим**» байтида соғинч исканжасидаги аёл туйғуларини ифодалашда шоира маҳорати кўрсатувчи жиҳатларни топинг.

6. Шоиранинг оддийгина аскар ўғлини „давлатли султоним“ деб аташи сабабини қандай изоҳлайсиз?

7. Шоиранинг ўз ўғлига берган сифатларини ёзиб чиқинг ва изоҳлаб беринг.

8. «**Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим**» мисрасида ифодаланаётган маънони аниқлатинг.

9. Шоиранинг ўзига нисбатан ишлатган сифатлашлари орқали изтиробни, ўғлига қўллаган сифатлар воситасида соғинчни ифодалаганини таҳлил қилиб чиқинг.

10. Шеърда ўғилнинг ҳолати, кечинмалари ҳам акс этганми?

11. Ҳолат ва кечинмалар тасвири учун қўлланган халқона ибора ва ифодаларни топинг, уларнинг ҳазал бадииятида тутган ўрини шарҳланг.

12. Шеърни ёл олинг.

ЧИСТОНЛАР

1

Ул на гумбаздир эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш¹ қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гунбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзлариға парда тортиғлиқ турарлар бағри қон.

2

Ул надурким, сабзтўнлик, ёз ёғочнинг бошида,
Қиш яланғоч айлагач барча халойиқ қошида.
Барча қушларнинг сўнгоки² ичида,
Ул на қушдурким, сўнгоки тошида.

3

Икки маҳбубни кўрдум, бир-бирисин кўрмаган,
Иккисининг ўртасига, дўстлар, қил сиғмаган.

¹ Гулгунпўш — қизил (гулгун) кийган.

² Сўнгок — суяк.

Савол ва тошварқалар

1. „Чистон“га хос жанр хусусиятларини кўрсатиб беринг.
2. „Анор“ чистопини шарҳланг. Ухшамиш ва ўхшатилмаш орасидаги мувофиқлик ҳақида фикр билдиринг. Шоиранинг хаёл парвози, туйғулар дунёси, ижтимоий қарашлар тизимини шарҳланг.
3. „Анор“нинг қофияларини аниқланг.
4. „Ёнғоқ“ чистонида ёнғоқнинг қайси яширин ва қандай очиқ белгиларига таянилганига эътибор қаратинг.
5. „Кун ва тун“ чистонидаги „маҳбуб“лар тимеология тўхталинг.
6. Чистонларни ёд олинг.

7. Тест саволларига жавоб беринг:

1. Увайсий ғазалидаги *«Вужудим дардга тўлди, эмди дармолимни соғиндим»* мисрасидан англашиладиган маънони белгиланг.

А. Дард – касаллик, дармон – дори

Б. Дард – мусофирлик, дармон – ватанга қайтиш

С. Дард – зулм, дармон – қасос

Д. Дард – соғинч, дармон – дийдор

Э. Дард – очлик, дармон – овқат

2. Шоиранинг кеча-ю кундуз ўғлининг номиши такрорлаб, уни ўйлаб юриши қайси ифодада акс этган?

А. Уйимнинг зийнати, кўз равшани...

Б. Тилимнинг зикри-ю кўнглимнинг фикри...

С. Қоронгу бўлди олам кўзима...

Д. Вужудим дардга тўлди...

Э. Гадо бўлсам не айб...

3. Увайсий ғазалларидан ташқари яна қайси шеърини жанрда шуҳрат қозонган?

А. Рубоий Б. Мухаммас С. Туюқ Д. Чистон Э. Қитъа

4. Қайси мисрада ташхис шеърини санъати қўлланилган?

А. Юзлариға парда тортиелиқ турарлар бағри қон

Б. Синдируб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар

С. Ул на гумбаздур шиги, туйнуғидин йўқ нишон

Д. Ул надурким, сабзтўндик ёз ёғочининг бошида

Э. Иккиенининг ўртасига, дўстлар, қил сизмаган

ЧИСТОН

Халқ оғзаки ижоди жанри бўлмиш топишмоқ ҳақида яхши биласиз. Агар қондага солсак, номи яширилган нарса ёки тушунчани белги, ишораларига қараб топиладиган савол ёки топириқлар топишмоқ дейилади. Мумтоз адабиётдаги шеърини топишмоқ жанри чистон деб юритилади. У форсча “чист” (нима) ҳамда “он” (у) сўзларидан иборат бўлиб, “у нима?” деган маънони билдиради. Чистоннинг ҳажми чекланмаган, лекин кўпинча бир ёки икки байт (икки – тўрт мисра) бўлади. Туркий адабиётда илк чистонлар XV асрда Алишер Навоий томонидан

яратилган. Форс-тожик адабиётида ундан бир неча аср илгари ҳам мавжуд эди ҳамда луғз деб аталган. Кейинчалик луғз ҳамда чистон атамалари туркий ва форс адабиётида баравар қўлланаверган.

Увайсий чистонлари мисолида бу жанрга хос хусусиятлар яққол намоён бўлади.

Биринчи чистонда жавобни топиш учун бир қатор белги ва ишоралар берилган. Ташқи шаклий кўриниши: гумбазсимон, туйнуғи йўқ.

Ички тузилиши: гулгунпўш (қизил ёпинган) қизлар ҳамда парда борлиги.

Унга муносабат шакли – синдириш кераклиги.

Бу белгиларга кўра анорни кўрган одам бир оз тафаккур қилиб, уни топа олади. Ҳақиқатан ҳам анор гумбазга ўхшайди. Унинг бирор тешиги йўқки, ичини кўриб бўлса. Анор дончалари эса қизил кийган қизларнинг ўзгинаси. Бўлакларни ажратиб турувчи пардалар гўё улар юзидаги ҳарир мато. Ниҳоятда синчковлик ва зукколик билан топилган тасвир!

Увайсий саройда яшаган йиллари давомида хон ҳарамдаги канизлар ҳаётига гувоҳ бўлган. Гулдай ёшлиги сарой гумбази остида ҳазон бўлаётган қизларнинг бағирлари қон. Саройнинг ҳарир пардалари уларни ташқи оламдан ажратиб туради. Юқоридаги чистон ана шу кузатишлар асосида яратилган бўлса ажаб эмас. У ижтимоий ҳаётдаги воқеага ишора қилади.

Кейинги икки чистонда эса бу хусусият йўқ. Улар табиатдаги ҳолат ва ҳодисалар тасвирига бағишланган, ишоравийликдан холи. Шундан келиб чиқсак, шеърӣй топишмоқлар икки турли бўлади: мажозӣй чистонлар (“Анор”) ҳамда оддий чистонлар (“Ёнғоқ”, “Кун ва тун”).

ҚОФИЯ ВА РАДИФ

Қофия шеърнинг асосӣй унсурларидан бири саналади. У шеърӣй асарлар мусиқӣйлигини, жозибасини таъминлайди. Қофия матнда ярқ этиб кўзга ташланади, эшитилишида ҳам бошқа сўзлардан ажралиб туради. Шунинг учун шоирлар асарларида асосӣй фикрни ташувчи сўзларни қофияда беришга ҳаракат қиладилар.

Қофия – бир сўз билан юзага чиқмайдиган бадий ҳодиса. Қофия бўлиши учун икки ва ундан ортиқ оҳангдош сўзлар

уйғунлиги бўлиши керак. Улар қофиядош сўзлар дейилади. Оҳангдошликни бу сўзлардаги равий деб аталувчи унли ёки ундош бўлган тиргак товуш ҳосил қилади. Қофиядош сўзларда равий қатъий бир ўринда келади. Масалан, “Анор” чистонидаги “нишон”, “макон”, “қон” қофиядош сўзларида “н” ундоши равий ҳисобланади. Уларда қофия равий билан тугаган. “Ёнғоқ” чистонининг биринчи байтидаги “бошида”, “қошида” қофиядош сўзларида “ш” товуши равийдир. Чунки қофиядош сўзларнинг ўзаги «ш» билан тугаган. Лекин бу чистонда қофия равийдан кейин ҳам давом этмоқда. Равий билан тугалланган қофияларни *муқайяд* деб, равийдан кейин ҳарфлар келган қофияларни *мутлақ қофия* деб аташ қабул қилинган. Мумтоз шеър илмига кўра равий сўзнинг асосида (ўзагида бўлиши талаб этилган. Аммо ижод амалиётида баъзан бу талабдан четга чиқишлар ҳам кузатилади. Увайсийнинг “Кун ва тун” чистонида ҳам шу ҳолатни кўрамиз. “Кўрмаган” – “сигмаган” қофиясидаги равий (“н” товуши) ўзакда эмас, қўшимчанинг таркибида жойлашган.

Эслаб қолиш керакки, “лола – пиёла”, “банда – ханда” каби қофияларда “а” унлиси эмас, балки “л” ҳамда “д” ундошлари равий ҳисобланади. Сўздаги чўзиқ унлиларгина равий бўла олади. Қисқа унлилар равий бўлолмайди. Масалан, шоиранинг “Увайсийман” радифли ғазалида “мубтало”, “ошно”, “муддао”, “мосиво” сўзларидаги “о” унлиси равийдир.

Қофиядан кейин такрорланадиган сўз ёки сўзлар бирлиги **радиф** дейилади. Юқорида сиз ўрганган

Бу кун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,

Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим
байти билан бошланувчи шеърда “жононимни”, “давронимни” каби сўзлар қофиядош бўлса, улардан кейин такрорланувчи “соғиндим” радифдир.

Радиф бир неча сўздан ҳам иборат бўлиши мумкин. Увайсийнинг

Кн булбул нола, афғон айламакни мендин ўрганди,

Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди
байтида “афғон”, “сўзон” қофиясидан кейинги уч сўздан иборат “айламакни мендин ўрганди” радиф бўлиб келган.

Чистонларнинг жавоблари

1. Анор 2. Ёнғоқ 3. Кун ва тун.

(1910 - 1978)



Муқаддас Туркистон шаҳри яқинидаги гўзал Иқон қишлоғида туғилган Миртемир ота юрти тароватини умрининг охиригача унутмаган, сўнгги нафасигача куйлаб келган шоир эди. Миртемир фақат лирик шеърлар битиб қолган эмас. Унинг жарангдор сочмалари йиғирманчи йилларда жуда машҳур бўлган эди. Миртемир гўзал дostonлар ҳам яратган, драматик ва насрий асарлар ҳам ёзган. У қилган таржималар ўзбек ўғирма адабиётида алоҳида босқич бўлишга арийди. Унинг адабий жараёни таҳлил қилишга бағишланган, илмий хулосалари салмоқли танқидий асарлари ҳам бор.

XX аср ўзбек шеъринининг улкан вакили Миртемир (Миртемир Турсунмат ўғли) кўҳна Туркистоннинг Қоратоғ этакларидаги Эски Иқон қишлоғида туғилган. Хужжатларда адибнинг туғилган вақти 1910 йилнинг 10 майи деб кўрсатилади. Шоирнинг ўзи бу тўғрида: *«Мен туғилган қишлоқнинг кунботарида қадим Туркистон шаҳри, жанубида Ўтрор, Бойбалк харобалари ва Ясси, Суйри қальаларидан қолган култепалар, ундан нари Сирдарё...»*, - деб ёзади. - *1910 йили буғдой ўроғида шу қишлоқда туғилиман. Отам - деҳқон ва чорвадор, она томондан бобом мулла, мактабдор. Ота томондан бобом - узун бўйлик, полвон жуссалик, қизил юзли одам эди. Она томондан бобом – ўрта бўйли, чарақлаган қора кўзли, қора ва чечан одам эди. Мен бир-икки йил шу бобом мактабида ўқидим»*. Шоир кейинчалик қишлоқда очилган нўғай домла мактабида таҳсилни давом эттиради. Шоирнинг отаси Турсунмат Умарбек ўғли ҳам адабиётга ихлосманд эди.

Турмуш қийинчиликларидан чўчимаган, илмга чанқоқ Миртемир II ёшида амакисига қўшилиб, Тошкентга қочиб келади ва Бешоғочдаги «Алмай» номидаги ишмактабга жойлашади. Икки йил бу мактабда ўқигач, Тошкентнинг янги шаҳар қисмидаги «Ўзбек эрлар билим юрти»га кўчади. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаган бўлажак шоир ўша йилларнинг машаққатини шундай эслайди: *«Иш мактабда ҳам, билим юртида ҳам ўзимиз экар, ўзимиз йнғар эдик, ўзимиз тикар, ўзимиз кияр эдик. Деярли ҳамма ҳунар ўргатилар эди. Оғир йиллар эди; то 1924-25 йилларгача хўрагимиз ҳар куни икки ё уч марта бир бурдадан қора нон ва тушлик бир чўмич бўтқа эди. Иш мактабнинг боғи Чилонзорда, билим юртининг боғи Кўктеракда эди. Ёз бўйи ҳамма боғда ишларди ва рангга қон, бўйга жир битиб қайтардик. Билим юртида ўқишлар оғир, ўқитувчилар талабчан бўлиб, кечаси алла маҳалларгача совуқ бўлмаларда дарс тайёрлардик»*.

1929 йили билим юртини тугатган Миртемир йўлланма билан ўша вақтда пойтахт бўлган Самарқанд шаҳрига келади. Самарқандда Педагогикада (ҳозир Самарқанд давлат университети) ўқиш билан баробар Ўзбекистон Марказий ижроия қўмитасининг раиси Йўлдош Оҳунбобоевга шахсий котиб бўлиб

ишлайди. Шоир ҳаётининг Самарқанд даври қизғин ижодий изланишлар даври бўлди. У Ҳамид Олимжон билан дўстлашиб қолади. Лекин орадан кўп ўтмай, Миртемир тухмат билан қамалади ва қамоқ муддатини узоқда – Шимолдаги Беломорканал қурилишида ўтайди.

Миртемирнинг қиёфасини белгилайдиган, уни ўзбек китобхони учун ардоқли қилган нарса – унинг шеърляти. Миртемир самимий туйғуларни, назик кечинмаларни содда ва тушунарли ифодалай оладиган санъаткор. Рост тасвир, бунинг устига, туйғулар шериклигида амалга оширилган аниқ тасвир ҳамиша эсда қолади. Ҳаммага, айниқса, сиз ёшларга ардоқли бўлади. Бадний нафаси билан сафларимизни тўлдириб юрган, авлодларининг покиза, маърифатли, ориятли бўлишини истаган Миртемирнинг шеърляти сизнинг ҳамширалик ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонамиз.

БУ – МЕН ТУФИЛГАН ТУПРОҚ

Бу – мен туфилган тупроқ. Ҳа, мен туфилган тупроқ
Тоелар, кўм-кўк адирлар, дарёлар, чексиз қумлоқ.
Бўронлар қамчилашар, ёмғирлар томчилашар,
Қишда қалин қордан оқ, кузда-чи, пахтадан оқ.
Тақводордай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Онам каби ўпаман, қалб меҳрига тўяман.
Кайҳисрав қиличидан кесикбош бобом хоки,
Ким ноҳос оёқ қўйса, ҳақоратга йўяман.
Бу – мен туфилган тупроқ. Бу – мен йўғрилган тупроқ.
Кўкдам гоҳи сержала, ёз қурумсоқ ва қурғоқ.
Терак бўйи жарлардан сув тортар бобо деҳқон,
Бугдой ҳам, жувари ҳам бўлиқ, кўм-кўк, сербошоқ.
Тақводордай чўк тушиб пешонамни қўяман.
Суйғулдамдай қучаман, жамолига тўяман.
Чингиз ўқиға учмиш олис бобом хоки бу,
Ким кўзга илмай боқса, камчиликка йўяман.
Бу – мен туфилган тупроқ, бу – мен улғайган тупроқ.
Даралари жаннатий, тоғ сиртлари кўк яйлоқ.
Қумлоқларида ҳатто сурув-сурув қўй-қўзи,
Гулдор, нақшин қоракўл етти ранглик, ярқироқ.
Бир фарзанддай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Кун ўтмай соғинаман, ўпиб-ўпиб тўяман.
Оқ пошшонинг тўпидан абжақ бобом хоки бу,
Оқ пошшони эслатсанг, ёвузликка йўяман.
Бу – мен умр кўрган тупроқ, мен бобо бўлган тупроқ
Сув бўйлари тутзорлар чўзилмиш йироқ-йироқ.

Ипак ҳам, бол ҳам бунда мрамор ҳам, олтин ҳам мўл,
Кўмир ҳам, шароб ҳам бор, гурунч – садаф мисол оқ.
Бир аскардай чўк тушиб, пешонамни қўяман.
Фидойиман, шайдоман, ўпиб-ўпиб тўяман.
Эрк дея шаҳид кетган ўғлонларнинг хоки бу,
Ким нохос ўқрайса ҳам кўзларини ўяман.

Савол ва тўлдиришлар

1. Шеърни диққат билан ўқиб чиқинг. Ҳар бир бандда она тупроқ ҳислатларининг маълум бир қирраси тасвир этилаётганига эътибор беринг.

2. Биринчи банддаги дастлабки тўрт мисра нимани англатади? Шу банддаги: *„Кайхисрав қилчидан кесикбош бобом хоки, ким нохос оёқ қўйса, ҳақоратга йўман“* мисраларини шарҳлаб беринг.

3. Иккинчи бандда ўлка табиатига ҳос хусусият жуда ҳам аниқ берилган ҳароратли мисралар бор. Шуларни топинг ва изоҳланг.

4. *„Гулдор, нақшин қорақул етти ранглик, ярқироқ“* мисрасини изоҳлашга урининг.

5. Шеър бандларининг бошида, ўртасида, охирида келган такрорларни аниқланг ҳамда уларнинг бадиий-эстетик вазифасини тушунтиринг.

ОНАГИНАМ

Товонимга чақир тиканакдай боттувчи – ғашлик.

Бедаво сизловиқдай сизлаттувчи – ғашлик.

Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,

Чучварага чеккувчи – ғашлик.

Мени ўйлаб нотавон ва нимжон,

Ғашимга теккувчи – ғашлик.

Суякларимни сирқиратиб

оч теватдай ғажигувчи,

Кўзимда ёш тирқиратиб,

жиғилдонимда аччиқ бўзадай

ачигувчи ғашлик...

Дунёга қайта келишимга кўзим етсайди,

Йингит ёшимга тўлмай туриб,

Айрилиқ зайлида қоқ ёғочдай қуриб,

Жон берган онамни кўришимга кўзим етсайди,

Тиззасига бир нафас бош қўйишимга кўзим етсайди,

Оналик меҳрига обдан тўйишимга кўзим етсайди,

Оқ сутингни оқлай, дейишимга кўзим етсайди,

Менда ғашлик нетарди?

Янтоқ ўтинидек,

Тамаки тутунидек,
Тонг пайтида таралган бадбахтлик тунидек –
Чексиз фазоларга тарқаб кетарди!
Онагинам!
Одам бўлдимми менам?
Йигит ёшимгача бир челак сув келтириб
бермаган бўлсам,
Ё ташналигингда бир коса шарбат тўлдириб
бермаган бўлсам,
Ё нон ёпишинг учун,
Ҳатто бир йўла бир кун
Саҳродан ўтин орқалаб келмаган болангман...
Ё сигирни подадан айириб,
Ё эчкини ҳовлига қайириб,
Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман...
Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,
Сенинг бир ишорангга юз ўмбалоқ ошиб
кетолмаганим.

Сени жиндак хушвақт қилгани,
Сени жиндак хушбахт қилгани,
Тагсиз жарлардан ўтолмаганим,
Сени сўнгги йўлга ўзим кузатолмаганим –
Тоғдай зил,
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда,
онагинам!

Одам бўлдимми менам?
Ҳа, одам санашар мени элимда.
Сенга қилолмаган хизматим,
Сен деб чеколмаган заҳматим –
Жиндак зеҳним, жиндак шеърим, жиндак ғазалхонлигим,
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим, жиндак яхшилик ва
ёмонлигим,
Мени одам санаган элимга баҳшида, жафодийда
онагинам!

Элга хизматим – сенга хизматим эмасми ахир,
Эл мени фарзандим демасми ахир!
Рози бўл, одам саналай менам...
Дунёга қайтиб келурман,
Лекин бошқа ўғил бўлиб...

Савол ва топшириқлар:

1. Шоирнинг ҳолати дастлабки мисраларда қай тарзда ифодаланган?
2. Шеърдаги „ботгувчи“, „сизлатгувчи“, „чеккувчи“, „теккувчи“ „ғажигувчи“, „ачигувчи“ сингари сифатлашлар қайси тушунчага тегишли? Улар қандай шеърӣй вазифани бажаришга қаратилган?
3. Шеърдаги „ғашимга теккувчи – ғашлик“ ифодасининг шеър жозибасини оширишдаги, киши руҳий ҳолатини ифодалашдаги ўрини тушунтириб беринг.
4. Она олдида фарзандлик бурчини ўтай олмаган кишининг афсуслари ифодаси энг авжига чиққан ўрини аниқланг.
5. „Тонг пайтда таралган бадбахтлик тунидек“ мисрасининг маъносини чақишга урнининг.
6. „Онагинам“ шеърини бир хил оҳангда, бир хил зарб билан ўқиб бўладими? Оҳанглар алмашиниб туришига сабаб нима?
7. Мисраларнинг узун-қисқалигига сабаб нима, деб ўйлайсиз?
8. „Тоғдай зил“ ифодаси нима учун алоҳида бир мисрага чиқарилган ва уни қандай ўқиш керак, деб ўйлайсиз?
9. Шеърни ёдланг.
10. „Менинг онам“ мавзудида ишро ёзишга ҳозирлик кўринг.

ТОШБУ

Чайирсан, чечансан, чучуксан сўзсиз,
Эртақдай эзгусан, булоқ янглиғ пок,
Кўз ололмас ҳатто илғаса кўзсиз,
Ҳолбуки мунгдугсан. Ғамдан кўксинг чок.

Ёр жангга жўнаркан: „Бўшашма“, – девди,
Бўшашган пайтда ҳам бўлолдинг тетик.
Билардинг – у сени жонидек севди,
Эгинингда калта тўн, оёқда этик,

Кўнгил қўйдинг суюк пахтазорингга,
Жўякларда қолдинг қош қорайгунча.
Тер тўкиб кўз тикдинг ўз девкорингга,
Вафо бўлса агар, бўлур-да шунча!

Бурмалик кўйлак ҳам, нимча-ю нижим,
Сирғалар сандиққа тушди. Бардош бу...
Хилватда ёш тўкдинг ёмғирдай сим-сим,
Кейин йиғи ҳам тарк. Бош бўлдинг, Тошбу...

Ўн жувонга бошлиқ – кўп ҳам осонмас,
Тун оғир ва узун, бўлар эдинг хун.
Бу тўй кунидаги қувноқ жавлонмас,
Тер тўкдинг ҳам ўзинг, ҳам эринг учун

Қиров кетмасидан ташидинг ўғит,
Тўқилтоқ арава – уловинг эшак.
Ўн жувои измингда – маслаҳат, ўғит,
Дарддошлик ҳам оғир, кўп оғир бешак.

Ўз бўйнингда эди сув, ўтоқ, чопиқ,
Эса турмас эди соч гараш ҳатто.
Шўх ҳисларга қалбинг дарчаси ёпиқ,
Кулиб қараганга жўн қараш ҳатто.

Далага эргашар икки боланг ҳам,
Бири чой қайнатар, бири ташир сув.
Эркак меҳнатига кўникдинг кам-кам,
Бу ҳам жанг эди-да, қаттол жанг, Тошбу!

Ҳар қалай қайнашдан қолган йўқ қозон,
Ўртада қуюқми, суюқми – ёвфон.
Бувак ҳам, гўдак ҳам бўлмади ҳазон,
Бадном этолмади бирор қинғир жон.

Косанг тоза, ҳалол, бутуи ва беюқ,
Қорахат, ним қаҳат сололмади чанг.
Жамолингга ҳар гал суқулолмай суқ:
– Бунча тошбағир! – дер бадар кетди ганг.

Толеинг бор эмиш, толе ёр эмиш,
Келди ахир жангчи: бас деб, шум фироқ.
Ўпкасида мошдек ўқ ҳам бор эмиш,
Тирсакдан бир қўл йўқ: Сендан ғаш йироқ.

Сени сал хўрлаган сира инсонмас,
Кўзларингда гурур ва бахтдан ёш бу.
Сенсиз Ўзбекистон – Ўзбекистонмас,
Сенсиз кенг жаҳон ҳам сира жаҳонмас,
Тошбу!

Ғазол ва топшириқлар.

1. Шеърда шоир томонидан Тошбунинг ички ва ташқи қиёфаси тасвирланган сатрларни тоғинг ҳамда изоҳланг.
2. Тошбунинг бардоши мадҳ утилган мисраларни тоғинг ва уларни шарҳлаб беринг.
3. Тошбу табиатидаги покизалик, садоқат, меҳнатсеварлик, инсоний гурур туйғулари туфайли шоир кўнглида пайдо бўлган фахр акс этган мисраларни тоғинг.

4. Ўзбек аёли садоқати ва гурурига фахрия тарзида битилган мисраларни топинг ва шарҳлаб бering.

5. *„Сенсиз Ўзбекистон –Ўзбекистонмас, Сенсиз кенг жаҳон ҳам сира жаҳонмас, Тошбу!“* сатрларининг кўтаринки руҳи ҳақидаги қарашларингизни тушунтириг.

Шеърни ёд олинг.

Қуйидаги тест саволларига жавоб бering:

1. «Бу – мен туғилган тупроқ» шеърда учрамайдиган тасвирни кўрсатинг.

А. Ватан ўтмиши Б. Юрт гўзаллиги С. Дўстлар билан саяҳат
Д. Душманларга нафрат Э. Ватан қимоясига шайлик.

2. «Онагинам» шеърда қайси туйғу изҳори берилган?

А. Она олдидagi бурчни адо этолмаган фарзанд армони
Б. Онасини кўргани боролмаётган ўғил соғинчи
С. Эл хизматида бўлиб, онадан хабар ололмаётган ўғил утинчи
Д. Умрида онасини кўрмаган фарзанд изтироблари
Э. Онасини вақтида рози қилолмаган ўғилнинг қалб қийноқлари.

3. «Онагинам» шеърдаги лирик қаҳрамон онасига қилолмаган хизматни элга қай йул билан бахшида этмоқчи бўлади?

А. Бойлиги Б. Ижоди С. Тинимсиз меҳнати Д. Муҳаббати
Э. Душманларга қарши кураши

4. «Бурмалик куйлак ҳам нимча-ю гижим, Сирғалар сандиққа тушди. Бардош бу...» сатрлари орқали англатилган маънони топинг.

А. Тошбунинг аёл сифатидаги аччиқ изтироблари
Б. Уруш шароитида безак, кийимлар кўзига ёмон кўринганлиги
С. Тошбунинг мавжуд шароитдан норозилиги
Д. Қийинчилик йиллари уларни сотиб юбормоқчи бўлганлиги
Э. Аёл тошбағирлигининг ифодаси

(1923 – 2003)

Шеърят, мазлумга ҳомийлик қилдинг,
Қароли бўлмадинг зўравонларнинг,
Олдинг папоҳингга нотавонларни,
Золимларни эса душман деб билдинг.

Расул Ҳамзатов



XX аср жаҳон шеърятининг йирик вакили Расул Ҳамзатов – Доғистондаги кичкинагина авар элининг фарзанди. У ўзининг ёниқ шеъряти билан кичкинагина халқини катта оламга танитди ва машҳур қилди.

Р. Ҳамзатов 1923 йилда туғилди. Ун уч-ун тўрт ёшларидан шеърлар ёза бошлаган. Ун олти ёшида ўз юртининг таниқли шоири эди. Расул Ҳамзатов мустақил ҳаётга барча тоғлик йигитлар сингари эрта қадам қўйди. Ун саккиз ёшидан ўқитувчи, артист ва муҳбир сифатида турли жабҳаларда меҳнат қилди. Шу жараёнда она халқининг турмуш тарзи ва ўзига хос руҳий дунёси билан яқиндан танишиб борди. Отаси – Доғистоннинг машҳур шоири Ҳамзат Цадаса уни ижодга жиддий қарашга, ҳаминша ҳақиқатни таъсирчан йўсинда куйлашга ўргатди. Расул Ҳамзатовга Аллоҳ томонидан берилган буюк истеъдод ажойиб устозларнинг маслаҳатлари билан қўшилган ҳолда ёш шоирнинг номини тез орада бутун дунёга машҳур қилди.

Унинг биринчи китоби 1943 йилда чоп этилди. 1945 йилда Москвадаги жаҳон адабиёти институтини таҳсил олишга киришди. Истеъдодли шоирнинг дастлабки ёзганлариёқ шеърят шиъавандаларининг сеvimли асарларига айланди. Уни қўлдан қўймайдиган бўлишди. Деярли барча асарлари ёзилиши билан рус тилига ўгирила бошланди. Рус тили орқали жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинди. Жаҳонга таниқли шоир 2003 йилда дунёдан ўтди.

Р. Ҳамзатовнинг „Тоғ қўшиғи“, „Менинг қалбим тоғларда“, „Тоғ қиғи“, „Доғистоним“, „Юксак юдузлар“, „Туғилган куним“, „Тоғликнинг ватани“, „Овулдан хат“ сингари ўнлаб шеърый китоблари, қатор поэмалари шоирнинг номини жаҳон шеърятининг энг илғор вакиллари қаторига олиб чиқди.

Унинг шеърлари ўз халқининг миллий одатларини жуда ёрқин акс эттириши билан, бўйсунмас, эрксевар тоғ халқига хос руҳий ҳолатларни ҳаққоний тасвирлаши билан диққатга сазовордир.

Расул Ҳамзатов ўз миллатини мадҳ этар экан, уни бошқа миллатларга қарши қўймайди. Айни вақтда жаҳонни ҳеч нарсаи билан қойил қолдирмаган, лекин ўзига хос тарзда яшаб, ўзига хос меҳнат қилаётган авар халқига мансуб эканлиги билан гурурланади. Ўз шаъни йўлида совуқ йилтираётган ханжар тизига қарши бора оладиган эр йигитлари, гўзал ва садоқатли қизлари учун фахр туйғуларини севиб куйлайди. Шоир асл туйғуларни акс эттиргани сабабли ҳам унинг ёзган асарлари шеърят ихлосмақдларининг дилини ром этган.

1. Расул Ҳамзатов ҳаёти саналарини синчиклаб ўрганинг. Унинг дастлабки асарлари чиққан даврга ҳос хусусиятларни аниқланг.
2. Шоирнинг шеърлятига ҳос хусусиятларни айтиб беринг. Бу шеърларнинг машҳурлиги сабабларини изоҳланг.
3. Шоирнинг авар халқи миллий рӯҳияти ёрқин акс этган шеърларининг бошқа халқлар шеърхонларига маъқул келиш сабабини тушутириб беришга уриниб кўринг.

ОНА ТИЛИМ

Ажабо! Туш деган нарса қизиқ-да,
Ўлиб қолганмишман тушда ногаҳон.
Кўксимда кўрғошин, қуёш тифида,
Тоғлар орасида ётибман бежон.

Узоқда шарқираб сойлар оқмоқда,
Борлиқда бир ажиб дилбарлик ҳоким.
Мен эсам ўйлайман ётиб тупроқда,
Мана шу тупроққа қўшилар ҳоким.

Мен ўлиб ётибман кимсасиз, унут,
Ҳеч кимса қайғурмас ва чекмас ёҳу.
Фақат чўққиларда қурқурар бургут.
Фақат водийларда инграйди оҳу.

Навқирон ёшимда бўлдим-ку адо,
Оташ юрагимни ўйди ахир ўқ.
На онам, на ёрим бермайди садо,
Дўст тугул, ҳаттоки йиғичи ҳам йўқ.

Фигон отилади жонсиз бағримдан,
(Гўё фиғон бордек мурда дилида.)
Шу пайт икки киши ўтди наридан,
Қувноқ суҳбат қуриб авар тилида.

Мен-ку бу дунёдан кўз юмдим мангу,
Улар кулиб-кулиб сўзлашар борин.
Қандайдир Ҳасаннинг турфа иши-ю,
Қандайдир Алининг шўх кирдикорин.

Авар сўзин тинглаб кирди менга жон,
Оҳиста тирилдим ва шунда билдим:
Мени тузатолмас ҳеч дори-дармон,

Жонимга Масихдир¹ шу она тилим.
 Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
 Менинг ўз тилимга минг жоним фило.
 Эрта она тилим агар йўқолса,
 Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.
 Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,
 Лекин менинг учун азиз ва суюк.
 Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам
 Она тилим менга муқаддас, буюк

1. Тушдаги ўлим тасвирида қайси юртнинг манзараси кўрсатилган деб ўйлайсиз? Шоир тани қаерда ётибди, атрофидаги табиат манзараси қаерни эслатади?

2. Ўйлаб кўринг-чи, нима учун ўлиб ётган лирик қаҳрамонга аварча сўзлар эшитилган тирилиб кетди экан? Шеърнинг шу бандларидаги тағмаънони аниқлашга уриниб кўринг.

3. *„Эрта она тилим агар йўқолса, Мен бугун ўлишга бўлурман ризо“* сатрларини изоҳлаб бering.

4. Шеърнинг сўнгги банди мазмунини тушунтириг. Сиз ўзбек тилига нисбатан Р. Ҳамзатов шеърининг сўнгги бандидаги эътирофини қўлай оласизми?

5. Рауф Парфининг „Чўлпон“ шеъри билан Расул Ҳамзатовнинг „Она тилим“ шеъри ўртасидаги рухий яқинлик нималарда кўринади?

6. Шоир нима учун она тилига бу қадар катта муҳаббат билан қарайди деб ўйлайсиз? Тилга муҳаббат эга муҳаббат, унинг тарихига, руҳиятига муҳаббат деб ҳисоблайсизми?

7. Шеърнинг бадвий хусусиятлари тўғрисида сўзланг. Қандай поэтик кўчимлар ишлатилган? Шеърнинг таъсир кучи нимада деб ўйлайсиз?

ШУЯМ ЭРКАКМИ?

Кимки беғам, телбадек юрса,
 Қачон кўрма хахолаб турса, —
 Шуюм эркакми?
 Ким қиличдан букилмаса ҳам —
 Умри бўйи яшаса беғам —
 Шуюм эркакми?
 Бир калима учун қашлаб бош,
 Донолардек керса яна қош —
 Шуюм эркакми?
 Ким ҳар кимга „жонгинам“ деса,

¹ Масих – пайгамбарини Исо алайҳиссаломнинг «Силаб тирилтирувчи» маъносидagi сифатлари.

Қизарганга эргашаверса –
 Шуям эркакми?
 Бизга тутса узангини бот,
 Ҳам душманга сотса шу заҳот –
 Шуям эркакми?
 Кўча-кўйда, одам кўп жойда,
 Шароб ичса тинмай бефойда –
 Шуям эркакми?
 Кимки умри сафарда ўтса,
 Ота уйин агар унутса, –
 Шуям эркакми?
 Ким сўз берса, сўзки бир яроқ,
 Унга амал қилмаса, бироқ, –
 Шуям эркакми?

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърда эркакликка бегона бўлган сифатларнинг қандай тасвирланганлигига эътибор қилинг. Шеърнинг дастлабки уч бандини шарҳлаб беринг. Шеърни ёдланг.

2. Шеърнинг тўртинчи ва бешинчи бандларини шарҳланг. „Қизарганга эргашаверса“ мисрасидаги тағмаънони топинг.

3. Сотқин йигитнинг эркак эмаслиги қайси мисраларда акс эттирилган?

4. Ота маконга бепарвонлик қайси бандда танқид қилинади? Ота уйини унутини шоир нима сабабдан эркакка ярашмаган иш деб ҳисоблайди?

5. Йигит кишининг лафзи ҳар нарсадан устун бўлиши кераклиги қайси бандда куйланган?

6. Шеърда ўзбек йигитларига хос қандай хусусиятларни топиш мумкин деб ҳисоблайсиз?

8. Тестларни ечинг.

1. Расул Ҳамзатов шеърятининг етакчи мавзуси -

А. Муҳаббат Б. Миллий гурур С. Уруш ва тинчлик Д. Ўз миллатини бошқалардан афзаллигини тасдиқлаш Э. Тарих ва келажак

2. «Кўксимда кўрғошин, куёш тигида, Тоғлар орасида ётибман бежо» мисраларидаги «тоғлар» сўзи қайси тушунчага ишора қилмоқда?

А. Шоирнинг ватани Доғистонга Б. Мавҳум бир макон С. Қабр Д. Илоҳий маскан Э. Ер сайёраси

3. «Она тидим» шеъри қайси ўзбек шоирининг шу мавзудаги шеърига мазмунан ва руҳан яқин?

А. Чўпон Б. Навоий С. Шавкат Раҳмон Д. Муҳаммад Али Э. Р. Парфи

4. «Шу ҳам эркакми?» шеърда қуйидаги таъкидларнинг қайси бири учрамайди?

А. Субутенликни қоралаш. Майдакашлик хуноқлиги С. Ватан сотқинларига нафрат Д. Нодонликни қоралаш Э. Узоқ сафарга чиқиш мажбурийлиги.

АЛИШЕР НАВОЙЙ

(1441 – 1501)

Бутун турк дунёси Алишер Навоийни “шамсул миллат” – миллат кўёши деб ҳамма даврларда эъзоз билан тилга олади. Бутун умрини туркий тил маъқенини кўтариш, туркий адабиёт имкониятларини дунёга тан олдириш, туркий давлатчилик асосларини мустаҳкашлашга, жамиятда ҳақиқат ва адолат мезонларини қарор тотиришга бағишлаган бобокалонимиз бу эътирофга тўла-тўқис муносиб ва ҳақлидир. У ҳақидаги биографик маълумотлар, ёзмашларининг деярли барчаси тўлиқ сақланиб қолган. Халқ ичида бу зотнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ривоят ва афсоналар ҳам талайгина. Чунки одамлар ўзларига ва келгуси авлодга яшаш тарзи, қилмишлари ибрат, айтмиш ва ёзмаш сўзлари ҳақиқат бўлган зотлар тўғрисида ҳам ҳурмат, ҳам ҳикмат маъносида мана шундай оғзаки ижод намуналарини тўқиб оладилар.



Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Хуросон ўлкасининг пойтахти Ҳиротда туғилди. Замондошлари уни „Низомиддин Мир Алишер“ деб улуғлаганлар. „Низомиддин“ – дин низоми деганидир. Кўпинча, мансаб эгаларига нисбатан айtilган „мир“ – амир демакдир. Чунки у Ҳусайн Бойқаро саройидаги энг нуфузли амир бўлган. Алишер болаликдан маърифатли оила муҳитида тарбия топди. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад (уни „Ғиёсиддин кичкина“ ҳам дер эдилар) теурийларга яқин амалдорлардан бўлиб, ўз даврининг обрўли ва маърифатли кишиларидан саналган. Адабиётшунос Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, у ўғли Алишернинг тарбиясига, келажакда фазилатли одам бўлиб етишмоғи учун астойдил ҳаракат қилган. Онаси Кобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чагнинг қизи бўлган.

Бўлажак шоирнинг тоғалари Мир Саид Кобулий яхши шоир, Муҳаммад Али Ғарибий шоир, созида ва хаттот эдилар. Алишер оилада учинчи ёки тўртинчи фарзанд бўлиб, мактабда бўлажак султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди. У эрта савод чиқариб, шеър ўқиш ва ёд олиш, шеър битишига болаликдан ҳавас уйғонди. Кичик мактаб ёшида катталар ҳам тушуниши қийин бўлган форс шоири Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” дostonини форс тилида ўқиб ҳам ўқиб ёд олгани унинг ёшлик истеъдодининг муқим қирраларидан эди.

1447 йилда подшоҳ Шоҳруҳ Мирзо вафот этиб, пойтахт Ҳирот нотинч бўлиб қолади. Алишерлар оиласи Ироққа кўчиб кетади. Йўлда Тафт шаҳрида Алишер машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади, тийрак ва ақлли болакайнинг зукколигидан мамнун бўлган кекса олим унинг ҳаққига дуолар қилади. Халқ орасидаги “Улуғлар дуоси қабул бўлади» деган нақл бежиз эмас. Алишерлар хонадони 1451 йилда Ҳиротга қайтади. Кўп ўтмай, тахтга Абулқосим

Бобур Мирзо ўтиради. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланади. Алишер эса, ўқишни давом эттиради.

1453 йилда Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад вафот этди. Алишер Абулқосим Бобур хизматига кирди. Аввал Сабзаворда, сўнг Машҳадда яшади. Икки мактабдош дўст – Ҳусайн ва Алишер яна бирга бўдилар. Бу йиллар ҳам ёш Алишер учун ўқиш, улғайиш йиллари бўлди. Шеърга меҳр Алишерни ижодга ундади. У 7-8 ёшларидан шеър ёза бошлади. Ўзбекча шеърларига „Навой“, форсча шеърларига „Фоний“ тахаллусини қўйди. Деярли Сиз тенги пайтларида шеърлари билан мамлакатга танилиб қолган эди.

Ўсмирлик давларида Алишер ўқишда ва ёзишда тиним билмас, шеър мутолаасидан чарчамас эди. „Муҳокамат ул-луғатайн“ асарида ўзининг ёшлик чоғида машҳур ўзбек ва форс шоирлари назмидан 50 минг байт (100 минг мисра!) шеърни ёд билганини сўзлайди. Болалик вақтларидаёқ ўз даврининг Амир Шохий, Лугфий, Камол Турбатий каби шоирлари билан яқиндан алоқада бўлди. Отаси вафотидан сўнг таниқли илм ва адабиёт, санъат арбобларидан Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад кабилар оталик қилдилар. Сабзаворлик олим ва шоир Дарвеш Мансурдан аруз бўйича таълим олди.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этди. Унинг ўрнини Абусаид Мирзо эгаллади. Ҳусайн Бойқаро тахт учун курашга шўнғиб кетди. Навой эса Машҳад мадрасаларида ўқишни давом эттирди. 1464 йилда Ҳиротга қайтиб келган шоир ҳаётида нохушликлар бошланди. Абусаид Мирзо тахтга даъвогар Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиларини таъқиб остига олади. Алишернинг ота мулкини мусодара қилади, тоғалари Кобулий ва Ғарибийларни қатл эттиради.

Навой 60-йилларнинг иккинчи ярмида Самарқандда яшади. Темурбек пойтахт қилган бу кўҳна шаҳар унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бу ерда ўз даврининг етуқ олимларидан, хусусан, шу кунгача асарлари Ислом оламида мўтабар саналиб келаётган Фазлulloҳ Абулайс Самарқандийдек алломадан сабоқ олди. Кейинчалик бу шаҳарни ўз асарларида „фирдавмонанд“ (жаниатмисол) деб таъриф этди. Бу ерда шоир сифатида жуда катта шухрат топа борди. Бир девонга етиб ортадиган асарлари бўлишига қарамай, камтарлик туфайли бўлса керак, ўзи тартиб бермаганлиги учун 1465–1466 йилларда унинг мухлислари шеърларини тўнлаб, „Девон“ туздилар. Бу китоб бугунги кунда шартли равишда „Илк девон“ деб номланади.

1469 йилда Ҳирот тахтига Ҳусайн Бойқаро чиқади ва Самарқандга хат йўллаб, Алишер Навойни ўз ёнига чақириб олади. Давлат ишларига жалб этади, аввал муҳрдор¹, сўнг вазир қилиб тайинлайди. 1487–1488 йилларда Астрободга ҳокимлик қилди. Ҳусайн Бойқаро ҳокимият ишларида Навойнинг ақл ва садоқатига таяниб иш кўрди. Унинг қаршилигига қарамасдан, шоирни юқори мартабаларга тайинлади. Буюк шоир „амири кабир“ (улуғ амир), „амирул муқарраб“ (подшоҳга энг яқин амир) унвонларига мушарраф бўлди. Унинг вазирлик йиллари Ҳиротда ободонлик ишлари авж олган, маданият гуллаб яшнаган, адолат ва ҳақиқат туғи баланд кўтарилган давр бўлди. „Илгимдан келганича, - деб ёзди „Вақфия“ асарида Навой, - зулм тигини ушотиб (синдириб), мазлум жароҳатиغا интиқом марҳамини (қасос малҳамини) қўйдум. Ва илгимдин келмаганин ул Ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро) арзига еткурдим“.

¹Муҳрдор – давлат ҳужжатларини расмийлаштирувчи амалдор.

Давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг севимли машғулоти – бадий ижодни ҳам тўхтатмади. 1472–1476 йилларда „Бадое ул-бидоя“ („Бадийлик ибтидоси“), 1476–1483 йилларда „Наводир ун-ниҳоя“ („Туғанмас нодирликлар“) номлари билан икки девон тузди.

1483 йилда туркий тилда биринчи бўлиб „Хамса“ ёзишга киришди ва мисли кўрилмаган қисқа муддат – икки йилда беш йirik дostonдан иборат асарни ёзиб тугатди. Илм ва ижод аҳли бу воқеани зўр шодликлар билан қарши олди. Абдурахмон Жомий Навоий „Хамса“сига юксак баҳо берди. Ҳусайн Бойқаро буюк шоирни ўзининг оқ отига миндириб, унга жиловдорлик қилиб, Ҳирот кўчаларини айлантirdи. Бу инсоният тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди: қудратли давлатнинг шавкатли подшоҳи бир шоирга жиловдорлик қилса! Маъжур ҳодиса айни пайтда Ҳусайн Бойқаронинг маънавию юксак, маърифатли ва ҳақиқатпеша ҳукмдор бўлганлигининг далилидир. Навоий „Ҳайрат ул-аброр“ дostonида бежиз уни шoҳ Ғозий дея улуғламаган эди.

1489-1493-йиллар шоир учун айрилиқ, оғир жудалик йиллари бўлди. Дўстлари, устозларидан Саййид Ҳасан Ардашер, Абдурахмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад кетма-кет вафот этдилар. Навоий уларнинг хотирасига бағишлаб учта мемуар – эсдаликлардан иборат насрий асарлар яратди.

Навоий фашининг бир неча соҳаларида қалам тебратиб забардаст олим эканлигини ҳам исбот этди. Ўтмиш мавзусида „Тарихи мулки Ажам“ („Ажам, яъни араб бўлмаган мамлакатлар тарихи“), „Тарихи анбиё ва ҳукамо“ („Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи“) асарларини ёзган. Туркий адабиётшуносликда ҳам унинг алоҳида ўрни бор. Арузга доир „Мезон ул-авзон“ („Вазилар ўлчови“), тазкирачиликка¹ оид „Маждлис ун-нафис“ („Нафис мажлислар“) каби асарлар яратди. Булар ўзбек (турк) тилида шу соҳалардаги биринчи асарлар эди. Буюк шоир тилшунослик билан ҳам қизиқди. Луғатшуносликка оид „Сабъату абҳур“ („Етти денгиз“) номли китоб ёзди. Айниқса, „Муҳокамат ул-луғатайн“ („Икки тил муҳокамаси“) асарида турк (ўзбек) ва сорт (форс) тилларини солиштириб, ўз она тилининг туғанмас имкониятларини илмий асослаб берди.

Навоий 1490 йилларда адабиётимиз тарихидаги яна бир катта ҳодиса – „Ҳазойин ул-маоний“ („Маънолар хазинаси“) мажмуасини тузди. Тўрт девондан иборат бўлган бу улкан шеърлий тўплам шоирнинг туркий тилда ёзган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди. Шунингдек, форс тилини мукаммал билган ва унда ҳам баракали ижод қилган шоир бу тилда ёзган шеърларини тўплаб „Девони Фоний“ни тузди.

Буюк адиб умрининг охирига қадар илму ижод билан қизини ва самарали шуғулланди. Шарқда ўтган машҳур шайхлар, сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи „Насойим ул-муҳаббат“ („Муҳаббат шабалалари“) асарини ёзиб тугатди. Сўнг умр бўйи ҳаёлини банд этган „Лисон ут-тайр“ни қоғозга туширди. Бошқалар билан олиб борган ёзишмалари – хатларини тўплаб „Мунинат“ („Хатлар“) тузди. 1500 йилда буюк мутафаккирнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашларини ўзида ифодалаган „Маҳбуб ул-қулуб“ („Кўнгилларнинг севгани“) асари майдонга келди. Бу буюк адибнинг сўнгги асари эди.

Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этди.

¹ Тазкира – ижодкорлар ҳақида ихчам маълумот ва абрим асарларидан илмуна келтирилган тўплам.

Савол ва топшириқлар:

1. Навоий нима учун “шамсул миллат” деб улуғланади деб ўйлайсиз?
2. Шоирнинг болалик ва ўсмирликдаги қайси жиҳатлари кейинчалик буюк инсон бўлиб етишувига сабаб бўлганлиги тўғрисида фикр юритинг.
3. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари, шоирнинг давлат арбоби сифатида олиб борган фаолияти ҳақида нима дея оласиз?
4. Адибнинг бадий ижод намуналаридан санаб беринг.

„Ҳайрат ул-аброр“ асаридан

«Ҳайрат ул-аброр» (Яхши кишиларнинг ҳайратланиши) асари Алишер Навоий «Хамса»сининг биринчи достони. Бу дoston билан танишишдан олдин «Хамса» нима эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиниши керак. «Хамса» арабча сўз бўлиб, «бешлик» деган маънони англатади, яъни унинг таркибида бешта дoston бўлмоғи шарт. Дostonларнинг қандай мавзуда бўлиши, уларнинг кетма-кетлиги тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Дostonлар турли мавзуларда бўлса-да, уларни бир нарса боғлаб туради. У ҳам бўлса, инсоннинг инсонга, оламга, яратувчи Аллоҳга муносабати каби азалий ва абадий ҳақиқатлар.

«Хамса» анъанасини Низомий Ганжавий бошлаб берган. Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий бу анъанани давом эттирдилар. Улар ўз асарларини форс тилида ёзган бўлсалар, Навоий «Хамса»сини туркий халқлар учун туркий тилда ёзди ва бу орқали туркий тил мавқеини кўтарди, тил бирлиги ғоясини илгари сурди. Шунинг учун ҳам бугунги кунгача турк оламининг виждони қайноқ, онги уйғоқ вакиллари Навоий асарларини суйиб ва куйиб ўқийдилар.

Азиз ўқувчи! Ана шундай куйиб суймоқлик, суйиб куймоқлик неъматини Сизга ҳам насиб этсин! Келинг, «Хамса»ни қўлга олайлик! Бизнинг суҳбатдошимиз ҳазрати Навоий «Хамса»сининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» асаридир.

Сиз илк маротаба мумтоз дostonлар билан танишаётганингиз учун уларни тушуниш ва таҳлиллаш юзасидан айрим йўриқларни беришни лозим топдик.

Мумтоз дostonларда қўлланган сўзларнинг талай қисми арабча ва форсча бўлиб, айримлари кундалик ҳаётда ишлатилмаётгани учун бизга тушунарсиз. Уларнинг маъносини берилган луғат ёрдамида билиб олиш керак бўлади. Бундан ташқари гап қурилиши, сўзларнинг боғланиш шакллари ҳам баъзан араб, форс тиллари қолипида бўлади. Шунинг учун сўзлар маъносини

тушунган билан мисра, байтлар мазмунини чиқаришга ҳар вақт ҳам муваффақ бўлмаймиз. Бунинг учун Атойи ғазалларини ўрганиш пайтидаги каби таҳлил жараёнида, аввало, мисра ва байтнинг мазмунидан келиб чиқиб, матига мувофиқ келадиган зарур сўзларни қўшиб, уни кенгайтириб олсангиз, унчалик қийналмайсиз. Иккинчидан, араб ва форс тилларида аниқловчи билан аниқланмишнинг боғланиш шакли бўлмиш *изофа* ҳақида муайян билимга эга бўлиш керак. Масалан: *жаҳон ойинаси, Андижон аҳли.* каби ўзбекча бирикмалар ўзаро *изофа* орқали боғланганларида уларнинг ўрни алмашган ҳолда қўлланади: *ойиннаи жаҳон, аҳли Андижон*. Бу бирикмалардаги сўзларнинг ўрни алмаштирилиб, ўзбекча тартибга келтириб олинса, таҳлил қилиш сезиларли осонлашади. Атойининг Сиз ўрганган ғазалларидан бирида “Тилар эл мансаби олий...” мисраси бор. Бу ерда “мансаби олий” бирикмаси *изофа* бўлиб, уни ўзбекча тартибга солсак, “олий мансаб” кўринишини олади ва сатр “эл олий мансаб тилайди” тарзидаги тушунарли шаклга келади. Баъзан бирин-кетин иккита *изофа*ли боғланиш келиши мумкин. Атойининг “Агар гашти лаби дарё қилурсен” мисрасидаги *“гашти лаби дарё”* бирикмасини *изофа*дан чиқариш учун сўзларни тескари тарзда жойлаштириб чиқсак, «дарё лабини гашт қилурсен», яъни «дарё қирғоғини сайр қиларсан» шакли пайдо бўлади. Шу тариқа, мумтоз асар маъносини англаш, унинг моҳиятига етиб бориш осонлашади.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Салотин бобида” қисмидан қуйидаги байтларни таҳлил қилишга уришиб кўрайлик:

Эй, фалак авжидин ўтиб рифоатинг,

Ою қуёшдин чолиниб навбатинг.

Байтдаги тушунилиши қийин сўзлардан «рифоат» – баландлик, улугворлик, «навбат» – ноғора маъноларини англалади. Гап бўлакларини одатдаги тартибга келтириб олсак, қуйидагича ҳолат пайдо бўлади: «Эй, улугворлиги фалакнинг энг юксак нуқтасидан ўтган, Ноғоранг эса ою қуёшдан чалинган». Байт яна ҳам тушунарли бўлиши учун сўзлар маъносига қўшимча аниқлик киритиш зарур. Бу парча “Салотин” (султонлар) мақолати эканидан келиб чиқиб, “Эй” деб султонга мурожаат қилинаётганини кўзда тутамиз. Султон шу қадар улугворки, унинг шавкати осмоннинг энг юқори нуқтасидан ҳам ошиб кетган. Иккинчи мисрани тушуниш учун фикрни кенгроқ

олиш, хаёлни баландроқ парвоз эттириш керак бўлади. Хўш, ноғора нимага ўхшайди? У қандай қилиб ою қуёш томонидан чалиниши мумкин? Маълумки, ноғоранинг икки томони бўлади ва бу томонлар шаклан ой ва қуёшга ўхшайди. Чалинган ноғорадан овоз чиқади. Овоз бу - овоза демак. Овозанинг баландлиги ҳам ой билан қуёшнинг жойи сингари юксакда. Биринчи мисрадаги “рифоат”, “фалак авжи” сўзларидаги кўтаринкилик билан боғласак, у шунчаки овоза эмас, мақталган, шаън овозадир. Демак, иккинчи мисра маъносини қуйидагича талқин этиш мумкин: «Ой ва қуёш, яъни ноғоранинг икки тарафи сенинг овозангни (шаънингни) ўзларининг жойи бўлган кўкка таратади». Кейинги байтнинг таҳлилида ҳам шу йўсинда иш тутилса, таҳлил самаралироқ бўлади:

Тахтинг ўлуб давлати жовиди мулк,
Сояи чатринг аро хуршеди мулк.

Луғатга эътибор қилинг: ўлуб – бўлиб; давлат – бахт, саодат; жовид – абадий, ҳамшиша; мулк – мамлакат; чатр – чодир; хуршед – қуёш.

Биринчи мисрада бирин-кетин иккита изофали боғланиш бор: «давлати жовиди мулк». Олдин айтганимиздек, изофадан чиқариб ўзбекча гап қурилиши талабига мослаш учун мисра охиридан сўзларни тескари тарзда жойлаштирамиз: «мамлакатнинг абадий саодати». Бу бирикма шу ҳолича унчалик аниқ маъно ифодаламаса-да, унда биринчи мисранинг умумий мазмунини келтириб чиқариш имкони бор: «(Сенинг) тахтинг мамлакат учун абадий саодатдир». Иккинчи мисрадаги изофали бирикмалар сони иккита: сояи чатр – чодиринг сояси; хуршеди мулк – мамлакат қуёши. Султоннинг чодирини дейилганда унинг саройи кўзда тутилаётганини англаган бўлсангиз керак. Мисра мазмуни: «Саройинг сояси аро мамлакат қуёши кўринади». (Олдин айтилганидек, “кўринади” сўзини ўзимиз қўйиб оламиз).

Султоннинг тожу тахтин улуғлаши тасвирланган кейинги байтнинг ҳам шу усулдан фойдаланиб шарҳлаш мумкин:

Тоғ бошингдин бўлибон сарбаланд,
Тахт аёғингдин ўлуб аржуманд.

Байтдаги икки сўзининггина маъносини изоҳлаш керак бўлади: сарбаланд – юксак, аржуманд – азиз.

Ушбу байт олдинги иккитасига нисбатан енгил тушувилади: «Тож бошинг (туфайли)дан юксалди, Тахт аёғинг (туфайли)дан азиз бўлди».

Султонлик тождорнинг хизмати эмас, балки Яратганнинг инояти эканлиги эслатилган қуйидаги байт таҳлилида ҳам таклиф этилаётган усулдан фойдаланиш кутилган самарани беради:

Ҳаққи, солиб сояи рифъат санга,
Рўзи этиб тахти хилофат санга.

Байтдаги «сояи раофат» изофаги бирикмаси - меҳрибонлик сояси; «рўзи этмоқ» – насиб этмоқ; яна бир изофа бўлган «тахти хилофат» – халифалик (ўринбосарлик) тахти, ҳукмдорлик маъноларини ифодалайди. Яъни, Ҳақ таоло сенга меҳрибонлик кўрсатиб, ҳукмдорлик тахтини насиб этди.

Кейинги тўрт байтда ҳам шоир султонга Аллоҳ таъало кўрсатган марҳаматларини санаб ўтади. Сўнг ҳукмдорни қатъий огоҳлантиради:

Эрмас алар туфроғ-у, сен нури пок,
Хилқат аларға-у, санга – тийра хок.

Хилқат – яратилиш, яратилди; тийра хок – қора тупроқ. Байтнинг мазмуни: улар, яъни сенга тобе бўлган кишилар тупроғу, сен пок нурдан эмассан, қора тупроқдан яралиш уларга ҳам, сенга ҳам хосдир.

Ҳурматли ўқувчи! Мана, бир неча байтни биргалашиб шарҳладик. Сиз ҳали матн билан тўла танишмай туриб, мумтоз матн билан ишлаш уни таҳлил қилиш кўникмасига маълум даражада эга бўлдингиз. Кейинги байтларни ўртоқларингиз билан ўқиб тушуниш ва таҳлиллашга ҳаракат қилинг. Сиз буни удалай оласиз. Қийналган ўринларда ўқитувчингиздан сўранг.

САЛОТИН БОБИДА

(Қисқартириб олинди)

Эй, фалак авжидин ўтуб рифъатинг¹,
Ою қуёшдин чолиниб навбатинг².
Тахтинг ўлуб давлати жовиди³ мулк⁴,
Сояи чатринг⁵ аро хуршеди⁶ мулк.
Тож бошингдин бўлубон сарбаланд⁷,
Тахт аёғингдин ўлуб аржуманд⁸.
Ҳаққи, солиб сояи раофат⁹ санга,
Рўзи этиб тахти хилофат¹⁰ санга.
Айлади олингда бийикларни паст,
Даҳр¹¹ забардастларин зердаст¹¹.
Халқни олингда қилиб нотавон¹²,
Борчасиға айлади ҳукмунг равон.
Хизматинга элни забун¹³ айлади,
Қадларин олингда нигун¹⁴ айлади.
Бил муниким, сен дағи¹⁵ бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афғандасен¹⁶.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат¹⁷ аларғау санга - тийра хок¹⁸.
Барча жаворих¹⁹ била аъзода тенг,
Сурати навои-ю²⁰ ҳаюлода²¹ тенг.

¹ Рифъат – баландлик.

² Навбат – ногора.

³ Жовид – абадийлик.

⁴ Мулк – мамлакат.

⁵ Чатр – чодир.

⁶ Хуршед – қуёш.

⁷ Сарбаланд – юксак, баланд.

⁸ Аржуманд – азиз, бойиқ.

⁹ Сояи рафъат – меҳрибонлик сояси.

¹⁰ Тахти хилофат – халифалик тахти.

¹¹ Даҳр – дунё.

¹² Зердаст – тобе, буйсуновчи.

¹³ Нотавон – иложсиз, ожиз.

¹⁴ Забун – ожиз, тилган.

¹⁵ Нигун – букилган.

¹⁶ Дағи – дам.

¹⁷ Афғанда – наст, тубан.

¹⁸ Хилқат – яратил, яратилган нарса.

¹⁹ Тийра хок – қора тупроқ.

²⁰ Жаворих – бадан мучалари.

²¹ Навх – тур, жанс, нав.

²² Ҳаюло – асл.

Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
 Хулқи хушу лутфи мақол ичра ҳам.
 Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
 Ҳилму¹ ҳаё бори авсоф² аро.
 Бўлди раият галаву³ сен шубон⁴,
 Ул шажари мусмиру⁵ сен боғбон.
 Қўйни шубон асрамаса ою йил,
 Оч бўрилар туомасидур⁶ бори бил.
 Боқмаса деҳқон чаманин куну тун,
 Нахли тарин⁷ англа қуруғон ўтув.
 Бўрини дағи галадин дур⁸ қил,
 Сув берибон боғни маъмур қил.
 Ким не кишиким, санга маҳкум⁹ эрур,
 Зулмунга бечорау мазлум¹⁰ эрур.
 Гарчики, йўқ шавкату сармояси¹¹,
 Сендин эрур ортиқ анинг пояси¹².
 Негаки, чун ҳашр¹³ куни зулжалол¹⁴,
 Золиму мазлумни айлар савол.
 Гарчи синуқ игна ҳақ ун-носдур¹⁵,
 Бағринг аро ханжари олмосдур.
 Қилмаса мазлум гуноҳинг биҳил¹⁶,
 Дўзах ародир ватанин¹⁷ муттасил.
 Авфин анинг тутмасанг уммид сен,
 Билки тамуғ¹⁸ ўтида жовид сен.

¹ Ҳилм - юмшоқлик, мулойимлик.

² Авсоф - сифатлар.

³ Гала - тўда, тун, тода.

⁴ Шубон - чўпон.

⁵ Шажари мусмир - мешали оғоч.

⁶ Тумҳа - дукма, озиқ.

⁷ Нахли тар - яшнаган кўчат, кўм-кўк кўчат.

⁸ Дур - узоқ.

⁹ Маҳкум - ҳукм қилинган, бўйсундирилган.

¹⁰ Мазлум - зулм қилинган, иложсиз.

¹¹ Сармоя - мулк, бойлик.

¹² Поя - мартаба.

¹³ Ҳашр - қисмат.

¹⁴ Зулжалол - буюклик эласи, яъни Аллоҳ.

¹⁵ Ҳақ ун-нос - киши ҳақи, бировнинг ҳақи.

¹⁶ Биҳил - кечириб.

¹⁷ Ватанин - жойинг.

¹⁸ Тамуғ - дўзах.

Кимга тикан била қилибсен ситез¹,
 Урғусидур кўксунгга юз тиғи тез.
 Эйки, қавий² айлади давлат қўлуиғ,
 Зулм сори тушди ва лекин йўлуиғ.
 Зулминг эмас эрди халойиққа кам,
 Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.
 Кўзларидин уйқу чу маъзул³ ўлуб,
 Ҳар бири бир зулмға машғул ўлуб.
 Очибон элга ситам абвобини⁴,
 Қилғали пайдо тараб асбобини.
 Бўлди чу асбоб муҳайё яна,
 Кирди тараб базмиға ғавғо яна.
 Йўқки, замона шаҳи бу шевалик,
 Ўз худди ҳолиға улуғ то кичик.
 Ҳар куни бу шаноат⁵ ила тунгача,
 Ҳар кеча бу ғафлат ила кунгача,
 Эй хулафо ўрнида маснаднишини⁶,
 Кўр ўз ишингнио аларнинг ишин.
 Қоида мундоғму бўлур, де, ахи
 Бир ўз ишингнинг ғамин ҳам, е, ахи.
 Ҳақ сени адл этғали султон этиб,
 Зулм ила сен халқни вайрон этиб.
 Ул сени маъмури ибодат қилиб,
 Сен лаабу лаҳви⁷ одат қилиб.
 Неча бу бехудлуқ⁸ ила йил-у ой,
 Вой, агар келмасанг ўзингга, вой!
 Зулмин тарк айлаву дод айлагил,
 Марг кунидин доғи ёд айлагил.
 Зулмунг эрур кундузи фисқинг кеча,
 Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?

¹ Ситез – зарба бериш, уриш.

² Қавий – кучли.

³ Маъзул – хайдаган, қувилган, кетган.

⁴ Абвоб – эшиклар.

⁵ Шаноат – арамас қилиш.

⁶ Маснаднишин – юксак ўрнида ўтирган.

⁷ Лаабу лаҳв – уйин-култ.

⁸ Бехудлуқ – девоналик, ўзини билмаслик, тентаклик.

Рой ила зулматни мунир¹ айламак,
Лутф ила оламини асир айламак,
Тиг агар чекса нечукким қуёш,
Айламак онинг сўнггида меҳр фoš.
Шаҳлар аро бўйла² сифат камдурур,
Ким Шаҳи Ғозийга³ мусалламдурур⁴.

«Салотин бобида» мақолати ҳақида

“Ҳайрат ул-аброр” – ахлоқий-таълимий, фалсафий дoston. Унинг ҳажми 3988 байт (7976 мисра) бўлиб, 64 боб, 20 мақолатни ўз ичига олади. Мақолатлар шу дostonтагина хос бўлиб, адабнинг бошқа асарларида учрамайди. Дostonда шоир ислomий ўлчовлар, умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб Олам ва Одам тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини юксак бадиий шаклда ифода этган.

Оллоҳ таоло ўзининг чексиз қудрати билан оламларни яратди. Уларнинг бири биз яшаб турган дунёдир. Бу олам махлуқоти – ашёлар, ҳашарот, ҳайвонот ва наботот дунёси турфа ва хилма-хил. Лекин оламини яратишдан ғараз (мақсад) инсон эди. Борлиқдаги барча нарсалар бир-биридан гўзал ва латиф, лекин инсон улуғ яратилди. У – борлиқнинг гултожи. Бу ҳақида Навоий Яратганга мурожаат қилиб шундай ёзди:

Мунча ғаройиботки мисол айладинг,
Борчани мирооти жамол айладинг,
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридан ғараз инсон эди.

Асарда бошқа мавжудотлардан имкон ва имтиёзда устун бўлган инсоннинг бу оламдаги ўрни қандай, ҳаётининг мазмуни нималардан иборат бўлиши керак каби муаммоларга ўқувчининг эътибори қаратилади. Муаллифнинг бу борадаги фалсафий қарашлари, чуқур мулоҳазалари қуйидаги байтда ўзининг ёрқин ифодасини топган: «**Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами**». Байтнинг мазмуни қуйидагича: сен одам бўлсанг (яъни инсон деган шарафли номга

¹ Мунир – ёритиш.

² Бўйла – буцдай.

³ Шаҳи ғозий – Ҳусайн Бойқаронинг унвои. Дун дунёдаги жангларда ғолиб чиқадиган шoҳ.

⁴ Мусаллам – таъзим бўлган, бўйсунган.

лойиқ бўлсанг), халқ ғамидан ғами йўқларни (яъни халқ ташвишидан йироқ бўлганларни) одам деб ҳисобламагин. Демак, инсон бошқаларга манфаат етказиш, халқ оғирини енгил қилиш мақсади билан яшасагина ўзига берилган умр мазмунини англаб етган ҳисобланади. Йўқса, унинг бошқа ҳайвонлар, ҳашаротлардан фарқи йўқдир.

Агар “халқ” сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратсак, байтнинг мазмуни янада кенгайди. Бу сўз арабча бўлиб, Оллоҳ яратган барча нарсаларни ифодалайди. Уни бир ўзбекча сўз билан “яратик” деб тушуниш мумкин. Шу маънода инсон дунёдаги барча яратиклар учун: оиласи, юрти, бутун одамизод, ер, сув, қумурсқа-ю ўсимликлар, ҳайвонлар, атроф-муҳит, табиатнинг ҳар зарраси учун жавобгардир, масъулдир. Чунки у буюк неъмат бўлмиш ақлга эга ягона яратикдир. Ҳақиқий инсонни ана шу жавобгарлик ҳисси ҳеч қачон тарк этмайди. Жамиятдаги ҳар бир шахс бундан соқит бўлмаслиги керак.

Навоий жамиятда кимнинг ўрни баланд бўлса, унга катта масъулият юклатилишига ҳам эътибор қаратади. Эл бошлиқлари, юрт катталарига жуда кўп нарса боғлиқ. Улар ўз масъулиятларини билсалар, адо этсалар, мамлакат ривож топади, эл фаровон, дунё обод бўлади. Акс ҳолда, адолат паймол бўлади, дин-диёнатга путур етади. Шунинг учун бўлса керак, шоир айнан иймон, ислом каби муқаддас тушуначалардан кейин “Салотин бобида” (“Султонлар ҳақида”) мақолатини келтиради.

Мақолат бошланишида муаллиф султонга мурожаат қилиб, унга юксак тахт, зўр дабдаба, шавкатли ҳаёт насиб бўлганини таъкидлайди. Фозил зотлар хизматида қўл қовуштириб турдилар. Не-не забардаст кишилар итоатида қоим. Яратган ҳукмдорликни фақат унгагина раво кўрди.

Шоҳлик неъматини унинг бошқалардан ҳар томондан афзаллиги, куч-қудратда тенгсизлиги, ақл-у фасоҳатда устунлиги учун берилмади. Бу жиҳатларнинг айримларида у бошқалардан кам бўлса кам эди-ю, ортиқ эмас эди. Султонлик унга берилган мартабадан ҳам буюкроқ вазифаларни, тахтдан ҳам улуғ масъулиятни адо этиши учун ато қилинган. Мамлакат, раият ҳукмдорга Оллоҳ томонидан берилган омонатдир. У ана шу омонатни омонликда сақлаши керак. Йўқса, бу дунёда номи қора, у дунёда юзи қора бўлади.

Шоир ўз фикрларини таъсирчан ифодалашда, эса қоладиган ёрқин манзаралар чизишда бадийликнинг хилма-хил усулларидан, айниқса, тазод, ташбеҳ, таносуб, ирсоли масал каби шеърӣ санъатлардан унумли фойдаланган.

“Салотин бобида” мақолати Алишер Навоийнинг адолат ҳақидаги қарашларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тенглик, озодлик, адолатли жамият борасидаги фикрлари, орзу-ўйлари инсониятга абадий ўғит сифатида жаранглайди. Улуғ бобомизнинг бу ўғитлари замонлар ўтса-да эскирмайди.

Савол ва тошшириқлар:

1. Мақолат бошида султонлик шавкати қандай тасвирланаётганига диққат қилинг. Бундай шухратнинг шоҳга юклатилган масъулият, вазифалар залворига алоқадорлиги борми?
2. Шоир шоҳнинг ақлий, маънавий ҳамда жисмоний имкониятлари кўпичча оддий одамларникидан ортқ эмаслигини нега таъкидлайди?
3. Асар матнига таяниб, Яратганининг давлат ирбоблари гарданига юклаган вазифаларини санаб беринг.
4. Шоир Яратганининг қайси амрини *“Гарчики, Ҳақ амри фаровон эрур, Борчаси бир ён-у, бу бир ён эрур”* деб таъкидлайди? Нега?
5. Мақолатда шоҳ ва оддий фуқарога нисбатан қўлланган ташбиҳларни изоҳланг.
6. “Оч бўри” иборасини қандай тушундингиз? Бу иборани мамлакатдаги ва дундаги ижтимоий-сиёсий воқеалар мисолида шарҳланг.
7. *“Гала туганса-у қурусса шажар, Худ санга қолмас яна нафоу самар”* байтида ифодаланган фикрга таяниб, шоҳ билан халқнинг ўзаро боғлиқ эканини муҳокама қилинг.
8. Ҳашр, яъни қиёмат куни зolim ҳукмдорнинг не аҳволга тушиши тасвирланган ўришларни ўқинг ва шарҳланг. Навоий бу фикрларини қайси муқаддас манбалардан олган деб ўйлайсиз?
9. *“Зулминг эмас эрди халойиққа кам, Ким қиладурсан ани ўзингга ҳам”* байти мазмунини тушунтиринг. Киши ўз зулмининг жалосини қачон, қаерда ва қандай кўриши мумкин?
10. Айш-ишратга, ичкиликка берилган шоҳ ва унинг аъёбларига шоир муносабати тасвирланган лавҳаларини қайта ўқинг, шарҳланг.
11. Шу мақолат сўнгидан муаллифнинг ҳукмдорга насиҳати берилган ўришларни топинг. Уларда шоирнинг орзулари қандай ифода этилган?
12. “Салотин бобида” мақолатини куйидаги режа асосида сўзлаб беринг: А. ҳукмдорлик - Яратганининг султonga кўрсатган марҳамати; Б. Яралишда барча инсон бир хил, ҳатто баъзилар фазилатда султондан устун; Д. шоҳлик - буюк масъулият; е) қиёмат сарҳисоб демакдир; г) майшатпарастлик - шармандали иллат; ҳ) зулмин тарк эт-у, адолатни байроқ қил.
13. Дафтарингизга режадаги ҳар бир банданинг мазмунини аке эътирадан ан дкки ёки учтадан байтни кўчириб ёзинг, уларни ёд олинг.

14.«Султон» деганда фақат давлат бошлиғи тушуниладими? Бу сўз умуман раҳбар маъносиди ишлатилса, яна кимлар назарда тутиларди?

15.Қуйидаги тестларни ечинг:

1. Навоийнинг адабиётшуносликка оид асарларини кўрсатинг.

А. «Муҳокамат ул-луғатайн», «Сабъату абхур»

Б. «Хазойин ул-маоний», «Хамсат ул-мутаҳаййирин»

С. «Тарихи мулуки ажам», «Хамсат-ул мутаҳаййирин»

Д. «Лисон ут-тайр», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»

Э. «Мажолис ун-нафоис», «Меъзон ул-авзон»

2. Навоий Яратганининг қайси амрини бирламчи билиб, «Барчаси бир ён-у, бу бир ён» деб ҳукмдорга уқтиради?

А. Илм олишни Б. Халқ ғамини ейшни С. Қўшин тўллашни

Д. Ободончилик қилишни Э. Ибодат қилишни

3. «Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр, Гум қил ани, бўлса санга ҳуш ёр» байтида қўлланилган шеърин санъатни топинг.

А. Иштиқоқ Б. Тазод С. Ташхис Д. Тажнис Э. Муболаға

«ШОҲ ҒОЗИЙ» ҲИКОЯТИ

Шоҳи Ғозий қаҳрининг сарсари¹ бир саркаш² хўшани³ барбод этиб, адлининг суйи ул хўша бутган бузуғ мазраани⁴ обод қилғони.

Андаки, Ғозий Шаҳи фархундабахт⁵
Тоғ олайин деб талошур эрди тахт,

Юз, икки юзча киши бирла қазоқ⁶,
Гаҳ ери Хоразм эди, гоҳи Адоқ⁷.

Новаки⁸ душман юрагин қон этиб,
Тиғи адув⁹ бошини паррон¹⁰ этиб,
Бор эди зотида сазоворлиқ,
Ким ҳақ анга берди жаҳондорлиқ.

¹ Сарсари – аччиқ совуқ шамол.

² Саркаш – ўжар, қайсар.

³ Хўша – бошиқ.

⁴ Мазраа – экинзор.

⁵ Фархунда – бахтиёр.

⁶ Қазоқ – эркин, буйсунамас, қочқин.

⁷ Адоқ – Азов.

⁸ Новак – уқ.

⁹ Адув – ёв, душман.

¹⁰ Паррон – учириб, учувчи.

Адл эшигин элга кушод¹ айлади,
Тахт уза ўлтирди-ю дод² айлади,

Тузди бузуғларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била.

Бир кун эди сайрға азми дуруст
Шефта золи³ этагин тутти руст⁴.

Нолаву афғон чекибон тортиб оҳ
Дедикӣ: „Эй шоҳи шарият паноҳ,

Қилғум агар адл эса маръий⁵ букун,
Сенинг ила давъийи шаръий⁶ букун.

Шарт буким, айлама маҳкам итоб⁷,
Маҳкамаи шаръида⁸ бергил жавоб⁹.”

Шаҳ деди: „Гар давои эса қонима,
Шаръий эса миннатидур жонима”¹⁰.

Айладилар, бўлди чу бу нукта¹⁰ жазм,
Қозийи ислом ҳузурига азм.

Иккиси чун ёндашиб ўлтурдилар,
Хар сори ҳайрат била эл турдилар.

Зол дедиким: „Қазоқ эрканда шоҳ,
Тиг чекибким, чекар эрди сипоҳ,

Бор эди мен тулға жигаргўшае,
Бал жигарим мазраидин¹¹ хўшае¹².”

Боғим аро сарви сиҳи¹³ шева ул,
Балки қуруқ нахлим аро мева ул.

Шоҳ қиличи жигарим қилди чок,
Ул жигарим порасин этти ҳалок.

¹ Кушод – очмоқ.

² Дод – адолат, бошқариш.

³ Шефта зол – телба, девона каминир.

⁴ Руст – маҳкам.

⁵ Маръий – риоя, амал.

⁶ Давъийи шаръий – шарият юзасидан даъволашмоқ.

⁷ Итоб – таъаб.

⁸ Маҳкамаи шарҳ – шарият маҳкамаси, яъни қозихона.

⁹ Мисраининг маъмуни: Агар шаҳрий бўлса, қонимга даъво қилсанг ҳам жоним билмай.

¹⁰ Нукта – сўз, фикр, ҳудоса.

¹¹ Мазраҳ – жондор.

¹² Хўша – бошоқ.

¹³ Сарви сиҳи – тўғри ўсган ёри.

Тиғ ила ёриб жигарим ёнини,
Ерга оқизди жигарим қонини“.

Айитти қози: „Кетур, икки гувоҳ,
То қилайин ҳукмини беиштибоҳ¹“.
Деди: „Гар икки тонуг² этсам ҳавас,
Ҳам анингўқ адлию инсофи бас“.

Бўйла чу икки тонуг ўткарди зол,
Бўлди муқир³ хисрави фархунда фол.
Қози ўлуб адл ҳаримиға⁴ хос,
Қилди равон ҳукми: дият ё қисос⁵.

Шаҳ деди: „Шаро этса бу янглиғ адо,
Шарон наби⁶ ҳукмиға жоним фидо“.
Ёғлиғ⁷ ила боғлади бўйнини руст,
Юз ҳамённинг доғи бўйнини суст⁸.

Тиғ бериб золға беваҳму бийм⁹,
Бир сори доғи тўкубон ганжу сийм¹⁰,
Деди: „Қисос айласанг олингда бош,
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг менга не ихтиёр“.
Тиғни ул адл ила инсофу тунд¹¹
Золи ҳазин тишларидек қилди кунд¹³.

Тушти аёғиға бўлуб узрхоҳ,
Дедики: „Эй хисрави анжум сипоҳ,
Гар йигитим қилди фидо жон сенга,
Мен қари жони доғи қурбон сенга.

¹ Беиштибоҳ – хатосиз, гумонсиз.

² Тонуг – гувоҳ.

³ Муқир – иқрор.

⁴ Ҳарим – даргоҳ.

⁵ Дият ё қисос – ҳуш пули ёки қасос.

⁶ Шарҳи наби – пайғамбар шарҳати.

⁷ Ёғлиғ – рўмол, белбош.

⁸ Суст – бушатилган, ечилаган, очилган.

⁹ Бийм – қўрқув.

¹⁰ Сийм – қумуш.

¹¹ Тунд – қучли, ўтқир.

¹³ Кунд – ўтмас.

Мендин агар бўлди аён изтироб,
Лутф ила авф этки, мен ўлдум ҳароб¹,
Ваҳ, бу не изҳори хижолат бўлур,
Бу не деган лутфу адолат бўлур.

Зол кечиб даъвию достонидин,
Йўқки, ўгул қонидин, ўз жонидин.
Турфа¹ буким, хисрави одил ани
Адл ила ул даврда айлаб ғани².

Золни анжум³ киби сийми равон
Золи фалакдек қилибон навжувон⁴.

Сийм кучидин бўдубон сиймбар,
Халқ лақаб айлаб анга „Золи зар“⁵.

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шаҳ чу қилур адл, Навоий не кам.

Савол ва топшириқлар:

1. Берилган луғатдан фойдаланиб, ҳикоятни шарҳланг.
2. Шоҳ Ғозийнинг фазилатлари аке эгтирилган мисраларни аниқланг.
3. Кампир шоҳнинг йўлини тўсиб, ундан шарият маҳкамасига боришни талаб қила олиши сабабини изоҳланг. Матидан топинг: кампир ботирми, шоҳ одилми?
4. Шоҳнинг шарият қозиси ҳузурда жавоб беришга тайёрлиги унинг қандай сифатларидан далолат беради? Шоҳ Ғозий салтанатида демократизм қандай намён бўлганлигини аниқланг.
5. Асарда кампирнинг даъвосига сабаб бўлган ҳолиса тасвирига татибдор беришг: **«Боғим аро сарви сиҳи шева ул, Балки қуруқ нахлим аро мева ул»**. Момо ким ҳақида бундай образли йўсинда гапираётганини аниқланг.
6. **«Шоҳ қиличи жигарим қилди чок, Ул жигарим порасин этти ҳалок»** сатрларида кампирнинг ҳолати қандай ифодаланганлигини аниқланг.
7. Кампирнинг ўз даъвосига икки гувоҳ сифатида шоҳнинг адолати ва инсофини таклиф этишини изоҳланг. Кампирнинг бу тутумида унинг шоҳ ҳақидаги фикри, шоҳга муносабати аке этганими?
8. Қози чиқарган ҳукмга қўшилмасизми? У давлат маъмури сифатида сизда қандай таассурот қолдирди?
9. Шоҳнинг: **“Мен эдим ул амрда беихтиёр, Ҳар не сен этсанг менга не ихтиёр”** мисраларини шарҳланг. Инсоннинг ўз тақдирига ҳўжалиги ёки қуллиги тўғрисидаги фикрларингизни билдиришг.

¹ Турфа - кизик.

² Ғани - бой.

³ Анжум - юлдузлар.

⁴ Навжувон - ёш.

⁵ Золи зар - олтин кампир.

10. Ҳикоятдаги одил ҳукмдорнинг мардлиги ҳамда даъвогар кампирнинг тағтиллиги ақс этган ўринларни топиб, таҳлил қилинг.

11. Нима учун ҳикоятда шоҳга Ғозий (дин йўлида голиб) исми берилган деб ўйлайсиз? Фикрингизни ҳикоят матнига таяниб асосланг.

12. Тест жавобларини топинг.

1. Навоий шоҳ Ғозий орқали кимнинг тимсолини яратган?

А. Амр Темур Б. Темурий ҳукмдорлар С. Орзусидаги ҳукмдор

Д. Ҳусайн Бойқаро Э. Афсонавий паҳлавон Рустам

2. Кампир нима учун ўз даъвосидан кечиб, уэр сўради?

А. Катта бойлик олгани учун Б. Шоҳ адолатига икром бўлиб

С. Қўрққандлиги учун Д. Янглишганини билиб Э. Шоҳни жазолаш мумкин эмаслигини тушунгач

3. Қозининг талабига кўра кампир келтирган икки гувоҳ кўрсатилган жавобни белгиланг.

А. Икки кўшиниен Б. Шоҳ навкарлари С. Тасодифий гувоҳлар Д. Шоҳнинг қаҳри ва меҳри Э. Шоҳнинг адолати ва инсофи.

«Шоҳ Ғозий» ҳикояти ҳақида

“Ҳайрат ул-аброр” даги 20 мақолатнинг ҳар бири алоҳида бир мавзуга бағишланади. Уларда Алишер Навоий инсоният учун ҳамиша муҳим бўлган ҳаёт ҳақиқатларини талқин қилади, изоҳлайди, ўқувчига юксак баднийат либосида етказилади. Муаллиф ҳар бир масала бўйича фикрларини баён этгач, уларни далиллаш, тасаввурни бойитиш учун ҳар мақолат сўнгида ҳикоят илова қилади. Сиз танишган “Салотин бобида” мақолатида одил шоҳ, инсофли давлат раҳбари қандай бўлиши кераклиги тасвирланган. Навоий жамиятда адолатнинг қарор топишини, мамлакат тараққийсини одил ҳукмдор билан боғлайди. Агар подшо золим, маънавий тубан бўлса, мамлакатда бузғунчилик, айш-ишрат, порахўрлик болалаб кетади. Давлат маъмурлари ўз бошлиқлари каби фосиқ, халқни оч бўри каби юз пора қилади. Бундай ҳукмдорларни қоралар экан, шоир барчага намуна бўладиган одил султон – шоҳ Ғозий образини эслатади ва мақолатдан сўнг у ҳақидаги ҳикоятни келтиради.

Шоҳ Ғозий юз-икки юз кишилик аскарни билан тож тахт учун кураш олиб бориб, ахири душманларидан қўли баланд келди. Лекин зотида тахтга дахлдорлик борлиги учун Аллоҳ унга ҳукмдорликни ато этди. У туфайли мамлакатда адолат қарор топди, зулм даф этилди. Лекин адолат тушунчаси халққа яхшилик қилиш, зулм йўлини кесиш билан чегараланмайди. Муаллиф бу масалага кенгроқ ёндашади, унинг моҳиятини ҳаяжонли бир лавҳа тасвири орқали очиб беради.

Кунларнинг бирида Шоҳ Ғозий сайрга чиққанда бир телбанамо кампир унинг йўлини тўсди ва шоҳга даъвоси борлигини айтиб, уни ўзи билан шариат маҳкамаси - қозихонага боришни талаб қилди. Шоҳ шариат қонунига бўйсуниб, маҳкамага боришга рози бўлди. Кампирнинг талаби шариатга мувофиқ келса, ўз қонига даъвогар бўлса ҳам, уни қабул қилишини билдирди: «**Шоҳ деди: “Ғар даъви эса қонима, Шаръий эса миннатидур жонима**». Шариат қозиси олдида иккиси: даъвогар кампир ва шоҳ ўтирдилар. Кампирнинг даъвосига кўра шоҳ кўп йиллар олдин тахт учун курашиб юрган «қазоқлик» вақтида бу кампирнинг яккаю ягона ўғлини ҳалок қилган. Энди у қотиллиги учун жавоб бериши керак!

Шариат қонуни бўйича ҳар қандай қилинаётган даъвога икки тонуғ, яъни гувоҳ келтирилиши керак. Қозининг бу талабига кўра кампир шоҳнинг адолати ва инсофидан иборат икки гувоҳ таклиф қилади. Адолатли ва инсофли шоҳ, табиийки, айбига иқрор бўлди. Шунда шариат қозиси ҳукм чиқарди: «Шоҳ қотиллик учун қатл этилиши ёки даъвогарга хун тўлаши керак. Бутун бошли бир мамлакат ва унинг аҳолиси тақдири ўз ихтиёрида бўлган шоҳнинг бу ҳукмга муносабатига эътибор беринг-а: **«Ёғлиғ ила боғлади бўйинни руст, Юз ҳамённинг доғи бўйинни суст»**, яъни ҳам ўз бўйинни рўмол билан боғлаб кампирга тутди ҳамда бўйни ечилган ҳамённи унинг олдига қўйди ва даъвогарга: “Агар қасос тиласанг, мана, тиг билан қонимни тўк, зар хоҳласанг, ҳамённи ол!» – деди.

Бу лавҳа орқали Навоийнинг том маънодаги адолатли ҳукмдор борасидаги орзуси бўй кўрсатади. Одил ҳукмдор, аввало, мамлакатда қонуни ҳамма учун тенг бўлишини таъминлаши даркор. Иккинчидан, қонунга бўйсунишда у барчага намуна бўлмоғи керак. Учинчидан, адолат йўлида жонидан ҳам кеча олишга куч топа олсин. Ана шундай фазилатга эга шахс бош бўлган юртда давлат маъмурлари ҳам юқоридаги шариат қозиси каби одил, фозил ва диёнатли бўладилар. Шунингдек, ҳикоятда инсоннинг, ҳатто у шоҳ бўлса-да тақдир қўлида ихтиёрсизлиги, ожизлиги юксак маҳорат билан тасвирланган. Бундан чиқадики, тақдири Яратганнинг қўлида бўлган инсон фақат ва фақат адолат ва эзгуликни ўзига маёқ қилиб яшаш лозим. Шундагина у ҳаммани, ҳатто ўзига кеки, адовати бўлган

одамларни ҳам рози қила олади. Ўз хоҳиш-истакларини енга оладиган ана шундай инсонгина бу дунёда **ҒОЗИЙ**, яъни ғолибдир.

„САБЪАИ САЙЁР“ ДОСТОНИ

Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг дostonоралиғи¹

Азиз ўқувчи! Энди эътиборингизга “Хамса”нинг тўртинчи достони бўлмиш “Сабъаи сайёр”дан олинган парчани ҳавола қиламиз. Агар “Ҳайрат ул-аброр”да яхлит бир воқеа ҳикоя қилинмай, у фикр-мулоҳаза, мушоҳада ва таҳлиллардан иборат мақолатлардан, кичик ҳажмли ҳикоятлардан тузилган бўлса, бу дoston кенг қамровли воқеаларни ўз ичига олган мураккаб сюжетли йирик эпик асардир. Бундай асарларда тасвирлар ўзгариши, воқеалар алмашинуви ўзига хос тарзда бўлади. Яъни воқеалар бир макондан бошқасига ўтганда, давҳаларнинг бири иккинчисига кўчганда замонавий эпик асарларда бўлганидек боблар, бўлимлар ёки сарлавҳалар билан ажратилмайди. Шунинг учун мутолаа давомида Сиздан диққат ва синчковлик талаб қилинади. Гарчи дostonнинг ўзида бўлмаса-да, Сизга тушунишни енгиллатиш учун воқеалар алмашинувига қараб, биз ушбу парчани шартли равишда олти қисмга ажратиб тақдим этдик. Аввалги уч қисмда ҳар бир байтнинг сатрма-сатр маъносини бермоқдамиз. Бундан мақсад: сизда олдинги машғулотлар орқали шаклланган байтларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш, эпик асарларни тушуниш бўйича малака ҳосил қилиш. Сиз аввал байтни диққат билан ўқинг, кейин уни сатрлар остида бугунги тилда берилган мазмуни билан мисрама-мисра солиштиринг. Эътибор беринг: тушунилиши қийин сўзлар маъноси чизик (дефис) ёки “яъни” сўздан кейин келтирилди. Агар бундай сўзлар бир неча марта такрорланса, маъноси изоҳланмай ўз ҳолича қолдирилди. Қавс ичида эса мисраларда бевосита бўлмаса-да, байт мазмунидан келиб чиқиб қўйиб олиниши керак бўлган сўзлар келтирилди. Агар шу уч қисм орқали байт мазмунини чиқаришни пухта ўзлаштириб оلسангиз, келтирилган парчанинг қолган қисминини ўзингиз мустақил тушуниб, таҳлил қила биласиз.

¹ Дostonоралиғи - дostonчилик, дoston айтивчилиги.

**I. Сув ва қуруқликда зулми ўзига касб қилиб олган
золим қароқчи ва унинг макони таърифи**

„Бор экандур Аданда¹ жавр² фане³,
Жавр қилмоқ фанида сафшикане⁴.

Аданда жабрни фан – касб (қилган киши) бор эди,
(У) жабр қилиш фанида сафшикан, яъни қаҳрамон эди.

Бори манзил ўлуб савоҳил⁵ анга,
Соҳили баҳр⁶ ўлуб манозил⁷ анга.

Барча манзиллар унга соҳил бўлиб
Денгиз соҳиллари унинг манзиллари эди.

Ҳам тануманду⁸ ҳам шужоу⁹ далер¹⁰,
Уд сифатким жазира¹¹ ичраки шер.

(У) ҳам кучли, ҳам ботир-у қўрқмас (бўлиб),
Бу сифатлари (билан) жангалзор ичра шер(га ўхшарди).

Мақсади ҳаром, яъни ўзгалар молини талаш бўлиб,
Бундай истагидан (у) ҳароми(га айланганди).

Шавкатидан унда на ўртоқ, на дўст бўлиб,
Ёлғиз ўзи йўлтўсарлик қилар эди.

(Йўлда карвон хоҳ ўн, хоҳ юз (бўлса-да),
Барчасига ёлғиз ўзи бас кела оларди.)

У соҳилда, яъни қуруқликдагина қароқчи эмасди,
Денгиз ичида ҳам бу (қароқчилик) унга фан эди.

(У доим) бир неча қайиқни тутарди тайёр,
(Улар) янги (чиққан) ой каби эдилар сайёр.

У қайсики кема(лар)ни ясаган бўлса
(Уларни) ўзга, яъни бошқа ерда пинҳон асрарди.

¹ Адан – Арабистондаги кичик мамлакат номи.

² Жавр – жабр, азоб.

³ Фан – ҳунар.

⁴ Сафшикан – сафларни бузувчи қаҳрамон.

⁵ Савоҳил – соҳиллар, қирғоқлар.

⁶ Соҳили баҳр – денгиз соҳили.

⁷ Манозил – манзиллар, маскан.

⁸ Тануманд – кучли.

⁹ Шужо – ботир.

¹⁰ Далер – қўрқмас.

¹¹ Жазира – орол.

Қанча йўлтўсарни унга, яъни кемаларга этиб мулозим,
Барчасига (кемаларни) қўриқлашни айлади лозим.

Қаердаки кемаси таскин топган – яширилган бўлса,
У ерга бир дийдабон – кузатувчини тайин қиларди.

Ким (қайси) жазира, яъни оролда макон тутса,
Унга бу иш, яъни кузатувчилик пеша - вазифа бўларди.

(Кузатувчи) бир улкан дарахт устига чиқиб,
Мавжли денгиз узра кўз солиб (ўтирар эди)

Ногоҳ кўзларига кема кўринса,
Дарҳол у (золим)ни оғаҳ этардилар.

У (дарҳол) тезюрар кемага минар (эди),
Гўёки сувда сайр этувчи сузар қуш(дек бўларди).

Кема аҳлига «ҳай» дегунча – бирпасда етарди,
Барчасига кўнгли истаганини қиларди.

Мол(лар)ни талаб, (кемадаги) элни ҳалок қилиб,
Дилдаги мақсади(га этиб) хотиржам қайтарди.

(У) денгиз ичида гўё наҳанг каби офат (бўлса),
Тўқай, яъни қуруқликда шеру йўлбарс(дай эди).

Сув юзида шабада каби кезувчи (эди),
Халқ (унинг) отини Жобир дерди.

Лекин дашт-у дарёда(ги) сайёҳлар (орасида)
(У) “қароқчи Жобир” (номи билан) машҳур эди.

Унинг бир жазирада жойи бўлиб,
(У таланган) халқ моли тўпланадиган хазина эди.

Жазиранинг давр(и) – атрофи бир йиғочга яқин (бўлиб),
Бу масофадаги сув тубига ҳеч ким етмаганди.

Атрофдан (қараганда жазира кўзга кўринмасди,
Шунчалик эдики, кўз сувдан ўзгасига тушмасди.

Ичида беадад, яъни беҳисоб дарахт битган,
Сабза, яъни майсалар ўрнига нилуфар битганди.

У ерда ширин чашма (бор бўлиб),
У заҳар ичидаги ичимлик сувдек кўринарди.

Шу (булоқ суви) билан боғ барпо этган,
Боғ ичида эса яна иморат ҳам ясаган эди.

Унда даҳлизу гумбазу айвон (бўлиб),
(Унинг) суви оби ҳаёт булоғидек эди.

II. Соҳибжамол Меҳр васфи ва унинг тасодиф бўрони туфайли Жобир қўлида асира бўлганлиги баёни

Дейдиларки, бошқа бир жазира орасида
“Беҳиштсаро” номли шаҳар (бор) эди.

Ундаги шоҳ сахию донишманд бўлиб,
У мамлакат (шу шоҳ) ҳукми ичида, яъни остида эди.

(Шоҳнинг) оти Навдар, ўзи нодир,
Табои ҳам ҳар нодир ишга қодир эди.

Унинг бир қизи бор эмишки, гўё
Одамизот бундай (гўзал)ни ҳаргиз кўрмаган.

Қадди тик ўсган ниҳол сингари,
Ҳусн боғида у сарвиноз эди.

Зулфини кўриб сунбул (рашкдан) юз буралиб кетади,
Оғзини кўргач гунча (уятдан) ҳеч сўз айтолмай қолади.

Юзи жаҳонни куйдиргувчи машъала бўлса,
(Ундан таралаётган) нур шуъласи жонга ўт қўювчи эди.

Сочи каманд – сиртмоқ бўлишни фан қилган бўлиб,
Қуёшнинг бўйнига арқон(дек ўралиб) тортар эди

Юзига меҳр – қуёш банда бўлган(нинг) оти Меҳр,
Фалак боши узра қуёшдек айланарди.

(Агар у) ноз билан денгизга кўз ташласа
Тўлқинларгина эмас, (балки) денгиз қўжаларди.

Бу сифат билан у оламни ёритадиган меҳр – қуёшдир,
Йўқ, меҳр эмас, жаҳонни ёндиргувчи шуъладир.

Бир куни (у) денгиз сайрини истаб,
Ел эсишини-ю сув мавжланишини (кўрмоқни тусади).

(Қиз) кемага тушиб сайр қилди,
Ўша жазира (Жобир ороли) тарафга зойир – кезувчи бўлди.

Гўё денгиз фалак мисол-у, яъни денгиз осмонга ўхшар,
(У) ҳилл – ярим ой шаклидаги кема ичидаги юлдуздек эди.

Ногаҳон қутилмаган ел эсди,
Кемадаги одамлар (бундан) воқиф бўлгунларича.

Кемаларни (шамол) денгиз ичига сурди,
Шиддатини ҳар лаҳзада оширди.
Токи денгизда тўлқинлар тунд бўлган – қутурганда,
Кемачи ёқасини чок қилиб деди:
«Яздон, яъни худо иноят этмаса,
Эл жонидан қўл ювсин – умид узсин”.

Шу тариқа неча кеча-кундуз
Ел кемаларни турли ёққа суриб кетди.
Шамол даҳшати тингунча,
Кема анча улоқиб юрди.

Жобир (томонидан) қўйилган киши
Дийдабонлик қилиб ҳар сорига назар ташларди.
(У) сувда (тентиб юрган) кемани кўрди,
(Бу) кўрганини унга, яъни Жобирга хабар қилди.

Қон тўкувчи Жобир кемасига ўтириб,
Улар сари ел каби тезлик билан юрди.
Етибоқ уруш ва ўқ отишни тушди.
Улар (кемадагилар) ҳам қаршилик кўрсата бошладилар.

(Жобирнинг) улар сари отган ҳар ўқи
Қонларини денгиз сувига оқизди.
(Жобир шу тариқа кўп зулм кўрсатгач,
(Ўлмай) қолганлари фарёд билан (таслим бўлдилар).

(Жобир уларнинг) барини олдига солиб,
То ўз масканига еткунча сурди, яъни ҳайдаб кетди.
Кемаларни қирғоққа маҳкам боғлаб,
Халқни, молларнинг ҳаммасини ўзиники қилиб олди.

(Аввалига гўзалдан (унинг) хабари йўқ эди,
Ногоҳ унга кўзи тушиб қолди,
(Шунда ундан (ақл-у) ҳуш йўқолиб,
Бир дам ўлик каби жим бўлиб қолди.

Ҳушига келгач, яна назар қилди,
Кўрди-ю, яна ҳолдан кетди.
Неча бор бундай ҳолат такрорлангач,
Билдики, унга боқишга (энди) мажоли йўқ.

Амр қилдики, бу Зухра юлдузидек ой
Боққа кириб, (ундаги) қасрда ўтирсин.

Унинг олдига бир-икки гул яноқли гўзалларни қўйди,
(Токи улар) гулюзли сарвга ҳамдам-у ҳамқад бўлсин.

Бошқа (асирлардан) яхшими-ѐмонми ким бўлса ҳам
Барчаларининг жонларига омонлик берди.
Ҳаммаларига бир кема тайин қилиб берди,
(Асирлар) шу кема ичига жойлашдилар.

(Жобир) деди: “Ўз мамлакатингизга жўнангиз,
Жон керак бўлса равон – тез кетингиз”.
(Кемадаги) гуруҳ бу сўздан ваҳимага тушиб,
Денгиз аро тезда кўзга кўринмай кетди.

Ой юзли гўзал у жазира ичида қолди.
Иқбол қуёши қоронғи шом ичида (кўринмас бўлди).
Жобир унинг хаёли билан хушҳол (юрар),
Кўнглига висол умидини келтирмас ҳам эди.

Меҳрнинг кўзига кундузлар шомдек кўринар,
Кўнгли қуёш каби (эрталабдан) то шомгача ўртанарди.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикоя бошида Жобир қандай тасвирланганини сўзлаб беринг. Унинг ақли ва тadbиркорлиги қайси ўринларда намоён бўлади?

2. “**Ҳам тануманд-у ҳам шужо-у далер**” бўлган, «тадбир-у рой»да мислсиз Жобирнинг маънавий қиёфаси ҳақида нима дейсиз?

3. Асарда Жобирнинг “моли ҳаром” мақсади билан яшashi айtilлади. Ҳаром мол, ҳаром ризқ тушунчасини Сиз қандай изоҳлайсиз? Навоий ҳаром билан тирикчилик қилувчиларни қандай атаган?

4. Жобирнинг ботир ва қайтмаслиги ёрқин акс этган: «**Карвони агар ўну гар юз, Борчасига ҳариф эди ёлғуз**» тасвирини шарҳланг.

5. Навдаршоҳнинг шахсий фазилатлари, мамлакатининг номланиши ва гўзал табиати тасвири ўлка ва унинг халқи тўғрисида тасаввур бералими?

6. Навоий саккиз байтда Меҳрнинг беқиёс гўзаллигини чизиб кўрсатади. Мазкур байтларда қайси бадний тасвир воисталари қўлланганини топинг.

7. Меҳрнинг: «**Зулфидин суибул айлабон юз печ, Оғзиди гунча айтмай сўз ҳеч**» тарзидаги портретига эътибор қилинг. Шу сатрларда қизнинг сочи ва лаблари гўзаллигидан ташқари унинг одобига доир қандай сифат ифодаланганлигини аниқлатинг.

8. Меҳрнинг тутқинликка тушиб қолиш сабабини, тутқинликдаги қиз кечинмалари қандай ифодаланганини шарҳланг.

9. Тестларни ечинг.

1. Жобир денгизда кемалар кўринганидан қандай хабар топарди?
А. Дийлабонлар орқали Б. Ўзи кузатиб ётарди С. Ногоҳ кўриб қоларди
Д. Кемадаги жосуслар орқали Э. Ўргатилган қушлар хабар беради

2. «Меҳр» сўзи қизнинг исмини билдириш билан бирга яна қандай маънони англатарди?

А. Юлдуз Б. Ой С. Шамол Д. Қуёш Э. Шафқат

III. Кўркем Суҳайл таърифи, тутқинликдаги Меҳр изтироблари тасвири ва тўй тараддудиди денгиздан йўлга чиққан Суҳайлнинг ҳийла домига банди бўлганлиги тўғрисида

Худди шундай (бошқа) жазирада (ҳам) бир шаҳар (бўлиб),
Ўзи жаннат боғидай, ариқлари жаннатдаги булоқ каби эди.
Унинг ҳавоси жаннатдек эмиш,
Фазоси зангори осмон каби кенг экан.

Унда бир шоҳ ҳокимлик-у бошқарувчилик (қилар),
Мамлакати маъмур, (ўзининг) ҳиммати олий (эди).
Унда бир шоҳ ҳокимлик-у бошқарувчилик (қилар),
Мамлакати маъмур, (ўзининг) ҳиммати олий (эди).

Унинг шундай бир нозанин фарзанди бўлиб,
Инсонлар орасида унга монанди – ўхшаши йўқ эди.
Юзи(нинг гўзаллиги)дан гул барги хижил тортарди,
Қадди(нинг келишганлиги)дан сарв дарахти хижолат эди.

У барча фазилат-у ҳунарда ўхшаши йўқ,
Кўзгуга боқса (ҳуснида ўзидай (киши) йўқ.
Ҳунар (эгаллашда) юксакликка майл қиларди,
Юзи меҳрдек (ёрқин), оти Суҳайл эди.

(Унинг) кўнгли Меҳрнинг сочларига боғланган эди,
Бу (қиз) ҳам гўё унга аталган(дек яратилган) эди,
Шундайки, Суҳайл Меҳрнинг (ишқида) хароб бўлгани каби
Меҳрда ҳам Суҳайлга мойиллик бор эди.

Майл демаки, у (Суҳайлнинг ишқида) вола-ю зор (эди),
Жонини бериб (бўлса ҳам) висолига харидор (эди).
Лекин ҳажр (Меҳрнинг) бағрига доғ қўйиб,
(Жобирнинг) боғи унга манзил бўлиб қолганди.

Унда, яъни боғда хилма-хил дарахтлар бор эди,
(Аммо) нилуфардан бўлак гул йўқ эди.
(Меҳр шу) нилуфаргудек қайғули эди,
Нилуфарлар ичида кўзи ёшлироғи эди.

Ашки, яъни кўз ёши билан гўё (гулларни) сугорарди,
Оҳ ўти билан қайғусини қуритарди.

*Йўк, (уни) ҳижрон ғамида зор-у хор (бўлди деманг),
Нилуфарзор ичида кўзидан Нил (дарёсини) оқизарди.*

Ашки нилуфар(зор)да сув йўли – ўзан топиб,
Нилуфар(нинг) денгиз – сув ичидалиги ажабланарли эмас.
Кўнгли агар нилуфарларга мойил бўлса, (бунинг сабаби)
Меҳр билан нилуфар (бир-бирига муносиб эди(лар)).

*Нилуфар(гул)га жуда ҳам боғланиб қолганидан
Кийимларини (ҳам) шу (нилуфар) рангда қилиб олганди.
(Бу) санам нилуфар ранг либоси билан
Ёри ҳажрида мотам тутарди.*

Мотамини зоҳир қилиш – кўрсатиш мақсадида
*Қайғули нилуфар (шу) рангда (бўлади).
Чарх – дунё Меҳрни фироқасири этганида,
Отаси (тўй) яроғини – тараддудини кўрарди.*

Никоҳ тўйини обод қилгани, яъни ўтказиш учун
Бу вақтни қулай дейдилар.
(Бир) неча кемага (бебаҳо) молларни юклатди,
Унда ниманики хаёл қилиш мумкин, бўлса бор эди.

Суҳайл ҳилол – янги ой(га ўхшаш) кемага жойлашди,
Меҳр (билан) ақд – никоҳ майлида – орзуеида эди.
*Йўл қирғоқдан – қуруқликдан йироқлиги учун
Денгиздан бориш яхшироқ эди.*

Шу жиҳатдан мақсад сари юриш(ни)
Денгиз орқали зарур деб иттифоқ қилдилар.
Ўз вақтида Меҳр кемасини (бўрон) тўлқинлари
Денгизда хашак сингари суриб кетганди.

Гўё ўша шиддатли ел эсиб,
Бу элга ҳам ғавғо солди.
(Бўрон) Суҳайл кемасини сувга сурди.
Барча ҳамроҳлари ва нарсаларидан айириб қўйди.

Кемасига ҳалокатли мавжлар урилиб,
(Бўрон) бир замон пастлар, гоҳ (яна) авж (оларди).
То кема (яна) ўша томон ўтгувчи бўлдики,
Жобир (бу ерга) дийдабон қўйган эди.

Дийдабон ногоҳ бу тарафга боқиб,
(Кема ҳақида) Яна Жобирни огоҳ қилди.

У кемасига ўтириб, (дарҳол) йўлга тушди,
Бу кема аҳлини қатл (қилишга) жазм қилди.

Етиб(оқ) уларни ҳалок этмоқчи бўлди,
(Лекин) Суҳайл (ҳам) жанг ва ўқ отишда эпчил эди.
У билан жанг қила бошлаб,
Ишлари кема ичида савашиш бўлди.

Агар Жобир беҳад (кучли) зарб урса (ҳам),
Суҳайл барча зарбларини қайтарар эди.
У яна зарб берадиган бўлса,
Бунга ҳеч қор қилмас эди.
Иккиси (бирдай) чаққон эдилар,
Бир-бирига зарар еткизолмасдилар.

Жобир кўрасаки, иши – жанги (душмани билан) баравар,
Бу ҳолат (унинг учун) кўнгилсизлик эди.
Ғолиб бўлишга ожиз бўлиб,
Ўзини ҳаргиз у ҳолатда – ғолибликда кўрмай
Кўлига ҳийла одатини олди, яъни ҳийла йўлига ўтди,
Яланғоч бўлиб, ўзини сувга отди.

Рақибининг кемаси остига кириб,
Тиг билан кеманинг тубини ёрди.

(Кема) тахтасини шундай кавладики,
Гўё сув йўлини (кемаг) ариқ қилди.
Суҳайл кемасининг тешилганлигини кўрди,
(Унинг) тубидан юқорига сув кўтарила бошлагани учун
Тўхтатишга қанча ҳийла, яъни тадбир қилса ҳам,
Фойдаси бўлмади – кема сувга тўлди.

(Кемага) сув тўлди, денгиз чуқур эди,
Кема ва кема аҳли фарқ бўлди.
Шаҳзода пок, яъни бутунлай жонидан умид узди,
Сувда ҳалок бўлишни кўнглига туйди.
Жобир унинг ёнига қасд қилиб (келди),
Худди балиқни ютишга (шай) наҳангга ўхшарди.

Қатл қилиш учун бошига келди,
Ўлаётган эл – одам(тепасидаги) Азроил(га ўхшарди).
Кўлига унинг кўлини олди, яъни кўлидан ушлаганча,
Ўзининг кемаси ичига солди.

Дарҳол арқон эшиб чиқди-да,
Унинг қўл-оёғини маҳкам боғлади.
Қайтиш учун тайёр бўлиб турганида,
Ногоҳ шаҳзода ўзига келди.
Ўзини ғариб ҳолда банд ичида кўрди.
Халқа-халқа ўралган арқонда эди.
Душмани қўлида қатра сувдек ожиз бўлиб,
Ўз(ининг) (бундай) нотовон ҳолатидан пушаймон эди.

Жобир деди: "Эй қўлимда(ги) асир йигит,
Уруш ва(жанг) ҳаракатларида хато қилмадинг.
Мен бу кемани сувга – денгизга солганимдан буён
Сенингдек минглаб (одамларни) сувда ўлдирдим.

(Ҳеч) бирида сенчалик журъат кўрмадим,
Журъатинг халос бўлишингга сабаб бўлди.
Денгиз ичида бошингга етган бўлсам ҳам,
Ўлимдан сени халос этаман – ўлдиришдан воз кечдим.
Кўнгли қатлингни тиламаса-да,
Лекин қўйиб юбориш ҳам тўғри бўлмайди.
Агар банддан халос бўлсанг,
Бир толели шоҳга хос бўласан.
(Шунда) тузоғингдан халос бўлмай,
Қасосингдан қутулолмайин.

(Орамиздаги) иш – олишувни ҳисоб-китоб қиласан,
(Мени) қатл қилиш учун чора қиласан.
Сенинг арқонда (бойлоелиқ) бўлишинг яхши,
Тирик қоласан, лекин банд ичида бўласан.
Суҳайл ожизлик билан қанча ёлворса ҳам,
Душмани жавоб бергиси ҳам келмади.

Кемасини маскани сари сурди,
Уни (Суҳайлни) ўз маконига келтирди.
Қаср бурчагида (бир) чоҳ бор эди,
Гоҳо кимни банди қилса,
У чоҳ ичига сокин қиларди – ташлаб кўярди.
Ундан (қутулиб) чиқиш мумкин эмасди.

Унинг аъзосидан, яъни қўл-оёғидан арқонини ечиб,
Занжир билан чоҳ қаърига солди.
Кимки у чоҳ ичига ғарқ қилинган бўлса,

(Кунига) иккита нон, бир офтоба сув (берилар эди).
Юқорида дилбар, яъни Меҳр, қуйида ғамгин – Суҳайл
Лекин иккови бир-биридан ғофил эдилар.

Икковлари бу ерда бундоқ аҳволда,
Энди қавми ва яқинлари аҳволини кўр(гин).

**IV. Қизининг бошига тушган кулфатни эшитиб,
Навдаршоҳнинг шоҳ Нўъмонга мактуб йўллагани ҳамда
икки шоҳнинг Жобир томон қўшин тортгани баёнида**

Андаким Меҳрни қилиб ношод,
Қавму хайлини айлади озод.
Ул улус жондин айру эл янглиғ,
Сайр этиб сув юзида ел янглиғ.
Қундузу кеча пўя¹ эттилар,
Токи кишварлариға еттилар.
Нилуфаргун либос этиб бори,
Қилдилар борча мотам изҳори.
Шоҳ худ Меҳр иштиёқидин,
Бал жигаргўшаси фироқидин.
Ҳам бу ранг айлаб эрди хилъатни,
Хайли доғи бу ранг кисватни².
Чун булар доғи келди мотам ила,
Баҳри андуҳу лужжаи ғам³ ила.
Шоҳким, бағриға тегиб эди тиш⁴,
Айлади Меҳр ҳолини тафтиш⁵.
Бўлди кетган азо яна тоза⁶,
Қолмади дарду ғамга андоза⁷.
Қилдилар улча бор эди тақрир⁸,
Ки, не келтурди олиға тақдир.
Яна андуҳ ила фиғон қилди,
Яна андуҳи қасди жон қилди.

¹ Пуя – гез юриш.

² Кисват – уст-бош.

³ Лужжаи ғам – ғам гирдоби.

⁴ Тегиб эди тиш – яраланди.

⁵ Тафтиш – текширмақ, сўрамоқ.

⁶ Тоза – янги.

⁷ Андоза – улчов.

⁸ Тақрир – айтиш, билдирish, баён этиш.

Тийра бўлди жаҳон анга ҳоли,
 Гўйиё ботти меҳри иқболи,
 Деди ўзига йиғлаб ачиг-ачиг,
 Ки: „Ачиг йиғламоқ манга не асиг¹.
 Тиғ ила бағрим айласам пора,
 Чун жигаргўшам йитти, не чора?
 Чора топмоқ керак муфид² эмди,
 Йўқ ғаму ноладин умид эмди“,
 Олиб илгига сафҳаю ҳома³,
 Қисса шарҳини ёзди бир нома.
 Ҳар не иш бўлғонин баён этти,
 Шоҳ Нуъмон сори равон этти⁴.
 Ёзиб ул нома ичра пинҳоний,
 Ким: „Бу бўлмиш қазойи Яздоний⁵,
 Лек ҳақким ғаму бало бермиш,
 Дард бермиш вале даво бермиш.
 Чора бу ишга интиқом дурур,
 Йўқса бўлмоқ тирик ҳаром дурур.
 Меҳр агар эрди жонима пайванд,
 Санга доғи бўлуб эди фарзанд.
 Бўлса ул душман илгида маҳбус,
 Манга номус эрур, санга номус.
 Мундин ўзга бу ишга йўқ талбир,
 Ки, иккимиз черик⁶ йиғиб бир-бир.
 Сенга мудкунда бўлмоқ ўлса майл,
 Лек фарзанди аржуманд Суҳайл
 Ким, эрур пил зўру шер шукуҳ,
 Панжасидин келиб бу икки сутуҳ⁷.
 Бал ҳақиқат аро анингдур Меҳр
 Ки, бу мансуба⁸ зоҳир этти сипеҳр.
 Бошлабон ул черикни соҳил ила,

¹ Асиг - фойда

² Муфид - фойдали.

³ Сафҳаю хома - қогоз ва ёзич.

⁴ Равон этти - юборди, жунатди.

⁵ Қазойи Яздоний - Тангри буюрганӣ. Яратган иродаси.

⁶ Черик - қўшин, дашқар.

⁷ Сутуҳ - сатғлар, текисликлар. Бу ерда икки-уч маъносиди.

⁸ Мансуба - талбир, чора.

Сув яқосидаги манозил ила.
Айлабон разму кийна изҳори,
Келса Жобир жазойири сори.

Мен дағи табон кийнахоҳимни¹,
Саъй² айлаб йиғиб сипоҳимни.
Яроқ айлаб кўнгул фароғи била,
Улча мумкин черик яроғи била,
Берибон кемалар аро ором,
Ел киби айласак, сув узра хиром.
Мен судин айласам азимат жазм,
Ул қуруғлуқ соридин айлаб азм.
Ўйла тарих айласак миод,
Ки, қачонким бўлур бу иш бунёд.
Неча кундин сўнг ўлғай имкони,
Қобсамоқ³ бу ики черик они.
Ҳам ўшул навоким муқаррар ўлур,
Сайо қилсоқ, бу иш муяссар ўлур.
Ки, чекилгай⁴ бу интиқом охир.
Рўзи ўлғай бу наво ком охир.
Ул зуҳалваш⁵ жазоға хос ўлғай,
Меҳр ҳам уқдадин⁶ халос ўлғай.
Гар бу янглиғ эмасдурур санга ком
Они ҳам ботроқ айлағил эҳлом⁷.
Ки, чу иш тушса бошимга ёлғуз,
Ўзга янглиғ топай салоҳиға⁸ юз⁹.
Шоҳ Нуъмон ўқуғоч ул нома,
Билдиким, бўлмиш ўзга ҳангома.
Йиғлабон бўлди асру¹⁰ кўп ғамноқ,

¹ Кийнахоқ – алимзадалик, уч олиш истағи.

² Саъй – ғайрат, ҳаракат.

³ Қобсамоқ – ўраб олмоқ, қўрмамоқ.

⁴ Чекилгай – амалга оширилгай, қилангай, олингай.

⁵ Зуҳалваш – Зуҳалга ўхшаган. Зуҳал, «ъни Сатури сайбераси ёмонлик тимсоли бўлган. Бу ерда Жобирга нисбат берилмоқда.

⁶ Уқда – бандлик, тутқун.

⁷ Эҳлом – биддирмоқ.

⁸ Салоҳ – чора, яшиланиш.

⁹ Юз топиш – киришиш.

¹⁰ Асру – жула, гоят.

Бу ситамдинки айлади афлок¹,
 Они ҳам билди шоҳи озода²
 Ким, мусофар³ чу бўлди шаҳзода.
 Мақсади сори етмаган эрмиш,
 Кема ул сори кетмаган эрмиш.
 Икки муҳлик⁴ ажаб ғам ўлди анга,
 Мотам устига мотам ўлди анга.
 Билмадиким не иш экин ҳодис⁵,
 Ким бу ишга бўлуб экин боис.
 Ким анингдек Суҳайлу сайёра
 Чарх зулмидин ўлгай овора?
 Ўйлаким бўлмагай асар андин,
 Демагай ҳечким хабар андин.
 Кўп қилиб фикр топти раъин савоб⁶,
 Ўқуғон номаға битийди жавоб
 Ким: „Ҳамул номаким битилмиш эди,
 Меҳр ҳолин баён қилилмиш эди.
 Ул алам гарчи солди бошима дуд⁷,
 Билдим ўртамагимда йўқтур суд.
 Сабт⁸ эдиким, юруга қилсанг майл
 Яхши, йўқса чекиб сипоҳ Суҳайл.
 Азм айлаб черик яроғи била,
 Юрусун баҳрнинг қироғи била.
 Нукта қилма⁹ Суҳайлдин иблог¹⁰,
 Қўймағил доғим устига яна доғ,
 Дегил аввал муники, қони Суҳайл?
 Қони улким, дер эрдук они Суҳайл?
 Ким, Суҳайл этгали сизинг сори азм
 Олти ойдуру ҳисоб этиб биз жазм.
 Кеч келур фикридин эдук ғамнок,
 Етмаган анда, бизни этти ҳалок.

¹ Афлок – фалаклар.

² Шоҳи озода – тағи тоза шоҳ, асдода шоҳ.

³ Мусофар – сафарга чиққан, саёҳатчи.

⁴ Муҳлик – ҳалок қилувчи.

⁵ Мисраининг мазмуни: Нима ишлар содир бўлганини билмади.

⁶ Раъин савоб – тўғри фикр, савобли майл.

⁷ Дуд – тутун.

⁸ Сабт – ёниш.

⁹ Нукта қилма – таърифлама, гапирма.

¹⁰ Иблог – етказиш, айтиш.

Сен қуруғлуқ била сипақ чексанг,
 Чарх уза авжи боргаҳ¹ чексанг.
 Мен бўлуб кема ичра баҳр хиром,
 Сипаҳим бирла тутмасам ором.
 Топқамен шояд ушбу савдода²
 Гавҳаримдин нишона дарёда.
 Топсаму-топмасам сенинг сори
 Айлагумдир таважжуҳ³ изҳори.
 Ки, нечукким керак қилиб кўшиш⁴,
 Ҳақ таолодин истабон бахшиш⁵,
 Ул ҳаромиға тиги кин сурсак,
 Керагидек жазоға тегурсак.
 Эмди мавоид⁶ фалон кун ўлди яқин,
 Азм⁷ учун соат айладук тайъин.
 Сен доғи ушбу сўзни айлаб жазм,
 Керак этсанг бу ваъда бирлан азм⁸.
 Эмдиким ёзди номаға унвон,
 Номанинг ҳомилини⁹ қилди равон.
 Чунки қосид⁹ битикни¹⁰ еткурди,
 Шоҳ Навдар қўлиға топшурди.
 Навдар очтино солди бориға кўз,
 Ўқуди анда ҳар не бор эди сўз.
 Бўлди миод вақтидин огоҳ,
 Ҳам ўшул вақт бирла йиғди сипоҳ.
 Ул сари азм қилғали Нуъмон,
 Ҳам муайян бор эрди вақту замон.
 Бўлдилар икки шоҳ мустаожил¹¹,
 Бири дарё била, бири соҳил.

¹ Боргаҳ – қўнимжой, қароргоҳ.

² Савдода – можирода, ишла.

³ Таважжуҳ – юзланиш, кўриниш.

⁴ Кўшиш – жаҳд қилиш, фиқолиш.

⁵ Бахшиш – марҳамат.

⁶ Мавоид – ваъда.

⁷ Азм – киришни, ҳаракат.

⁸ Ҳомил – элтувчи.

⁹ Қосид – хабарчи, сузловчи.

¹⁰ Битик – хат, ёзилган нарса.

¹¹ Мустаожил – шошил.

Неча кун айлабон масофат¹² қато¹¹,
Соҳили баҳр ичинда офат қато,
Бўлди пайдо адув бўлур беша
Тушти икки тарафқа андеша.

Савод ва «олшириклар»:

1. Меҳр ва Суҳайлни қайси жиҳатларига кўра бир-бирларига мос ва мувофиқ деб биласиз?

2. Суҳайлнинг қизга муносабати ифодаланган: «*Меҳр зулфиға кўнгли боғлиғ эди, Бу анга гўйиб атоғлиғ эди*» сатрларини изоҳланг.

3. Достондан олинган: «*Уйлаким, Меҳрнинг хароби Суҳайл, Меҳрға ҳам Суҳайл сори майл, Майлни қўйки, волау зор ул, Жон бериб васлиға харидор ул*» парчасида қиз билан йигитнинг ўзаро муносабати акс этган. Бу тасвирини изоҳлаб беришга уриниб кўринг.

4. Суҳайлнинг асир тушиши тасвирида йигитнинг жасорати, марднинг ҳамда қароқчининг ҳийлакорлиги қандай ифодаланганини кўрсатинг.

5. Жобирнинг: «*Мен бу заврақни сувға то сурдим, Минг сенингдекин сувда ўлтурдим, Бирнда сенча кўрмадим журъат, Журъатниг бўлди махласингға жиҳат*» тарзидаги иқрорига қараб, қароқчининг ички олами ҳақида мулоҳаза юритинг.

6. Ҳазрати Навоийнинг тутқунлар ҳолатини аниқ акс эттирадиган: «*Ҳарким ул чоҳ аро чу бўлди ғариқ, Нон икита эди, су бир ибриқ*» тасвирига диққат қаратинг ва изоҳлашга урининг.

7. Асарда ошиқ-маъшукларнинг фожеавий ҳолати акс этган: «*Юқори дилбару қуйи бедил, Бир-биридин вале иков ғофил*» мисраларини изоҳланг.

8. Навдаршоҳнинг бўлажак қудаси шоҳ Нуъмонга ёзган: «*Лек ҳақким ғаму бало бермиш, Дард бермиш вале даво бермиш. Чора бу ишга интиқом дурур, Йўқса бўлмоқ тирик ҳаром дурур*» тарзидаги мактубидаги фикрларни изоҳланг. Унда ҳаққимиз маънавиятига ҳоё қандай қадриятлар акс этганигини аниқланг.

9. «*Бўлса ул душман илгида маҳбус, Манга номус эрур, санга номус*», - деб ёзганда Навдаршоҳ нимани кўзда тутгани деб ўйлайсиз?

10. «*Икки муҳлик ажаб ғам ўлди анга, Мотам устига мотам ўлди анга. Билмадиким не иш экин ҳодис, Ким бу ишга бўлуб экин боис*» мисраларида кимнинг ҳолати акс эттириляётганигини матилдан топинг ва изоҳлаб бering.

11. «*Кеч келур фикридин эдук ғамнок, Етмаган анда, бизни этти ҳалоқ*» сатрлари ким ҳақида битилган деб ўйлайсиз?

12. Қуйидаги тестларнинг жавобини топинг.

1. «*Майлни қўйки, волаи зор ул, Жон бериб васлиға харидор ул*» мисраларида ким ҳақида сўз кетаяпти?

А. Жобир Б. Меҳр С. Суҳайл Д. Навдар Э. Нуъмон

¹¹ Масофат - масофа, йул.

¹² Қато - босиш, юриш

2. «Тахтани уйла ков-ков этти Ки, сув йўлини нечукки нов этти» сатрларида гап нима ҳақида кетяпти?

А. Сухайлнинг Жобир билан уруши Б. Меҳрнинг изтироблари
С. Жобирнинг ҳийласи Д. Дийдабоннинг Э. Кема аҳлининг ваҳимаси

V. Ов кетидан қувиб сипоҳидан ажралган Навдаршоҳнинг Жобир тузоғига илингани, бўрон офатидан ҳалокатга учраган шоҳ Нўъмоннинг тушгани ҳақида

Қолди Навдарға чунки бир манзил,
Беша ичра мурур¹ эди мушқил.

Ваҳм олди қарорини шаҳдин,
Ки, адув чиқмағай камингаҳдин².

Кестуруб бешани очилғали йўл,
Черигин элтур эрди илгари ул.

Гўйиё сайдлардин ул жангал,
Воқеъ ерди тўла буғув-у марал.

Шаҳға кўп эрди ов ишида вуқуф³,
Балки бор эрди асру кўп машъуф⁴.

Ҳар тарафдин дорир эди⁵ сайде,
Шаҳға эрди сипоҳ иши қайди⁶.

Сайд етгач кўзини асрар эди,
Кўрмайин деб ўзини асрар эди.

Ногаҳон бир шикорийи гулранг⁷
Ўтгали қилди олидин оҳанг⁸.

Кейнича ихтиёрсиз чопти,
Ўқ отарға қарорсиз чопти.

Сайд жангал ичини қилди талош.
Йўли ҳам тор эди-ю ҳам чирмош.

¹ Мурур - ўтиш, юриш.

² Камингаҳ - пана, пистирма.

³ Вуқуф - воқиф, хабардор.

⁴ Машъуф - берилмиш.

⁵ Дорир эди - учради.

⁶ Мисраининг маъмуни: Шоҳға ҳарбий иш қондалари маълум эди.

⁷ Шикорийи гулранг - овланадиган рангли қуш, тузговуқ.

⁸ Оҳанг - қилиқ.

Ғайр онинг сўнгича чопмас эди,
 Ўқ отарға мажол топмас эди.
 Изтироб айлабон ота тушти,
 Бир-икки ўқ, вале хато тушти.
 Ўзга худ бўлди¹ ул сифат беҳад
 Ким, димоғидин учти хушу хирад².
 Сайд қасдиға ўйла қўйди қўнгул
 Ки, адув чиқти ёдидин билкул³.
 Сайд била бешаға кириб кетти
 Ки, адув қавму хайлиға етти.
 Қўюб эрди каминда⁴ Жобир нев⁵,
 Кинаварлар масоф⁶ вақтида дев,
 Ким, киши тутсалар кетургайлар,
 Хизматиға анинг етургайлар.
 Кўрдилар солур эрди бир буғу хез⁷,
 Етти ону қовуб бир отлиғ тез,
 Пошина⁸ рахшларға⁹ урдилар,
 Ҳа дегунча ани тушурдилар.
 Чопибон сайдға солай деди қайд¹⁰,
 Ўзга сайёдларға¹¹ бўлди сайд¹².
 Шаҳ тилар бўлса шоҳлиқ қилмоқ,
 Сипаҳидин керакмас айрилмоқ.
 Шаҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,
 Шоҳ эмасдур йўқ эса анда сипоҳ.

¹ Ўзга худ бўлди – ўзгача бўлиб қолди.

² Хушу хирад – ақлу хуш.

³ Билкул – бутунлай, тасомилла.

⁴ Камин – тистирма, пана.

⁵ Нев – наҳлавон, ботир.

⁶ Масоф – жанг, жанггоҳ.

⁷ Хез содмоқ – тез кетмоқ.

⁸ Пошина – қичамоқ, ноқтамоқ.

⁹ Рахшлар – отлар.

¹⁰ Қайд – сиртмоқ, банд.

¹¹ Сайёдлар – овчилар.

¹² Сайд – ов, ўлжа.

Шаҳға хайл ўлса, фатҳ анинг ишидур,
 Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур,
 Шаҳлик ойинин¹ айлабон ранбур²,
 Айламас бесипаҳ сукуну мурур³.
 Учса ёлғуз кўрарга оқ-у қаро,
 Не тавофут улу яна бул аро.
 Борса шатранж шоҳининг сипаҳи,
 Кўрки, борму ҳисоб ичинда шаҳи.
 Чунки Навдар адуға бўлди асир,
 Сўйдилар⁴ ҳар не кийганин бир-бир.
 Ҳолиға чун назора қилдилар,
 Навдар эрконин жазм⁵ билдилар.
 Бири ул хайлдин чопиб филҳол,
 Берди Жобирға муждаи иқбол⁶.
 Ким: „Бу янглиғ иш ошкор ўлди,
 Бўйла сайди санга шикор ўлди“.
 Ул эшитгач бу навои афсона,
 Тенгрига сажда қилди шукрона.
 Деди: „Мафқуф бўлмайин⁷ нимага,
 Кўзуни боғлабон солинг кемага.
 Элтибон қаср аро қилинг маҳбус,
 Эшигин устидин этинг мадрус⁸.
 Андоғ айланг бу ишни пинҳоний,
 Ким, киши фаҳм қилмосун они.
 Уй эшигин фалонға топшурунгуз,
 Хабарин манга бот келтурунгуз!“
 Шаҳни ул қасрға етурдилар,
 Борча ҳукми бажо кетурдилар,

¹ Ойин – одат, удул.

² Ранбур – удартмоқ, моламоқ.

³ Мурур – ўттиш, кечтиш.

⁴ Сўйдилар – ечдилар.

⁵ Жазм – аниқ.

⁶ Муждаи иқбол – хурсандчилик хабари.

⁷ Мафқуф бўлмайин – ўхтатмайин.

⁸ Мадрус – бекитиш, ёниш.

Не, не ер эрконин билди шах,
 Не шах эрконидин ўлди эл огаҳ.
 Бўлди Навдар ишига сурат бу,
 Лек Нуъмонга жилвагоҳ эди сув.
 Қолди чун икки кунчалик мақсад,
 Яна ел сувни қўзғади беҳад.
 Бўлди кўлок осмонпаймой¹,
 Кўрунир эрди кемадек янги ой.
 Тушти Нуъмон ишига асру футур²,
 Ҳар замон жонидин эди маҳжур³.
 То сафар аҳли кўпи ўлди талаф⁴,
 Тушти ҳар бир кема бир ўзга тараф.
 Гарчи Нуъмонга кўп етишти наҳиб⁵,
 Лек тўфондин ўлмади осийб⁶.
 Кемаси лекин ул тараф кетти,
 Ки, бурун ўғли кемаси етти.
 Дийдабонлар яна қилиб маълум,
 Яна Жобирға дедилар мафҳум⁷.
 Яна Жобир етиб алар сори бот,
 Топмай ул хайлининг кўшида ҳаёт.
 Тиригидин сўруб чу сурати ҳол,
 Зоҳир англабки, не дурур аҳвол.
 Илайига⁸ солиб, аларни суруб,
 Шарҳ қилгон жазираға кетуруб.
 Чиқориб шоҳни ўлум ҳоли,
 Кемани молдин қилиб ҳоли.

¹ Осмонпаймой – осмонбаравар, баландга интишадиган.

² Футур – барбодлик, бузуллик.

³ Маҳжур – маҳрум, айрилган.

⁴ Ҳалли талаф – нобуд бўлиш, талафат қилиш.

⁵ Наҳиб – қурқич.

⁶ Осийб – зарар, зиён, офат.

⁷ Мафҳум – тушунича, хабар, сўз.

⁸ Илайи – олин.

Шоҳ жисмига заъф¹ топиб йўл,
Фаҳм қилмайки не кишидур ул.

Шаҳни бир пардаға ниҳон қилди,
Ўзга зиндон сори равон қилди.

Ҳар замон шоҳ ичинда жондин ваҳм,
Кимса лекин ул ишни қилмай фаҳм.

Яна ул элни солди кема аро,
Бўлди бу нав аларға нуктасаро².

Ки: „Керак бўлса сизга жон кетингиз!
Қайдаким кўнглунгиз тилар стингиз!

Бу навоҳида³ англасам сизни,
Қўймоғумдир тирик бирингизни!“

Кеттилар бошларини олиб бу гуруҳ,
Кўз аро ашқу жон аро андуҳ.

Шоҳ Навдар сипоҳи ҳам бори,
Билдиларким, не иш эрур тори⁴.

Рой кўп урдилар тузуб маҳфил⁵,
Шаҳсиз ўлса сипаҳ йўқ ҳосил.
Топмойин ғайри қайтмоқ чора,
Бузулуб⁶ ёндилар баякбора.

Жобири роҳзан бўлуб фируз⁷,
Туну кун боғи ичра базмафрўз⁸.

Мехр ёди била ичиб соғар⁹,
Сола олмай вале юзига назар.

Боқа олмай анга муроди била,
Қон ютуб, йўқки бода¹⁰, ёди била...

¹ Заъф - касаллик.

² Нуктасаро - маъноли сўзловчи.

³ Навоҳи - атроф.

⁴ Тори - қоронғилик, тусатдан бўлиш.

⁵ Маҳфил - мажлис, йиғин.

⁶ Бузулуб - хафаланиб, кўнгли бузилиб.

⁷ Фируз - ғолиб, бахтли.

⁸ Базмафрўз - базмин қиштмоқ, базмин авжлатмоқ.

⁹ Соғар - май.

¹⁰ Бода - шароб, май.

VI. Меҳрнинг ўз қаллиғини чоҳдан чиқариб парвариш қилгани ва Суҳайлнинг юзма-юз олишувда Жобирни енгиб, сўнгида барчаларининг муродга етганликлари тўғрисида

Меҳр гул янглиғ айлабон яқо чок,
Нилуфарзор аро кезиб ғамнок.

Ёш тўкуб баҳри мавжвар¹ янглиғ,
Қўк либос ичра нилуфар янглиғ.

Юзига бас тапонча² урғонидин,
Нилуфарлар очиб гулистонидин.

Ҳажрдин фориг ўлмоғин истаб,
Ул балодан қутулмоғин истаб.

Фикрдин кеча қўзни ёпмас эди,
Чора кўп истар эрди, топмас эди.

Бандини англаб эрди чоҳ ичра.
Ғаму андуҳу умркоҳ³ ичра.

Деди: „Ул чаҳдин они қутқорсам,
Йиғлабон зор-зор ёлборсам,

Озим этсам⁴ Суҳайл учун они
Ким, десам ҳожатимни пинҳони.

Ул магар ҳолатимни англаб жазм,
Махласимға⁵ бу сори қилғай азм“.

Ёшурун тийра уйга ул дилхоҳ
Кирди икки каниз анга ҳамроҳ.

Келди чаҳ боши узра ғампарвард⁶.
Чекти ун: „Ки-эй асири меҳнату дард!

Мен доғи бир фақирмен сендек,
Нотавону асирмен сендек.

¹ Баҳри мавжвар – мавжланган денгиз.

² Тапонча – шапати, тарсаки.

³ Умркоҳ – жон азоби.

⁴ Озим эсам – юборсам.

⁵ Махлас – ҳалос, қутулдиш.

⁶ Ғампарвард – ғамга ботган, ғамбола.

Махласинг ичра саъй этиб жондин,
 Сени чексам бу тийра зиндондин.
 Ҳар не десам қабул этарсенму?
 Қаён этсам равон кетарсенму?""
 Чоҳ ичинда Суҳайл эди бетоб,
 Ҳолини заъф қилмиш эрди хароб.
 Бор эди онча меҳнати бир ён,
 Меҳри гулчеҳр фурқати¹ бир ён.
 Бўлғоч ул наво сўз хитоби анинг,
 Ошти ул ундин изтироби анинг.
 Кўнглунни саъй бирла тўхтатти,
 Нозанинға бу наво сўз қотти:
 „К-ей башар хилқату фаришта сифот,
 Берган ўлган танимға тоза ҳаёт!
 Сендан этса бу наво лутф зуҳур,
 Ҳар нечук ишга айласанг маъмур,
 Саъй этай то танимдадур жоним,
 Қилайин токи бўлғай имконим“.
 Меҳр эшитгач бу сўзни солди таноб²,
 Не таноб, икки гисуйи³ партоб⁴.
 Нотавон тутти риштани маҳкам,
 Меҳр чекти⁵, ул икки маҳваш ҳам.
 Тийра уйга чиқордилар они,
 Меҳр кўп қилди лутф пинҳони.
 Қилди занжиру банддин ани фард⁶,
 Ер ўпуб, деди зори ғампарвард.
 Ки: „Не ҳукм этгунг, эй малаксиймо,
 Шаммаи⁷ андин айлагил иймо⁸“.

¹ Гулчеҳр фурқати – гулзолидан айрилди.

² Таноб – арқон.

³ Гису – соч.

⁴ Партоб – улоқтирмак, ташламок.

⁵ Чекти – тортди.

⁶ Фард – алоҳида, халос.

⁷ Шамма – салгина, бир оҳ.

⁸ Иймо – имо, ишора.

Меҳр қилди фасонасин бунёд¹,
 Бошиға неким ўтти айлади ёд.
 Отову мулку жоҳу ҳашматини,
 Пардасиға² Суҳайл нисбатини³.
 Кўрганин баҳр мавжидин ташвир⁴,
 Тушганин анда нотавону асир.
 Бўлғон анда зарурдин сокин,
 Қолғонин Жобир илгидин эмин.
 Заъф этиб нотавон анинг сўзидин,
 Лаҳза-лаҳза борур эди ўзидин.
 Анга еткурди сўзини Меҳри мунир⁵.
 Ки: „Бу янглиғки, мен бўлубмен асир,
 Айлай олмас киши халосима майл,
 Кўшишу кина бирла ғайри Суҳайл.
 Санга эй дардманду овора,
 Сўз будурким, гар айлабон чора,
 Андоқ этсангки, баҳрдин қутулиб,
 Яман аҳли сори равона бўлуб,
 Жаҳду суръат аро тай айлаб арз⁶,
 Ҳолатим айласанг, Суҳайлға арз.
 Лек бир нуқта бордур ёшурун
 Ки, сени мундоқ асрасоқ неча кун.
 Жазм қилсанг бу ишни пинҳонин,
 Онт ичиб эмин айласанг они
 Ки, чу мен бастаи бало⁷ бўлдум,
 Жобир илгига мубтало бўлдум.
 Манга тушмиш кўзи йироқдину бас,
 Йиқилиб ерга ётти ўйлаки хас.

¹ Фасонасин бунёд - саргузангирини, ҳикоясини айтди

² Пардаси – номуси

³ Нисбати – муносабати, алоқаси.

⁴ Ташвир – фалокат.

⁵ Меҳри мунир – қизнинг исми қуёш маъносини англатади. Шу биле «ёритувчи қуёш» деб сўз уйини қилинмоқда.

⁶ Тай айлаб арз – ерни тез айланиб чиқиш, гонини

⁷ Бастиаи бало – балота йўлиқмоқ.

Чун кўрар фикри қилмоқ эрди иши,
 Чунки кўрди, йиқилмоқ эрди иши.
 Мунда то зойиъ ўлмиш авқотим,
 Будур онинг била мулоқотим».

Муни билгач Суҳайл зору ҳазин,
 Шаммаи топти хотири таскин.

Сидқ билди¹ яқин анинг сўзини,
 Саъй ила асрай олмади ўзини.

Оҳидин ўт димоғига тушти,
 Дилбарининг аёғига тушти.

Қилди фарёду борди андин ҳуш,
 Меҳрни ҳайрат айлади мадҳуш².

Чунки ҳолин билурға айлади майл,
 Яхши таҳқиқ³ қилғоч, эрди Суҳайл.

Ўлгудек нола қилди ул доғи,
 Ҳуши бориб, йиқилди ул доғи.

Йиғлабон бошларида икки каниз,
 Кўтариб бошларини меҳромиз⁴.

Келгач ўзига Меҳри равшан рой,
 Дедиким: „Фитна бўлди банд кушой⁵“.

Айлади они тийра уйда ниҳон,
 Ангатегруки⁶ тийра бўлди жаҳон.

Заъфи ифротидин⁷ Суҳайл доғи,
 Ўзига келди лек уйқу чоғи.

Бўлди бир-бирга жисм ила жондек,
 Ё магар сарву ишқ печондек⁸.

Неча кун қаср аро ниҳон эрди,
 Сарви гулруҳқа меҳмон эрди.

¹ Сидқ билди – чин билди.

² Мадҳуш – ҳушсиз.

³ Таҳқиқ – текшириш, аниқлаш.

⁴ Меҳромиз – қуёшдек.

⁵ Фитна бўлди банд кушой – исён (иш) сари ошкор бўлди, ечилди.

⁶ Ангатегру – унғача.

⁷ Ифрот – ҳаддан ортиқ.

⁸ Ишқ печон – печатгул.

Токи берди таом ила шарбат,
 Заъфлиқ зор жисмиға қувват,
 Ани ҳам жазм билдиким Жобир,
 Меҳрдин ҳажр ила эмиш собир.
 Бир кун ўлғонда Жобири гофил
 Боғни сайр этарга форигдил¹,
 Чиқти ўтрусидин Суҳайли далер,
 Ул сифатким қобон масофиға² шер,
 Дедиким: „Паҳлавонлиқ эрмас ул
 Ким, киши макр бирла урғай йўл.
 Тешиб эл кемасини ҳийла била,
 Фарқ этиб сувға бу васила³ била.
 Қолмағон чоғда кимсанинг жони,
 Тутубон банд айлагай они.
 Сен агар зоҳир эттинг итдикни,
 Мен санга кўргузай йигитликни“—
 Деди-ю хасм сори қилди шитоб⁴,
 Хасмни ҳайрат айлади бетоб.
 Чун талашмоққа айладилар майл,
 Кўтариб ерга урди они Суҳайл.
 Боғлади қўлларин шитоб била,
 Муни ул боғлағон таноб била.
 Солди филҳол ани ҳамул чаҳ аро,
 Будурур табу фаҳми оғаҳ⁵ аро:
 „Ҳар кишиким бировга қозғой чоҳ,
 Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ“.
 Чун Суҳайл ўлди ул сифат фирўз,
 Меҳр ақдиға бўлди базмафрўз⁶.

¹ Форигдил – бемалод, кўнгли хотиржам.

² Масоф – олишиш, жанг.

³ Васила – восита.

⁴ Шитоб – тезликда, ҷаққон.

⁵ Фаҳми оғаҳ – хушёр ақл.

⁶ Базмафрўз – баям қизитувчи.

Тушти Жобир дафойини¹ қўлига,
 Балки олам хазойини² қўлига.
 Андағи эл бўлуб сарафганда³,
 Шаҳ топиб барча бўлдилар банда⁴.
 Эмдиким, тузди базму айшу фараҳ,
 Қўлига олди шоҳвор⁵ қадаҳ.
 Фикр этиб комгору⁶ давлатманд,
 Деди: „Ҳар кимки, Жобир этмиш банд,
 Мен билиб борин айладим озод,
 Келтурингким, қилай қадаҳ била шод“.
 Икки бандиўқ⁷ эрди боғ ичра,
 Келгач ул мажлиси фароғ ичра.
 Бири Навдар эди, бири Нуъмон,
 Кимга бўлғай бу наво қисса гумон?
 Бу маҳални не наво шарҳ этайин,
 Эл билур, билмас ўлсалар нетайин.
 Бори икки ато, икки фарзанд,
 Риштаи васл ила топиб пайванд.
 Қўпубон⁸ йиғлашиб кўруштилар,
 Ўлтуруб бир-бирин сўруштилар.
 Бўлди маълум чун бори ҳолат,
 Шукрлар қилдилар этиб ҳайрат.
 Икки шаҳ кирдилар худо йўлига,
 Мулкларин солиб анинг қўлига.
 Мулқ эли шукр қилдилар бори,
 Айлабон шодмонлиғ изҳори.
 Эврулуб ком бирла даври силехр,
 Васл топти Суҳайл бирлан Меҳр.

¹ Дафойини – дафиналар, қўмилган (дафи қилинган) бойликлар.

² Хазойини – хазиналар.

³ Сарафганда – бош эғди, бўйсунди.

⁴ Банда – тобе, итоатчи.

⁵ Шоҳвор – шоҳона, катта.

⁶ Комгор – бахтиёр, муродга етган.

⁷ Икки бандиўқ – иккитагина тутқун.

⁸ Қўпуб – туриб.

Меҳрким, чарх хокроҳи¹ эди,
Нилуфарзор жилвагоҳи эди.

Тўни ул рангу кўнглаку ул ранг,
Ёрининг доғи киймаки ул ранг.

Нилуфар ранги келди таъбназир²
Ким, либос этти они Меҳри мунир.

Ҳар пари чехраики маҳваш эрур,
Мовий ўлса, либоси дилкаш эрур.

Меҳрким, гулруҳи самовийдур,
Нилуфарваш либоси мовийдур.

Чун тугатти фасонани ровий,
Пардадор³ очти пардаи мовий...

Савол ва топириқлар:

1. Асардаги: «*Сайд етгач кўзни асрар эди, Кўрмайин деб ўзини асрар эди*» тасвири ким ва нима тўғрисида?

2. Дастонда шоҳ Навдарининг ҳолати: «*Кейнича ихтиёрсиз чопти, Ўқ отарға қарорсиз чопти*» йўсинида аке эттирилган ўринларга қараб, унинг табиатига хос сифатларини тавсифлаб бериң.

3. Асарда ов манзараси гоят жонли ва ҳаққоний аке эттирилган: «*Сайд жангал ичини қилди талош, Йўли ҳам тор эди-ю ҳам чирмош. Ғайр онинг сўнгича чопмас эди, Ўқ отарға мажол топмас эди*» мисраларига қараб буюк шоирнинг тасвир маҳоратига муносабат билдириң.

4. Шоирнинг «*Шоҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ, Шоҳ эмасдур йўқ эрса анда сипоҳ*» мисралари кимга инебатан айтилган? Байтни у билан алоқадор воқеага боғлиқ ҳолда изоҳланг.

5. Аввал Меҳр, кейинчалик шоҳ Нуъмоннинг тўфон туфайли билан бўлиб қолишига ким айбдор? Ёки бу тақдир ҳукмими?

6. Тутқунларининг озод бўлишида кимнинг хизмати кўпроқ деб ўйлайсиз? Меҳринингми ёки Суҳайлнинг?

7. «*Сен агар зоҳир эттинг итликни, Мен сенга кўргузай йигитликни*» сўзлари кимга тегишли? «Итлик» ва «йигитлик» хислатларини шарҳланг.

8. Асар қаҳрамонлар: Меҳр, Суҳайл ва Жобир исмларига диққат қилиң. Бу исмлар маъносининг эгалари характери, амаллари ҳамда маънавий қиёфаси а мувофиқлигини шарҳланг.

9. Нима деб ўйлайсиз, Жобир ҳаммадан кўпроқ кимга жабр қилди?

10. Ушбу ҳикоя «Салотин бобида» мақолати ҳамда «Шоҳ Ғозий» ҳикоятига қайси жиҳатлари билан уйғун келади деб ўйлайсиз?

11. Асардан кюрк мисра ёд олинг.

12. «Суҳайл ва Жобир» мавзусида адабий ишро қилиң.

¹ Хокроҳ – камтар, хоксор.

² Таъбназир – таъбига мос.

³ Пардадор – сакчи.

13. Тестларни ечинг.

1. Масъудиятга дамда шахсий иштиёқи туфайли асирга тушган образни кўрсатинг.

А. Навдар Б. Нўмон С. Меҳр Д. Суҳайл Э. Дийдабон

2. «**Меҳр ва Суҳайл**» ҳикоясида қаҳрамонлар руҳий ҳолати ва ташқи тасвирини беришда асосан қайси рангдан фойдаланилган?

А. *Оқ ранг* В. *Қора ранг* С. *Сариқ ранг* Д. *Мовий ранг* Э. *Қизил ранг*.

Ташбиҳ, таносуб, ирсоли масал санъатлари

Бадний тасвир воситалари шеърӣ санъатлар ҳам деб юритилади. Атоӣй ғазаллари билан танишиш асносида уларнинг баъзилари билан таништирган эдик. Бу борадаги суҳбатимизни давом эттирамиз.

Ташбиҳ – адабиётда кенг қўлланадиган шеърӣ санъатлардан бири. Уни ўзбекча қилиб **ўхшатиш** деса ҳам бўлади. Ташбиҳда нарса, белги ва ҳаракат кабилар бошқасига ўхшатиш, қиёслаш орқали тасвирланади. Бу ўша тушунчани англаш ва ҳис қилишни осонлаштиради. Демак, ташбиҳ икки нарсани бир-бирига ўхшатишидир. Масалан, “Юзинг гўзалликда гул кабидир” дейилганда юз гулга ўхшатиш. Ташбиҳнинг юзага келишида тўрт унсур иштирок этиши мумкин:

1. **Ўхшаминиш** – тасвирда фикр қаратилган нарса ёки тушунча (*юз*).

2. **Ўхшатишмиш** – тасвирда қиёсланаётган нарса ёки тушунча (*гул*).

3. **Асос** – нимага кўра ўхшатишнинг юзага чиққанлиги (*гўзалликда*).

4. **Восита** – ўхшатилиш белгиси (*каби*).

Восита иштирок этган ўхшатишларда ташбиҳ аниқ кўриниб, билиниб туради. Сўз санъатида *-дек, -дай, -ча, -симон, -вор, -саро, -осо, -ваш, -ий, -ойин* каби қўшимчалар, *каби, сингари, мисли, гўё, янглиғ, худди, ўхшаб, нечукки* ва бошқа сўзлар восита бўлиб келади. Кўп ҳолларда асос иштирок этмайди. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Саиға бинафша **киби** қадди нигун,

Бош кўтара олмай уётдин забун.

Ул улус жондин айру эл **янглиғ**,

Сайр этиб сув юзида ел **янглиғ**.

Баъзан восита ҳам тушиб қолиб, ташбиҳда ўхшаминиш билан ўхшатишмишига иштирок этади. Масалан, “қоши ҳилолдек эгик” дейиш ўрнига “қоши ҳилол”, “қомати сарвдек тик” дейиш ўрнига “сарвқомат”, “юзи ойдек” ўрнига “юзи ой” ишлатилади. Сиз ўрганган “Салотин бобида” мақолатидаги

Эрмас алар туфроғ-у, сен нури пок,

Хилқат аларға-у санга – тийра хок

байтида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Асос ва воситанинг қўлланиш ёки қўлланмаслигидан қатъи назар ўхшамиш билан ўхшатишмиш иштирок этган ўхшатиш санъати **муллақ ташбиҳ** (аниқ ўхшатиш) дейилади.

Айрим ўринларда ўхшамиш ҳам тушиб, ўхшатишмишнинг ўзигина сақланади. “Хиллол”, “сарв”, “ой”, “гул” сўзларининг ўзи ўхшамашга ҳам ишора қилади ва бу **киноя ташбиҳ** (ишора ўхшатиш) деб аталади.

Бўрини дағи **галадин** дур қил,

Сув берибон **боғни** маъмур қил.

байтида тўртта киноя ташбиҳ бор: бўри – бўридек таловчилар, гала – гала сингари халқ, сув – сувдек (зарур) адолат, боғ – боққа ўхшаш мамлакат ташбиҳларининг ишораларидир.

Таносуб – байтда, умуман, шеъринг бандларда маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, “булбул” сўзи *гул, боғ, чаман, наво* сўзлари билан; “**Кавъба**” эса *ҳаж, фарз, Тенгри, зиёрат* сўзлари билан мазмуний боғланиб, яхлит тушунча, тугал ифода ва жонли лавҳа яратади.

Анда бир шоҳ ҳоким-у волий,

Мулки маъмур-у ҳиммати олий.

Ушбу мисралардаги *шоҳ, ҳоким, волий* (ҳукмдор), *мулк ва маъмур* сўзлари ҳокимият тушунчасига тегишли бўлганидан таносуб ҳосил бўлади.

Майлни қўйки, вола-у зор ул,

Жон бериб васлига харидор ул.

Бу ўринда ўз маъносига кўра севги туйғулари билан боғлиқ *майл, вола, зор, васл, харидор* сингари таносуб сўзлар Меҳрнинг ишққа доир ҳолатини, кечинмаларини ифодалаб, яхлит бир руҳий манзара яратади.

Ирсоли масал – “мақол киритиш” маъносини билдириб, бадий асарда фикр исботи учун халқ мақолларидан фойдаланиш санъатидир. Масалан,

Ҳар кишиким бировга қозғой чоҳ,

Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ

байтида келтирилган машҳур мақол зодим Жобир ва унга ўхшаган кимсаларнинг қилмиши ҳамда қисматига тўла мос тушган ҳамда маснавийнинг таъсирчанлиги ошишига хизмат қилган.

ЧЎЛПОН

(1897 - 1938)

Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси...

Чўлпон

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида туғилди. Унинг отаси Сулаймонқул мулла Муҳаммад Юнус ўғли Андижоннинг обрўли кишиларидан бўлиб, савдогарчилик билан шуғулланар эди. У замонасининг ўқимишли кишиларидан ҳисобланар, ўзи ҳам шеърлар ёзиб турарди. Уша даврда бўлажак шоирнинг отаси ўзи ёзган ҳажвий шеърлардан девон тўзганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Чўлпоннинг онаси Ойша ая, гарчи унчалик ўқимишли бўлмаса-да, ўғлининг ижодига катта таъсир кўрсатган. Негаки, у халқ кўшиқлари ва эртакларининг битмас хазинасидан яхшигина баҳраманд бўлган.

Абдулҳамид аввал эски мактабда ўқиди. Вақти етгач, Андижон ва Тошкент мадрасаларида таҳсил кўрди. Замоннинг талабини ялганган Сулаймонқул ўғлини рус-тузем мактабида ҳам ўқитди. Бўлажак шоир мунтазам шуғулланиши ва табиий истеъдоди туфайли ўзбек, турк, форс, араб, рус тилларини ва бу тиллардаги адабиётларни пухта биладиган ўқимишли киши бўлиб етишди. Тинимсиз ўқини-ўрганиш ва кучли истеъдод туфайли Абдулҳамид ўн олти ёшларга етиб-етмай ижод қила бошлади. Унинг шу даврда яратган ҳикоя ва шеърлари Туркистон ўлкаси газеталарида чоп этиларди.

Ижодкорнинг истеъдоди кўлами унинг ўз халқига бўлган муҳаббати кўлами билан ўлчанади. Катта истеъдод кўпинча катта муҳаббатдан иборат бўлади. Чўлпоннинг дастлабки асарларидаёқ босқинчилар зулми остида эзилаётган Туркистон халқига бўлган чексиз муҳаббат ёрқин кўриниб турарди. У халқини озод ва бахтли кўришни истарди. Бунинг учун одамларни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, маърифатдан, илму фандан баҳраманд қилиш керак деб ҳисобларди. Айни пайтда, рус босқинчилари миллатнинг маърифатли бўлишига кенг йўл бермаслигини ҳам биларди. Эрксиз маърифатнинг, маърифатсиз эса эркиннинг бўлмаслиги шоирга аён эди.

Шу бонс Чўлпон 1917 йилнинг февралда Россияда содир бўлган инқилобга катта умид билан қаради. Лекин бу инқилоб Туркистон ўлкасига чин озодлик бермади. Чунки озодлик ўзга киши ёки табақа, ёхуд миллат томонидан бериладиган садақа эмас, балки курашларда қўлга киритиладиган неъматдир. Уша йилнинг октябрида рўй берган тўнтариш эса шоирнинг сўнгги умидларини ҳам сўндирди. Миллий зулм остида эзилаётган халқнинг забун ҳолини акс эттириши ва халқни бундай ҳолатдан қутқариш истаги Чўлпон ижодининг бош йўналиши бўлиб қолди.

Минглаб индик анъаналарга эга қадимий ўзбек шеърлятида Чўлпон ўз йўлини излади ва ҳеч кимникига ўхшамаган, самимийлиги, жозибadorлиги, таъсирчанлиги, туйғуларнинг рангинлиги билан ўзгаларникидан ажралиб



турадиган шеърний олам ярата билди. Бугунги ўзбек адабий тили кўп жиҳатдан Чўлпон шеърлари таъсирида шаклланган тилдир.

Чўлпон мислсиз шеърний кашфиётлардан ташқари „Кеча ва кундуз“ деб аталувчи биринчи ўзбек роман-дилогиясининг¹ муаллифи ҳамдир. Афсуски, замондошларининг хотирлашларича, романининг иккинчи китоби Чўлпон қамалган пайтда йўқ қилинган ва ҳозиргача топилган эмас. Биринчи китоби „Кеча“ эгаманлик йилларида қайтадан нашр этилди ва кўпчилик ўқувчилар томонидан Абдулла Қодирийнинг „Ўтган кунлар“ романи даражасидаги асар сифатида баҳо олади.

Чўлпоннинг 1921 йилда яратган „Ёркиной“ драмаси бадий жозибаси жиҳатидан ҳозиргача ҳам ўз таъсир кучини йўқотмай келмоқда.

Абдулҳамид Чўлпон ўзбек ўқувчиларини жаҳон адабиётининг дурдона асарлари билан таништириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширди. Шекспир, Блок, Горький, Тҳаккур сингари машҳур адиблар ижодидан қилган таржималари халқимиз маънавиятининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Чўлпон ҳақиқат ва ҳурликни эътиқодига айлантирган ижодкор эди. Шу сабабли ҳам миллий зулми миллий тенглик деб эълон қилган ҳукмрон табақаларга, ҳукмрон миллатларга унинг ижоди ёқмас эди. Улар шоирдан халқ бахтиёр, эркин ва озод янамоқда деб куйлашни талаб қилишди. Ҳақиқат куйчиси ва эрк фарзанди - Чўлпон буни қилолмасди. Шу боис уни ўзи севган, ҳаётини бахшида қилган халққа душман деб, миллатчи деб эълон қилишди. Шоирни 1937 йилнинг 13 июлида қамоққа олишди. Узоқ қийноқлар ва таҳқирлардан кейин 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкент яқинидаги хилват жойларининг бирида ўзбекининг буюк шоири отиб ташланди. Даҳшатлиси шундаки, Чўлпонни улимга ҳукм қилган суд қарори 1938 йилнинг 5 октябрида чиқарилган эди. Душманларимиз халқимизнинг асл фарзандларини тезроқ йўқ қилишга, одамларимизни маънавият булоқларидан бебаҳра қолдиришга шошиларди.

Чўлпон ижоди намуналари узоқ вақт мобайнида ўқувчилардан беркитиб келинди. Чунки ўша вақтлардаги давлат тузуми ҳақ гапни айтадиган жасоратли шоир ижодини ўрганишдан манфаатдор эмас эди. Лекин ҳақиқатни умрбод беркитиб бўлмайди. Қуёшни яшириб қўйишнинг имкони йўқ. Чўлпон ўзбек шеърятининг ёркин сиймоларидан эди ва шу боис ўткинчи булутлар пардасини йиртиб ташлаб, миллий шеърятимиз осмонида қайта пордай бошлади.

БИНАФША

Бинафша сенмисан, бинафша сенми,
Кўчада ақчага сотилган?
Бинафша менманми, бинафша менми,
Севгинга, қайгунга тutilган?
Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,

¹Диалогия - икки китобдан иборат асар.

Эрларга эгилдинг, чўзилдинг?
 Бинафша,
 Айт менга,
 Кимлардир уларким,
 Игнани бағрингга санчалар?
 Бинафша, Бир сўйла,
 У қандай қўлларким,
 Узалар, ҳидлайлар, янчалар?
 Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,
 Нимага узоқроқ қулмайсан?
 Бинафша, шунчалар тортгувчи тусинг бор,
 Кўнглимга исриқлик тўкмайсан?
 Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
 Қайғунгни қайғумга қўшгил.
 Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери,
 Бу ердан кўкларга учгил.
 Бинафша, гўзалим, қайғулим, келмайсан,
 Қайғунг зўр, қайғумни билмайсан,
 Менга бир қулмайсан.

1922

Савол 46 топшириқлар:

1. Бинафша образи қандай мажозий маънога эга деб ўйлайсиз?
2. Шеърнинг: «*Бинафша сенмисан, бинафша сенми, Кўчада ақчага сотилган. Бинафша менманми, бинафша менми, Севгингга, қайғунгга тугилган!*» мисраларида ифодаланган фикр ва туйғулар ҳақида ўйлаб кўринг.
3. Бинафша образида лирик қаҳрамон муносабати тўлиқ намоён бўлган ўринларни топинг ва изоҳланг.
4. Азобли ҳаёт таъсирчан тасвирланган сатрларни аниқланг ва шарҳлаб беринг.
5. Шеърнинг учинчи банди дастлабки тўрт мисрасидаги сўзлар миқдорига эътибор беринг. Уни бадий вазифаси жиҳатидан изоҳлашга ҳаракат қилинг.
6. „*Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери*“ мисрасининг мазмунини шарҳланг.
7. Шеърда шовр руҳиятининг ифодаланишига эътибор қилинг.
8. Шеърни ёд олинг.

ГЎЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
 Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен,
 Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
 Айтадир: мен уни тушда кўрамен.
 Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,

Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!
 Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
 Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа
 Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
 Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
 Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
 Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
 Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
 Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
 Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
 Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
 Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал.
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
 Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
 Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
 Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб
 Айтадир: бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.
 Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
 Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,
 Унингчун ёнибмен, ёниб-куйибмен,
 Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
 Мен суйиб... мен суйиб, кимни суйибмен?
 Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

1919

Савол ва толиқириқлар!

1. Нима сабабдан Гўзал юлдуз билан ойнинг ўнгларида эмас, тушларида кўринди деб ўйлайсиз? Шеърин ёд олинг.

2. Гўзални Шамол билан Кун қай ҳолатда учратганликларини тасвирлаб беришга урининг.

3. *„Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб, Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда. Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб, Айтадир бир кўрдим, тушдамас, ўнгда“* сатрларининг мазмунини изоҳланг. Учинчи мисрадаги образли ифоданинг бадий вазифасини тушунтиринг.

4. Шамолнинг *«Йўлидан озганлиги»* сабабини изоҳланг.

5. *„Мен суйиб... мен суйиб, кимни суйибмен?“* мисрасидаги такрорнинг бадий вазифасини тушунтиринг.

6. Шеър Сизда қандай туйғулар уйғотди? Кўнглингиздан ўтган сезимлар ҳақида сўйланг.

7. Шеърдаги Гўзал образини ким деб ўйлайсиз? Одам тимсолими, озодлик рамзими, бахтми ёки тақдир ифодасими?

КҰНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор.
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилини оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғулғонсен!

1922

Сўраш ва жавоблар

1. Шеърнинг биринчи бандида шоирнинг алангали мурожаати қаратилган объектни аниқлаш ва изтироб сабабини топинг.
2. Иккинчи бандда зўрлик воситалари ва ҳорлик унсурлари тасвирининг мисрама-мисра кучайиб борганлигини кузатинг ва изоҳланг.
3. Шеърда одамлик ўлчови сифатида қандай хусусият кўрсатилганлигига эътибор қилинг.
4. Қудлик Сизнингча қаердан бошланади: жисмнинг тутқунлигиданми ёки кўнгилнинг? Озодлик-чи?
5. Шеърни ёд олинг.

ХАЛҚ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ қўзғалса, куч йўқдирким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади, тўж ва тахтлар йиқилди...
Халқ истаги – озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.
Бир қўзғалур, бир кўширар, бир қайнар,
Бир интилуру, бир ҳовлиқар, бир ўйнару.
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!

1921

Савод ва тошширишлар

1. Шеърнинг биринчи бандида диққат билан ўқинг ва халққа хос хусусиятлар бадий жиҳатдан қандай акс этганлигини аниқлаш.

2. Шеърдаги: «Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар, Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар» мисраларида халққа хос қандай сифатлар тасвирланаётир деб ўйлайсиз?

3. Халқнинг яратувчилик қудрати: «Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар. Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...» сатрларида қандай ифодаланганлигига эътибор қилинг.

4. Шеърни ёд олинг.

БУЗИЛГАН ЎЛКАГА

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ будут кўланка?

Ужмоҳларнинг кавсаридек покиза.

Садафларнинг донасидек топ-тоза.

Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,

Томчилари ёмғир каби учаркан,

Нима учун йиғлар каби инграйлар?

Ёв борми, деб тўрт тарафни тинглайлар?

Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,

Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар

Ҳар қоронғи, кўрқинч туннинг бетида

Шифо истаб келмасин дер, қўноқлар.

– Бу нега?

Айт менга.

Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилгон.

Устларида на пода бор, на йилқи.

Подачилар қайси дорга осилгон?

От кишнаши, қўй маъраши ўрнига

– Оҳ, йиғи.

Бу нега?

Туморчалар, ҳамойиллар¹ тақинган.

Далаларда лола барги ёпинган,

Тоғ-тошларда ўйин қилган.

¹ Ҳамойиллар – қўлтиқ тағидан ўтказиб тақиланган ёмон кузлан асрончи тошан тумор, безактош.

Чопинган

Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?

Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,

Хароб бўлган элдан-да.

От минганда қушлар каби учгувчи,

Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,

От чопганда учар қушни тутгувчи,

Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?

Тоғ эгаси: сор¹, бургутлар қаерда?

Сенинг қаттиқ сирт-бағрингни кўп йиллардир эзганлар,

Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар,

Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,

Нега сени бир қул каби қизганмасдан² янчалар?

Нега сенинг қалин товшинг³ „кет“ демайди уларга?

Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қўлларга?

Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?

Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?

Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?

Нега бунча умидсиздир туришинг?

Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?

Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?

Нима учун газабингни уйғотмайди оғу – ўқ?

Нима учун борлигингда бу даража бузғунлик?

Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?

Нима учун куч тангриси бор кучи-да солдирмас?

...Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий,

Қулоғинга ўтганлардан эртақ тўқий.

Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай...

Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай...

Нима учун ағдарилган, йиқилган

Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?

Нима учун ёвларингни бир замон

Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда?

Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,

Нега сенинг бўғзингни бўғиб турар қўланка

1921

¹ Сор – қарчиғайлар турига мансуб йирткич қуш.

² Қизганмасдан – аямасдан.

³ Қалин товшинг – йўзон, қатъий товушинг.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг шу тарзда номланиш сабабини тушунтиринг.
2. Ўлка табиатининг гўзаллиги ва қисматининг оғирлиги ёрқин ифодаланган мисраларни топинг.
3. Шеърнинг: «**Нима учун йиғлар каби инграйлар?**» мисрасидаги оҳангдорликка эътибор беринг ва мусиқийликнинг сабабини аниқлатинг.
4. «**Табиатнинг ўтини йўқ ўтида Шарақ-шарақ қайнаб чиққан буноқлар**» мисраларидаги тисмол ва ташбиҳларни шарҳланг.
5. «**Шифо истаб келмасин дер қўноқлар**» мисрасидаги «қўноқлар» сўзига юкланган айрича маънони изоҳланг.
6. Шеърда «нега», «нима учун» каби сўроқни ифодаловчи сўзларнинг такрор-такрор ишлатилиш сабабларини тушунтиринг.
7. Шеърнинг бошдан-оёқ бир хил ўлчовда ёзилмаганлиги, шеърин оҳангдаги товланишлар сабабини нимада деб ўйлайсиз?
8. «**Қулоғиниغا ўтганлардан эртак тўқий**» мисрасининг мазмунини ва шеърин ва ифосини тушунтиринг. Шёир қандай эртак айтмоқчи деб ўйлайсиз?
9. Шеърнинг савол билан тугалланганлиги сабабини тушунтириб беринг.
10. Шеърни ёдланг.

11. Тестларни ечинг.

1. «Гўзал» шеърда лирик қаҳрамон нима учун ўзини «йўқсул» деб атайди?

А. Камбағаллиги учун Б. Ёрининг висолига етолмаганидан С. Гўзалнинг ҳусни ва фазилатлари олдида ўзини қусурли билганидан Д. У истаган гўзалнинг бу дунёда йўқлигини билгандан сўнг Э. Гўзал уни ташлаб узоққа кетиб қолгани учун

2. Чўлпон қандай юртни бузилган ўлка деб атайди?

А. Одамлари ўз ўтмиши ва тилини йўқотган юртни Б. Амалдорлари манфаатпараст бўлган мамлакатни С. Фуқароси ҳалол ва ҳаромни ажратмайдиган жамиятни Д. Мустамлака асоратига тушиб қолган ва шунга кўниккан ўлкани Э. Ёшлари бошқа мамлакатга кетишга мажбур бўлган давлатни

3. «Нега сенинг қалин товушинг «кет» демайди уларга» сатридаги «қалин» сўзи қайси маънони билдиради?

А. Қатъиятли, исёнкор Б. Ҳайиққан, кўрқувли С. Эҳтиёткор Д. Баланд, йўғон Э. Келишувчан, андишали

4. «Бинафша» шеърда қандай руҳий ҳолат ифодаси бўртиб туради?

А. Танбەх бериш Б. Нафрат С. Исён Д. Умидсизлик Э. Дардашлик

Кўчим ҳақида

Бадий ижод талабига кўра айрим сўзлар ташийдиган маъно бошқа сўзларга кўчирилишини англамай туриб, бадий асарларни тушуниш, ундан таъсирланиш, лаззатланиш ва таҳлиллаш мумкин эмас. Кўчим энг кўп ишлатиладиган бадий воситалар жамидир.

Нутқни таъсирчан қилиш мақсадида нутқда: „олтин куз“, „ўт юрак“, „олов қалб“, „тош бағир“ каби иборалар ишлатилади. Ҳолбуки, ҳар қандай одам ҳам кузнинг олтин эмаслигини, юракнинг алаңгаланмаслигини, жигарнинг тошдан бўлмаслигини яхши билади. Аммо юқоридаги иборалар ёрдамида ифодаланган маъно бошқа сўзлар орқали ифодаланса, гап чўзилиб кетади ва таъсирчанлиги йўқолади.

Чўлпоннинг „Бузилган ўлкага“ шеърида „Тоғ эгаси: сор, бургутлар қаерда?“ – деган мисра бор. Ундаги „сор, бургут“ сўзлари ўз маъносида эмаслиги сезилиб турибди. Ёки „Бинафша“ шеъридаги **бинафша** тимсоли қандай маъно ташиётгани тўғрисида ўйлаб кўрайлик. Шеърда шоирнинг ички кечинмалари баҳорий кўкатга қаратилганми, хўрланган қизгами ёки ҳақоратланган юртгами? Агар сўз маъноларининг кўчишини англамасак, шеърнинг жозиба кучи йўққа чиқаверади. Чунки анланмаган гўзаллик гўзаллик бўла олмайди.

Ёзувчилар бирор сўзга хос маънони бошқасига юклар эканлар, хаёлларига келгандай, таваккалига иш тутавермайдилар. Бунда нарсалар ўртасида ёки нарса билан ҳодиса ўртасида ё ички, ё ташқи, ё мазмун ўхшашлиги, алоқадорлиги бўлиши шартдир. Бу жиҳатдан кўчимлар ўхшатишга яқин туради. Лекин асосий фарқ шундаки, ўхшатишда ўхшаган буюм ҳам, ўхшатишган нарса ҳам ифодаланган бўлади. Кўчимда эса баъзан ўхшаган нарса, баъзан ўхшатишган нарса ифодаланиб, иккинчи қисмдаги маъно биринчисига кўчирилган бўлади.

Кўчим қудратли тасвир воситаси бўлиб, у китобхоннинг тасаввур оламини кенгайтиради, тасвирланаётган туйғуларни бевосита ҳис қилишга, бадий асар қаҳрамонлар ҳолатини туйишга ёрдам беради. Шундай қилиб, *кўчим сўзни кўчма маънода қўллаш ёки нарса-ҳодисага хос сифатларни*

қайсидир жиҳати билан шуларга ўхшайдиган бошқа нарса-ҳодисаларга кўчириш санъатидир.

Адабиётшунослик илмида кўчимнинг мажоз, истиора, рамз, тимсол сингари кўринишлари бўлади.

Мажоз адабий асарда ўқувчига ноаниқроқ бўлган тушунчани кўпчиликка маълум бўлган нарсаларга хос белгилар билан ифодалашдир. Гулханийнинг „Туя билан бўталоқ“, „Маймун билан нажжор“, „Тошбақа билан чаён“ асарларида инсонларга, айрим ижтимоий табақаларга хос хусусиятларнинг ҳайвон образларига кўчирилиши мажознинг ёрқин намунаси.

Рамз ҳам кўчимнинг кенг тарқалган турларидан бирidir. Ўқувчи англаши мураккаброқ бўлган мавҳум ахлоқий сифатнинг шу сифатларга кўпроқ эга бўлган нарса ва жониворлар орқали ифодаланишига рамз дейилади. Рамз адабиётшунослик фанида тимсол ёки символ атамалари билан ҳам юритилади. Ўзбек адабиётида май – ҳаёт рамзи, гул – маъшуқа рамзи, бургут – мағрурлик рамзи, чумоли – меҳнатсеварлик, тиришқоқлик рамзи ва ҳ.к. тарзида қадимдан қўлланиб келади.

Кўчимнинг кўп ишлатиладиган кўринишларидан бири истиорадир. Истиорада бирор нарса-ҳодисага хос хусусиятларни бошқа бир нарса-ҳодисага кўчириш орқали бадиий маъно ифодаланади. Лекин бу кўчиришда ташқи ўхшашлик асосий ўрин тутмайди. Балки ўхшатилаётган ва ўхшаётган нарса-ҳодисалар орасидаги ички мантиқий боғланишга, яқинликка, вазифалардаги умумийликка таянилади. Истиорани қисқарган кўринишдаги ўхшатиш дейиш мумкин.

Чўпоннинг „Бинафша“ шеърида „Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери. Бу ердан кўкларга учгил“ тарзида ифодаланган мисралар бор. Унда „ватан“ тушунчаси „кўкрагим“ сўзи билан, „озод юрт“ тушунчаси „эрк ери“ сўзи билан ифода этилган.

УСМОН НОСИР

(1912 – 1944)

Оловдек ловиллаб дил ёнур,
Бахтлиман жанларга ярасам!

Усмон Носир



Ўзбек шеърини осмонда ярқироқ юлдуздек, кўзини қамаштирувчи чақмоқдек пайдо бўлган Усмон Носир оташин шеърлар яратган шоирдир. Наманган шаҳрининг олдий оилаларидан бирида дунёга келган болакайнинг вужуди кичкинагина кулбасига сиғса-да, унинг руҳи кенг жаҳонга сиғмайдиган даражада юксак эди.

Оловдай шўх, яшиндай шиддатли Усмон фавкулудда кучли хотирага эга эди. Шу боис маҳалласидаги бошланғич мактабда ўртоқларидан яхши ўқиди. Оила Қўқон шаҳрига кўчиб келгач, уни ётоқмактаб (интернат)га беришади. Бу ерда бўлажак шоир ҳамма қатори ўқишдан ташқари рус тилини пухта ўзлаштиради. Усмон рус тилини чуқур ўрганиб, Европа адабиётининг энг сара асарлари

билан деярли тўлиқ танишиб чиқади. Бу ҳол унинг ижодий қиёфаси шаклланишига жиддий таъсир кўрсатди. Бу давр ўзбек адабиётида жаҳон адабиёти намуналарини шу қадар пухта билган ижодкорни топиш амри маҳол эди.

Туйғулари алангаланиб турувчи, чарос кўзлари оламга ҳайрат билан боқувчи Усмон Носир илк шеърларидаёқ кўп асрлик ўзбек шеърини учун мутлақо янгиллик бўлган хусусиятларга эга ижодкор эканлигини намоён қила бошлади. У шеърга айланаётган туйғуларини жидовдамас, дилида рўй бераётган тугёнларни сусайтиришга уринмас, руҳий ҳолатни бутун мураккабликлари-ю, кескинликлари билан тасвирлашга интиларди.

Тингла, эркам, ўртоғимсан,
Кўнглимни очай.
Қоним шеър бўлиб оқсин-да,
Мен қайта ичай.

Чинакам шоир башоратчи бўлади. Фурсат кутмай „селдай келувчи, шоирнинг ҳимоясиз қалбини–жаллоддек тилувчи“ илҳомининг зарби ўзини қачондир хароб қилишини билди. Билди-ю ўзини сақлашга уринмайди. Чунки катта истеъдод катта муҳаббатни, катта муҳаббат эса катта фидойиликни талаб этади:

Илҳомининг вақти йўқ, селдай келади,
Жаллоддек раҳм этмай, дилни тилади.
Леңдир бир кун айлайли хароб...

Усмон Носир яшаган даврда одамларнинг ҳаракатларигина эмас, туйғулари ҳам қоллига солинганди. Шоирлардан ҳам ана шу қоллига мослашни талаб этиларди. Чинакам шахс қоллига тушмайди. Ҳақиқий шоир эса ҳар қандай қоллини парчалашга интилади. Чунки шоирлик қоллиларни сиңдиришдир. Нисон руҳининг ҳурлигини, нисон туйғулари эркини куйлаган Усмон Носир, ўзи билмаган ҳолда, социалистик тузум белгилаган қоллиларни шиддат билан

буза бошлади. Шунинг учун у мавжуд тузумнинг душманига айланди. Гарчи шоир бу тузумга атайлабдан қарши курашмаган бўлса-да, бу тузумни кўпчиликка фаровонлик келтиради деб ҳисоблаган эса-да, шеърлари билан, бўйсунмас табиати билан жамиятнинг, тузумнинг „душмани“га айланди. 1937 йилнинг 14 июлида Усмон Носирни қамоққа олиб кетишди. Шу тариқа ўзбек шеърини осмондаги ёрқин бир юлдуз сўндирилди.

Усмон Носирни аввал Тошкент, сўнгра Магадан, Кемерово турмаларида инсон тасаввурига сиғмас усуллар билан қийнашди. Шунда ҳам шоир ўзлигига содиқ қолди. Гуноҳсиз кишиларни бадном қилмади, ёвуз тузумнинг қонхўр терговчилари талаб этганидек, беайб одамларга туҳмат қилмади. Адоқсиз қийноқлар, одам зоти чидаб бўлмайдиган шароит, тутқунлик азоби Усмон Носирни ўттиз икки ёшида 1944 йилда ҳаётдан олиб кетди. Юртини, юртдошларини жонидан ортқ кўрган шоир бегона юртда, бегона кишилар орасида, бегона қабрда қолди.

Башоратчи шоирнинг жисми миллатимиз, мустақиллигимиз, озодлигимиз душманлари қора ерга тикқан бўлсалар-да, унинг жарангдор шеърининг, озодликка чорловчи эркин руҳини йўқота олмадилар. Токи юртимизда ҳақиқатга ташна, гўзал сўзга интиқ, эркак чанқоқ кишилар бор экан, Усмон Носирнинг умри боқибдир.

Биз Усмон Носирнинг қамалгунча, яъни йигирма беш ёшигача ёзган асарларигагина эгамиз. Шоир бу қисқа давр ичида шунчалар кўп иш қилишга улгурдики, киши ҳайратга тушади. Бу йиллар ичида у беш шеърини тўпلام, икки дoston, бир драма ёзди. Пушкиннинг „Богчасарой фонтани“, Лермонтовнинг „Иблис“ („Демон“) номли поэмаларини ўзбек тилига беқиёс гўзал тарзда таржима қилди. Айни вақтда Самарқанд Педагогика академиясида ҳам ўқиди. Бир неча марта Россия ва Кавказ бўйлаб сафарларга чиқди. Усмон Носирнинг фавқулodда кучли истеъдоди, ўзидан кечиш даражасига етган меҳнаткашлиги, буюк хотира кучи ёшига йигитга қисқа вақт ичида шу қадар кўп ишга улгуриш имконини берди. У ўзининг барча асарларини ёд билишидан ташқари, таржима қилган асарларини хотирасида сақлаган. „Богчасарой фонтани“ поэмасининг таржимасини тугатиб муҳарририятга олиб бораётган шоир нимадир бўлиб, қўлэзмани йўқотиб қўяди. Муҳарририятга келгач, Пушкиннинг улкан достонини бошдан-оёқ ёддан айтиб туради. Машинкачи қиз эса шоша-пиша ёзиб олади. Йўқолган таржима шу тарзда тикланади.

Уқувчи! Сиз ана шундай шоирнинг шеърини дунёсига кириб бормоқдасиз. Бу шеърини дунё сизнинг руҳий оламнингизни юксалтиради, маънавиятингизни поклайди, ҳаслингизни парвозларга чорлайди деб умид қиламиз.

ЮРАК

Юрак, сенсан менинг сoзим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.
Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғoқдан.

Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
 Сени таржима қилмоқдан.
 Сен, эй, сен — ўйноқи дилбар,
 Зафардан изла ёрингни.
 Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
 Тирикман, куйла борингни.
 Итоат эт!
 Агар сендан
 Ватан рози эмас бўлса,
 Ёрил, чақмоққа айлан сен,
 Ёрил! Майли тамом ўлсам!..

1933

Савол ва топшириқлар:

1. „Юрак, сенсан менинг созим, Тилимни найга жўр этдинг“ сатрларини изоҳлашга ҳаракат қилинг. Шеърни ёд олинг.
2. „Кўзимга ойни беркитдинг, Юрак, сенсан ишқибозим“ мисраларини шарҳланг.
3. „Тор келган кўкрак“, „кўзга беркитилган ой“, „чарчаган тил“ сингари образли ифодалар, поэтик кўчимларнинг вазифалари ҳақида шеър матнига таянган ҳолда фикр билдириг.
4. Шеърнинг сўнгги банди нима учун беш мисрадан иборат? Тушутириг.
5. Шоирнинг руҳий ҳолатини тасвирлаб беришга витилинг. Руҳий ҳолатни ёрқин ифодаловчи ўринларни топинг.

ЯНА ШЕЪРИМГА

(Сонет)

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,	Юрагимнинг дарди-нақшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.	Қилолмайман сени ҳеч қанда!
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,	Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Жоним каби яшайсан манда.	Дардимсанки, шеърим, яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
 Гейне билан ўртоқ тутиндим.
 Лермонтовдан кўмак ўтиндим.
 Бутун умрим сенинг бўйнингда,
 Саҳарда қон тупурсам, майли.
 Мен – Мажнунман, шеърим, сен – Лайли!

1935

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи бандидаги образли ифодаларни топинг. „Боққа кирсанг, гуллар шарманда“ мисрасининг поэтик мазмунини изоҳланг.

2. „Дардимсанки, шеърим, яхшисан“ мисрасини шарҳланг.
3. Шеърнинг учинчи бандини қандай тушундингиз?
4. „Бутун умрим сенинг бўйинида“ ифодасини шарҳланг.
5. Шеърдаги ҳикматомуз ифодаларини ажратиб кўрсатинг.
6. Шоирнинг шеърятга садоқати ёрқин ифодаланган сатрларини топинг.
7. Лайли, Мажнун сингари машҳур бадний образларнинг мазкур шеърдаги маъносини тушуңтиринг.
8. Шеърни ёд олинг.

НАСИМАГА ДЕГАНИМ

<p>Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас, Кўп ҳали ҳаётда насибам. Силлигим безарар, ҳеч гапмас. Борини кўраман, Насимам. Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас! Олдимда кутади́р имтиҳон — Мен оғир жангларда бўларман. Насима! Бу кунги иссиқ қон</p>	<p>О, балки тўкилур... ўларман Олдимда кутади́р имтиҳон! Ўйланиб кўзингга қарасам, Иккита денгиздай кўринур... Насима! Ичаман рост қасам, Оловдек ловиллаб дил ёнур, Бахтлиман, жангларга ярасам!</p>
--	--

1935

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърдан шоир шахсиятига доир нималарни англадингиз?
2. Усмон Носир табиатига хос қайси жиҳатлар шеърда аке эътирилган деб ўйлайсиз?
3. „Олдимда кутади́р имтиҳон – Мен оғир жангларда бўларман“ мисралари билан Усмон Носир таржимаи ҳоли ўртасидаги боғлиқлиқни кўрсатинг.
4. „Ўйланиб кўзингга қарасам, Иккита денгиздай кўринур“ сатрларидаги ўхшатишнинг бадний вазифаси ҳақида тўхталинг.
5. „Оловдек ловиллаб дил ёнур...“ мисраси ташнётган маъно ва бу мисранинг бадний таъсир даражаси ҳақида мулоҳаза юритинг.
6. Шоир нима учун: „Бахтлиман, жангларга ярасам“ дейди?
7. „Насимага деганим“ кимга бағишланган шеър деб ўйлайсиз?
8. Шеърни ёдланг.

Денгиз ойна каби ялтирар,
 Тўлқинларга суқим оқади.
 Оққуш мунгли-мунгли оҳ урар,
 Ҳазин куйи дилга ёқади.
 Ўтираман кўнглим осуда,
 Бошим узра барглар шитрайди.
 Соялари лиммо-лим сувда
 Танга-танга бўлиб титрайди.
 Қандай яхши кечқурун ёлғиз
 Юрсанг, кўнгил асти тўймаса.

Тавол ва шитрашқилар

1. Шеърни диққат билан ўқинг, унинг ички оҳангини топингга уриниб кўринг.
2. «Тўлқинларга суқим оқадим» мисраси сўзларининг ўзаро алоқалари ва умумий мазмуни ҳақида фикр юритинг.
3. Шеърнинг: «Бошим узра барглар шитрайди» мисрасида шоир кайфияти ифодасига ва унинг сўз қўллаш маҳоратига эътибор қилинг. Баргнинг айнан «шитраши» ҳақида ўйлаб кўринг.
4. Сояларнинг ерда эмас, балки лиммо-лим сувда титраши сабабини айтнинг ва шу тасвир ёрдамида ифодаланган ҳолатни изоҳланг.
5. Шеърни ёд олинг.

Усмон Носир шеърлари ҳақида

Усмон Носир шеърляти – асл туйғулар ва порлоқ фикрлар ифодаси бўлмиш шеърлятидир. Шоир ўзи ҳис қилмаган, дилига туғён солмаган нарсалар ҳақида асло қалам тебратмаган. Усмон Носирнинг ҳар бир шеъри – юрак фарёди. Шу боис шеърхоннинг юрагига тез етиб боради. Унинг юрагини ром қилади.

„Юрак“ шеърида самимий инсон қалбининг ҳақиқий туйғулари маҳорат билан тасвир этилган. „Юрак“ – кўп жиҳатдан Усмон Носир ижодининг йўналишларини белгилаб берувчи шеър. Шеърнинг лирик қаҳрамони – эътиқодига қарши ишни қилмайдиган, покиза туйғуларига қулоқ соладиган, қалби буюргангани бажарадиган шахс. У ҳаётини ҳақиқат ва Ватан йўлига тиккан. Шеърнинг лирик қаҳрамони ҳаётда рўй берган ҳар қандай ўзгаришга муносабат билдиради. Чунки унинг юраги лоқайд эмас. Бефарқлик – унга бегона. Покиза ва таъсир чан юрак ҳақиқат ва эрк куйчиси бўлган шоир учун саз вазифасини ўтайди. Воқеликдаги ҳар бир ўзгариш, аввало, унинг юрагида акс-садо беради. Жарангдор ва нолакор саз – юрак шоир тилини „найга жўр этади“. Покиза қалб уни куйлашга ундайди.

Шоир хаёлларининг уфқи кенг. Шу сабабдан у: „Кўзимга ойни беркитдинг...“ дея фикр юрита олади. Ой нима? Уни кўзга беркитиш мумкинми? Ўйлаб кўрайлик. Шарқда ой – гўзаллик рамзи. „Кўзимга ойни беркитдинг“, яъни гўзалликни кўзимга жойладинг. Чунки сен, безовта Юрак, гўзалликнинг ёнидан бепарво ўтолмадинг. Шу туфайли кўзим гўзалликка тушди. Шу тариқа, у кўзимга жойланди. Кўзига гўзалликни жойланган одам ҳаётнинг ранг-баранглигини тушунишга, эзгуликни ҳис этишга,

иллатдан юз ўгиришга қодирдир. Шоирнинг кашф этган гўзал образли ифодаси шеърхонни ҳаёт ажойиботларини пайқашга ўргатади.

Таъсирчан ва безовта шоир юрагига унинг кўкраги торлик қилади. Чунки бу юрак кичик вужудига барча одамлар дардини, бутун Олам дардини жойлаган. Кўкрак эса бунча катталикини сиғдиришга торлик қилади. Оламни англаш, унинг қувончу ғамларидан баҳрамандлик юракини шундай жунбушга келтирадики, унинг „севишчилари қирғоғидан тошади“. Оламни билаётган, унинг дардларини тушунаётган инсон юрагидаги туйғуларни ифодалашдан тил чарчайди:

Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Серзавқ юрак туйган барча сезимларни тил билан ифодалаш мушкул. Таъсирчан шоир юраги шунчалар кўп воқеаларга дахлдорки, унга таржимон бўлган тил, албатта, чарчайди.

Қайноқ юрак билан яшаш – қийин, бироқ завқли. Бундай юрак эгаси ором билмайди. У ҳамиша ҳаяжонда бўлади. Ҳамиша ҳаракат қилишга мажбур. Шеърнинг хотима қисми айни шу ҳолатни ифода этади. Шеърда муҳим маъно ташийдиган сўзлар бирикмаси, ҳатто битта сўз ҳам алоҳида қаторга тизилиб, мисрага айлантирилади. Натижада, уларни алоҳида урғу билан ўқиш зарурияти пайдо бўлади. Шу тариқа шеър ўзгача оҳанг касб этади. Шеърнинг сўнги бади гурсиллаб уриб турган юрак зарбига уйғун тарзда ўқилади:

Итоат э!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

Бу шеър ўқувчининг туйғуларини ҳаяжонга солади. Ҳаяжон кишини бефарқликдан ҳалос этади. Кимдир бефарқликдан қутқара билган шеър асл бадиият намунаси.

Усмон Носирнинг „Яна шеъримга“ асари унинг ижодий қиёфасини белгилайдиган шеърлар сирасига киради. Ушбу шеърни синчиклаб ўқиган шеърхон шоирнинг шу хилдаги асарларини ёзиб, адолатсиз замон талабларига бўйин эсмай, ёни жонидан

жудо бўлганининг сабабини англайди. Шеърда чинакам асар улкан дарднинг маҳсули эканлиги жуда чиройли ва лўнда ифодалангани:

Ўш бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим, яхшисан.

Усмон Носирнинг фикрича, шеър кўнгил эрмаги эмас. У - „ҳаёт шахси“. Шеърнинг ўз ҳаёти, ўз умри бор. Ўз ҳаётига эга шеърлар яратиш учун шоир „саҳарда қон тупуриш“га ҳам рози.

„Насимага деганим“ шеърда Усмон Носир ўз мақсадини юксак бадий шаклда таъсирчан баён этади. „Кўп ҳали ҳаётда насибам“, - деб ҳисоблаган шоир ўзининг олдида оғир синовлар турганлигини сезади. Шоирнинг хавотирли башорати шундай ифода этилади:

Олдимда кутадир имтиҳон –
Мен оғир жанглarda бўларман,
Насима! Бу кунги иссиқ қон,
О, балки тўкилур... ўларман...

Курашларга ташна, жангларга тайёр, ўлимдан ҳам қайтмас инсоннинг оташ қалби туғёнлари бу шеърда ғоят таъсирчан ифодаланган.

Усмон Носир Чўлпонни ўзининг энг буюк устози ҳисоблаган. Уларнинг шеърларида анчагина руҳий яқинлик бўлса-да, ташқи ўхшашлик кучли эмас. Чўлпоннинг шеърлари - анча майин. Энг безовта туйғулар, энг қаҳрли норозиликлар ҳам шарқона майинлик ва ўзбекона мусиқаворлик билан шеърга солинган. Усмон Носирда бошқа ҳолатни кузатиш мумкин. У қайноқ туйғуларни, нўртанали руҳий ҳолатларни кишини ҳаяжонга соладиган тарзда акс эттиради. Шеър битаётганда ўзини ҳадеб жидовлайвермайди. Унинг шеърлари ўз муаллифларининг қандай одамлигини аён кўрсатиб турувчи бадий ҳужжатлардир.

Бадий адабиёт турлари

Бадий асарлар уч турга бўлинади: эпик асарлар, лирик асарлар, драматик асарлар. Шундай бадий асарлар бўладики, уларда ёзувчи одамларнинг ҳаёти, муносабатлари, уларни ўраб турган воқеликка доир ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилади. Бошқа бир хил асарларда одамларнинг ҳаёти, тақдирлари ва ўзаро муносабатлари ҳикоя қилинмайди, балки кўрсатиб берилади. Яна бир тур асарлар борки, уларда ҳаёт ҳодисалари

таъсирида муаллифининг қалбида пайдо бўлган кечинмалар акс эттирилади.

Сиз ўқишни ўрганганингиздан бери жуда кўп эртақ, ҳикоя, қисса ва романлар ҳам ўқиб чиққансиз. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг „Улоқда“, „Қўрқинч бир жасорат“, Абдулла Қаҳҳорнинг „Бемор“, „Даҳшат“, „Ўғри“ сингари асарлари сизда чуқур таассурот қолдирган бўлиши керак. Уларда бир ёки бир неча образнинг ҳаёти, тақдири, уларнинг атрофида яшаётган, улар билан алоқада бўлиб турган бошқа кишиларнинг ҳаёти, табиати ҳақида муаллиф ҳикоя қилиб берган. Худди шу хилдаги асарлар эпик асарлардир. Бир ёки бир неча одамнинг ҳаёти, тақдири, уларнинг бошқа одамлар билан муносабати ҳақида ҳикоя қилувчи, образларнинг характер хусусиятларини акс эттирувчи бадний асарлар эпик турдаги асарлар дейилади.

Эпик турдаги асарларнинг ўзи эртақ, масал, роман, қисса, ҳикоя сингари бир қатор жанрларга бўлинади.

Сиз ҳали боғчага ҳам бормаган пайтингизда, бешикда ётганингизда онангиз сизни алла айтиб овутган. Бир оз улғайиб, боғчага борганингизда турли қўшиқлар айтишни, шеър ёдлашни ўргангансиз. Яна ҳам ўсиб, олтти-етти ёшга етгач, рамазон ойларида „Ёрамазон“ деб номланувчи, март ойида йилбоши киргач, „Бойчечак“ деб аталувчи қўшиқларни куйлаб юргансиз. Мактабда ўқий бошлаганингиздан бери ҳазрати Алишер Навоийдан тортиб Чўлпонгача бўлган кўплаб шоирларнинг шеърлари билан танишгансиз. Анчагина шеърларни ёд ҳам олгансиз. Ўша сиз қўшиқ қилиб куйлаган, ёд олиб айтиб юрган асарлар лирик асарлардир.

Шоирнинг туйғулари, кечинмалари акс эттирилган бадний асарлар лирик асарлар дейилади. Муаллифнинг туйғулари у ёки бу ҳаёт ҳодисаси натижасида туғилади. Чўлпоннинг „Бинафша“ шеърини эслаб кўринг. Унда бинафшанинг қаердан пайдо бўлиб қолганлиги, қандай ўсганлиги, ким томондан, қачон юлиб ташланганлиги ҳикоя қилинмайди. Балки шоир топталган бинафшани кўргандан сўнг ўзида пайдо бўлган кечинмаларини, ҳиссиётларини акс эттиради. Лирик асарларнинг ўзига ҳослиги шундаки, улар ўқувчиларни тезда ўзига ром қилади. Уларни шоир тушган ҳолатга яқин аҳволга солиб қўяди. Лирик турдаги асарларнинг ҳам рубоий, туюқ, тўртлик, муҳаммас, ғазал, мурабба, мусаллас, мусамман, муашшар, сонет ва ҳоказо жанрлари мавжуддир. Сиз ўзингизни бир қадар таниб, атрофдагиларнинг гапини тушунадиган бўлганингиздан буён жуда кўп теле ва кинофильмлар томоша қилгансиз. Аввал боғчангиздаги саҳнада, эндиликда мактаб саҳнасида катта-кичик интермедиялар, спектакллар кўргансиз ва кўрмоқдасиз. Айримларингиз театрларда спектакл кўрган ёки радио орқали пьесалар тинглаган бўлишингиз мумкин. Мана шу сиз кўрган ва эшитган томошаларингиз асосида ҳам бадний адабиёт ётади.

Қизиғи шундаки, бу хилдаги асарларда муаллиф мутлақо иштирок этмайди. У на ҳикоя қилиб беради, на ўз кечинмаларини, туйғуларини билдира олади. У образлар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг тақдири, феъл-атворларини ҳолисона кўрсатиб бера олади, ҳолос. Бу хилдаги асарлар драматик асарлар деб юритилади.

Саҳнада қўйиш учун яратилиб, ҳаракат, монолог ва диалоглардан иборат бўлган, муаллиф асарда тасвирланган воқеаларга ҳам, унда иштирок этаётган образларга ҳам ўз муносабатини бевосита ифодаламайдиган бадий асарлар драматик асарлардир. Драматик турдаги асарларнинг ўзи ҳам фожа (трагедия), комедия, драма сингари жанрларга бўлинади.

Эпик тур юнонча эпос сўзидан олинган бўлиб, ривоя, ҳикоя маъноларини англатади. Лирика юнонларнинг рубобга ўхшаб кетадиган чолғу асбоби (лира) номидан олинган ва лира жўрлигида айтиладиган ижрочининг кечинма ва туйғуларини тасвирловчи қўшиқлар маъносини билдиради.

Драма юнонча ҳаракат деган маънони ифодалайдиган сўздир. Бундай номланишда адабий турнинг энг асосий хусусияти – саҳна асаридаги ифода образларнинг ҳаракатлари орқалигина юзага келиши, билдирилиши ҳисобга олинган.

Ғажоб ва тилширарчлар:

1. Эпик турга ҳос жиҳатларни ажратиб кўрсатинг ва мисоллар келтиринг.
2. Драматик асарларга ҳос белгиларни аниқланг ва бу турдаги асарларга мисоллар келтиринг.
3. Лирик турдаги асарларнинг ўзига ҳос жиҳатларини санаб кўрсатинг.

4. Қуйидаги тест саволларига жавоб беринг.

1. Усмон Носир қайси туйғуни «селдай келувчи», қалбни «жаллоддек тилувчи» деб таърифлаган?

А. Нафрат Б. Илҳом С. Умидсизлик Д. Қувонч Э. Қайғу

2. «Тилим чарчар, ажаб, гоҳи Сени таржима қилмоқдан» сатрларида ифодаланган юракни таржима қилишнинг маъносини тошинг.

А. Бадий ижод Б. Таржима билан шуғулланиш С. Илмий асарлар ёзиш Д. Кўнглини бировга ёзиш Э. Дўстлар билан суҳбат

3. «Яна шеъримга» шеърининг биринчи банди қайси шоирнинг сатрларини ёга туширади?

А. Навоий дostonидан парчани Б. Зулфиянинг «Ойдинда» шеърини С. Чўлпоннинг «Гузал» шеърини Д. Атоий ғазалини Э. «Равшан» дostonини

4. Қуйидаги мисралардан қайси бири «Насимга деганим» шеърисидаги лирик қаҳрамон характерини тўлароқ очади?

А. Олдимда кутадир имтиҳон...

Б. Бахтлиман, жангларга ярасам...

С. Силлигим беларар, ҳеч гапмас...

Д. Уйлашиб кўзингга қарасам...

Э. Насима, ичман рост қасам...

ХОТИМА ЎРНИДА

Азиз ўқувчи! Мана, сиз билан хайрлашув вақти ҳам келди. Сиз ўқув йили давомида бир қанча шеърлар, дostonлар, ҳикоялар, қиссалар ва ҳатто романдан олинган парча билан ҳам танишдингиз. Уларда тасвир этилган қахрамонлар ҳаёти билан ошно бўлдингиз. Йил давомида уларнинг ташвишига шерик бўлдингиз, қувончларини ҳам баҳам кўрддингиз. Шу тариқа, сиз бошқаларни тушунишга, уларнинг шодлиғу ғамларини англашга бир қадар одатландингиз. Сизнинг бадний адабиёт борасидаги билимларингиз ҳам бу йил ўзлаштириб олган назарий маълумотлар ҳисобига сезиларли даражада бойиди. Сиз, авваллари, фақат ўқитувчингиз айтган нарсаларнигина ўқишга ўрганган бўлсангиз, эндиликда ўзингиз мустақил равишда китоблар танлай бошладингиз. Чунки сиз мустақил ўқини қандай амалга оширилишидан хабардор бўлиб бормоқдасиз.

Бизни умидлантирган энг муҳим нарса: ўргатилаётган ҳар бир асар юзасидан сиз йил давомида мустақил фикрлашга, ўз тушунчаларингизни баён этишга ҳаракат қилдингиз. Мустақил фикрлай олиш ҳар бир одам учун эришиши зарур бўлган юксак маррадирки, сиз шу йўлга дадил қадам қўйдингиз. Сизга дарсликда келтирилган асарлар юзасидан на муаллифларнинг, на ўқитувчиларнинг тайёр хулосалари берилган. Сиз бу хилдаги хулосаларни ўзингиз чиқаришга интилддингиз. Уйлаймизки, сиз бадний асарга ёндашиш йўлларини, уш таҳлил қилиш йўриқларини анча ўрганиб олдингиз.

Ўқув йили давомида турли жанрлардаги қизиқарли бадний асарлар билан ўқитувчиларингиз раҳбарлигида мустақил ишладингиз. Бу бизни жуда қувонтиради. Адабиёт - сир у синоатга бой бир дунё. Унинг ҳали сиз билмайдиган, лекин билмасангиз ҳаётингиз кемгикроқ бўлиб қоладиган жиҳатлари жуда кўп. Демак, сиз янаги ўқув йилида ҳам бадний адабиёт билан астойдил шуғулланишингиз керак бўлади. Гўзал бадний сўз замиридаги яширин маъноларни очишнинг янги босқичига кирасиз. Бу йўлда сизга омад ёр бўлсин!

Ўқув йили давомида доимий ҳамроҳ бўлган ушбу дарслик сизда қандай таассурот қолдирди? Сизга ёқдимми? Қайси асарлар, нима учун ўзига ром этди? Эҳтимол, кўнглингизга унчалар ўтиришмаган, тушунилиши оғирроқ бўлган мавзулар ҳам бордир. Демак, сизга ёқинқирамаган асарлар ҳам бўлиши мумкин. Шулар ҳақида ўқитувчингиз билан фикрлашинг. Қарашларингизни неботлашга ҳаракат қилинг. Бунинг учун дарсликдаги яхши ва ёмон жиҳатларни аниқ кўрсатиб беринг.

Умид қиламизки, сиз таътил вақтида ҳам бекор юрмайсиз. Бадний адабиёт билан тиллашиб борасиз. Китоб ўқиб, тенгдошларингиз билан улар ҳақда фикрлашасиз. Саккизинчи синфга бадаийингиз чиниқиб, ақлингиз пешланиб, юрагингиз покланиб соғ-омон келасиз. Таътилингиз кўнглили ўтсин! Саккизинчи синфда учрашгунча омон бўлинг!

МУНДАРИЖА

Бадий сўз қудрати.....	3
Кўзим қароғидасан, Ватан!	
Шавкат Раҳмон.....	11
Шеърлар.....	13
Табиат лирикаси.....	19
Муҳаммад Али.....	21
Гумбаздаги нур.....	24
Чингиз Айтматов.....	40
Олтовлон ва еттинчи.....	42
Ўйларимнинг чексиз осмони	
Шукур Холмирзаев.....	53
Ўзбеклар.....	54
Рауф Парфи.....	76
Шеърлар.....	78
Рауф Парфи шеърлари тўғрисида.....	84
Омон Матжон.....	86
Шеърлар.....	87
Омон Матжон шеърлари ҳақида.....	92
Мирзоҳид Мирзараҳимов.....	94
Ишҳо (қиссадан парча).....	95
Умар Хайём.....	110
Рубоийлар.....	111
Умар Хайём рубоийлари ҳақида.....	113
Бойдилда Сарнўғаев.....	117
Шеърлар.....	118
Муқаддас туйғунинг жилваси	
Равшан.....	121
Равшан достони ҳақида.....	143
Бадий образ ҳақида.....	147
Атойи.....	150
Ғазаллар.....	152
Шеърӣ санъатлар - ғазал кўрки.....	156
Абдулла Қодирӣ.....	161
Кўркинч бир жасорат («Меҳробдан чаёи» романидан).....	162
Ҳамид Олимжон.....	189
Шеърлар.....	189
Ҳамид Олимжон шеърлари ҳақида.....	192
Зулфия.....	194

Шеърлар.....	195
Лирика ҳақида.....	200

Сўз – ҳикмат, сўз - қурол

Абдулла Қаҳҳор	201
Ўғри.....	201
Даҳшат.....	205
Маҳмур	214
Ҳапалак.....	215
Маҳмур ҳажвиёти ҳақида.....	218
Жаҳон отин Увайсий	220
Шеърлар.....	221
Чистон, қофия ва радиф ҳақида.....	223
Миртемир	226
Шеърлар.....	227
Расул Ҳамзатов	233
Шеърлар.....	234

Ҳақиқатдир менинг юлдузим

Алишер Навоий	237
„Ҳайрат ул-аброр“ асаридан.....	240
«Шоҳ Ғозий» ҳикояти ҳақида.....	254
„Сабъан сайёр“ достони.....	256
Ташбиҳ, таносуб, ирсоли масал ҳақида.....	284
Чўлпон	286
Шеърлар.....	287
Кўчим ҳақида.....	294
Усмон Носир	296
Шеърлар.....	297
Усмон Носир шеърлари ҳақида.....	300
Бадний адабиётнинг турлари.....	302
Хотима ўрнида.....	305

